

Техник ихтироларнинг тараққиёт гарови эканлиги бўйича фикрлар кенг тарқалган. Бу мутлақо хатодир. Техник ихтироларнинг пайдо бўлиши узоқ вақт давомида техника тараққиётининг соясида қолиб кетган ижтимоий инновациялар туфайли мумкин бўлиб қолган.

Сиз ўз кўлингизда яқинда 50 тилга таржима қилинадиган ва турли тилларга таржима қилиш бўйича «Калевала» миллий эпосидан кейин Финляндияда иккинчи ўринда турадиган китобни ушлаб турибсиз.

Бир вақтлар Финляндия, ЮНИСЕФнинг ёрдамани олган илк мамлакат бўлган. Унга гуллаб-яшнаётган давлат бўлишга нима имкон берди? Гуллаб-яшнаш сирлари маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва солиқ қонунчилиги, университетгача бўлган бепул таълим, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқчилиги, 100 000 та кучли жамоат ташкилотлари, ҳамжихатлилиқ жамияти, коалиция ҳуқуматлари, қарорларнинг давлат, касаба уюшмалари ҳаракати ва иш берувчилар томонидан биргаликда қабул қилинишидан иборатдир. Лекин уларнинг орасидаги энг муҳими бўлиб ишонч хизмат қилади. Финляндияда фуқаролар амалдорлар, полиция, яқин атрофдаги мактаб ва кўшниларга ишонишади. Финляндияда бир-бирига ёрдам бериш ҳалигача ҳам одат тусидадир.

Илкка Тайпале, психиатр, сиёсатчи ва тинчлик учун кураш ҳаракатининг фаол иштирокчиси. Шунингдек, у «Россия – Мои Амоу» китобининг муаллифидир. Ушбу китоб муаллифнинг Финляндияга кўшни бўлган мамлакатларда 50 йилдан ортиқ вақт давомидаги саргузаштларини баён қилади.



ISBN 978-9943-59-877-5



9 789943 598775



ИЛККА ТАЙПАЛЕ ТАХРИРИ

ФИНЛЯНДИЯНИНГ 100 ТА ИЖТИМОЙ ИННОВАЦИЯСИ

ИЛККА ТАЙПАЛЕ
тахрири



ФИНЛЯНДИЯНИНГ 100 ТА ИЖТИМОЙ ИННОВАЦИЯСИ



ФИНЛЯНДИЯ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ
ФИНЛЯНДИЯ БЎЛДИ: СИЁСИЙ,
ИЖТИМОЙ ВА МАИШИЙ
ИННОВАЦИЯЛАР



ФИНЛЯНДИЯНИНГ 100ТА ИЖТИМОЙ ИННОВАЦИЯСИ

ФИНЛЯНДИЯ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФИНЛЯНДИЯ БЎЛДИ:
СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙ ВА МАИШИЙ
ИННОВАЦИЯЛАР

“SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2019

УЎК 94:908(480)

КБК 66.3(4 Фин)

Т – 17

Илкка Тайпале ва муаллифлар

Янгиланган учинчи нашр
Муқова дизайнери: Эмми Кююронен
Таржимон: Рустамжон Суванқулов

Т – 17 **Илкка Тайпале**

Финляндиянинг 100 та ижтимоий инновацияси./
Финляндия қандай қилиб Финляндия бўлди: сиёсий,
ижтимоий ва маиший инновациялар. – Т.: “Sharq”,
2019. – 336 бет.

ISBN 978-9943-5987-7-5

УЎК 94:908(480)
КБК 66.3(4 Фин)

ISBN 978-9943-5987-7-5

© “Sharq” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси, 2019.

МУНДАРИЖА

Президент Саули Ниинистёнинг кириш сўзи
Президент Тарья Халоненнинг кириш сўзи
Китобхонларга

БИРЛИК АСОСИ

1. Бир палаталик парламент
2. Парламентнинг конституциявий қўмитаси
3. Келажак масалалари бўйича парламент қўмитаси
4. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш
5. Ошкоралик тамойили
6. Аҳоли сони рўйхати
7. Коалицион ҳукуматлар
8. Триада
9. Аёллар учун овоз бериш ҳуқуқи ва 40 фоизлик квота
10. Коррупция билан курашиш
11. Икки тиллилик
12. Аланд ороллари – Финляндиянинг автоном худуди
13. Саамлар

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

14. Жамоат ташкилотлари мамлакати
15. Шаҳар жамоат ҳаётининг янги маданияти
16. Йўл ўртоклиги
17. Ўйин автоматлари ассоциацияси
18. Касаба уюшмаси ҳаракатининг шаклланиши
19. Партияларни молиявий қўллаб-қувватлаш
20. Талабалар иттифоқининг иқтисодий мухторияти
21. «НЮТКИС» номли аёллар ташкилотлари коалицияси
22. «КЕРА» номли ривожланаётган мамлакатлар билан хамкорлик қилиш маркази
23. Тинчлик станцияси
24. «Прометей» оромгоҳлари ва ёшлар фалсафий йиғилиши
25. Умумий жавобгарлик кампаниялари
26. «Қизил хоч»нинг очлик куни

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

27. Шимолий мамлакатлар ҳамкорлиги
28. «Шимолий ўлчов»
29. Торнио ва Хаапаранта – эгизак шаҳарлар
30. Чўкинтирган жамоалар ҳаракати
31. Демилитаризация қилинган Аланд ороллари
32. Карелларнинг кўчирилиши
33. Пассив қаршилик
34. Мартти Ахтисаарининг тинчликпарварлик фаолияти ва мероси
35. Ярадор асирларни айирбошлаш операцияси
36. Сарҳадсиз тарихчилар

МАДАНИЯТ

37. Фин адабиёти жамияти
38. Фин-угор жамияти
39. Кутубхоналар
40. Бошланғич ўрта мактаб
41. Бошланғич мактабдан университетгача бўлган бепул таълим
42. Педагогик таълим
43. Фин болалари орасидаги саводхонлик даражаси
44. Финляндия олий таълим муассасаларини марказсизлаштириш
45. Давлат талабалар стипендияси
46. Фин тамал санъат таълими ижодий ёндашувнинг новатори сифатида
47. Катталар учун очиқ таълим
48. Рангли расмлардаги нота саводхонлиги
49. Финча ҳикоялар айтиш услуги

САЛОМАТЛИК

50. Саломатлик марказлари
51. Аёллар ва болалар маслаҳатхоналари
52. Талабалар соғлигини сақлаш жамғармаси
53. Ишлаб чиқаришда меҳнат ва соғлиқни сақлаш

54. Ўлимга олиб келувчи ЙТХ сонини икки баробар камайтириш
55. «Шимолый Карелия» лойихаси
56. «Шизофрения» лойихаси
57. Ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш
58. Жинсий йўл орқали юқадиган инфекциялар тарқалишининг олдини олиш
59. Тамакига қарши қонунчилик ва тамаки компанияларига қарши суд даъволари
60. Фин тишларининг соғломлигининг юз йиллик тарихи

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

61. Ижтимоий уй-жойлар қурилиши
62. Хароба уйларга – йўқ!
63. Уй-жой биринчи навбатда Ҳ жамғармасига
64. Талабалар уй-жойи
65. 24-соат хизмат кўрсатиладиган хонадонлар
66. Финляндиядаги лўлиларнинг аҳволи
67. Уй-жой бошқарувлари
68. Меҳнат нафақалари тизими
69. Болалар мактабгача таълими
70. Болаларга уйда қараш учун нафақа
71. Болага қараш учун оталарга меҳнат таътили
72. Оналик пакети
73. Мактабдаги бепул овқатланиш
74. Уруш ногиронларига ғамхўрлик қилиш
75. «Абилис» жамғармаси
76. Яқинларга ғамхўрлик қилиш учун нафақа
77. Камбағаллик билан кураш
78. Ёлғиз яшаш – янги глобал тренд
79. Қарзларни узиш ва Кафолат жамғармаси
80. Ижтимоий кредитлаш
81. Спиртли ичимликлар монополияси
82. Ноябрь ҳаракати
83. Уч фоиз назарияси
84. Ҳуқуқий ёрдам ва жиноят натижасида етказилган зарарни

- қоплаш
85. Суднинг томонларни яраштириши

ИЖТИМОЙЙ ТЕХНИКА

86. Линукс
87. Матнли хабарлар
88. IRC, ёки интернет-чат
89. Молотов коктейли

КУНДАЛИК ҲАЁТДАГИ ҚУВОНЧ

90. Шанбалик
91. Сауна
92. Қор-бобо (Йоулупукки)
93. Рождество йўлакчаси
94. Фин тангоси
95. Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи
96. Ҳар бир кун муҳаббати
97. Қишки балиқ ови
98. Муздаги дарчада чўмилиш
99. Фин лаптаси
100. Скандинавчасига юриш, ёки таёқлар билан юриш
101. Идиш-товоқларни қуришиш шкафи
102. Кир ювиш ҳавозалари
103. Қуруқ хожатхона
104. «Телбалар ҳаётдан» латифалар
105. «Африка Юлдузи» ўйини

ХОТИМА

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КИРИШ СЎЗИ

Доцент Илкка Тайпаленинг таъкидлашича, «Ҳар сафар тангалар жиринглашини эшитганимда, ёки пивони очиб ичганимда, менинг ақлимга дарҳол бирон-бир эътиборга лойиқ ғоя келади». Фин инновациялари каталоги ҳам айни шундай ғоялардан биридир.

Инновациялар – бу қандайдир товар ва хизматларни ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ва мукаммаллаштиришига эмасдир. Инновациялар ижтимоий ҳам бўлиши мумкин: амалиёт давомида амалга оширилган ва кишиларнинг жамият ҳаётидаги иштирокига ўз ҳиссасини қўшувчи ечимлар одатда моддий бойлик ва саломатлик, таълим ва фаровонлик даражасини ошириб боради.

«Инновация» тушунчасини кенгайтириш – яхши ва тўғри фикрдир. Бизнинг фаровонлигимиз фақатгина янги техник ечимларнинг жорий этилиши ва фаолиятга киритилишига эмас, балки жамият ривожланиши ва тараққиётга ҳам асослангандир. Китобда кўпгина ўз табиатига кўра турли хилдаги ижтимоий ихтироларнинг тақдим қилингани, мутолаанинг ажойиб ва қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Инновацияларни қайси бири яхшироқ, муҳимроқ ёки мохирроқ эканлиги жиҳатидан рационал таснифлашнинг иложи йўқдир. Инновациялар рўйхати кундалик ҳаётни осонлаштирувчи амалий ечим ва мавзуларни ўз ичига олгани каби, фуқароларнинг фаровонлигига салмоқли даражада ижобий таъсир кўрсатувчи, жамиятга алоқадор ечим ва фаолият турларини ҳам ўз ичига олади.

Менинг севимли инновациям, фуқаролар тенглигини таъминлаш бўйича имкониятлар яратишга дахлдордир. Бепул таълим ва талабаларни кредитлаш тизими, ижтимоий ёки иқтисодий ҳолатидан қатъий назар, барча учун таълим олишга имкон берди.

Шунингдек, китоб ичига ихтирочилари юмор ҳиссидан фориг бўлмаган инновациялар ҳам киритилган. «Африка Юлдузи» ўйини шундай инновацияларга мисолдир.

Орамиздан кетиб бўлган собиқ бош муҳаррир Аймо Кайрамо (Aimo Kairamo) қачонлардир айтган эди: «Илкка Тайпалега, нимага сарфлаш учун сўраганидан қатъий назар, доимо пул бериш арзигулиқдир. Ҳар қандай ҳолда ҳам у яхши ишларга сарфланади».

Илкка Тайпале муҳаррирлигидаги ушбу китоб ҳам бунга ёрқин мисолдир. Ушбу китоб кўпгина тилларга таржима қилиб бўлинган. Бизнинг ижтимоий инновацияларимизга бўлган қизиқиш, Финляндия чегараларидан анчагина йироққа чўзилган.

Аҳоли фаровонлигини шакллантириш ва сақлаб қолиш доимий ривожланиш ва такомиллаштиришни талаб қилади. Умид қиламанки, ушбу китоб турли фаолият соҳаларидан бўлган ихтирочилар учун янги ва янада мукамал инновацияларни яратишга тўртки бўлади.

Саули Нинистё,
Финляндия Республикаси Президенти

КИТОБНИНГ БИРИНЧИ НАШРИГА ЁЗИЛГАН КИРИШ СЎЗИ

Дунё тезлик билан ўзгармоқда. Келажак томонидан биз учун тайёрланаётган янги мураккаб муаммоларни қандай енгишимиз мумкин? Кўпгина бошқа мамлакатлардаги каби Финляндияда ҳам инновацияларни яратиш ва улардан самарали фойдаланишга етакловчи модел ва тизимлар мажмуаси амалга ошмоқда. Бироқ, муваффақият фақатгина табиий фанлар ёки техник ихтироларга асосланган эмас, гарчи улар, албаттаки, фаровон жамият курилишида бекиёс кўмакчидирлар.

Финляндиянинг юксак рақобатбардошлиги ва турмуш даражасининг юқори эканлигига сабаб, айни вақтда жамият томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаган ҳолда, кишининг тадбиркор бўлиши ва ўзини ўзи ривожлантиришини рағбатлантирувчи фаровон жамиятдир. Демократия, инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий давлат тамойилларини ҳурмат қилиш, ҳамда амалдаги бошқарув тизими жамиятимизнинг мустаҳкам асосини ташкил этади. Давлат ва ҳокимликлар Финляндиядаги соғлиқни сақлаш ва ижтимоий сиёсатда, шунингдек, таълим тизими ва тадқиқот фаолиятларида муҳим рол ўйнайди. Бироқ, фуқароларнинг ўзлари ҳам ташаббускор сифатида, ҳам турли хил жамоат ташкилотларидаги хизматларни етказиб берувчилар сифатида тизимнинг фаолият юритишини таъминлашади.

Шимолий Европадаги бешта давлатларнинг барчаси ўтказилаётган халқаро таққослашларда ҳам рақобатбардошлик параметрлари, ҳам коррупцияга мойиллик даражасини қиёслаш бўйича яхши ўринларга эгадирлар. Ушбу китобнинг юздан ортиқ мақолаларида таърифланган, турли хил ва тоифадаги фин ижтимоий инновациялари орқали Финляндиядаги жамият ва унинг фаолият тамойиллари билан танишиш мумкин. Аминманки, ушбу китобдан ҳар бир инсон ўзи учун бирон бир янгилик қабул қилади.

Ушбу китобда таъриф қилинган баъзи инновациялар кўп кирралидирлар ва гарчи, уларнинг баъзиларида қизиқарли фарқлар мавжуд бўлсада, уларни айрим бир давлатларда ҳам учратиш мумкин

Ушбу китобда берилган инновацияларнинг кўп қисми бизнинг жамиятимизда ўн йиллар давомида қўлланиб келинмоқда ва балким, улар келажакда ҳам фойдали бўлиши мумкин. Бутун жаҳонда ўзгаришларга сабаб бўлаётган глобаллашув биз учун эътиборга олишимиз керак бўлган янгидан янги масалаларни тайёрламоқда. Уларни ҳал этишда биз учун янги инновациялар керак бўлиши мумкин. Биз келажакда ҳам бир-бирига душман бўлмаган, аксинча, эҳтимол ҳамкор бўлган фаровон жамият ва ракобатбардошликни бирлаштиришимиз керак.

Ушбу китобнинг муҳаррири ва муаллифларидан бири бўлган, депутат, тиббиёт фанлари доценти Илкка Тайпаленинг ўзини ҳам ижтимоий инноватор десак бўлади. У фин ижтимоий сиёсати соҳасидаги фаолиятда фаол қатнашмоқда. Шунингдек, у ижтимоий инновациялар ёрдамида жамиятдаги энг кўп ҳимояга муҳтож ахволда бўлган инсонларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш учун курашмоқда.

Аминманки, ушбу китоб янги ғоялар манбаи бўлиб хизмат қилади ва у туфайли Сиз оламга бошқача кўзлар билан қарайсиз.

Тарья Халонен,

2000-2012 йилларда Финляндия Республикаси Президенти.

КИТОБХОНГА

1990 йиллардан бошлаб биз ижтимоий инновациялар – ижтимоий фаровонлик давлатимизнинг асоси сифатида, патентлаб бўлмайдиган инновациялар тўғрисида ҳам сўз юритадиган бўлдик. Ижтимоий инновациялар томонидан яратилган асос бўлмаганида эди, технологик инновацияларнинг ривожланиши ҳам мумкин бўлмас эди.

Ушбу китобда Финляндиянинг юзта ижтимоий, сиёсий ва кундалик ҳаётий инновациялари тақдим қилинган. Мақола муаллифлари сифатида ё ихтиро муаллифларининг ўзлари, ёки уларни кундалик ҳаётларида қўллаётганлар таъриф қилмоқдалар. Ушбу инсонлар ҳар хил ёш, мафкуравий эътиқод, касб ва ижтимоий

гуруҳлардандирлар, лекин уларнинг барчасини ушбу китобда берилган ихтироларга таъриф бериш мумкин бўлган қувонч ва жиддийат бирлаштирмоқда. Китобда ҳам йирик, ҳам йирик бўлмаган ихтиролар, ҳам киритилган кенг сиёсий янгиликлар, ҳам кичик кундалик қувончлар жамланган.

Китобнинг 2006 йилдаги, давлатимизнинг Европа Иттифоқида иккинчи бора раислик қилган давридаги фин тилида чоп этилган биринчи нашри, Финляндияда катта эътиборга сазовор бўлмади. Китобда сўз юритилаётган нарсалар одатий ҳол сифатида қабул қилинади. Мисол тариқасида сувнинг тозалиги каби. Финляндияда барча жойлардаги исталган сув жўмрагидан, ҳатто мамлакатдаги юз мингта кўлнинг исталган биридан, касал бўлиб қолишдан умуман кўркмасдан сув ичиш мумкин! Бирок, Нокиа шахрида (ўша ерда ўз вақтида «Нокиа» компанияси пайдо бўлган) хатолик туфайли оқава сувларнинг ичимлик суви тизимларига аралашиб кетганлиги ва минглаб одамларнинг касал бўлганидан сўнг, одатий ҳол деб билганларимизнинг кадр-қиммати тўғрисидаги савол ўртага чикди.

Ушбу китоб ва фин инновациялари халқаро аудиторияда қизиқиш уйғотди. Ҳозирги кунда китоб 28 тилга (албан, араб, бенгал, англиз, испан, форс, хинди, япон, қозоқ, корейс, латиш, литва, мандарин, мўғул, португал, пунжаби, поляк, француз, швед, немис, тамил, турк, украин, венгер, урду, белорус, рус ва ўзбек тиллари) таржима қилинган ва чоп этилган. Яна ўнлаб бошқа тилларда ҳам нашр қилиш режалаштирилган.

Қизиқарли томони шуки, қандай қилиб ночор ва уруш натижасида вайрон бўлган давлатдан, ўзининг барча ижобий ва салбий жиҳатларига эга бўлган, жаҳондаги энг тенг ҳуқуқли ва гуллаб-яшнаётган информацион жамиятлардан бири юзага келди. Ушбу китоб айнан шу ҳақида ҳикоя қилади. Жамиятнинг бир палатали парламент ва идиш-товокларни қуритиш шкафи, мактабгача таълим тизими ва гиламларни ювиш искаласи, шанбаликлар ва триада, қишки сузиш ва коалицион ҳукумат, Линукс операцион тизими ва фин Қор бобоси каби унсурлари битта илғор ривожланиш жараёнининг омиллари ҳисобланади. Қисқача қилиб айтганда, барчаси олтита сирга келиб тақалади. Бепул таълим, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, гендер тенглиги, фуқаролик жамияти, қарор қабул қилишдаги консенсус, Финляндиядаги барча

аҳоли учун кафолатланган ижтимоий ёрдам, буларнинг барчаси туфайли яратилган ишонч ва фуқаролар тинчлиги ушбу жараённинг илғор векторини кафолатлайди.

Биз, ушбу китоб асосида тузилган фин жамияти тўғрисидаги маърузалар билан, рафиқам Ваппу билан биргаликда ўнлаб мамлакатларни айланиб чиқдик ва бизнинг китоб ҳосил қилган улкан қизиқишнинг гувоҳи бўлдик. Финляндия элчихоналари ушбу китобни кўпгина мамлакатлардаги парламент ва ҳукумат аъзолари ўртасида тарқатишда фаол иштирок этдилар. Ушбу китобдан Жанубий Кореядаги давлат хизмати олий мактабида ўқув қўлланма сифатида фойдаланилмоқда ва саноат, савдо ва сиёсий бошқарув соҳаларидаги бошқарувчиларнинг бирданига етти юзтаси бу китоб нусхаларини олдилар. Қозоғистонда бу китобни мамлакат бўйича 2000та кутубхона олди, Мўғўлистонда эса бу китоб ҳар бир мактабда мавжуддир.

Бу каби китоблар бошқа мамлакатларда ҳам пайдо бўлишига умид қиламан. Чунки, ҳар бир мамлакатнинг бошқалар билан баҳам кўрадиган нарсалари бордир ва кўпгина мамлакатларда бундай инновацияларнинг сони янада кўпроқдир!

Барча мақола муаллифларига, шунингдек, менинг парламентдаги фаолиятим бўйича ёрдамчиларим Катри Седер ва Ольга Бустани (Боровкова), китобнинг биринчи нашр муқовасининг дизайнери Пильви Тайпале ва графика дизайнери Йёонас Лоутоненга чин дилимдан миннатдорчилик билдираман.

Ушбу китоб устида ишлаш ёқимли ва қизиқарли эди!

Илкка Тайпале,

Фахрий стажга эга парламент депутаты,

Тиббиёт фанлари доценти

БИРЛИК АСОСИ

1. БИР ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ

Аввалига мен жуда ҳайрон қолдим – бир палатали парламент қандай қилиб лакрица ва чекишга қарши қонун қаторида ижтимоий инновация бўлиши мумкин? Сўнгра бирданига тушундим: ахир у ушбу китобда санаб ўтилган барча ижтимоий инновациялар бошида турибдику. Мен жуда ҳурмат қиладиган давлатимиз парламентининг спикери бўлган ва парламент фаолиятини тўққизта сессия давомида бошқарган илк аёл сифатида шундай деб ўйлайман.

Илмари Киантонинг (Ilmari Kianto) «Қизил чизик» асарига (1910й.) бир дақиқагагина қараганимизда, инновациялар қандай шароитларда пайдо бўлганини тушуниш мумкин: «Бири сомон тутами билан дўппайиб турган, иккинчиси йиртиқ латта билан ямалган, учинчиси бука пуфаги билан тортилган ва фақатгина тўрттинчиси икки томондан қорайган қалай тугмаларига бойланган иплар ёрдамида ушлаб турилган, ёрилган яшилсифат ойна билан ярқираётган тўртта ойналик кулба деразасининг зич ўрмонга қандай термилиб турганини бирон-бир инсон ўйлаб кўрдими? Худди зич ўрмон илоҳи, ўзининг дарз кетган ва оғриққа ботган кўзлари билан атрофга қараётгани каби».

Ва биз худди шундай манзара ва шаҳарнинг тош уйларидан, умуман олганда, ўша пайтдаги Финляндиядан чизик тортидик ва унинг вақти келиб бизга кўп нарса олиб келишига ишонар эдик. Аслида ҳам шундай бўлди. Шаффоф ойнали бутун деразалар Европага ва умуман бутун дунёга очилган.

Финляндияда 1906 йилда сайлов ва давлат тизими тўғрисида қонун қабул қилинди. Кўпчиликнинг фикрига кўра, биз табақаларга асосланган ва жуда эскирган европача давлат бошқарув тизими моделидан энг замонавий модел – бир палатали парламентга ўтдик. 1906 йил 1-октябрда кучга кирган қонунга асосан, сайлаш ҳуқуқи ҳамма учун умумий ва тенг бўлди. Энг асосийси, эркаклар ҳам, аёллар ҳам ушбу ҳуқуққа бир вақтда эга бўлдилар. Сайлаш ва сайловда қатнашиш ҳуқуқига, 24 ёшга кирган фуқароларнинг барчаси эга бўлдилар. Янги қонун туфайли парламент сайловларида

сайлаш, ҳамда ўз номзодини қўйиш ҳуқуқини олган фуқаролар сони ўн баробарлаб ошди ва 1,2 миллионга етди.

Кўпинча ушбу мавзу бўйича, фин аёлларининг дунёда сайлаш ҳуқуқини қўлга киритган илк аёллар эмаслиги тўғрисида изоҳлар эшитиш мумкин. Янги Зеландия, Австралия ва баъзи Америка штатларидаги аёллар сайлашлари мумкин эди, аммо парламент сайловларида ўз номзодларини қўйишлари мумкин эмас эди. Илк бора аёл-депутатлар 1907 йилда Финляндияда сайландилар. Ҳам эркак, ҳам аёлларга бир вақтнинг ўзида берилган тенг ҳуқуқлилик, Финляндиянинг ўзига хос хусусияти ва унинг афзаллиги бўлди.

Буларнинг барчаси, Финляндиянинг Буюк Россия Князлиги бўлган, давлатни шоҳ бошқараётган ва давлатимиз учун осон бўлмаган даврларда юз берди. Ўша пайт Финляндия учун жуда қулай келди – Россия Япония билан бўлган урушда, шу жумладан Цусим жангида мағлубиятга учраётган эди. Унинг ҳудудларида тартибсизликлар, шу жумладан Финляндиядаги барча аҳоли тоифаларига ҳам таъсирини кўрсатган умумий иш ташлашлар ўртага чиқаётган эди. Бу эса, шоҳни янги давлат тизимига рози бўлишга мажбурлади.

Ушбу жараёнда умумий сиёсий аҳволнинг ривожланиши катта ўрин тутган бўлсада, Финляндия парламенти томонидан бажарилган ва аҳамиятга лойиқ бўлган тайёргарлик ишларини ҳам унутмаслик керак. Финляндиянинг партиявий тизими ҳали ривожланмаган эди ва оқилона ғоялар керак эди. Лео Мешелиннинг давлат арбоби сифатидаги зукколиги муносиб баҳоланди. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам катта иш бажардилар. Муаммолар етарли эди. Бир палатали парламент, фин ва швед тиллари, армияга ноқонуний чақирув ва кейинчалик, Финляндиянинг монархия бўлиш имкониятлари тўғрисидаги баҳслар олиб борилар эди. Узундан узоқ баҳслардан сўнг қарор бир палатали парламент фойдасига бўлди. Катта Қўмига эса иккинчи палата мақомига ўхшаш вазифа топширилди. Ҳозирда ушбу қўмига Европа Иттифоқи масалалари билан шуғулланмоқда.

Фин аёллар иттифоқи тенг сайлаш ҳуқуқига эга бўлишни ўз олдига мақсад қилиб олган эди. Лекин муаммонинг ўзи ҳатто иттифоқ аъзоларининг ўзларига ҳам ҳануз охиригача аниқ ва тушунарли эмас эди. Феминистик ҳаракат иттифоқида, иттифоқнинг

биринчи президенти Лусина Хагманнинг 1889 йилда ёзган «Аёлларнинг сайлаш ҳуқуқи тўғрисида»ги мақоласига қарамасдан, деярли шундай ҳолат устунлик қиларди. Ишчи аёллар иттифоқи аёлларнинг сайлаш ҳуқуқини қўллаб-қувватлашда аниқроқ ўрин тутарди. Аёллар ҳаракатлари ва Ишчи аёллар иттифоқи мақсадларидаги берилган урғу фарқ қиларди. Тенг сайлаш ҳуқуқи ва соғлом ҳаёт тарзи масалари бир-бири билан чамбарчас боғланган эди. Ичкиликка қарши қонун қабул қилиш ва сиёсий демократия тамойилларини ўрнатиш талаблари, бир бутуннинг қисмлари сифатида кўриб чиқилар эди. Шундай қилиб, умумий ва тенг сайлаш ҳуқуқлари ғояси, 1898-1899 йиллардаги ичкиликка қарши қонун қабул қилиш ҳаракати давомида аҳоли ўртасида кенг тарқалди.

Ҳар ҳолда, барча учун умумий ва тенг бўлган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи тан олинди. Ҳатто, Англияда бўлган вақтида ушбу янгиликни эшитган, халқаро жамиятда энг кўп танилган фин аёл-сиёсатчиси бўлмиш Александра Грипенбергни ҳам хайрон қолдирди. Шундан сўнг у бутун дунё назарининг ҳаракат қилиш ҳуқуқини ноодатий ҳолда қўлга киритган фин аёлларига қаратилганини бошқаларга эслатиш имкониятини ҳеч қачон бой бермади. Таълимга жуда катта талаб бор эди, чунки аёллар, ўзларини давлат идоралари ёки университетга қабул қилинишлари учун мурожаат қилишлари лозим эди. Фоҳишалик ва бошқа ахлоқий масалалар ҳам долзарб эди; иш барча аёл гуруҳлари ва тоифалари орасида етарли эди. Улар эркаклар билан бирга меҳнат қилишар эди. Бироқ, ҳозир ҳам деярли шундай бўлсада, айтиш мумкин бўладики ўзларининг кўринишлари, турмушга чиқмаганликлари, семизликлари ва бошқа томонлари учун масҳара қилинишга баҳона бўлдилар.

2017 йилда анчагина ютуқларни нишонлаш учун сабабларимиз бор, лекин яна кўп ишларни бажаришимиз керак. Аёлларнинг иш ҳақи миқдори, оилавий қонунчилик, туғилиш масалалари ҳар куни муҳокама қилинмоқда. Финляндияда илк бора 2000 йилда аёл президент сайланди, бош вазир лавозимини – 2003 йилда, парламент спикери лавозимини 1994 йилда аёл илк мартаба эгаллади. Кўпгина аёллар жамоа фаолиятида ҳам, бизнесда ҳам юқори поғоналарга кўтарилдилар ва аёллар йўлида турган ушбу девор кўп жойларда бузилиб бўлган. Бироқ, ҳал қилинмаган муаммолар етарлидир. Баъзан, парламентда қандай масалалар муҳокама қилинаётганини

эшитган вақтингда йиғлашни ҳам, кулишни ҳам билмайсан. Ҳали 1907 йилидаёқ, «Уй ва жамият» журналида парламент томонидан аёлларнинг ҳамжиҳат ҳаракатлари туфайли фоҳишалик ман қилинганлиги чоп этилган эди. Илк сайловларда баъзи аёллар, ўз овозларининг Финляндияда арокхўрликни батамом йўқ қилишга ёрдам беришига умид боғлашган эди. Лекин, XXI аср кириб келганлигига қарамасдан, ичкилик масалалари бўйича ҳанузгача ҳам қизғин мунозаралар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда XX аср бошида меҳнат қилган порлоқ давлат арбоблари бўлмиш эркак ва аёлларни табрикласак бўлади. Уларнинг бир палатали парламент ҳақидаги қарори тўғри бўлиб чиқди. Ушбу йўналишдаги ҳаракатларнинг барчамизнинг қувончимиз ва давлатимиз фойдаси учун давом этишига умид қилиб қоламиз.

Бизга парламентарийларимизнинг эришган ютуқлари қувонч бахш этади, улар ҳоҳ эркак бўлсин, ҳоҳ аёл. 1907 йилда Россия Думасининг депутатлари, Россиядаги Дон казакларидан келган «Биз, Дон казаклиги вакиллари, бизнинг ҳам улкан, аммо ҳанузгача занжирбанд бўлган она давлатимизда ҳам лойиқ бўлган аёлларни, шундай тенг-ҳуқуқлилик юксаклигига кўтарган давлатга табрик йўллашдан бахтиёрмиз. Яшасин ўз ватанининг тўла ҳуқуқли фуқароси бўлган фин аёли!» хабарини ҳам ўз ичига олган умумлаштирилган табрик телеграммасини юбордилар.

Риитта Уосукайнен,

Давлат маслаҳатчиси, 1994-2003 йилларда Парламент Спикери

2. ПАРЛАМЕНТНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚЎМИТАСИ

Конституцион судлар Финляндияда йўқ. Янги қонунлар қабул қилингани туфайли, қонунларнинг конституцияга мос келиши тўғрисидаги масалалар парламентнинг Конституцион қўмитасида кўриб чиқилади. Парламентнинг Конституцион қўмитаси, парламентнинг 16 доимий қўмиталаридан биридир. У 1906 йилдаги давлат қонунчилик тизими ислохотидан сўнг доимий органга айланди. Парламент доимий органларининг асосий вазифаси –

масалаларни парламент йиғилишларида кўриб чиқиш учун тайёрлашдан иборатдир.

Парламентнинг Конституцион қўмитаси қонунлар қабул қилиш, уларни ўзгартириш ёки рад этишга алоқадор масалалар билан шуғулланади. Шунингдек, қўмита конституцияга бевосита алоқадор бўлган қонунчилик масалалари бўйича саволларни ҳам тайёрлайди. Мисол учун сайлов қонунчилиги, юқори давлат бошқаруви органларига, Аланд ороллари мухториятида ўз-ўзини бошқаришга, шунингдек, фуқаролар қонунчилиги ва тил масалалари ва партиявий тизимга алоқадор бўлган масалалар шулар қаторидандир.

Сўнги пайтларда, хулосалар тузиш қўмитанинг бошқа вазифалари ичида иккинчи ўринга тушиб қолган. Бошқа қўмиталарнинг, уларнинг ўзлари шуғулланаётган масалаларига алоқадор қонунчиликларини ишлаб чиқиш қўмитанинг асосий вазифаси бўлиб қолди. Ҳозирда, қўмита томонидан таклиф қилинаётган қонунчилик лойиҳаларининг сони ошди: 1987-1990 йилларда фақатгина 51та хулоса тақдим қилинган бўлсада, 1999-2002 йиллардаги сессия давомида қўмита 199та, 2011-2014 йилларда 184та қонунчилик лойиҳалари бўйича ўз хулосаларини тақдим қилди.

Қонунчилик лойиҳалари устидаги ишлар конституциянинг 74-параграфидан баён этилган. Унга асосан қўмита кўриб чиқиш учун ўзига келиб тушаётган қонунчилик лойиҳалари ва бошқа масалаларнинг конституцияга, шунингдек, халқаро ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган инсон ҳуқуқларини таъминлашга тўғри келиши ҳақида хулоса тайёрлайди. Бундан ташқари, парламент низоми 38-параграфининг иккинчи пункти, кўриб чиқиладиган масаланинг конституция ёки инсон ҳуқуқлари бўйича келишувларга мос келиши бўйича гумон пайдо бўлганда, хулосалар бўйича ишлаётган қўмитага конституцион қўмитага мурожаат қилиш мажбуриятини юклайди.

Парламентда масалаларни кўриб чиқишдаги конституцион назорат шундай йўл орқали яратилди. Унинг ўзига хослиги шундаки, унинг фаолияти депутатлар сафидан танланган аъзолардан иборат бўлган орган томонидан олиб борилади. Ушбу ўзига хослик 150 йил аввал пайдо бўлган, тизимнинг шаклланиш ва ривожланишининг узоқ тарихи билан таърифланади.

Қўмита конституцияга риоя қилиш устидан назоратни бажариш давомида, ўзининг асосий вазифаси конституцияни талқин қилишдан иборат бўлган орган сифатида фаолият кўрсатади. Мисол учун қўмита, вазирнинг ноқонуний ҳаракатлари бўйича хулоса бериш кераклиги ёки депутатни мансабидан четлаштиришга доир далиллар пайдо бўлганда ҳам худди шундай «сиёсий бўлмаган» вазифани бажаради. Шундай ҳуқуқий вазифалар бўлишига қарамадан, қўмита таркиби бўйича ҳар қандай бошқа парламент қўмитаси кабир: унинг аъзолари парламентда қатнашадиган барча партиялар вакиллари.

Юридик масалаларни ҳал этишда қўмита бетарафликни сақлайди ва бунга бир нечта омиллар ёрдам беради. Амалда парламент фракциялари, қўмитада кўриб чиқиладиган ва шу фракцияга кирувчи қўмита аъзолари томонидан риоя қилиниши керак бўлган юридик масалалар бўйича қарор қабул қилмайдилар. Шунингдек, вазирлар ҳам қўмита аъзоларининг мустақил фаолиятига таъсир этишни ўз олдларига мақсад қилиб олмаганлар. Масалаларни конституция бўйича кўриб чиқиш тўлиқ қўмита аъзолари томонидан олиб борилади. Ўзи томонидан олдинроқ қабул қилинган барча қарорларидаги мунтазамлик қўмита фаолиятига хосдир.

Мутахассисларнинг меҳнати қўмита ҳолатини шакллантириш давомида муҳим ўринга эгадир. Қўмита конституцияни талқин қилиш бўйича бўлган ҳар бир ҳолатда, мамлакатнинг турли хил университетлари мутахассисларининг фикрларини тинглайди. Қўмитанинг ҳар бир йиғилишида, мутахассислар қўмитанинг конституциявий ҳолатлар бўйича талқинини, ҳамда ушбу масалалар бўйича ўз талқинларини таҳлил қиладилар.

Одатда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича мутахассисларнинг фикрлари бир-бирига камдан-кам ҳолларда мос тушади. Бироқ, бу кўпчиликнинг фикри қўмитанинг умумий фикрини келтиради дегани эмас. Бошқа томондан, қўмита кўпчиликнинг фикрини эътиборсиз қолдирилмаслиги ҳам аёндыр. Мутахассисларнинг фикр ва тавсиялари, қўмита аъзоларига бирон-бир масала бўйича тутган ўз ўринларини шакллантиришга йўналиш бўлиб хизмат қилади. Қўмита аъзолари музокаралар орқали бир фикрга келадилар. Бироқ, кўпчилик фикрдан фарқ қилувчи фикрга эга бўлган ва ўз фикрида

охиригача турган қўмита аъзоси, унинг фикри қўмитанинг якуний хулосасида алоҳида равишда кўрсатилишини кутишга ҳақлидир.

Масалан, қўмита ўзининг хулосасида, қонунчилик таклифининг конституцияга мос келиши тўғрисидаги ўз баҳосини келтиради. Агарда қўмита, берилган таклифни конституцияга зид деб ҳисобласа, у ҳолда хулоса қонунчилик лойиҳасининг конституцияга мос келиши учун қандай ўзгартирилиши кераклиги тўғрисидаги кўрсатмалар билан бирга берилади. Қўмита томонидан таклиф қилинадиган ўзгартиришлар, қонунчиликка киритиладиган матн ўзгартириш шаклида эмас. Бироқ, улар ўзгартириш киритишдан кўзланган мақсадга таъриф беришади ва уни қандай қилиб шакллантириш бўйича мисолларни ҳам кўрсатиб ўтишади. Амалда қонун чиқарувчи бошқа қўмиталар, ўз фаолиятларида қўмита томонидан ишлаб чиқилган конституцияга мослик бўйича фикр ва мулоҳазаларини инобатга олишади. Ва ниҳоят, пленум йиғилишида масалаларни ҳал қилиш жараёнининг конституцияга мос бўлишини назорат қилиш парламент спикери вазифасига киради.

Умумий қилиб айтганда, қўмита конституцияни талқин қилиш ҳолатларидаги ўз лаёқати бўйича тўлиқ ишончга эга. Ишончнинг етишмаслиги муаммоларни келтириб чиқарар эди, чунки қўмита томонидан узоқ вақт давомида амалга оширилаётган дастлабки назорат қонунчилиқнинг конституциявий назоратининг ягона шакли эди. 1919 йилда қабул қилинган Финляндия конституциясига биноан, қонунларнинг конституцияга мос келишлиги тахлили суд тизими қўлида эмас эди. Кейинчалик ушбу ҳолат барибир ўзгарди: 2000 йилдаги янги конституциянинг 106-параграфи «Суд томонидан иш кўриб чиқилаётган вақтда, қонун кўрсатмасини бажариш конституцияга очиқчасига зид келса, у ҳолда суд конституцияга афзаллик беришга мажбур» деб айтади. Янги конституциянинг амал қилиш даври давомида, қонун ҳолатларига нисбатан конституциянинг афзал кўрилганлиги бўйича атиги бир неча воқеа содир бўлганлиги, парламентнинг конституциявий қўмитаси томонидан олиб борилаётган конституциявий назорати самарадорлигига ёрқин мисолдир.

Ярмо Вуоринен,

*Собиқ Парламент Бош Секретарининг ўринбосари,
ҳозирда нафақада*

3. КЕЛАЖАК МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТ ҚЎМИТАСИ

Барча мамлакатларда парламент ҳукмдорлигини қонунчилик ҳукмдорлиги ва бюджет ҳукмдорлигига ажратса бўлади. Финляндиянинг парламенти ноёб ва ягонадир, чунки унинг ҳукмдорлик шакларида келажакни прогноз қилишга алоҳида эътибор берилган. Йигирма йилдан аввалроқ парламент қошида алоҳида қўмита – Келажак масалалари бўйича қўмита ташкил қилинган эди. У ханузгача аъзолари депутат бўлган ва келажакка доир масалалар ечимини топиш билан шуғулланадиган, дунёда ягона бўлган парламент қўмитаси ҳолидадир. Унинг иккинчи, янада аниқроқ бўлган вазифаси – технологияларнинг жамиятга таъсирини баҳолаш, дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам бирон-бир бошқа қўмиталарнинг (одатда, булар фан ва технологиялар қўмитасидир) ваколат доирасига киради.

Қўмита 2000 йилдаги конституциявий ислохотлар орқали, қолган парламент қўмиталари орасидаги тутган ўрнини мустаҳкамлади ва уларнинг қаторида тенг ҳуқуқликка эришди. Келажак қўмитасини Финляндия парламентининг ўз ижтимоий инновацияси деб ҳисоблаш мумкин.

Форум ташкил қилиш ва келажакка тааллуқли масалалар билан шуғулланиш ташаббусини парламентнинг ўзи илгари сурди. Қаршиликларга қарамасдан, депутатларнинг кўпчилиги ушбу ташаббусни маъқулладилар. Бу нарсага бир неча йил керак бўлди. 1986 йилдаёқ 133 депутат томонидан, қонунчилик органи сифатида фаолият юритадиган ва келажакка доир масалалар билан шуғулланадиган тадқиқот бўлими яратиш ҳақида бўлган ташаббус имзоланди. Масала кўриб чиқилди, лекин у бўйича қарор қабул қилинмади. Бунга қарамасдан муҳокама давом этди ва 166та депутат томонидан таклиф қилинган қонун лойиҳаси рад этилди. Кейинчалик, қўмита яратилгандан сўнг, унинг биринчи раиси лавозимини эгаллаган Эро Палохеймо ва Мартти Тиури, ўша вақтдаги Парламент чақирувининг энг фаол депутатлари эди. Қонунчилик ташаббусининг қабул қилинмаганлигига қарамасдан, конституциявий қонунчилик қўмитаси узок вақтли муаммолар ва уларнинг муқобил ҳал этиш йўллари бўйича келажакни кўра билиш

сиёсати, ҳамда парламент ва ҳукумат ўртасида мулоқотни куриш Финляндияга керакли бўлгани аён эканлигини кўрсатди.

1992 йилнинг ўзида, қўмита ҳукуматнинг парламентга келажакдаги ривожланиш таҳлилини, ёки бошқача қилиб айтганда, жамият ривожланишининг ўта муҳим қирралари ва келажакнинг ривожланиш имкониятлари вариантларини ўз ичига олган келажак прогнозини тақдим қилиши кераклиги тўғрисидаги фикрга келди. Бундан ташқари, ҳукумат жамиятнинг ривожланиши бўйича мўлжалларни белгилаб бериши керак эди. Парламент томонидан ушбу масалани ҳал қилишни ҳукуматга юклатишга қарор қилинди. Аини вақтда келажакдаги ривожланиш бўйича ҳисобот тайёрлаш бўйича фаолият юритадиган қўмита ташкил қилинди. Ушбу қўмита Келажак қўмитаси номини олди.

Қонуннинг қоидаларига мувофиқ, келажак масалалари қўмитаси қабул қилган ҳужжатларини кўриб чиқиш ва бошқа қўмиталарнинг талабларига биноан, ўз ваколати доирасида келажакдаги ривожланиш масалалари бўйича хулосалар тақдим қилиш билан шуғулланади. Қўмита келажакни ривожлантириш омилларига алоқадор масалалар, шунингдек, унинг ривожланиш услублари билан шуғулланади. Қўмита келажакдаги ривожланиш тадқиқотлари, ҳамда бундай тадқиқотлар услубияти бўйича ҳисоботлар тайёрлаш билан шуғулланади. Шунингдек, қўмита технологиялар ва технологик ишлаб чиқишнинг жамиятга бўлган таъсирига баҳо беради. Қўмитанинг тасарруфида қўмита ташаббуси билан олиб борилаётган тадқиқот ишларини қоплаш учун катта бўлмаган йиллик бюджет мавжуд.

Қўмитанинг асосий вазифаси ҳукумат томонидан тақдим қилинадиган ва мамлакатнинг истиқболли ривожланиши тўғрисидаги ҳисобот бўйича парламент жавобини тайёрлаб беришдан иборатдир. Ҳукумат томонидан бундай ҳисоботлар тўрт йилда бир маротаба тайёрланади. Буларнинг энг охиригининг мавзуси, аҳолининг барқарор ривожланиши ва фаровонлиги тўғрисида эди. Иккинчи рақамли қўмитанинг вазифаси ханузгача технологияларни баҳолаш бўлиб қолмоқда. Йиллар ўтган сайин қўмитанинг ушбу соҳадаги фаолиятининг тутган ўрни ортиб борди. Қўмита томонидан янги чақирув парламенти фаолиятининг ҳар бир даври бошида, жамиятнинг келажакига тегишли мавзу танланади ва

ушбу мавзу бўйича бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳисобот тайёрланади. Ҳисобот таркибига кирувчи «Информацион жамият ривожланиши» (философия фанлари доктори Пекка Химанен билан биргаликда тайёрланган) ва «Инсоният саломатлигининг келажаги» (Куопио шаҳри университетининг соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича тадқиқотчи-олимлар гуруҳи ва тадқиқотчи-футуролог Осмо Кууси билан биргаликда тайёрланган) каби мавзулардан бир қисми парламентнинг пленум муҳокамасига олиб чиқилади. Қўмита томонидан инновацияларнинг худудий миқёсда ривожланиши ва ижтимоий капитал масалалари ҳам кўриб чиқилар эди. Ушбу ҳисобот ўзига матбуотнинг ҳам эътиборини тортди ва берилган масалаларнинг фаол муҳокамаси ханузгача давом этмоқда.

Қўмита ўзининг 20 йилдан ҳам ортиқ бўлган тарихи давомида, бизнинг жамиятимизнинг айрилмас қисми бўлган мавзуларни кўриб чиқиш фаолиятини олиб борди. Буларга глобаллашув, янги технологиялар, инновация, яшаш тарзини ташкиллаштириш ва кундалик масалаларни ечиш киради. Демократия алоҳида бирлик сифатида кўриб чиқилмади, лекин ушбу мавзу қўмитанинг ҳозирги таркибининг якуний фаолият босқичида асосий бўлди. 2006 йилнинг кузига келиб, қўмита томонидан бажарувчиси Мика Маннермаа бўлган тадқиқот ўтказилди. 2006 йилнинг ёзида, Финляндия парламентининг 100 йиллик юбилеи доирасида, 2100 йилдаги демократиянинг ривожланиш ҳолати бўйича халқаро футурологларнинг назарига бағишланган мақолалар антологияси нашр қилинди.

2017 йилда қўмитанинг вазифа доираси кенгайди – унга «Кун тартиби 2030» номли ҳукумат дастурини амалга ошириш бўйича назорат қилиш вазифаси юклатилди. Яъни, эндиликда қўмита БМТнинг барқарор ривожланиши мақсадларига эришиш бўйича ҳукумат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар хулосасини ҳам тайёрлайди.

Келажак масалалари қўмитаси ўз туган ўрнини мустаҳкамлади. Қўмитанинг фаолияти ўзига қатъа эътибор қаратди ва турли соҳалардан бўлган анчагина издошларини қўлга киритди.

Юрки Катайнен,

2011-2014 йиллардаги Бош вазир.

*2003-2007 йилларда Парламентнинг келажак масалалари
қўмитасининг раиси.*

4. МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ

Конституция бўйича Финляндия, аҳолиси томонидан олиб борилаётган маҳаллий бошқарув тамойилларига асосан бошқарилиши керак бўлган ҳудудий ҳокимликларга бўлинади. Ҳокимликнинг ижроия ҳукумати, аҳоли томонидан сайланадиган ҳокимлик кенгашига тегишлидир. Ҳокимликларнинг бошқарув асослари ва уларга юклатиладиган вазифалар қонунчилик томонидан белгиланади. Бундан ташқари, қонунчилик томонидан ҳокимликларга маҳаллий солиқларни йиғиш ҳуқуқи берилган.

Финляндиядаги ҳокимликлар кенг фаолият соҳаларига эгалар. Ҳокимликлар тўғрисидаги қонунга биноан, ҳокимликлар томонидан ўз вазифалари доирасига киритилган, яъни ҳокимликнинг барча аҳолиси учун умумий ва муҳим бўлган, бажарилиши билан бошқа ҳеч қандай ҳукумат органи шуғулланмайдиган вазифаларни ўз умумий ваколатлари доирасида ва ўзини ўзи бошқариш тамойилларига асосан бажаришлари мумкин. Ҳокимликларга қайси янги вазифаларни юклатиш ёки олиб қўйиш мумкинлиги қонунчилик томонидан тартибга солиниши мумкин. Бундай ҳолларда ҳокимликларнинг махсус ваколатлари, масалан таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат ҳақида гап кетади. Бундан ташқари, ҳокимликлар ўзининг умумий фаолияти доирасида ёки қонунчилик томонидан белгиланган вазифаларга биноан ҳордиқ чиқариш, яшаш шароити ва яшаш муҳитини ташкиллаштириш (масалан: йўллар, сув-оқава тизими) масалалари билан шуғулланадилар, ҳамда ҳокимлик органларининг ҳудудий режаси ва функционал тузилишига жавобгарлар.

Фин ҳокимликлари қарор қабул қилиш ва ҳудудий режалаш тамойиллари бўйича мутлақ ва кенг бўлган ваколатларга, яъни ҳудудий ривожланиш бўйича монопол ҳуқуққа эгалар. Ушбу ҳуқуқ рухсат берилган фаолиятларни белгилаб берувчи ҳудудий минтақалаш режалари, ҳудудий фойдаланиш ва эҳтимолий қурилишни ўз ичига олган, муайян аҳоли пунктларининг ривожланиш режаларини тузиш йўли орқали амалга оширилади.

Ҳудудий режалаштиришнинг мақсади, турли хилдаги аҳоли гуруҳлари эҳтиёжларини қониқтирадиган хавфсиз, соғлиқни сақлайдиган, қулай ва ижтимоий функционал яшаш муҳитини

яратиш, шунингдек, яшаш ва хўжалик-иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун етарли ҳудудларни ажратишдан иборатдир. Ҳудудий режалаштириш – бу иқтисодий самарадорлик, хизматларнинг арзонлиги, инсон томонидан яратилган муҳитнинг гўзаллиги, маданий кадриятлар ва табиий хилма-хилликни сақлаб-авайлашни таъминлаш воситасидир.

Ҳокимликларнинг фаолиятида аввало фуқароларга кенг қамровли сифатли хизматлар етказиб бериш устивор ўринга эгадир. Бундан ташқари, ҳокимликлар тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши, янги иш ўринлари ва қулай яшаш шароитининг яратилишига ғамхўрлик қилишлари лозим.

Йиғиладиган солиқлар ҳокимлик бюджетининг даромад қисмида муҳим ўринга эга. Ҳозирги кунда солиқ йиғиш ҳукуки, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим асослардан биридир ва келажакда ҳам шундай қолади. Шу туфайли ҳокимликлар ҳам ўзлари ваколатларига олган, ҳам қонун томонидан белгиланган вазифаларни бажаришлари мумкиндир. 2016 йилда даромад қисми 18 миллиарддан ортиқ бўлган маҳаллий солиқ энг муҳимидир. Унда фойда солиғининг улуши 1,6 миллиард еврога яқин эди, кўчмас мулк солиғининг улуши ҳам 1,6 миллиард евро атрофида бўлди. Ҳокимликларда келажакда ҳам кенг солиқ базаси сақланиб қолиши керак. Бу нарса ҳокимлик органлари томонидан қонунчиликка биноан ўзини ўзи бошқариш вазифалари юборилишини сақлаб қолади ва манбалар фақатгина қонунчилик томонидан белгиланган вазифаларни бажариш учунгина эмас, балки ҳокимлик томонидан ўз ваколатига олинган умумий вазифа ва топшириқларни бажариш учун маблағлар мавжудлигини ҳам қафолатлайди.

Табиийки, Финляндиянинг ҳокимликлари бир-бирдан ҳажми жиҳатидан сезиларли даражада фарқ қилади. Шунингдек, йирик мамлакатнинг турли томонларидаги яшаш шартлари жуда фарқлидир. Шунинг учун давлатда ҳокимликларнинг ҳажми ёки жойлашишига қарамасдан, оқилона солиққа тортиш ва ундириладиган тўловлар ёрдамида ҳокимликлар томонидан олинадиган даромадлар ва фуқаролар томонидан зарур хизматлар олиш учун тенг шарт-шароитлар яратиб беришни тенглаштириш воситалари бўлиши лозим.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришни амалга оширишнинг асосий тамойилларидан бирига биноан, агарда давлат ҳокимлик олдига бирон-бир вазифани бажаришни юклатса, у ҳолда давлат ҳам ҳокимликларнинг ўзларига юклатилган хизматларни бажаришлари учун етарли имкониятларга эга бўлишларини назорат қилиши лозим. Бунинг учун Финляндияда, давлат ва ҳокимликлар ўртасидаги алоқаларнинг ҳаракатдаги модели ва ҳокимликлар фаолиятини қўллаб-қувватлашда давлат иштироки тизими бўлиши керак. Унинг ёрдамида ҳокимликларнинг салоҳияти, ҳамда барча аҳолининг хизмат олиш учун тенг имкониятлари сақлаб қолинади.

Пекка Ноусайнен,

1999-2007 йилларда Парламент депутаты, 2003-2009 йилларда Финляндиядаги Ҳокимликлар Иттифоқи бошқаруви раиси. 2009 йилдан – ҳозирги кунга қадар Кенгаш раиси

5. ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛИ

Финляндия – очиқ ва демократик жамиятдир. Финляндия Конституциясининг 21 моддасига биноан, суд муҳокамаларининг ошкоралиги ҳуқуқи, эшитилган бўлиш ҳуқуқи, асосланган қарор олиш ҳуқуқи, қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи, суд муҳокамасининг адолатли бўлиши ва давлат органлари томонидан ўз вазифаларини адолатли бажариши бўйича бошқа кафолатлар қонун томонидан таъминланади.

Ошкоралик тамойилининг ватани сифатида кўпинча Швецияни тилга олишади. Аслида эса, бу икки давлатнинг умумий тарихи қисмидир. Ошкоралик принци «ихтирочиларидан» бири тариқасида 1760 йилларда швед парламентидаги Остроботния губерниясининг дин бўйича вакили, фин Андерс Чидениус (Anders Chydenius) ҳисобланади. Швеция XVIII асрнинг биринчи ярмида бошидан инкирозли даврларни ўтказаётган эди. Россия билан мағлубиятга учраган икки уруш ва кенг тарқалаётган коррупция давлатнинг мавжудлигига таҳдид солаётган эди. Айни вақтда, тарқалган маърифат асри ғоялари халқ ҳукмдорлигини кенгайтириш ва ҳукумат бошқарувчиларининг устидан назорат қилиш тартибини жорий қилиш (масалан, ҳукуматларни ажратиш бўйича Монтескье

назарияси) воситаларини киритиш тамойилларини ҳимоя қилаётган эди. Бироқ, парламентнинг ҳукумат ижроси устидан назорати бўйича имкониятлари чекланган эди. Парламент табақалари камдан-кам ҳолларда кенгашда йиғилишар ва уларга ҳукумат томонидан қабул килинган қарорлар бўйича маълумотлар етказилмас эди. Бундан ташқари, сиёсий мавзулардаги мунозаралар цензура томонидан чегараланган эди. Шунинг учун ҳам 1750 йилларда ахборот эркинлиги тўғрисидаги ғоялар, олий табақалардан ташқари, парламентда кенг қўллаб-қувватланишга сазовор бўлди.

1765-1766 йилларда парламентда ишлаётган даврида, Андерс Чидениус ахборот эркинлиги ғоясининг фаол тарафдори эди. Ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонун, ўзининг якуний кўринишида Чидениуснинг кундалик ва эслатмаларида шакллантирилган йўналиш бўйича ҳаракатланади. 1766 йилда парламент конституция бўлимига айланган ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонунни (Förordning Angående Skrift- och Tryckfriheten) маъқуллади. Қонунга биноан, «Och bör.. uti alla Archiver fri tilgång lemnas, att sådane Handlingar får in Loco afskrifwa eller i bewittnad afskrift utbekomma», яъни, ҳар бир кишининг ҳукумат ҳужжатлари билан танишиш ва улардан нусха олиш ҳуқуқи бор эди.

Ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонун, фин ва шведларга маълумотларга кенг миқёсда эга бўлиш бўйича, дунёнинг бошқа ҳеч қайси бир мамлакатада учрамайдиган қафолатни берди. Бундан ташқари, деярли барча ҳукумат ҳужжатлари жамоа мулкига айланди. Ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонун томонидан қафолатланган, давлат ҳукумати органлари фаолиятининг ошқоралиги, ҳукумат фаолиятини назорат қилишга имкон берувчи мутлақ янгилик бўлди.

Швеция конституцияси 1809 йилдан кейин ҳам, Финляндия Россия империяси таркибида бўлган даврда ҳам ўз кучида қолди. Финляндия мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, ошқоралик тамойили ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонуннинг таркибий қисми бўлди. Ҳозирги кунда ушбу тамойил, давлат ҳукумати органлари фаолияти ошқоралигини белгилайдиган қонунда батафсил кўрсатилган (ошқоралик тўғрисидаги қонун, 21.5.1999/621). Қонуннинг биринчи параграфига биноан, ҳукумат ҳужжатлари, агарда қонун бўйича бошқа нарса айтилмаган бўлса, жамоат учун ошқорадир.

Маълумотларнинг жамият учун ошкоралигини парламент қонуни томонидан чегараланиши кераклиги талаби, ушбу чегаралашлар мамлакат фуқароларининг кўпчилик қисми маъқуллашга тайёр бўлган муҳим сабабларга кўра бўлишини қафолатлайди. Айни шу билан, ҳукумат муассасаси ёки алоҳида олинган мансабдор шахсга қарши бўлган маълумот тури, шу каби маълумотнинг ошкоралигига тўғанок бўлолмасталигини қафолатлайди. Шунингдек, ахборотнинг эркинлиги, давлат хизматчиларининг ҳомийлик ва дискриминация ҳолатларига жой қолмаган ўз лавозимларида тўғри фаолият олиб боришлари учун гаров вазифасини ўтайди. Кўпгина халқаро тадқиқотларнинг натижалари бўйича, Финляндия энг кам коррупцияга мойил бўлган мамлакатлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, ахборот тўғрисидаги қонун ва тегишли қонунчилик таркибига, маълумот махфийлигини сақлашни таъминлаш учун шартлар рўйхати ҳам киритилган. Ушбу шартларнинг бир қисми ҳукумат манфаатлари (масалан, давлат хавфсизлиги, жиноятнинг олдини олиш) ва иккинчи қисми шахсий манфаатлар (масалан, болани ҳимоя қилиш ёки шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги)га алоқадордир. Бунга қарамасдан, Финляндия давлат органлари томонидан қабул қилинадиган ва алоҳида шахслар ёки аҳоли гуруҳларига тааллуқли қарорларнинг кўпчилиги жамоат учун ошқорадир. Масалан, жисмоний шахслардан олиннадиган солиқлар, жисмоний шахсларнинг солиққа тортилувчи даромадлари ҳақидаги маълумотлар жамият учун ошқорадир ва ушбу маълумотлар газета саҳифаларига тушиб туради.

Ахборот эркинлиги тўғрисидаги қонунга биноан, агарда мансабдор шахс аризага у ёки бу ҳужжатни тақдим қилишдан бош тортса, у ҳолда мансабдор шахс рад қилиш сабаби асослаб берилган расмий ёзма жавоб тақдим қилишга мажбур. Бундай қарор, даъво мазмуни бўлган ҳужжатнинг ошкоралиги бўйича мустақил қарор қабул қилишга ваколати бўлган маъмурий судда шикоят қилиниши мумкин. Финляндияда ҳукумат ҳужжатларининг ошкоралиги суд органларининг қаттиқ назорати остидадир.

Бундан ташқари, фин оммавий ахборот воситалари ҳам ахборот эркинлиги тамойилини таъминлашни диққат билан кузатишади. Давлат органларининг ОАВ учун ахборотни чеклаш ҳаракатлари,

суддаги даъвони кўриб чиқиш ва матбуотда салбий мақолалар чоп этилишига осонгина олиб келади. Охирги йилларда суд томонидан алоҳида давлат мансабдор шахсларининг хизмат ҳаражатлари рўйхатига тушиб қолган тадбирлар ўтказиш ва такси ҳаражатлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, ўқувчиларининг битирув имтиҳонларини топтиришлари бўйича ўрта мактабларнинг кўрсаткичлари каби маълумотларнинг ошкоралиги бўйича ижобий қарорлар қабул қилинди.

Ошкоралик тамойили Финляндиянинг сиёсий ҳаётида ҳам бир қатор вазифаларни бажаради. У ҳар бир инсонга ахборотлашган жамият шарт-шароитларида, фуқароларнинг тенглигини таъминлашга элтувчи маълумот олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Ошкоралик тамойили эркин фикр шаклланишини қўллаб-қувватлайди ва демократияни таъминлашда ёрдам беради. Шунингдек, ошкоралик тамойили оммавий ахборот воситаларининг юқори малакали фаолиятига кўмаклашади.

Ошкоралик тамойили ҳукумат органлари фаолияти шаффофлигининг гарови сифатида хизмат қилади. Ҳукуматнинг очик эканлиги огоҳ юридик ҳимоянинг бир қисмидир, яъни, ошкоралик тамойили ҳукумат қарорларининг юқори сифатли бўлишига ва адолатни сақлашга кўмаклашади.

Ошкоралик тамойили ҳукумат фаолияти устидаги фуқаролар назоратининг самарали воситасидир ва у ҳукумат органлари томонидан қарорлар қабул қилишда жамиятнинг таъсир ўтказиш имкониятларини кенгайтиради. Ошкоралик тамойили фикрларнинг эркин шаклланиши ва демократик жамиятни амалга оширишга кўмаклашади. Буларнинг барчасидан ташқари, у оммавий ахборот воситалари фаолиятининг сифатига ўз таъсирини ўтказади.

Ошкоралик тамойили ҳозирги жамиятни ахборотлаштириш асрида, ҳукумат органларига ўз фаолиятларида маълумотларнинг самарали бошқарувини ташкиллаштириш талабини қўймоқда. Мансабдор шахслар зиммасида маълумотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва бошқа ахборот сифатига таъсир қилувчи унсурларни ўз ичига олган, ҳужжат ва ахборот базаларига қулай уланиш имкониятлари, улардан фойдаланиш ва ҳимоя қилиш вазифалари ётмоқда. Бошқача қилиб айтганда, маълумотларни фақатгина талаб бўйича тақдим қилиш етарли эмасдир. Ҳукумат органлари шундай

килишлари керакки, унга ҳар бир киши чиндан ҳам ета олиши керак. Бундан ташқари, расмий маълумот ва ҳужжатлар мажмуаси шундай шаклда тузилиши керакки, ҳар бир фуқаро керакли маълумотларни осонликча ўзи топиши мумкин бўлсин.

Ошкоралик тамойили мослаштирилган эди ва кўпгина бошқа соҳаларда ҳам қўлланилмоқда. У Швеция ва Финляндиядан узок бўлган жойларга ҳам тарқалди. Мисол учун, АҚШда 1966 йилда ахборот эркинлиги тўғрисида қонун қабул қилинди. Википедия маълумотларига кўра, тегишли қонунлар дунёнинг юздан ортик мамлакатларида қабул қилинган. Швеция ва Финляндия ахборот эркинлиги тамойили Европа Иттифоқи органларида ҳам амалга оширилиши талаби билан чиқдилар. Европа Иттифоқи бўйича Шартномага ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Амстердам шартномасига расмий ҳужжатларнинг ошкоралигига тегишли модда киритилди. Ушбу моддага асосан Европа Парламенти ва Европа Кенгаши томонидан, Европа Парламенти, Европа Кенгаши ва Европа комиссиясининг тайёрлаган расмий ҳужжатлари жамият учун ошқора эканлиги тўғрисидаги резолюция (ЕҮ N:о 1049/2001) қабул қилинди. Шу йўл билан ошкоралик тамойили Европа Иттифоқи қонунчилигининг бир қисми бўлиб қолди.

Лассе Лехтонен,

*Хельсинки шаҳри ва Уусимаа вилояти тиббий ҳудудининг
маъмурий бўлим бўйича бош шифокори*

6. АҲОЛИ СОНИ РЎЙҲАТИ

Финляндияда XVI асрнинг ўзиданоқ аҳоли сони рўйхатини олиб боришни бошлашган. Айтиб ўтиш жоизки, аҳолини руйхатга олишни черков ҳам, давлат ҳам деярли бир вақтда бошлаган. Давлатнинг мақсади биринчи ўринда солиққа тортиш ва ҳарбий хизматга чақириш билан боғлиқ бўлган. Ўша даврда Швеция, ўзининг шарқий қисми бўлган Финляндияни ҳам қўшганда аҳолиси кам бўлган ва камбағал давлат эди. Шу сабабли ҳам йирик маъмурий аппарат ва армияни сақлаб туриш учун ҳарбий хизматга мажбур бўлган ва солиққа тортиладиган аҳоли ва унинг мулки тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш лозим эди.

Аҳоли ва унинг мулки тўғрисидаги маълумотлар, ер бўйича ва жон бўйича тузилган алоҳида китобларда сақланар ва мунтазам янгиланиб борар эди. Кейинчалик, жон китобидан аҳоли сони рўйхати, ер китобидан эса кўчмас мулк рўйхати пайдо бўлди.

Аҳоли сони рўйхати билан бир қаторда, лютеран черкови томонидан олиб бориладиган рўйхат ҳам бор эди ва ушбу рўйхатни тузиш жонларни қутқариш талабидан келиб чиққан эди. Черков рўйхатидаги ёзувлар бир томонда черковга келувчи жамоат тўғрисидаги маълумотларни, иккинчи томонда эса ҳаётий воқеалар ва уларга бағишланган черков маросимлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олар эди. Буларнинг барчасининг натижаси сифатида, оилавий муносабатларни ҳам ўз ичига олган батафсил маълумотлар юзага келди. Черков рўйхатларида тўпланадиган маълумотлар, демографик аҳвол ва тузилаётган никоҳлар бўйича кўриниш олиш учун етарли эди. Бу эса давлатнинг ер ва жон китобларида йўқ эди.

XVIII асрда давлат, бутун мамлакатдаги аҳоли бўйича аниқ ва батафсил маълумотлар керак эканлигини ҳис қилган пайтда, ҳукумат аҳоли бўйича маълумотларни йиғиш ҳаражатларини ўз зиммасига олишга ҳаракат қилмади. Шунинг учун ҳам черков жамолари, ўз аҳолисининг ўзгариши бўйича черков китоблари асосида тайёрланган маълумотларини статистика Бошқаруви рўйхатига киритиш учун пул тўлашлари керак эди. Аҳоли сони тўғрисидаги энг аввалги маълумотлар, шу йўл билан черков китобларидаги маълумотлардан тўпланган эди. Сал кейинроқ олиб борилган ва аҳоли сонини янада кенгроқ қамровда рўйхатга олиш учун асос шундай пайдо бўлди.

Швецияда йўлга қўйилган аҳолини рўйхатга олиш жараёни дунёдаги аҳолини рўйхатга олиш бўйича илк лойиҳа эмас эди. Бундан бир неча аср, ҳатто минглаб йил аввал Миср ва Хитойда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилган эди. Ғарб учун энг таниш бўлган аҳолини рўйхатга олиш, Инжилда қайд этилган ва милоннинг бошларида император Августнинг буйруғига биноан ўтказилган солиқ рўйхати бўлиши мумкин.

Бунга қарамасдан, Финляндияда швед бошқаруви даврида бошланган аҳолини рўйхатга олиш, ўзининг узлуксизлиги нуқтаи

назаридан ноёбдир. У XVI аср ўрталарида бошланган ҳолда, ханузгача тўхтамасдан давом этмоқда.

Ҳам черков, ҳам давлат томонидан юритилган эски аҳоли сонини рўйхатга олиш китобларининг кейинги авлод фойдаланиши учун сақлаиб қолганликлари туфайли, улар айниқса, генеология соҳаси ва тиббий тадқиқот лойиҳалари бўйича илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш учун ноёб ва фойдали манбалардир.

Аҳолини рўйхатга олиш китобларидаги йилдан-йилга тўхтамай давом этаётган маълумот тўпланиши, узоқ вақт давомида таркиби бўйича ўзгармай қолди. Бир неча аср давомида қўл меҳнати шаклида олиб борилган рўйхатга олиш жараёни 1970 йилларда автоматлаштирилди. Бундан ташқари, айти ўша пайти черков рўйхатидаги маълумотлар ва давлат томонидан маҳаллий миқёсдаги рўйхатлардан тўпланадиган маълумотлар илк бора яхлитлаштирилди.

Ўша вақтдан бери мамлакатимиз аҳолиси ҳақидаги маълумотларни рўйхатга олиш автоматлашган ҳолда давом этмоқда ва давлат органлари бундай маълумотларни аҳоли бўйича Миллий ахборот тизими орқали олишмоқда.

Сўнгги қирқ йил давомида ахборот тўплаш усуллари узлуксиз мукаммалаштирилмоқда. Илгариги вақтларда маълумотлар қоғоз сўровномалар орқали тўпланар ва маълумотларни қоғоздаги манбалардан кўчиришга бир неча ҳафта сарфланар эди. Ҳозир эса, давлат хизматлари ва ташкилотлари томонидан юбориладиган деярли барча маълумотлар, Финляндия аҳолиси бўйича Миллий ахборот тизимига электрон шаклда келиб тушмоқда. Маълумотларни рўйхатга олиш тезлашди ва маълумотлар одатда бир неча кундан кейин умумий рўйхатга тушмоқда.

Шунингдек, маълумотлардан фойдаланиш йўллари ҳам кенгайди. Аҳолини ҳисобга олиш рўйхати аввало давлат ва ҳокимликлар эҳтиёжи, биринчи ўринда солиққа тортиш ва ҳарбий хизматга чақириш учун ташкил қилинган эди. Бироқ, сўнгги вақтларда маълумотлардан кўпроқ тижорий мақсадлар учун фойдаланилмоқда. Ҳозирги пайтда аҳоли рўйхати бўйича маълумотлардан фойдаланиш ҳолатларининг ярмидан кўпроғи айнан тижорий мақсадларга тўғри келмоқда. Бироқ, ханузгача ҳам ҳоҳ улар

давлат органлари, ҳоҳ ҳокимликлар бўлсин, давлат манфаатлари энг муҳими бўлиб қолмоқда.

Аҳоли тўғрисидаги Миллий ахборот тизимидан кенг миқёсда фойдаланиш унинг сифати гарови ҳамдир. Ахборот тизимидаги маълумотлардан фойдаланиш жараёнида, маълумотлар ичидаги хатоликларни пайқаб қолиш ва уларни тузатиш ҳам мумкин. Ўзининг ҳам сифати, ҳам қамрови нуқтаи назаридан, аҳоли тўғрисидаги фин ахборот тизими дунёнинг энг илғорлари қаторидадир.

Ҳар бир мамлакат ўз талаблари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли рўйхатини тузади. Шунинг учун ҳам бир мамлакатга мос тушган тизим бошқасига мос келмаслиги мумкин. Аҳоли рўйхатини мукаммаллаштириш масаласида бир қатор омилларни эътиборга олиш зарур: мамлакатнинг иқтисодий ва технологик имкониятлари, тарихи, қонунчилиги, кадриятлар тизими ва маданиятини.

Аҳоли рўйхатида жойлашган ва бутун Финляндияни ўз ичига олган ахборот таркиби ўзининг кенг қамровли эканлиги билан таассурот қолдиради. Ахборот базаси мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ҳақидаги аниқ ва эътиборга лойиқ маълумотларни ўз ичига олади. Фуқаро тўғрисидаги энг муҳим маълумот унинг исми ва фамилияси, туғилиш жойи ва санаси, ҳамда фуқаролигидир. Шунингдек, фуқаронинг оилавий аҳволи (турмуш ўртоғи, фарзандлари ва ота-онаси) ва яшаш жойи тўғрисидаги маълумот ҳам муҳимдир.

Финляндиядаги миллий аҳоли рўйхатида ҳар бир фуқаро учун ягона идентификацион рақам яратилган. Унга асосан бир хил санада туғилган ва бир хил исмларга эга бўлган фуқароларни ҳам аниқлаштириш ва фарқлаш мумкин. Аҳоли рўйхатида ташкил қилинган идентификация кодидан бошқа миллий тизимларда кенг фойдаланилмоқда. Идентификация коди рўйхатдан ўтиш ва ахборот базаларидан самарали фойдаланишга имкон беради. Идентификация кодларидан фойдаланиш ахборот хавфсизлиги тамойилларига қаттиқ амал қилишни талаб қилади.

Замонавий аҳоли рўйхати тизими аҳоли эҳтиёжларини ишончли ва самарали усулда ҳал этишга имкон беради. Мисол учун, статистика маълумотларини тайёрлаш, сайлов ўтказиш, солиқ йиғиш

ва ижтимоий ёрдам чораларини белгилаш давомида аҳоли рўйхатидан фойдаланиш сезиларли даражада маблағларни тежашга имкон беради. Аҳоли рўйхатидан фойдаланиш бюрократик жараёнларнинг камайтишига ҳам олиб келади. Давлат ёки ҳокимлик хизматчиси аҳоли рўйхатидан фуқаро тўғрисидаги ишончли маълумотларни олган вақтда фуқароларнинг ўз зиммасидаги маъмурий юк камайти, уларнинг вақтлари у ёки бу ташкилот ёки муассасага мурожаат қилган пайтларида ҳар сафар бир хил маълумотларни киритишлари учун сарфланмайди.

Дунёдаги ҳар бир мамлакат, ўзининг аҳолиси ва унинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида мунтазам равишда аҳолини рўйхатга олади. Кўпчилик мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш ҳар беш ёки ўн йилда амалга оширилади.

Одатда аҳолини рўйхатга олиш давомида маълумотларни тўплаш шундай усулда ташкиллаштириладики, аввало тегишли сўровномаларни ишлаб чиқиш, шахсий суҳбатларда сўровномаларни тўлдириш, сўровномалардаги маълумотларни ахборот базасига кўчириш ва статистик маълумотларни олиш учун катта ҳажмдаги ахборотлар мажмуасини қайта ишлаш жараёнини ишлаб чиқадиغان ташкилот яратилади.

Финляндияда аҳолини рўйхатга олиш жараёни охириги йигирма йиллар давомида шундай ўтказиладики, керакли маълумотлар мавжуд бўлган ахборот базаларидан тўғридан-тўғри олинади. Яъни, маълумотларни тақдим қилиш учун фуқаролар сўровномаларни тўлдиришлари шарт эмас. Финляндияда ахборот базалари ва рўйхатларга асосланган ҳолда олиб бориладиган аҳолини рўйхатга олиш жараёни учун, бошқа давлатларда сўровномаларни қўл меҳнати ёрдамида тўлдириш орқали ўтказиладиган одатий аҳолини рўйхатга олишга сарфланадиган маблағларнинг озгина қисми сарфланади. Бундан ташқари, маълумотларга тезкор етишиш имконияти ҳам таъминланади.

Кенг қамровли ва батафсил аҳоли рўйхатининг мавжудлиги, ҳар бир мамлакатдаги кўпчилик давлат вазибаларини бажариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Рўйхатнинг таркибида муҳим шахсийлаштирилган маълумотларнинг мавжудлиги сабабли, уни руҳсатсиз киришдан ҳимоя қилиш жуда муҳимдир. Бу эса ахборотни муҳофаза қилишни самарали ташкиллаштиришни талаб қилади.

Ахборотларни муҳофаза қилиш тамойиллари қонунчиликда белгилаб ўтилган. Маълумотлардан фойдаланишнинг устидан назорат қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Агарда маълумотлар ўзга қўлларга тушиб қоладиган бўлса, бу катта муаммоларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ахборот муҳофазаси фақатгина қонунчилик даражасидагина эмас, балки кўпгина бошқа соҳаларда, мисол учун, техника даражасида маълумотларга рухсатсиз киришнинг олдини олиш учун ҳам кераклидир.

Ханну Лунтиала,

Аҳолини рўйхатга олиш Маркази директори

7. КОАЛИЦИОН ҲУКУМАТЛАР

XX асрнинг бошида Буюк Финляндия князлигидаги тўрт табақали сейм ўрнига парламент шаклланган пайтда ягона ва умумий сайловлар учун янги қоидалар шакллантирилди. Финляндияда аёлларнинг сайловда қатнашиши тўғрисидаги қарор биринчилар қаторида қабул қилинган бўлсада, сайлов қонунчилиги асоси сифатида биз бошқа мамлакатлар моделларидан фойдаландик.

Ўша даврда мамлакатнинг сиёсий элитасидан бўлган Каарло Юхо Столберг ва Роберт Хермансонга Петербургда ўтказган вақтлари қандай таъсир қилганлигини таҳлил қилиш қизиқ бўлар эди. Эҳтимол, улар англо-саксон сиёсий тизимидан кўра кўпроқ континентал герман-француз фалсафасига ёндош эди. Маълум бўлишича, таълим олиш давомидаги ўрганилган тил якуний қарорга ўз таъсирини ўтказган.

Овоз бериш усулини танлаш ҳал қилувчи омил бўлди. У ханузгача ҳам қўлланилиб келинмоқда ва кўп партияликнинг пайдо бўлишига ўз таъсирини кўрсатди. Сайлов ҳудудида бир номзод ўз номзодлигини кўядиган инглиз кўпчилик модели умуман бошқа турдаги партиявий конфигурацияларга олиб келар эди.

Фин партиявий тизими бу йиллар давомида ривожланаётган ва ўзгараётган эди. Бироқ унинг тамал тузилиши ва таъсири етарлича муқобил қолаётган эди. Уларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, Финляндиянинг мустақиллиги давомида ҳеч қайси бир партия

бирон маротаба ҳам парламентдаги ўринларнинг кўпчилигига эга бўлолмади.

Парламентаризм тамойиллари конституцияда кўрсатилган ва унга биноан мамлакат ҳукумати парламент кўпчилигининг ишончидан фойдаланиши керак. Шундай қилиб, ҳукумат аъзолари бошқа партиялар билан доимо ҳамкорлик қилишлари керак. Камчилик ҳукуматлари ҳам иттифоқдошларга муҳтождир. Малакали кўпчилик тўғрисидаги қоидалар ҳам ўз аҳамиятини намоён қилди.

Илгариги даврларда ҳукумат алмашинуви тез-тез учрайдиган ҳолат эди. Етмишинчи йилларнинг ўзидаёқ санаб кўрилганда, Финляндия мустақиллиги давомида алмашган ҳукуматларнинг фаолият муддати ўртача бир йилга тенг бўлган. Аммо, охириги 25 йил ичида тўлиқ муддат давомида фаолият юритган кўпчилик ҳукуматлари ташкил бўлишган Ушбу коалицияларнинг баъзиларида, мантиғи ҳар доим ҳам аниқ бўлмаган ғоялар кузатилди.

Ҳукумат фаолияти учун жавобгарликнинг, ҳар ҳолда ўз дастурлари бўйича бир-бирларидан узоқ бўлган партиялар зиммасида эканлиги муҳим омил эди. Финляндияда Европанинг бошқа мамлакатларидаги каби популист партияларни бегоналаштириш кузатилмади. Финляндияда охириги ўн йилликлар давомида экстремистик ҳаракатларнинг бўлмаганлигини тан олиш керак.

1987 йилнинг баҳорида президент Мауно Койвисто томонидан социал-демократ ва центристлардан ташкил топган ва кўк-қизил деб аталган ҳукумат ташкил қилинди. Ушбу партиянинг ютуқ ва хатоларининг таҳлили алоҳида мавзудир, лекин у янада демократик ва парламентга очиқроқ ҳукумат сиёсатига йўл очиб берганлигини ҳам ёдда сақлаш лозим. Ушбу ҳукуматнинг вазифаси, партиялар ҳамкорлиги ўтмишдан келиб чиққан ҳолда эмас, балки келажакка йўналган бўлиши мумкинлигини кўрсатишдан иборат эди.

Деярли 90 йил аввал бизнинг мамлакатимиз, халқнинг хотирасида қайғули хотиралари ҳамон сақланиб келаётган граждандар урушини ўз бошидан кечирди. Бунга қарамасдан, миллий муаммоларни ечишга бўлган ҳаракат ғоявий келишмовчиликларни енгиб чиқди. Бу эса Финляндиянинг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди. Шундай

килиб, коалицион ҳукуматлар финлар учун сиёсий анъана ва жамоа фаолиятининг марказидир.

Харри Холкери,
1987-1991 йилларда Финляндия Бош вазир

8. ТРИАДА

Триада Финляндия меҳнат бозори моделининг асосидир. У учта энг муҳим таркибий қисмдан иборатдир: меҳнат ва ташкилотлар билан капитал учбурчакнинг асосида жойлашган, унинг чўққисида эса ҳукумат жойлашган. Бу учбурчак меҳнат бозоридаги музокаралар жараёнида қарор қабул қилиш стратегик триадасини ташкил қилади. Триаданинг стратегик учбурчагида иш берувчи, ишчилар ва ҳукумат биргаликда стратегик танловни амалга оширадilar. Томонлар миллий иқтисодиёт ва сиёсат мақсадлари, шунингдек, ижтимоий, молиявий ва глобал сиёсат мақсадлари бўйича келишиб оладилар. Бунинг натижасида яхлит сиёсий қарор ўртага чиқади. Қарор асосида қасаба уюшмалари музокаралар олиб борадилар ва қонуний равишда мажбурий бўлган меҳнат шартномасини имзолайдилар. Қасаба уюшмалари қарорларидан келиб чиққан ҳолда, триаданинг таъсири ушбу иш жойларининг талабларига биноан меҳнат шартномалари фойдаланиладиган иш жойларига ҳам тарқалади. Триаданинг ташкил бўлиши тарихи XX асрнинг бошларига тақалади. 1907 йилда иш берувчи ва ишчиларнинг марказий қасаба уюшмалари ташкил қилинди ва Иккинчи Жаҳон урушигача бўлган даврда саноатнинг бир қатор секторларида қасаба уюшмалар ўртасида икки томонлама шартномалар тузилди. Ўша тажрибани ижобий деб бўлмас эди ва иш давомидаги зиддиятлардан қочишнинг имкони йўқ эди. Янада самаралироқ моделни яратиш зарурати пайдо бўлди.

Триада модели Қиш уруши босими остида ташкил қилинган эди. 1940 йилдаги «январ унаштириши» орқали иш берувчилар ишчиларнинг уюшганликларини тан олдилар, ишчилар эса, ўз навбатида иш берувчиларнинг меҳнатни бошқариш ва бўлиб бериш ҳуқуқларини тан олдилар. Ҳукумат ушбу «унаштириш» давомида

куда ва совчи ролини бажарди. «Январ унаштиришидан» триада туғилди.

1945 йилда илк уч томонлама шартнома тузилди. Иш берувчилар томонидан Финляндия Марказий иш берувчилар иттифоқи вакил бўлиб қатнашди. Ишчилар томонидан Финляндия Марказий касаба уюшмалари иттифоқи вакиллик қилди. Давлат эса нарх ва маошларни тартибга солиш қонуни орқали кафолат берувчи тариқасида қатнашди. Илк уч томонлама шартномалар истиқболли эди. Бирок, урушдан кейинги йилларда уларнинг ёрдамида ҳақиқий даромадларнинг ортиши ва тинч муносабатларнинг сақлаб қолинишига имкон бўлмади. Муаммоларга қарамасдан, томонлар шартнома натижаларининг ижобийлигига амин эди. Айниқса 1956-1977 йиллардаги иттифоқлар билан икки томонлама шартномалар амалиётига қайтиш ҳаракatlари беҳуда кетганидан сўнг. Иқтисодий, меҳнат ва социал-сиёсий томонлар бўйича уч томонлама келишилган тайёргарлик йўқ эди.

1968 йилдаги меҳнат бозоридаги қийин аҳвол мобайнида яна уч томонлама шартномаларга эътибор қаратилди. Ўша вақтда даромадларни тартибга солиш сиёсати бўйича илк келишув - TUPO имзоланди. Ушбу келишувдаги томонлар сифатида ишчилар, хизматчилар, таълим ва илмий бирлашмалар манфаатларини ҳимоя қилувчи ишчилар бирлашмаси, шунингдек, хусусий бизнес манфаатларини ҳимоя қилувчи иш берувчилар бирлашмаси, ҳокимликлар ва давлат қатнашди. Ушбу модел 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлаб келмоқда. Негизида уч томонлама келишувлар ётган қарорлар ёрдамида Финляндияда скандинавчасига ижтимоий фаровонлик давлати модели амалга оширилди.

Турли хилдаги меҳнат бандлиги шаклларининг пайдо бўлиши, 2007-2011 йиллар мобайнида икки томонлама моделнинг тажриба тариқасида фойдаланиш учун қабул қилинишига ундади. Бунинг натижасида рақобатбардошликни кучайтириш ва бандлик кўрсаткичларини ошириш бўйича қўйилган мақсадларга эришмаган ҳолда инфляциянинг ўсиши кузатилди. 2012 йилда ҳукуматнинг кучли босими остида уч томонлама моделга қайтиш амалга оширилди. Икки йиллик ҳадли битим ишлаб чиқилди: ишчилар ва иш берувчилар бирлашмалари қабул қилинаётган қарорнинг иқтисодий таъсири, касаба уюшмалари ҳам ҳадли битим асосида иш

хақи миқдорининг оширилиши бўйича келишиб олар эди. Ҳадли битим қоидаларини бузолмайдиган тафсилотлар иш жойларининг ўзидаёқ аниқланади ва келишилади. Фин модели - бу уч поғонали ва уч томонлама қарордир.

Ўзининг самарадорлиги бўйича фин модели жуда муваффақиятли чиқди. Унинг ичида мамлакатнинг иқтисодиёти, халқаро бозорлардаги рақобатбардошлик, шунингдек, ижтимоий ривожланиш эътиборга олинган. Халқаро иқтисодий форум томонидан ўтказилган тадқиқотларга асосан, ушбу тизим Финляндияни дунёдаги энг рақобатбардош мамлакатлардан бирига айлантirdи. Европа Иттифоқи томонидан ўтказилган таққослашга асосан, Финляндия дунёда ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва фойдаланиш бўйича биринчи ўриндадир. Триада туфайли иш жойида таълим олиш тизимини ривожлантириш бўйича ҳам ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан ўтказилган PISA (Programme for International Student Assessment) Халқаро талабалар таълим ютуқлари тадқиқотлари натижаларига кўра, Финляндиянинг таълим тизими етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда.

Триаданинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, у жамиятга очик ва шаффоф бўлишга имкон беради. Шартнома бор экан, демак, у бажарилади. Натижада ишонч даражаси ҳам ошди. Меҳнат бозори қатнашчилари бир-бирлари ва давлатнинг фаолиятларини кузатиб турадилар. Бу Финляндиянинг нима учун энг кам коррупцияга мойил давлатлар қаторида эканлигига ҳам изоҳ беради. Триада ёрдамида ижтимоий ва меҳнат қонунчилиги ишлаб чиқилган. Шунингдек, фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлашда ҳам ижобий натижаларга эришилган. Топилган кенг қамровли ечимлар, Финляндиянинг иқтисодий тенг ҳуқуқлик масалаларида Европа Иттифоқи мамлакатлари билан таққослаганда кўпроқ натижаларга эришганига изоҳ беради. Финляндия триада ёрдамида, Европада аҳолиси ўзини энг бахтлилар қаторида ҳис қилаётган, етакчи ижтимоий фаровон мамлакатлардан бирига айланди.

Тимо Кауппинен,

1999-2008 йилларда Европа яшаш ва меҳнат шартларини яхшилаш жамғармасининг илмий-тадқиқот ишлари бўйича Директори

9. АЁЛЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ ВА 40 ФОИЗЛИК КВОТА

Исталган даражада ва исталган босқичдаги қарор қабул қилиш давомида гендер масалаларини эътиборга олиш жуда муҳимдир. 1995 йилда Пекинда аёллар ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари деб эълон қилинди. Агарда аёлнинг қарор қабул қилишда қатнашиш имконияти йўқ бўлса, демак ушбу ҳуқуқлар амалга оширилиши мумкин эмас.

Финляндияда сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнидаги аёлларнинг фоизи нисбати ижобий ривожланиш тенденциясига эга эди. Сиёсий ҳаёт узоқ вақт мобайнида аёллар ва эркеклар соҳаларига бўлинар эди. Сиёсатдаги аёллар соҳалари бўлиб ижтимоий сиёсат, ҳамда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари бўлган эди. Кейинчалик, аёллар одатда эркекларники деб ҳисобланган сиёсатнинг турли хил соҳалари масалалари билан ҳам муваффақиятли фаолият юритишди. Мисол учун, улар бош вазир, мудофаа вазири ва молия вазири лавозимларини эгалладилар. Амалда аёллар ҳам эркеклар каби билимдон мутахассис ва қарор қабул қилишда мутасадди бўлиб чиқдилар. Навбатдаги мақсад иқтисодиёт соҳасида ҳам аёлларнинг сонини оширишдан иборатдир.

XX асрнинг бошларида Финляндиянинг аёллар ҳаракати, аёлларга овоз бериш ва сайловларда қатнашиш ҳуқуқини бериш учун курашган эди. Аёллар ишчи синфи вакиллари, 1905 йилдаги иш ташлашни ташкиллаштиришда қатнашган эди. Аёллар сайловлардаги тўлиқ сиёсий ҳуқуқларни юз йил олдин, 1907 йилда қўлга киритдилар. Айни ўша пайтда тўрт табақали сейм, Европадаги энг демократик бўлган бир палатали парламентга айланди.

Парламентнинг илк таркибига, барча депутатларнинг ўндан бир қисмини ташкил қилган 19та аёл-депутат кирди. Улардан тўққиз нафари социал-демократик ва ўн нафари буржуа партияларининг вакиллари эди.

Аёллар овоз бериш ҳуқуқидан фаол фойдаланмоқдалар ва 1991 йилдан бошлаб сайловларда эркеклардан фаолроқ иштирок этмоқдалар. Давлат ҳукумати аёллар кўлида тўпланган. Тарья

Халонен 2000 йилда тўғридан-тўғри сайловларда президент лавозимига сайланди. 2006 йилда у иккинчи муддатга қайтадан сайланди. Риитта Уосукайнен парламент спикери вазифасидаги илк аёл эди ва ушбу лавозимни 1994-2002 йиллар давомида эгаллаб турди. Аннели Яаттеенмяки 2003 йилда бош вазир лавозимидаги илк аёл бўлди.

Ижтимоий таъминот ва соғлиқни сақлаш вазири Мийна Силланпяя, 1926 йилда Финляндиядаги вазир лавозимидаги илк аёл бўлди. 1990 йилларда вазирлик портфелини қўлга киритган аёллар улуши 40 фоиздан ошди ва 2003 йилда Финляндия тарихида илк маротаба, мамлакат ҳукуматидаги аёллар ва эркаклар сони тенглашди. Узоқ вақт мобайнида депутатлар орасидаги аёлларнинг фоизи кўп эмас эди. 1962 йилда аёллар депутат корпусининг 13,5 фоизини ташкил қилар, 2015 йилда эса аёллар нисбати деярли 40 фоизга борди. Парламентга сайлов давомида ўз номзодларини қўйган аёллар улуши квота қилишсиз ҳам ошди. Аёллар ҳокимлик сайловларида ҳам фаолроқ иштирок этишни бошладилар.

Финляндияда 1995 йилдан бошлаб қарор қабул қилувчи органлар фаолиятида гендер квоталари тамойилларидан фойдаланилмоқда. Асосий қоида шундан иборатки, тенглик 40 фоизни ташкил қилувчи минимал квота билан кафолатланади. Гендер квотаси дегани, тўғридан-тўғри бўлмаган сайловлар тизими фойдаланиладиган ҳар бир органда, у ёки бу жинс вакилларининг улуши 40 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Мисол учун, ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш органларидаги эркаклар сони 40 фоиздан кам бўлмаслиги, техник соҳалардаги бошқарув органларида эса камида 40 фоиз аёл бўлиши керак. Аёллар ва эркаклар ҳукумат ёки ҳокимлик корхоналари бошқарувида, юқори бошқарув лавозимларида, шунингдек, ичида ишончли шахслар киритилган бошқа бошқарув ва маъмурий органларда ҳам бир хил қатнашишлари керак.

Ҳозирги кунда ҳукумат томонидан давлат корхоналари бошқарувида тайинланишдаги аёллар сонининг фоиз нисбати масаласи муҳокамага қўйилди. Иқтисодий масалаларни ечиш давомида аёллар ханузгача камчилик ҳолатидалар. Бунга биржада рўёхатдан ўтган хусусий корхоналарда ҳам эътибор бериш керак.

Аёлларнинг сиёсий қарорларни қабул қилишда катнашишидан мамлакат иқтисодийёти ҳам ютган бўлар эди.

Туула Хаатайнен,

1995-2003 йилларда Гендер тенглиги масалалари бўйича комиссия раиси. 2003-2005 йилларда Таълим вазир.

2005-2007 йилларда ижтимоий масалалар ва соғлиқни сақлаш бўйича Вазир, Гендер масалалари бўйича Вазир

10. КОРРУПЦИЯ БИЛАН КУРАШИШ

Финляндия узоқ вақт давомида коррупция даражаси энг кам бўлган олтита мамлакатнинг бири эди. 2017 йилда эса ҳатто биринчи ўринда эди. Transparency International халқаро ташкилоти турли хил мамлакатларда бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорларнинг махсус тажрибаларига таянган ҳолда мамлакатлар рўйхатини тузиб келмоқда. Тажриба давомида қонунчилик, қонунга бўйсунуш ва адолат самарадорлиги таҳлил қилинади.

Ушбу тадқиқот усули коррупциянинг барча кўриниш шаклларини ёритмаса ҳам, у кундалик ҳаётдаги пора олиш ҳолатларини самарали фош этади. Мамлакатнинг ушбу рўйхатдаги эгаллаган ўрни, қонунчилик ва қонунга бўйсунушнинг ҳозирги кун талабларига тўлиқ мос келиши, маъмурий ҳукумат органларининг етарлича самарадорлиги, жамият тамойилларининг адекватлигини етарлича батафсил изоҳлаб беради. Шу пайтга қадар Шимолий Европа мамлакатларининг ушбу рўйхатдаги эгаллаган ўринларига даъво қилинмаган. 2016 йилда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, энг кам коррупцияга йўлиққан мамлакатлар қаторига Дания, Янги Зеландия, Финляндия, Швеция, Швейцария ва Норвегия кирадилар.

Финляндиядаги коррупцияни самарали чеклашни қандай усулда амалга оширганмиз ва бунинг сири нимада? Халқаро фаолиятим давомида мен бу саволни узоқроқ маданият вакилларида тез-тез эшитишимга тўғри келган. Европада бизнинг рўйхатда тутган етакчи ўринларимиз одатий ҳол бўлиб туюлади.

Оддий сўз билан айтганда, очик бошқарув маъмурияти ва ривожланган шаффофлик омиллари, ўзини ўзи бошқариш органларининг кенг ваколатлари, полиция ва адлия органларининг аниқ тузилиши, шунингдек, ҳукуматнинг устидан қатъий назорат ушлаб турувчи оммавий ахборот воситалари, бошқача қилиб айтганда, амалдаги сўз эркинлиги объектив омиллар бўлиб хизмат қилади.

Коррупцияга қарши бўлган курашда мансабдор шахслар томонидан қарор қабул қилишдаги очиклик асосий ролни ўйнайди. У қабул қилинган қарорларни баҳолаш ва уларни асослаб бериш имконини беради. Мисол учун, Европа Иттифоқи пул оқимларининг бир қисми норасмий «кулранг» каналлар орқали келиб тушади ва шубҳа уйғонишига сабаб бўлади.

Коррупциянинг олдини олишда иккинчи муҳим элемент бўлиб маҳаллий органларнинг жамият учун очиклиги хизмат қилади. Ҳокимликлардаги ҳукумат ишончли одамларнинг кўлида, протоколлар олиб бориш ва қарорлар қабул қилиш эса очик бўлган вақтда коррупцияга чек қўйилади. Мисол учун, қурилиш ишлари бўйича лойиҳалаш ва шартномалар имзолаш вақтида.

Ҳукумат фаолиятини назорат қилишда финларнинг маҳаллий нашрларни ҳам ўз ичига олган ҳолда газеталарнинг фаол обуначилари ва ўқувчилари эканлиги ҳам ўз афзаллигини кўрсатади. Маъмуриятнинг адекватлиги устидан назоратни амалга оширишга аҳолининг саводхонлик даражаси, ҳамда кутубхоналарнинг ривожланган тизими кўмаклашади.

Шунингдек, замонавий қонунчилик ёрдамида иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, солиққа тортиш устидан етарли даражада молиялаштирилган назорат, жиноятчилик бўйича малакали тергов ва самарали фаолият юритувчи адлия институти ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Финляндияда порахўрликка қарши курашдаги асосий урғу ҳам таълим соҳасида, ҳам полиция, прокуратура ва мустақил судлар соҳаларига берилади. Ҳаракатларнинг қонунга мос ҳолда эканлигини аризалар асосида коррупцияда гумондорлик бўйича ишлар билан шуғулланувчи омбудсмен ва ҳуқуқий канцлер ҳам кузатиб турадилар.

2007 йилда Финляндияда юз берган ва парламент сайловолди компаниясининг кенг миқёсда ноқонуний молиялаштирилишига алоқадор бўлган жанжалдан сўнг, сайловолди компанияларини молиялаштириш бўйича қонунчилик кучайтирилди. Партия ва номзодлар сайловолди бюджетлари, сайловолди компаниясининг ҳаражатлари ва молиялаштириш манбаларини чоп этишга мажбурлар.

Финляндиядаги намунали қонунга итоаткорликнинг тарихий сабаби 1809-1917 йиллардаги мухторият даврларида пайдо бўлди. Швед-фин тартиб-интизоми чор ҳукумати ва Россия томонидан мунтазам равишда амалга оширилган босимга қарши холда қўллаб-қувватлашга эга эди. Судья ва мансабдор шахсларнинг пулга сотилмаслиги ва ҳалоллиги, шунингдек кучли маънавият тартиб-интизом учун курашда алмашинмас қурол бўлди. Қатъий қонунийлик омиллари мустақил Финляндия ҳукуматининг шаклланишида, шунингдек қонунга риоя қилиш устидан назорат қилишда ҳам амалда бўлди.

Йоханнес Коскинен,

1999-2005 йилларда Адлия вазири,

2005-2011 йилларда Конституцион қонунчилик бўйича Қўмита

Раиси,

2015 йилдан буён Европа тараққиёт ва тикланиш банки Бошқаруви аъзоси

11. ИККИ ТИЛЛИЛИК

Икки тиллилик, фин ва швед тилларига расмий тарзда давлат тили мақоми берилган мамлакат бўлмиш Финляндиядаги ҳаётнинг муҳим таркибий қисмидир. Ушбу икки тилни яхши билган мамлакат фуқароларининг давлат ҳукумати ва ҳокимлик органлари, ҳамда хусусий секторда яхши иш жойига эга бўлиш имконлари бор.

Мен доимо ўзимни икки тилли деб ҳисоблаганман. Менинг она тилим шведча бўлса ҳам, бу менга Хельсинки шаҳридаги университетда профессор лавозимини эгаллашга ва фин тилида дарс беришга ҳалақит бермади. Балким, мен қандайдир ўсимлик ва ҳайвон турларининг фин тилидаги номини билмасдирман, лекин мен

табиатшунос эмасман ва баъзи вақтларда лотинчадаги қобилиятларимга мурожаат қилишим мен учун кечиримлидир.

Эслатиб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда Финляндиядаги тил масаласи, номутаносиб равишда кўп сонли етакчи лавозимлар, она тили шведча бўлган одамлар томонидан эгаллаган давр бўлган 1930 йиллардаги талабалик давримдаги каби аҳамиятга эга эмас. Иккала тилни билиш бўйича талаб, бироқ бу талабга мос келмайдиганлар энг аввало ўзларини айблашлари лозим.

Бизнинг жамиятимизда тил бўйича айримчилик кузатилмайди. Бу оилаларида фақатгина фин ёки швед тилларида мулоқот қиладиган, ҳозирда биринчи хорижий тил деб аниқроқ қилиб аталган «иккинчи миллий тилни» ўрганишлари кейинчалик қон ва кўз ёшлари билан кечган одамларга тааллуқлидир. Лекин, аслида ҳам икки тилли бўлган, ота-онасининг бири билан фин тилида, иккинчиси билан эса швед тилида гаплашадиган ва иккала тилда ҳам бир хил ва осон равишда фикр юритиши мумкин бўлган аҳоли бўйича ҳолат қандай?

Бельгияда мен ўзларини икки тилли деб ҳисоблайдиган инсонлар билан учрашганман, лекин белгияликларнинг қанчаси француз ёки фламанд тилида ўз она тилидаги каби сўзлашаолиши ҳақидаги аниқ маълумот йўқдир. Финляндияда эса ҳаммаси бошқачадир. Бу ерда барча фуқароларнинг туғилганидан бошлаб ё фин тилида, ёки швед тилида сўзлашиши рўйхатга олиними лозим. Чиндан ҳам икки тилли бўлган мамлакат фуқаролари эса ўз танловларини қандай қилишади?

Статистика профессори Гуннар Фогштедт ушбу масалаларни ўзининг «Тилни танлашга таъсир қилувчи ижтимоий омиллар» номли китобида муҳокама қилган эди. У биринчи тил танлови, энг аввало уч омилга асосан бўлиши тўғрисидаги хулосага келди: она тили, таълим олиш тили ва яқин инсонлари тили. Бундан ташқари, унинг томонидан бир неча бошқа омиллар ва албаттаки, бир неча қоидадан ташқари ҳоллар ҳам белгилаб ўтилди.

Шундай қилиб, агарда сизнинг онангиз фин тилида сўзлашса ва сиз швед тилида сўзлашадиган аҳолининг деярли яшамайдиган Шарқий Финляндиядаги мактабга бораётган бўлсангиз, у ҳолда туғилганингизда фин тилида сўзлашувчи сифатида рўйхатга олиншингизнинг эҳтимоли кўпроқдир. Айни шундай эҳтимол

билан сиз швед тилида сўзлашувчилар рўйхатиغا олинасиз, агарда онангизнинг она тили швед тили, Финляндиянинг жанубий-шарқий соҳилида, швед тилида сўзлашувчилар сони умумий аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил қилувчи Таммисаари шаҳридаги мактабга бораётган бўлсангиз.

Келажақда ҳолат қандай ривожланади? Тил чегараларини бузиб ўтувчи никоҳлар (менга “аралаш никоҳ” атамаси ёкмайди) сони ортмоқда, лекин бу она тили сифатида фин тилининг автоматик тарзда танланиши деганими? Мен доимо бувимнинг фенноман (фин тили ва маданиятини ривожлантириш ҳаракати) бўлганини, отамнинг атиги юз йил аввал конституционалистларга ёндашганлигини ва Швед халқ партияси аъзоси бўлганини хушмуомалалик билан эслатиб тураман. Ўша пайтларда сиёсат ҳал қилувчи омил бўлган эди.

Бундан ташқари, фин тилида сўзлашувчи аҳолининг мамлакат жанубига кўчиши натижасида жамият мунтазам равишда ўзгармоқда. Табиийки, бу фин тили таъсирининг кенгайиб бориши нуқтаи назаридан фойдалидир. Бошқа томондан эса, жамиятда борган сари фин тилида кўпроқ сўзлашилаётганлиги омили, ота-оналарнинг ўз болаларини швед тилини ўрганишлари учун тилга шўнгиш синфларига ёки икки тиллиликни ривожлантириш учун швед мактабларига беришлари ҳолатига олиб келиши мумкин. Бу икки омил бир-бирига тенглаштирилиши мумкин эди. Ва ниҳоят, глобаллашувнинг икки тиллиликка қандай таъсир ўтказётганлигини эътиборга олишимиз лозим. Бу саволга жавоб бериш анча мураккабдир. Аввалом бор, глобаллашув сабабли ёшларнинг инглиз тили бўйича қобилиятлари анча яхшиланмоқда. Бундан ташқари, глобаллашув бошқа тилларнинг ҳам ўрганилишига кўмаклашади: битта хорижий тилни билиш бошқа тилларни ўрганиш жараёнини осонлаштиради.

Бундан келиб чиққан ҳолда, хорижий тилни ўрганиш швед тилида сўзлашувчилар учун осонроқми ёки фин тилида сўзлашувчилар учунми? Инглиз ва немис тили бўйича бўлган ҳолларда эҳтимол ҳа, лекин умумий қилиб олганда тилларни ўрганишга бўлган муносабат энг асосий омилдир. Икки тиллилик доимо яхши инсоний муносабатлар учун бошланғич нуқта бўлиб қолади.

Йоран фон Бонсдорфф,
фахрий профессор

12. АЛАНД ОРОЛЛАРИ – ФИНЛЯНДИЯНИНГ АВТОНОМ ХУДУДИ

Аланд ороллари ва унинг аҳолиси махсус автоном мақомга эгалар. Оролларда Финляндиянинг айна шу номли автоном хууду жойлашган. Автономиянинг расмий тили швед тилидир. Аланд ороллари ушбу мақомга 1921 йилдаги Аланд инқирозидан сўнг эга бўлдилар. Ороллар мақоми халқаро қонунчилик бўйича тасдиқланган, бироқ унинг ўзига хослиги Европанинг мунтазам равишда ўзгараётганлиги шароитида беқарорликка олиб келиши мумкин. Шу сабабли, Аланд ороллари аҳолиси Европанинг хууду автономиясига хурмат билан муносабатда бўлишига умид қиладилар, чунки уларни Европа Иттифоқи ҳуқуқлари ҳимоя қилади.

Аланд ороллари – Балтика денгизида Финляндия ва Швеция орасидаги Ботник кўрфазига кириш жойидаги архипелагдир. Архипелагнинг умумий майдони 6 784 квадрат километрни ва унинг 80 фоизини сув ташкил қилади. Архипелаг умумий майдони 1 550 квадрат километрни ташкил қиладиган ва атиги 80тасида аҳоли яшайдиган 6 500та оролдан иборатдир. Ҳозирги кунда Аланд ороллари аҳолисининг сони 26 000 атрофидадир. Шулардан 93 фоизининг она тили швед тили, 5 фоизи фин тили ва 2 фоизи бошқа тиллардир. Аланд оролларининг швед тилида сўзлашувчи аҳолиси, Финляндиянинг жами швед тилида сўзлашувчи аҳолисининг 8,4 фоизини ташкил қилади.

Оҳирги 600 йил мобайнида, Аланд ороллари хууду учун нима яхши эканлиги бўйича қарор қабул қилувчи бошқа давлатлар ҳукмронлиги остида эди. Швеция XIX асрнинг бошига қадар Финляндиянинг устидан ҳукмрон бўлиб юрди. Аланд ороллари маъмурий сабабларга кўра Финляндиянинг таркиби сифатида эди. Швед ҳукмронлиги даври 1809 йилда, Финляндиянинг Россия ҳукмронлиги остига ўтганида тугади. Россия ҳукмронлиги 1917 йилда барҳам топди. Шу вақтга қадар Аланд ороллари Россия таркибидаги Буюк Финляндия князлиги ичида эди. Шунга қарамадан, швед тили ҳам, ўз маданияти ва хуудунинг иқтисодий тизими ҳам сақланиб қолди.

Аланд инқироzi Биринчи жаҳон урушидан сўнг, Америка Қўшма Штатлари президенти Уилсоннинг инсоннинг ўзбелгилаш ҳуқуқлари бўйича таълимоти натижасида пайдо бўлди. Аланд ороллари Финляндия томонидан мустақилликни эълон қилинишигача Швеция билан яна бирлашмоқчи эди. Уларни Россиядаги беқарор ҳолат хавотирга солар, шунингдек, швед тили ва маданиятига хавф солиши мумкин бўлган Финляндиянинг кучли доминант ҳолати қўрқувга солар эди. Шунингдек, мустақил Финляндиянинг коммунистик давлат бўлиши мумкинлиги хавотири ҳам бор эди.

Ороллари тамомила йўқотишдан қўрққан ҳолда, парламент 1920 йилнинг май ойида, ҳатто орол аҳолиси билан муҳокама қилмасдан туриб, Аланд ороллари автономлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Бироқ қонун инкор қилинди, архипелаг аҳолиси уни тан олишни хоҳламади ва шу йўл билан Финляндия ва Швеция ўртасидаги алоқалар ҳам кескинлашди. Бирлашган Қироликнинг ташаббуси билан қарор қабул қилиш, эндигина ташкиллаштирилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотига берилди ва унинг 1921 йилнинг июн ойида қабул қилинган қарори Шох Сулаймоннинг донолигини кўрсатди. Қарор барча томонлар учун фойдали эди: Финляндия Аланд ороллари устидан ҳукмронликни қўлга киритди; Аланд ороллари автоном мақомга эга бўлдилар; Швеция Аланд ороллариининг демилитаризация қилинганлиги ва бетарафлигидан мамнун эди. (65 инновация)

Ҳозирги кунда Аланд ороллари сиёсати автономия тўғрисидаги учинчи қонун бўйича тартибга солинади. Биринчиси 1920 йилдан 1951 йилгача, иккинчиси 1952 йилдан 1993 йилгача амал қилди. Амалдаги қонун эса 1993 йилда қабул қилинди ва ҳозирги кунда унинг ислоҳоти яна фаол муҳокама қилинмоқда. Ўтмишдаги кунлардан фаркли равишда, ҳозирда архипелаг аҳолиси ҳуқуқий демократик жамият шароитида ўз тақдирларини ўзлари бошқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Финляндия парламенти архипелаг худудида махсус қонунчилик ваколатларига эга бўлган Аланд ороллари Қонунчилик Ассамблеясининг розилигисиз Аланд ороллари автономлиги тўғрисидаги Қонунга ўзгартириш киритиши мумкин эмас.

Финляндия томонидан имзоланган ва ратификация қилинган, автоном ҳудудга алоқадор бўлган халқаро келишувларга, улар Аланд ороллари учун қонун бўлиб қолишдан аввал Ассамблея томонидан розилик берилиши лозим.

Ҳудудни бошқариш Финляндия ҳукумати ва Аланд ороллари ҳукуматларининг биргаликдаги фаолияти орқали амалга оширилади. Автономиядаги ҳуқуқий нормаларни бажариш, мамлакатнинг қонунчилигига асосан давлат суди орқали тартибга солинади. Аланд ороллари аҳолисига истиқомат ҳуқуқини берувчи ҳужжат деб ҳам номланган ўз гражданилиги берилади. Ушбу ҳужжат ўз эгасига имтиёзли сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларни, шунингдек фуқароларни ҳарбий хизматдан озод қилувчи, амалда эса умуман ҳарбий мажбуриятлардан фориғ бўлиш кафолатини беради.

Аланд ороллари 1970 йилдан бери Шимолий Кенгаш аъзосидир ва Парламент Ассамблеяси, ҳамда Вазирлар Кенгашининг йиғилишларига қатнашиш ҳуқуқига эгалар. Финляндия 1989 йилда Европа Кенгаши аъзосига (ва ниҳоят) айланган вақтда, Аланд ороллари Қонунчилик Ассамблеяси инсон ҳуқуқлари бўйича европа стандартларининг оролларда ҳам амал қилиши мумкинлигини билдирувчи ўз розилигини берди.

Аланд ороллари Финляндиянинг Европа Иттифоқига кириши бўйича музокараларда ҳам қатнашдилар. Бироқ, 1921 йилда Миллатлар Лигаси билан бўлган ҳолатдан фарқли ўлароқ, Аланд ороллари автономияси вакиллари музокараларда автономия тўғрисидаги Қонуннинг талабларидан келиб чиққан ҳолда Финляндия делегацияси таркибида қатнашдилар. Автономияда иккита референдум ўтказилганлиги ва Қонунчилик Ассамблеясининг розилигидан сўнг, Финляндия ҳукумати Европа Иттифоқини ташкил қилиш Шартномаси, кўмир ва пўлат бўйича Европа Иттифоқи ва атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти қоидаларининг, Европа Иттифоқига Австрия, Финляндия ва Швециянинг кириши бўйича Қонуннинг 2-Протоколида кўрсатилган қоидаларга асосан Аланд ороллари автономиясига ҳам қўлланилишини баён қилди.

Бу ҳодиса 1995 йилнинг 1-январида юз берди.

Автономия тўғрисидаги Қонунга биноан, Финляндия ва Аланд ороллари ўртасидаги қонунчилик ҳукуматининг бўлинганлиги

туфайли ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятидаги камчиликларни аниқлашда ҳеч қандай расмий ечимларга эга эмаслигига қарамасдан, Финляндия Европа Иттифоқи аъзоси сифатида Аланд ороллари ҳудудида Европа Иттифоқи қонунчилигининг амалга оширилиши бўйича жавобгардир. Ушбу вазият Финляндия ва Аланд ороллари ҳукуматлари орасида, Финляндиянинг Европа Иттифоқида 2006 йилнинг иккинчи ярмидаги президентлиги даврида кузатиш мумкин бўлган янада яқинроқ муносабатларнинг ривожланишига олиб келди.

Гуннар Янссон,
1983-2003 йилларда Аланд ороллари
Финляндия
Парламентидаги депутати

13. СААМЛАР

Саам халқи ҳозирги Финляндия ҳудудида кўҳна замонлардан буён яшаган. Бошқа халқлар томонидан лопар деб номланадиган халқ вакиллари, ўзларини саам тилидаги сўз – саамлар деб атайдилар. Саам халқига мансублик аввало тил ва маданият асосида белгиланади. Саам халқига мансублик маданий гуруҳга мансублик сифатида белгиланади. Ушбу этник гуруҳга мансубликни ҳам, бошқа этник гуруҳга мансубликни ҳам ирқий белгилардан келиб чиққан ҳолда белгилашнинг иложи йўқ. Саам халқи туб аҳолидир, фақатгина лингвистик ёки этник озчилик эмас.

Финляндияда яшайдиган туб аҳоли ҳисобида бўлган саамлар конституцияга биноан 1973 йилдан буён саамлар парламенти бошқарган, 1996 йилдан эса халқ кенгаши томонидан бошқарилаётган маданий ўзини ўзи бошқаришга эгалар. 21 аъзо сайловларда тўрт йил муддатга сайланадилар. Халқ кенгаши саам халқи ҳуқуқларининг сақланишини назорат қилади ва уларнинг мақоми билан юз бераётган ўзгаришларни кузатиб туради. Кенгаш аъзолари парламентга таклифлар берадилар ва янги ташаббусларни илгари сурядилар. Шунингдек, саамларнинг умумий бойликларидан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қиладилар.

Туб аҳоли тушунчаси халқаро суд томонидан белгиланган. Туб аҳоли ўзи яшаётган мамлакат билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, улар сақланиб қолган ва кўп йиллар мобайнида фаолият юритаётган,

шулардан бир мисол тариқасидаги кишлоқ кенгаши,каби ўз бошқарув институтларига ҳам эгалар. Туб аҳоли ҳуқуқлари ижтимоий, халққа оид ҳуқуқлар тоифасига киради. Айни вақтда озчилик ҳуқуқлари эса шахсга оид тоифасидандир. Ўзбелгилаш ҳуқуқи туб аҳолига тегишли бўлган ҳуқуқларнинг муҳимидир. Финляндия конституциясида саамларнинг туб аҳоли сифатида тан олинганликларига қарамасдан, финларнинг саамларга бўлган туб аҳоли сифатидаги муносабатлари ҳар доим ҳам аниқ эмасдир.

Тўртта давлат ҳудудида саам халқининг жами 100 000 вакили истиқомат қилади. Уларнинг ярмидан кўпроқ қисми Норвегияда, қолганлари эса Швеция, Финляндия ва Россияда яшайди. Саам халқига мансублик ҳар бир мамлакатда ҳар хил йўл билан аниқланади. Шунинг учун аҳоли рўйхатидан аниқ маълумотларни олиш анчагина мушкулдир. Саамларнинг ярми Финляндияда асли ўзларига тегишли бўлган Инари, Энонтекие, Утсйоки ёки Вуотсо вилоятидаги Соданкюла ҳудудларида яшайдилар.

Саам диалектлари жами ўнтагачадир ва Финляндияда уларнинг учтасида сўзлашилади: шимолий, скольд ёки кольт-саам ва инари. Инари – энг йирик бўлган лапланд ҳокимлигидир. Ушбу ҳудуд аҳолиси бирваракайига тўртта тилда сўзлашадилар: ҳудуднинг шимолий саам шевасидаги номи Анар, инари шевасида Анаар, кольт-саам шевасида эса Аанар деб талаффуз қилинади. Финляндияда истиқомат қилувчи саам халқи вакилларининг тахминан 70% сўзлашадиган шимолий саам шеваси, тил эгалари сони жиҳатидан энг кўп тарқалгандир. Айни шу шевада Швеция ва Норвегияда ҳам сўзлашишади. Саам шевалари бир-биридан анчагина фарқ қилади. Ҳар хил шева эгалари бир-бирларини аранг тушунадилар. Катта ёшдаги саам аҳолисининг кўпчилик қисми ўз она тилида ёзишни билмайди ва бу ҳолат олдинги авлоднинг мактабларда кўпчиликнинг тили, яъни фин тилида таълим олганлиги билан изоҳланади. Шунга қарамай, саам ёзуви 400 йилдан бери мавжуддир.

Финляндияда саам тиллари мақомини қонунчилик орқали кучайтириш ҳаракатлари олиб борилмоқда. Қонунга биноан, саамлар ўзлари яшайдиган манзилларда ҳужжатларни ўз она тилларида юритиш ҳуқуқига эгалар. Аммо мансабдор шахслар одатда саам

тилини билишлари шарт эмас. Улар таржимонлар хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

Буғу боқиш, ов қилиш ва балиқчилик саамларнинг анъанавий машғулот турларидир. Саамлар доимо табиат бойликларидан йиртқичларча фойдаланишга қарши чиққанлар. Саамлар маданиятида табиий ресурслар энг муҳим ўрин тутади. Улардан шахсий мақсадларда ортиқча фойдаланиш ёки йўқ қилишга ижозат берилмайди. Мисол учун, шимол буғуси ягел билан озикланади ва ўрмон чизигининг ҳар иккала томонида ҳам иқлимга яхши мослашади. Ўрмонлардан мунтазам равишда фойдаланиш, ўрмонларни очиқ кесиш ўсимлик қопламини шикастлайди ва буғуларнинг асосий озукаси бўлган ягелни йўқ қилади. Бу эса кўшимча озукалантириш талабини ва кўшимча ҳаражатларни келтириб чиқаради.

Бугунги кунда саам маданияти анчагина парчаланиб кетган. Тезкор ассимиляция жараёни юз бермоқда. Фин файласуфи Олли Лагерспетцнинг айтишича, мамнун туб аҳоли колонизациядаги доминант маданиятнинг муваффақият белгисидир, аини вақтда норози туб аҳоли колонизация ва ассимиляциянинг яқунланмаганлиги, шунинг учун ҳам давом этиши кераклигидир. Финляндия нуқтаи назаридан фақатгина саам-буғучилари ўрмонларни йўқ қилишга қарши чиққанлардандир. Бу эса, уларга ўз маданиятларига хос бўлган асосий кадриятларни сақлаб қолишга ёрдам берди.

Финляндия ҳукумати худди саамларни мамлакатнинг асосий аҳолиси билан ассимиляция қилишга ҳали ҳам ҳаракат қилаётгандек туюлади. Ҳар ҳолда, бу бўйича саамларнинг туб аҳоли сифатидаги ҳолати ва уларга тегишли ҳуқуқларни амалга ошириш юзасидан фикр юритиш мумкин. Ассимиляция жараёнини тугатиш ва Финляндиянинг бошқа худудларига миграция тенденциясини тўхтатиш учун саам парламенти, фаолияти таркибига замонавий яшаш тарзи ва ўз кадриятларини сақлаб қолиш мақсадида анъанавий маданият киритилиши мумкин бўлган маданий марказ яратиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Шимолий худудлар университетлари ҳамкорликда қатнашишга, шунингдек марказнинг фаолиятига таълим бериш ва тадқиқот фаолиятини киритишга ваъда бердилар.

Финляндия ҳукумати маданий марказга ассимиляция жараёнига тўсқинлик қилувчи омил сифатида тўғри баҳо берди ва балким шу сабабли ҳам марказ қурилишини молиялаштиришга шошилмади. Шунга қарамай, саамлар ўз маданий қадриятларига асосланган жамият қуришга ҳаракат қилмоқдалар.

Пекка Айкио,
1996-2008 йилларда Саамлар халқ кенгаши раиси

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

14. ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МАМЛАКАТИ

Ҳозирги кунда Финляндияда мамлакат умумий аҳолисининг 4/5 қисми қатнашадиган 90-100 мингта ташкилотлар фаолият юритмоқда. Улардан кўпчилиги бирваракайига бир неча ташкилот аъзосидир. Бошқа шимолӣ мамлакатларнинг аҳолиси каби финлар ҳам ижтимоӣ фаолиятда фаол иштирок этишади ва ушбу кўрсаткич бўйича дунёда етакчи ўринлардан биридалар. Вақт ўтган сари ўсиш кўрсаткичи камайгани йўқ, 1996-2016 йилларда 53 мингдан ортиқ янги ташкилотлар ташкил этилди. Жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари институти жуда тез янгиланмоқда, 2017 йилнинг бошида жамоат такилотлари рўйхатидан 35 мингта фаолият юритмайдиган ташкилотлар олиб ташланган эди. Уларнинг кўпчилик қисми сиёсий ташкилот ва ҳаракатлар, ташкилот ва ҳаракатларнинг сўлиб бораётган чекка кишлоклардаги филиаллари, йўқолиб кетаётган касб ва хунармандчилик бирлашмалари, шунингдек, янги ҳордиқ чикариш шакллари томонидан сиқиб чикарилган анъанавий қизиқишларга оид аҳоли бирлашмаларидир.

Жамоат ташкилотларининг ташкил бўлиш тарихи томирлари билан XIX асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади, агарда ундан ҳам эрта бўлмаса. Соғлом ҳаёт тарзи тарафдорлари ҳаракати, ишчилар халқ ҳаракати, ёшлар бирлашмаси ҳаракати ва кооператив ҳаракати каби «прогрессив жамоатлар» уюшган жамият доирасида ҳаракат олиб борган вақтларида турли хилдаги жорий масалаларни ва ўзларининг ким эканликларини намойиш этиш имкониятига эга бўлдилар. Уларда зиёлиларнинг миллат ва давлатни қуриш ва халқаро тушунчаларга кўра ижтимоӣ синфларга бўлинганлиги билан жуда фарқ қилган жамиятни шакллантириш ҳаракатлари бир марказга тўпланди.

Мамлакатнинг сиёсий аппарати қалтис вазиятда қолган пайтда жамоат ташкилотлари сиёсий масалаларни ўз зиммаларига олдилар. Улар кўпгина гуруҳларнинг жамият билан алоқаларини маълум бир маънода ифодалайдиган овози бўлдилар. 1906 йилдаги умумхалқ ва тенг сайлаш ҳуқуқининг тан олинишидан сўнг партиялар тизими ва

ташкilotлар маданияти юзага келди. Аёллар, ёшлар, ўспиринлар ва нафақахўрлар ташкilotлари, соғлом ҳаёт тарзи тарафдорлари ҳаракатлари, маданий ва таълим фаолияти, актёрлар клублари ва хорлар, спорт жамиятлари ва профессионал фаолиятлар партия ташкilotларига бириктилар. Ушбу ҳолат аввало аграрий-центристларда, социал-демократларда ва кейинчалик халқ демократлари ҳаракатларида юз берди.

Бироқ, ҳамма ташкilotлар ҳам бирон-бир йирик ғоявий ёки сиёсий гуруҳга мансуб эмас эди. Урушлар бўлган даврларда ишчилар нафақат ўз партиялари учун овоз беришар, балки ўз ташкilot ва корхоналарида ўқиш, мусиқа билан шуғулланиш, кундалик товарларни харид қилиш ва пулларини сақлаш билан ҳам шуғулланишар эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг халқ демократик партияси фаолияти пайдо бўлди. 60-70 йилларнинг ўзидаёқ, аср бошининг кўпгина ижтимоий-сиёсий мавзулари янги халқаро масалалар билан бир қаторда кун тартибига тушиб қолдилар ва кўнгилли ташкilotлар томонидан қўллаб-қувватландилар. Ҳар йили юзлаб янги сўл ташкilotлар, ёшлар ташкilotлари, маданият соҳасидаги танкидчилар бирлашмалари, дўстлик жамиятлари ва ривожланаётган мамлакатларга кўмаклашиш ташкilotлари ташкил қилинди.

Лекин, 70-йилларнинг охиридан бошлаб синфлар ва гуруҳларга асосланган ташкilotлар фаолияти камайишни бошлади. 80-йилларда аъзолари турли хил манфаатга эга, сиёсий ғоялар билан боғланмаган жисмоний шахслар бўлган ташкilotлар фаол равишда ташкил қилиниб борди. Келгуси ўн йилликда бу йўналиш кучайиб борди. 90-йилларнинг ўрталарида ташкил қилинган ташкilotларнинг бешдан уч қисми турли хилдаги маданий ва спорт ташкilotлари эди. Уларга одамлар ўзларини илгариги ғоявий-сиёсий ташкilotлари давридагидан кўра анчагина камроқ бахшида этдилар.

Спорт тўғарақлари, мотоциклистлар клуби ёки ит ва мушук эгалари клублари «хусусий маданият»га кирадилар. Ёшлар ватанпарварлик жамияти ёки бирон-бир ғояга йўналтирилган аёллар ташкilotига аъзоликда эса аъзолар янада каттароқ мафкуравий бутунликка жалб қилинади. Шунинг учун улар аъзоларни жалб қилиш бўйича компанияларни одатда ташкил қилмайдилар ва

камдан-кам ҳоллардагина бирон-бир давлат марказий ташкилотига алоқадор бўладилар. Фаолиятлари халқаро моделлар ёки яқин атрофдагилар, одамларнинг ОАВдаги маълумотлар орқали кирмайдиган ва ижтимоий фаолиятнинг кенг майдонида ёки ижтимоий тармоқларда компаниялар олиб бормайдиган «ўз шахсий методлари»га асосланади. Эски ташкилотлар билан таққослаганда, янги ташкилотлар фаолияти қисқа муддатли ёки камроқ доимий деб тушунилади. Шунингдек, улар ҳажм жиҳатидан унча катта эмас ва аъзоларининг алоқалари «енгилроқ» эди. Уларнинг фаолияти ишлаб чиқариш масалалари ёки меҳнат бозоридаги вазиятдан кўра кўпроқ одамларнинг шахсий манфаати ва қизиқишига асосланар эди. Янги ташкилотларнинг кўпчилиги қисми ўз атрофидаги дунёни эмас, балки аъзоларининг ички дунёсини ўзгартиришга ҳаракат қилган эди.

Бундай ривожланиш ташкилотлар фаолиятини «сиёсатдан ташқарига» кўйди. Ташкилот фаолиятига фақатгина инсон шахсиятининг кичик бир қисми боғланган пайтда, бундан сиёсатга йўналган оммавий иштирок ривожланиши мумкин эмас. Мисол учун, тўпли хоккей жамиятидаги аъзолик спорт юриши жамиятига аъзоликни тақиқламайди. Олдинги даврда эса скаутлар ташкилоти аъзоси бир вақтнинг ўзида пионер клубининг ҳам аъзоси бўлолмас эди. Бошқа инсонларнинг муаммоларидан юз ўгириш осондир, агарда уларни илгариги ташкилотларнинг кучли маданияти мавжуд бўлган вақтлардаги каби умумий тажрибаларга асосланган алоқалари бирлаштирмаса.

Бунга қарамасдан, Финляндия ташкилотларида ҳалигача ҳам сиёсий салоҳият мавжуддир. Ташкилотлар фақатгина ханузгача фаолият юритаётган фин ижтимоий фаолиятининг катта йўли бўлибгина қолмай, уларнинг доирасида танқид маданияти ва янги сиёсий ғоялар ҳам юзага келмоқда. Кўнгилли фаолиятнинг анчагина қисми ташкилот шаклини олиб бўлди. Ҳозирги кунда кўпгина муҳим ҳаракатларнинг рўйхатга олинган ташкилотлар доирасига кирмаганликлари янги даврнинг мисоли бўлиши мумкин. Ушбу ҳолат, ҳам ташкилотлар фаолиятининг замонавий сиёсий бефарқлигини, ҳам ижтимоий фаолиятдаги ташкилотлар анъаналарига бўлган шубҳаларни таъкидлаб ўтади. Инсон гуруҳлари манфаатларини ифодалаш фаолияти ўрнига уларда қисман бўлган ҳаракатлар ва уюшганликнинг кучсиз шакллари мавжуд.

2000 йилларда жамоат ташкилотларининг анъанавий кўринишига муқобил бўлган, Интернет тармоғидаги ўзини ташкил қилишнинг янги виртуал шакли шаклланди. Бундай ташкилий шакллар улар атрофида тузилаётган қизиқишлар каби мустақкам жамоавий ўзига хосликнинг шаклланиши қийинлигини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, улар прогнозлаш ва бирлашишнинг корпоратив хусусиятларига асосланган бошқарув шаклидан, уларга қутилмаганлик, сиёсий ва жамоавий тебранишлар хос бўлган фуқаролик жамияти ва сиёсий ташкилот шаклига ўтишни ҳам кўрсатишлари мумкин. Интернет тармоқларидан ижтимоий фаолиятнинг янги рақобатбардош кўриниши пайдо бўлиши мумкинлиги ёки бўлмаслигини келажак кўрсатади.

Ристо Алапуру, Мартти Сииснайнен,
*Хельсинки ва Ювяскюля шаҳарлари университетларининг
профессорлари*

15. ШАҲАР ЖАМОАТ ҲАЁТИНИНГ ЯНГИ МАДАНИЯТИ

2010 йилларда Финляндияда ва айниқса Хельсинки шаҳрида, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали Финляндиядан ташқарига ҳам тарқалиб кетган янги шаҳар маданияти шаклланди. Ушбу ҳолатнинг янги бўлишига қарамай, жамоа ичида ишлаш ва шанбаликларда қатнашиш фин маданияти таркибига анча олдинроқ кириб келган. Ушбу анъана урбанизация жараёни давомида қисман йўқолиб кетди, лекин кўриниши ўзгарган шаклда яна пайдо бўлди. Фин шаҳарлари ўзларининг қисқа вақт давомидаги мавжудлик тарихи ва кичик ўлчамлари туфайли ҳаётнинг айнан шаҳар тарзи билан фарқли бўлмадилар, лекин кейинги йилларда урбанизация жараёни ва шаҳар маданиятининг шаклланиши кескин равишда фаоллашди. Ушбу жараённинг ўрнатқ бўлувчи хусусияти шундаки, унинг ҳаракат кучи жамиятнинг ўзидир.

Шаҳар маданиятининг энг машҳур намунавий мисоли, 2011 йилда алоҳида шахсларнинг ташаббуси билан илк маротаба амалга оширилган Ресторанлар кунидир (Ravintolapäivä). Ушбу тадбирнинг гоёси шундан иборатки, ҳар қайси инсон маълум бир кунда

факатгина бир кун давомида фаолият юритиши мумкин бўлган ўз ресторанини очиши мумкиндир. Ресторанлар куни тағзаминида вақтни кизиқарли ўтказишдан ташқари яна умумий овқатланиш корхонасини очишга алоқадор кийинчиликлар бўйича танқидий кайфиятлар ҳам ётмоқда. Аввалига Ресторанлар куни мансабдор шахсларнинг розилигисиз пайдо бўлган бўлса ҳам, у жуда қисқа вақт ичида ҳукумат эътирофига сазовор бўлди. Йилига тўрт маротаба ўтказиладиган Ресторанлар куни Финляндияда тезда машҳур бўлиб кетди ва ҳатто унинг ташқарисида, айниқса Россия ва Марказий Европа мамлакатларида ҳам тарқалди.

2012 йилда илк бора жуда тез машҳур бўлиб кетган бошқа бир ташаббус – Тозалик куни амалга оширилди. Йилига икки маротаба мамлакат бўйича ўн минглаб одамлар фойдаланилган товарларни сотиш ёки харид қилиш учун кўча ва паркларга чиқадилар. Ушбу ҳолат бошқа мамлакатлар қаторида Японияда ҳам тарқалди.

2010 йилларда шаҳар ҳаёти фаоллашувининг яна бир тўлкини бошланди. Ҳаммаси 2011 йилда Каллио (Хельсинки туманларидан бири) туманини ободонлаштириш мақсадида ташкил қилинган «Каллио Ҳаракати» туфайли бошланди. «Каллио Ҳаракати» шакли бирлашма эмас ва унинг бошқаруви йўқдир. Шунга қарамай, ушбу ҳаракат ижтимоий тармоқлар туфайли ўзи ташкил қилаётган фаолиятга жуда кўп сонли кўнгилчиларни жалб қилишга ва бошқа тадбирлар қаторида, Каллио шаҳри кўчаларида 20 мингга ортиқ одамни тўплаган Каллио тумани байрамини (KallioBlockParty) ўтказишга муваффақ бўлди. «Каллио Ҳаракати» ва Каллио тумани байрами Финляндия бўйича шундай ташаббусларга намуна бўлди.

Ресурсларни тарқатиш ва улардан фойдаланиш бўйича янги инновацион ёндашув шаҳар шароитидаги ижтимоий ҳаётнинг янги шаклларида хосдир. Эндиликда ҳар бир киши шаҳар ҳокимлигига тегишли жойлардан фойдаланиш имконига эга ва айни вақтда, хусусий эгаликда бўлган хона ва бинолар жамоавий хусусиятларга эга бўлади. «Ижодий меҳмонхона» (Olohuonenäyttely), уй театрлари фестивали, шунингдек, сайловлар арафасида ташкиллаштириладиган музокаралар чодир-меҳмонхоналари Бундай ўзгаришларга мисолдир. 2016 йилдан буён Хельсинки шаҳрида ташкил қилинадиган, унинг давомида оддий одамлар, фирма ва жамоат ташкилотлари ўз сауналари эшикларини очадиган ва ҳар бир киши

ушбу таклифдан умуман бепул фойдаланиши мумкин бўлган Сауна куни ҳам яна бир мисолдир.

Янги шаҳар маданиятини шакллантириш негизида кўпгина омиллар ётмоқда ва улардан энг муҳимлари янги технологиялардир: ижтимоий медианинг кенг тарқалиши, ундан фойдаланиш имкониятлари бўлмаганида, лойиҳаларнинг сезиларли қисми ҳеч қачон амалга ошмаган бўлар эди. Илгариги вақтларда бир неча кунлар ёки ҳафталарда бажарилган ахборот ишларига эндиликда Фейсбукдаги битта постнинг ўзи кифоя бўлиши мумкин.

Бироқ, ижтимоий медиалар ривожланишнинг ягона омили эмаслар. Ушбу жараённинг қоқ марказида Финляндия учун хос бўлган ва жамоат фаолияти суянган тенгхуқуқлик муҳити ётмоқда. Финларнинг бошқа инсонларга бўлган юқори даражадаги ишончининг ҳам аҳамияти кам эмас. Бунинг натижасида одамларнинг кўпчилиги кўчадаги очиқ осмон остида ишлаётган вақтинчалик ресторанда таом харид қилиш ёки умуман бегона бўлган одамларга ўз уйи эшикларини очиб беришда ҳеч қандай муаммо кўрмайдилар.

Финляндия – бу каби лойиҳалар амалга оширилаётган ягона мамлакат эмасдир. Аммо, содир бўлаётган воқеаларнинг ҳажми, қамрови ва ноёб эканлиги шаҳар жамоат ҳаётининг янги маданиятининг ўзига хослигини таъминлайди. Финляндиядаги ҳолатнинг ўзига хослиги, ўзгаришларнинг юқори тезликда эканлиги билан изоҳланади: ҳали ўн йилдан ҳам кам вақт илгари шаҳар аҳолисининг фаоллиги катта миқдордаги чегаралашлар орқали қийинлашган эди. Ҳозирда эса шаҳарликларнинг фаолияти Хельсинкида қўллаб-қувватлаш ва маркетинг олдинга суришга эга бўлмоқда.

Яаакко Бломберг,

*Маданиятчи-тадқиқотчи ва оммавий тадбирлар ташиқлотчиси,
Yhteismaary ташиқлоту асосчиси*

16. ЙЎЛ ЎРТОҚЛИГИ

Давлат ёки муниципалитетларнинг масъулиятида бўлган йўл ва трассалар, хусусий кўчмас мулк объектлари билан хусусий йўллар

тармоғи орқали боғланган. Хусусий йўллардан фойдаланувчи кўчмас мулк объектлари эгалари, ушбу хусусий йўлларни таъмирлаш учун ташкил қилинган йўл ўртоқликлари ҳиссадорларидир.

Йўл ўртоқлиги ҳиссадорлари хусусий йўлни қуриш ва уни таъмирлашни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширишлари лозим. Йўл ўртоқликлари кўринишидаги хусусий йўлларни таъмирлашни ташкиллаштириш, хусусий йўллар тармоғи каби ўзига хос, ҳатто ягона бўлган тизимдир ва ушбу ташкиллаштириш тамойиллари ўнлаб йил давомида ўзгармай қолди. Худди шундай тизим Швецияда ҳам бор ва айнан ўша ердан Финляндияга келган.

Йўл ўртоқликлари ҳиссадорларининг йўлларни таъмирлаш бўйича ишларни молиялаштиришлари бошланғич даврда кўзда тутилганлигига қарамай, йўл ҳаракатини таъминлаш ва аҳоли яшаш жойларига етишиш нуктаи назаридан ўта муҳим бўлган хусусий йўллар учун давлат ёки муниципалитет бюджетидан субсидия олиш мумкин. Субсидияни олиш шарти бўлиб одатда йўл ўртоқлигининг мавжудлиги хизмат қилади. Йўл ўртоқлигини ташкил қилиш ҳиссадорларнинг кўп эканлиги ва йўлнинг мунтазам таъмирга муҳтожлиги ҳолларида тавсия қилинади. Йўл ўртоқликлари ва йўлларни таъмирлаш ўртоқликлари фаолиятлари хусусий йўллар тўғрисидаги Қонунга биноан тартибга солинади. Хусусий йўлларни таъмирлашга йўналтирилган давлат кўмаги 1990 йилларнинг бошида, унинг миқдори 35 миллион еврога етган пайти ўз чўққисига етганди. Лекин, мисол учун, 2016 йилда давлат субсидиялари атиги 8 миллион еврони ташкил қилди, айни вақтда Швецияда эса давлат кўмаги деярли 100 миллион евро билан ўлчанар эди.

Финляндиядаги хусусий йўллар тармоғининг умумий узунлиги 360 минг километрни ташкил этади ва бу сон, мисол учун, умумий узунлиги 79 минг километрдан сал кўпроқ бўлган умумий фойдаланишдаги йўллар тармоғи билан таққослаганда салмоқли эканлиги аён бўлади. Хусусий йўлларнинг тахминан 100 минг километри доимий аҳоли пунктларига, яна 120 минг километри ёғоч ташиш йўллари ва тахминан 110 минг километри ўрмон ва дала ховли йўлларида. Йўл ҳаракатини таъминлаш нуктаи назаридан муҳим бўлган ва давлат субсидияларининг ажратилиши мезонларига мос келадиганлари 55 минг километр атрофидадир.

Бутун дунё микёсида ушбу тизим ўзининг ягоналиги билан тавсифланади. Хусусий йўлларга тааллуқли барча масалалар 1963 йилда қабул қилинган Қонунга биноан тартибга солинади. Ушбу қонундан аввал, эҳтимол, йўлларни таъмирлашга алоқадор қоидалари XX аср бошига бориб тақалувчи умумий фойдаланиш йўллари қонунчилигидан мерос қилиб олинган тупроқ йўллари тўғрисидаги қонун мавжуд эди. Ўша даврда маҳаллий ер эгалари умумий фойдаланиш йўлларининг таъмири учун қисман жавобгар эди ва уларнинг ҳар бири ушбу жавобгарикка ўз улушини келтирган. Финляндия аҳолиси кам мамлакат бўлганлиги туфайли ушбу йўллар ҳам умумий фойдаланиш йўллари, ҳам маҳаллий аҳоли пунктларида яшовчилар фойдаланидиган йўллар эди. Ушбу мавзуда Финляндиядаги қишлоқ аҳолисининг камайиб бориши шароитларида, хусусий йўлларни таъмирлашга бўлган талабни сақлашга ёрдам берадиган дала ҳовлиларда дам олиш анъанаси алоҳида таъкидлашга сазовордир. Акс ҳолда, мамлакатнинг чекка қисмларида жойлашган бундай йўлларда йўл ҳаракати жуда суст бўлар эди.

Узоқ вақт мобайнида ва ҳозирги кунга қадар, аҳолининг ҳудудда тенг тақсимланган ҳолда жойлашиши Финляндия учун ўзига хосдир. Мисол учун, кўп жиҳатлари билан Финляндияга ўхшаш бўлган Швецияда, аҳолининг кўпчилик қисми аҳоли пунктларида жамланган. Айни вақтда Финляндияда эса хуторларнинг яшаш жойи сифатидаги ўрни каттадир.

2015 йилда Финляндия йўллари Ассоциацияси томонидан чоп этилган «Йўл ўртоқлиги ва унинг хиссадорлари» номли китобда тизимнинг тавсифи берилган. Китоб таркибининг ўзиёқ йўл ўртоқлигининг моҳияти тўғрисида тушунча беради: йўналиш ҳуқуқлари ва ҳиссалар бўйича умумий эгалик, йўл ўртоқлиги бошқаруви (қарор қабул қилиш ваколатлари), мажбуриятларни тақсимлаш тамойиллари, йўл ўртоқлигига тўловлар ва субсидиялар ажратиш тизимлари.

Ўнлаб йиллар давомида эски қонунчилик билан белгиланиб келинган бундай ёндашув ҳақиқатан ишловчи ва демократик бўлганлиги билан тавсифланган бўлса ҳам, мулкнинг умумий бошқаруви шароитларида вужудга келувчи анчагина баҳс ва келишмовчиликлардан қутқариб қололмади. Шунга қарамай,

қонунчилик билан тасдиқланган ўйин қоидалари тизимнинг фаолият кўрсатиши учун мустаҳкам асос яратди.

Хусусий йўллари таъмирлаш умумий фойдаланиш йўллари таъмирлаш учун ажратиладиган ҳаражатларнинг тахминан учдан бир қисмига тўғри келади. Хусусий йўллар тармоғини таъмирлаш учун ажратиладиган субсидиялар ҳажмининг ортиши муқаррардек кўринади, чунки кўпгина хусусий йўллар йўл ҳаракатини таъминлаш нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган мақомни олдилар. Айни пайтда умумий фойдаланиш йўлларидаги ҳаракат демографик ўзгаришлар ва меҳнат бозорининг ўзгариши туфайли камайиб кетди.

Шунинг учун, хусусий ва давлат йўллари чегараларини қайтадан кўриб чиқиш кераклиги долзарб бўлди ва бундай қайтадан кўриш янги инновацион ечимлар учун туртки бўлиши мумкин. Умумий эътиборни талаб қилувчи омиллар йўлларга хизмат кўрсатиш бўйича пудратни ташкил қилишнинг мавжуд йўналишлари, йўл таъмирини бошқариш, текшириш ва қайтадан кўриб чиқиш объекти бўлган ишларга маҳаллий тадбиркорларни жалб қилишни ўз ичига олади. Расмий равишда ташкил қилинган ва қонуний кучга эга бўлган йўллардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича бошқарув тизими, охириги йиллар ичида амалга оширилган энг муҳим қадамлардан бири десак бўлади. Ҳозирги кунда мамлакатда шу соҳада тахминан 200 киши фаолият юритмоқда ва уларнинг 150 нафар фаоли иштирокчиси ҳаттоки ўз ишларини ҳам ташкил қилдилар.

Ҳозирги кунда, самарадорликни ошириш ва фаолиятни оптималлаштириш мақсадида, хусусий ва давлат йўлларида фойдаланиш ва уларни таъмирлашни бирлаштириш учун ечимлар изланмоқда. Бироқ, масала бирон-бир ягона иш моделини ишлаб чиқишда эмас, балки ҳар бир алоҳида ҳолат учун энг доно ечимни топишдадир. Кўпинча масала ишларни ташкиллаштиришнинг энг мос шакли ва пудрат шартномасини тузишга алоқадордир.

Лассе Векстрём,

Техника фанлари доктори, 1996-2000 йилларда Автойўллар ва сув иншоотларини қуриш, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш Бошқаруви бош директори

17. ЎЙИН АВТОМАТЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ

1938 йилнинг 1 апрел куни ташкил қилинган ўйин автоматлари ассоциацияси, давлат ҳукумати ва жамоат ташкилотларини кўприк каби боғлаб турган ижтимоий инновацияни ўзида акс эттиради. Ташкилот ўзининг фаолият йўлини ўн йилликлар давомида излаган эди. Натижа ўлароқ, мамлакатнинг ҳамма жойларидаги барча ўйин автоматлари жамоат ташкилотлари ва давлатнинг бошқарувиغا тушдилар.

Немис ва фин тадбиркорлари 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўйин автоматлари фаолиятини «Паяццо» ўйин автоматидан бошладилар. Бирок, одамларнинг кимор ўйинларига бўлган ишқибозлигидан фойдаланган ҳолда, алоҳида тадбиркор шахслар томонидан катта миқдордаги маблағларнинг қўлга киритилгани фош этилганидан сўнг тез орада жамоат фикри бонг урди. Ҳукумат органларига ўтказилаётган босим кучайиб борди ва кўп ўтмай, 1933 йилда пуллик ўйин автоматларини етказиб бериш ва эгалик қилиш, ҳамда ўйин фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи фақатгина хайрия ташкилотларига рухсат берилганлиги тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Ўйин автоматлари ассоциацияси (RAY) 1938 йилда давлат томонидан аҳолининг соғлигини сақлашга пул йиғиш бўйича умумий фаолият шакли берилган саккизта таъсис ташкилотларининг ҳаракатлари билан ўз фаолиятини бошлади. Бундай жамоат бирлашмаси ўз хусусиятларига кўра ягона бўлган тузилма эди ва халқаро қизиқиш объектига ҳам айланди. Оддий рўйхатга олинган бирлашмадан фарқли ўлароқ Ўйин автоматлари ассоциацияси бошидан бошлаб, жамоат ташкилотлари ва уларнинг хайрия ишлари учун ўйин автоматларидан келиб тушувчи пуллар ҳисобидан маблағ йиғиш вазифаси юклатилган бўлган давлат ва жамоат ташкилотларининг умумий лойиҳаси эди.

Давлат таъсисчи ташкилотларни қўллаб-қувватлади ва шу йўл билан фаолиятнинг тўсиқсизлигини таъминлади.

Ўйин автоматлари ассоциацияси 1938 йилнинг 1 апрелида ўз фаолиятини бошлади. Ўша вақтда ассоциациянинг 670 донга ўйин автоматлари бор эди. Биринчи йилнинг фойдаси ҳисобидан 84та ташкилотга 12 миллион марка миқдоридagi субсидиялар тарқатилди.

Ўйин автоматлари ассоциацияси, асосан ресторан эгалари бўлмиш тадбиркорлар билан шартнома тузиш ваколатига эга бўлган вакиллар тармоғини ташкил қилди. Шунингдек, ташкилот автоматларни ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш, улардан пулларни йиғиш ва ташкилот ва жамиятларга тарқатишга ҳам қарор қилди. Бундан ташқари, ўйин автоматлари ассоциацияси молиявий ёрдам учун мурожаатларни кўриб чиққан ва субсидияларни тақсимлаш бўйича ҳукуматга ўз таклифларини берган. Ассоциация маблағлардан фойдаланишни ҳам назорат қилган. Бу дегани, ассоциация томонидан, пулларнинг ўйин автоматларидан олиниши пайтидан бошлаб, молиявий ёрдам бериш қарори бўйича улардан фойдаланишгача бўлган пул айланмасини кузатиб турарди. Субсидиялар маълум бир шартлар асосида барча жамиятга фойдаси тегадиган ташкилотларга берилар эди. Казино ўйинлари ассоциациянинг жавобгарлик доирасига 1960 йилларнинг охирларида киритилган эди. 1980 йилларнинг охирларида ассоциация ўз ўйин ҳудудларини ва 1990 йилларнинг бошларида халқаро казиноларни ҳам очиш имконига эга бўлди.

2016 йилгача бўлган даврда Ўйин автоматлари ассоциацияси жамоат ташкилотларига жами бўлиб 10,5 миллиард еврога яқин миқдорда субсидиялар тарқатди. Жами субсидия олган жамоат ташкилотларининг сони 3,5 мингтага яқин эди. Бу чинакамига жуда салмоқли рақамлар ва уларга бошқа йўл орқали етишиш жуда ҳам қийин бўлар эди.

2016 йилда Ўйин автоматлари ассоциациясининг даромади тарихий рекорд ўрнатди. Вазирлик ассоциация томонидан берилган таклифга биноан жами бўлиб 317,6 миллион евро миқдоридаги субсидияларни тарқатди. Ушбу маблағдан уруш фахрийларига имтиёзлар ва уруш даврида олинган жароҳатлар учун компенсациялар тўлаш билан шуғулланувчи давлат ёзмачилигига ҳам тўлов қилинди. Фахрийларга ғамхўрлик қилиш иши уларнинг охиргисининг орамиздан кетгунича давом этади. Ўйин автоматлари ассоциациясининг даромадларидан фахрийлар учун жами бўлиб 2,4 миллиард евро ажратилган эди!

Ассоциациянинг бундай катта муваффақияти учун раҳматни қимор ўйинлари ишқибозларига айтиш керак. Финляндиянинг балоғат ёшига етган ҳар учинчи фуқароси, Ассоциациянинг

бошқарувида бўлган кимор ўйинларини ўйнаш орқали ушбу катта микдордаги пулни тўплашда иштирок этган.

Тангалар, қоғоз пуллар, ҳозирда эса банк карталари ва интернет ҳисоб рақамларидан келган пуллар ,охир оқибатда маълум бир кўмак олувчига етиб бориш занжирини ҳаракатга туширдилар.

Субсидиялар ёрдамида Ўйин автоматлари ассоциацияси аҳолининг алоҳида тоифалари ўртасидаги тенгсизликни камайтириш борасида кўп нарсаларга эришди. Субсидия олган жамоат ташкилотлари, ўз ҳаётларини бир маромга солиш имкониятлари ўртачадан паст, ёки турмуш ҳолати ёмон томонга ўзгарган ва уларга шу пайтгача жамиятнинг ёрдами ҳали етиб бормаган инсонлар орасида узоқ вақт мобайнида муҳим фаолият олиб бордилар. Ўйин автоматлари ассоциацияси бундай қийин аҳволда қолган инсонларга ёрдам беришга мўлжалланган ижтимоий фаолият йўналишларини қўллаб-қувватлайди.

Ўйин автоматлари ассоциацияси бошқа ижтимоий инновацияларни туғилиши учун имкон яратди. Жамоат ташкилотлари кейинчалик давлат бошқаруви тизими ёки муниципалитетлар микёсидаги хизматларни тақдим қилиш таркибига киритилган янги ғояларни ташкиллаштириш билан шуғулланар эди. Ўйин автоматлари ассоциацияси бошқа хизматлар етказиб бериш тизимларида тарқалиши мумкин бўлган янги фаолият шакли ва усулларини яратишга интилган эди.

Жамоат ташкилотлари билан олиб бориладиган ишлар ханузгача ва кундалик ҳаётнинг деярли барча соҳаларида давом этмоқда. Фин жамиятида Ўйин автоматлари ассоциациясининг иштирок этмаган жойини топиш жуда мушкул. Ҳозирги кунда хайрия фаолияти гўдаклик даврларидан бошлаб, то кексайиб қолгунларича одамларга ўз таъсирини ўтказди. Ҳаддим сиғиб айтишим мумкинки, жамоат ташкилотларисиз Финляндия ҳозирдагидек бўлмас эди.

Ўйин автоматлари ассоциацияси ўзининг фаолиятини жуда оқилона олиб борди. У соғликни сақлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаларида фаолият юритаётган жамоат ташкилотларининг, Финляндия аҳолиси фаровонлиги бўйича ўз вазифаларини бажаришларини муваффақиятли равишда қўллаб-қувватлади.

2017 йилда барча кимор ўйин йўналишлари битта бошқарувга бирлаштирилди. FintotoOy, RAY ва VeikkausOy компаниялари, давлатнинг бошқарувида бўлган VeikkausOy номли якка компанияга бирлаштирилди.

Монопол тизими кимор ўйинлари билан боғлиқ эҳтимолий суистеъмол қилишларнинг олдини олиш, шунингдек, кимор ўйинларининг саломатлик ва ижтимоий фаровонликка бўлган зарарини камайтириш учун энг яхши усулдир. Қимор ўйинлари йўналишларидаги барча соҳаларнинг бирлашганлиги монопол бозорни янада мустаҳкамлади. Қимор ўйинларининг янги бошқаруви, фуқаронинг ягона ўйин ҳисоби орқали кимор ўйинларига боғланиб қолган одамларга кўмаклашишнинг янги ва янада самаралироқ усуллари ишлаб чиқиш имкониятига эга.

78 йил аввал, бошланғич даврда қўйилган мақсад ўзгаришсиз қолди. Субсидиялар олувчи жамоат ташкилотларининг овози, амалий фаолиятда эшитилиши мумкинлиги ва жамоат ташкилотларининг фикрлари эътиборга олинishi жуда муҳимдир. Кўп йиллик тажриба доноликка етаклайди ва уни эътиборга олиш зарур.

Қимор ўйинлари бозори келажакда ҳам Финляндия аҳолисининг соғлиги ва ижтимоий фаровонлигини ҳимоя қилиш ва камбағалликни камайтириш борасида фаолият юритади. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳаларида фаолият юритувчи жамоат ташкилотлари, муҳтожлар учун ушбу йўналишда жуда катта аҳамиятга эгалар.

Veikkaus номли янги кимор ўйинлари бошқармаси молиявий муваффақият ва амалий фаолият нуқтаи назаридан Ўйин автоматлари ассоциациясидан мерос сифатида кўргазмали мисол олди.

Раймо Вистбака,

*2016-2017 йилларда Ўйин автоматлари ассоциациясининг сўнгги
бошқарув кенгаши раиси,
1989-1990 йилларда транспорт вазири, 1987-2011 йилларда
парламент депутаты*

18. КАСАБА УЮШМАСИ ҲАРАКАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Финляндияда касаба уюшмаси ҳаракати XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлди. Ўзининг касбий бирлашмаларини биринчи бўлиб машинистлар, матбаачилар ва денгиз офицерлари туздилар. Бошланғич даврда фақатгина ўнтадан бир киши бирон-бир касаба уюшмасига аъзо эди. Кейинчалик касаба уюшмаларига аъзолик даражаси юксалди.

1968 йилдаги иш ҳақи бўйича биринчи миллий келишувда, касаба уюшмасига аъзолик бадаллари иш берувчи томонидан тўғридан-тўғри иш ҳақидан ушлаб қолиниши ва ушбу маблағларнинг солиққа тортилмаслиги тўғрисида келишиб олинганидан сўнг касаба уюшмалари аъзолари сони жуда кўпайди. Ишчиларнинг 80 фоизидан ортиғи касаба уюшмаларида аъзо бўлган 1993 йилда, касаба уюшмаларига аъзолик даражаси энг юқори бўлди.

Фин касаба уюшмаси ҳаракати ғарбий демократик мамлакатлар томонидан дунёдаги энг нуфузликлардан бири деб ҳисобланади. Албаттаки, бундай баҳолаш жуда юқори даражадаги касаба уюшмасига тегишлиликни талаб қилди. Аммо, энг аввало касаба уюшмаси ҳаракатининг ишончли келишув томони эканлиги ва ўз аъзоларининг фаровонлигини оширишни уддалаганлиги, жамиятдаги фаровонлик даражасининг юксалишига ўз таъсирини кўрсатди.

Европа Иттифоқи доирасида меҳнат бозорлари фаоллиги ҳам муҳим ўринга эга. Уч томонлама ҳамкорлик ва музокара жараёни Европа Иттифоқининг барча ҳудудларида меҳнат муносабатларининг ривожланишига асос бўлди. Касаба уюшмаси ҳаракати Европадаги интеграция жараёнига кучли дастак бермоқда ва мамлакатлар орасидаги мавжуд бўлган иқтисодий ва ижтимоий фарқларни бор кучи билан тенглаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Глобализация ва меҳнат муносабатларининг беқарорлиги (вақтинчалик меҳнат шартномалари, тўлиқ бўлмаган иш куни, бандлик агентликлари орқали ёлланадиган ходимлар, иш ва маош бериш кафолати бўлмаган меҳнат шартномалари), меҳнат шакли ва усулларининг ўзгариши, янги ахборот технологияларининг таъсири

– буларнинг барчаси касаба уюшмалари ҳаракати учун янги синовларни аниқлаб берди. Бошқа томонлама эса, тарих давомида меҳнат муносабатлари авваллари ҳам ўзгариб турар эди. Шунга қарамай, меҳнат муносабатларининг кўпчилик қисми ханузгача доимий ва тўлиқ иш кунилик бўлса ҳам, меҳнат муносабатларининг беқарорлиги кучли тенденцияга айланмоқда.

Ҳозирги кунда иш стажининг бошланиши кечроқ бўлмоқда, чунки кўпчилик ёшларнинг меҳнат ҳаётлари бошидаги вақтинчалик ишларда машғуллиги табиий ҳолдир. Меҳнат муносабатларининг барқарорлиги эса одатда касаба уюшмасига аъзоликка қизиқишга ижобий таъсир қилади.

Вазият ноаниқдир, чунки меҳнат бозоридаги беқарор ҳолат пайтида биринчи ўринда касаба уюшмаларига аъзолик орқали кафолатларга эга бўлиш зарурдир. Кўпчилик буни ортиқча юк ҳисоблаб бундай қилмайди. Фин ишчиларининг, шу жумладан тўлиқ бўлмаган иш куни давомида, вақтинчалик шартнома асосида ёки бандлик агентликлари орқали ишловчиларнинг касаба уюшмаларига аъзоликларининг юқори даражаси - ҳимояланганликнинг энг кучли кафолатидир.

Меҳнат коллективлари ўлчамларининг кичрайиб бориши меҳнат муносабатлари беқарорлигининг бўлагидир. Корхоналарнинг кўпчилигида ўн нафардан камроқ одам иш билан банд. Бундай иш жойларида касаба уюшмаси бўлимининг фаолият юритиши даргумондир. Ҳамма иш жойларида ҳам касаба уюшмаси масалалари билан шуғулланадиган ишончли одам бўлмаслиги мумкин.

Авваллари касаба уюшмасига аъзолик ўз-ўзидан маълум ҳолат каби тушуниларди. Ҳозирда эса «Менга бундан қандай наф бўлади» деган савол туғилади, ёки «Албаттаки мен ўз кучим билан эплейман» деган фикр келади. Кўпинча маълумотнинг йўқлиги касаба уюшмасига аъзо бўлмасликка сабабдир; бу масалани суриштириш учун ҳеч ким келмади. Шунинг учун касаба уюшмасини яна қайта яратиш, ҳатто кичик меҳнат коллективлари билан ҳам учрашувлар ўтказиш керак. Шу билан бир вақтнинг ўзида, мисол учун цех кенгашлари, касаба уюшмаси бўлимлари ташкиллаштириш ёки ишончли одамни танлаш орқали касаба уюшмаси ҳаракатини тажрибада қандай амалга ошириш мумкинлиги мисолларини кўрсатиш мумкин.

Касаба уюшмаси ҳаракати вақтинчалик ишчилар ва хунармандларнинг ўз ҳаётларининг яхшиланиб бораётганлигини ҳис қилишни бошлаган вақтларида пайдо бўлди. Тарих замонавий ёшларга ҳам профессионал ўзини ўзи бошқариш масаласини қандай ечиш кераклигини мисолларда кўрсатиб берди.

Лаури Люлю,

Электриклар касаба уюшмаси кенгашининг (Sähköliitto) ва Фин касаба уюшмалари марказий бирлашмасининг (SAK) собиқ раиси

19. ПАРТИЯЛАРНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Финляндиянинг 2017 йил бюджети лойиҳасида, сиёсий партиялар фаолиятларини қўллаб-қувватлаш учун белгиланган миқдордаги маблағларни ажратиш алоҳида равишда кўзда тутилган. Лойиҳанинг изоҳлар учун ажратилган қисмида ушбу ҳаражатлар бўйича 29 635 000 евро миқдоридаги маблағ кўрсатилган. Ушбу маблағлар Финляндия Парламентида кўрсатиб ўтилган, партиялар тўғрисидаги Қонуннинг 9-параграфи ва партияларга субсидиялар ажратиш тўғрисидаги Фармоннинг 1-қисмига кўра, ҳамда ўз таъсис ҳужжатлари ва дастурлари доирасидаги партияларнинг ижтимоий фаолиятларини қўллаб-қувватлаш учун ишлатилиши мумкин.

Субсидиялар парламент партияларига депутатлар сонига қараб ажратилади. Субсидиялар ажратиш тўғрисидаги Фармонга кўра, партиялар субсидиялар миқдоридан камида 8% аёлларга алоқадор фаолиятлар ва камида 8% туман ташкилотларининг фаолиятларини қўллаб-қувватлаш учун сарфлашлари лозим. Авваллари фармонда маблағларнинг камида 8% партияларнинг халқаро фаолияти учун сарфланиши кўзда тутилган эди.

Партияларнинг молиявий қўллаб-қувватланишини ўз ичига олган партиялар тўғрисидаги Қонун 1969 йилдан бери кучда қолмоқда. Бундан сўнг қонуннинг кўриниши бироз ўзгарди, лекин умумий жиҳатдан Мауно Койвистонинг тасавуридаги каби қолди.

Ҳозирги кун тили билан айтганда, субсидиялар ажратишда асосий бўлиб партияларни молиялаштириш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш бўлмоқда. Асосий мақсад бўлиб,

партияларни хусусий молиявий қўллаб-қувватлашдаги кулранг схемалар ва уларга боғлиқ эҳтимолий босимдан халос қилиш хизмат қилди. Ушбу вазифа субсидиялар ажратиш туфайли муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Бошқа томондан эса, сиёсий партия қарорларига босим ўтказиш жуда қийин бўлиб қолмоқда. Босим ўтказилган бўлса ҳам, одатда у қарорларни қабул қилиш бўйича муҳим ўрин эгаллаган алоҳида шахсларга нисбатан бўлмоқда.

Субсидия ажратишнинг иккинчи вазифаси партияларни молиялаштиришнинг тахмин қилиниши муқинлиги ва барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Субсидияларнинг ҳақиқий миқдори 1970 йилдан сўнг анчагина камайишига қарамай, 2004 йилдагина бюджетдаги субсидиялар бўйича қарор қилиш давомида пулнинг харид қилиш қобилияти эътиборга олинди. Йиллар давомида субсидияларнинг миқдори давлатнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ тарзда ўзгариб борди. 2004 йилдан бошлаб партиялар асосий молиявий қўллаб-қувватлашдан ташқари, сайлов йили учун субсидияларнинг 10-20% ташкил қилувчи қўшимча ёрдамни ҳам оладилар. Европа парламенти сайловига ахборот ишларини ўтказиш учун алоҳида субсидия ажратилади.

Субсидиялар партиявий фаолиятни молиялаштиришнинг салмоқли қисмидир. Мисол учун, социал-демократик партиянинг умумий даромадида субсидиялар 45%ни ташкил қилади. Таянч уялар ва ҳудуддаги ташкилотлар ўз молиялаштириш ва аъзолик бадаллари ҳисобидан фаолият юритишади. Кўпинча субсидияларнинг партия фаолиятини тўлиқ қоплаши ҳақидаги баёнотларни эшитиш мумкин. Бирок, юқорида келтирилган мисоллардан асло бундай эмаслигини кўриш мумкин.

Партиялар тўғрисидаги қонунга биноан, Финляндия Адлия вазирлиги партиялар фаолиятидаги ажратмалардан фойдаланиш ва фаолиятнинг қонунга мос келишини кузатиб келмоқда.

Партияларни молиявий қўллаб-қувватлаш бунёдга келганидан буён халқнинг ҳам мухаббати, ҳам нафратига дучор бўлди. Кўпгина популист сиёсатчилар ҳақиқий кучга субсидиялар туфайли эга бўлдилар. Ажратилган маблағлар туфайли фин тилида «тангали умуртқалилар» неологизми пайдо бўлди. Айни шу сўз билан Финляндиянинг Аграр партиясининг (ҳозирда Центрист партияси)

партиявий бошлиғи 70-йилларнинг бошларида ўз муртадларига изох берди.

Субсидияларга демократия нуктаи назаридан қаралганда унинг заиф томонларини аниқлаш жуда мушкулдир. Халқ парламентнинг таркибини белгилайди. Парламент аъзоларининг партиявий мансублиги партия томонидан олинадиган субсидияларнинг миқдорини белгилайди. Яъни, парламент сайловлари партиялар учун иқтисодий томондан ҳам қалтис бизнесдир. Аммо натижаси мамнун бўлишга арзигуликдир.

Мақола ёзиш вақтида, партияларга тўланадиган субсидиялардан ҳосил бўладиган молиявий юк бир йилда киши бошига тахминан 2 литр бензин, яъни 3 евро атрофидадир. Агарда бу пул билан ҳар бир 15 ёшга тўлган фуқаронинг сайловлар орасидаги даврда ҳам қатнашиши мумкин бўлган очик ва демократик усулларда қарорлар қабул қилишга бирон-бир имкони бўлса, бу жамият учун ҳеч ҳам молиявий юк ҳосил қилмайди.

Финляндиядаги партияларга субсидиялар ажратиш каби қўллаб-қувватлашнинг бундай очик ва оммавий тизими муниципалитетлар микёсига ҳам етиб бориши мумкин. Аниқ сиёсий қарорлар айнан муниципалитетларда қабул қилинади. Муниципалитетлар маҳаллий бюджетдан фойдаланиш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқидан фойдаланадилар, масалан шаҳарни лойихалаштириш масалаларида. Партиялар фаолиятига муниципалитетлар микёсида субсидиялар ажратиш бўйича кўпгина музокаралар олиб борилмоқда ва мен умид қиламанки, яқин йилларда аниқ натижалар кўриниб қолади.

Партиявий тизим ҳали ҳам демократиянинг ўзаги бўлиб қолмоқда. Партияларни рўйхатга олиш чегараси юксак эмас, 5000 кишининг овозига эга бўлиш кифоядир.

Партияларнинг молиявий қўллаб-қувватланишининг тузилиши охириги йиллар давомида ўзгармаган ҳолдадир, лекин олинган маблағлар бўйича маълумотларнинг шаффофлиги ва оммавийлиги биринчи ўринга ўтди. Амалдаги фармойишга биноан, турли хилдаги сайловларда ўз номзодини қўйган сиёсатчилар, агарда уларнинг молиявий қўллаб-қувватланиши маълум бир чегарадан ошган тақдирда молиялаштириш манбалари тўғрисидаги маълумотларни чоп этишлари зарур. Бундан ташқари, бир номзодни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича хусусий ҳомийлар учун энг юқори чегара

белгилаб кўйилган. Турли хил поғонадаги сайловлар учун бундай чегаралар ҳар хилдир.

Бундай маълумотларни чоп этиш бўйича жавобгарлик номзодларнинг ўзларидадир, лекин президент сайловлари бундан мустасно. Президент сайловларидаги номзод вакили бундай маълумотларни оммага тақдим қилиш бўйича жавобгардир.

Сайлов компаниясининг молиялаштириш манбаларини чоп этиш бўйича жавобгарлик ва энг юқори чегара – бу янада очик ва шаффоф сайлаш фаолияти томон кўйилган кадамдир. Бироқ, шу билан бирга сайлов компаниясининг айнан ўзига ҳам, номзодларнинг сайловларда янада тенгроқ шароитларда курашишларига имкон берувчи энг юқори чегарани ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ристо Салонен,

Финляндия Социал-демократик партияси маъмуриятининг собик бошқарувчиси

20. ТАЛАБАЛАР ИТТИФОҚИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУХТОРИЯТИ

Финляндиянинг ягона бўлган университет даражасидаги ўқув муассасаси – Турку шаҳри Академияси 1828 йилдаги шаҳар ёнғинидан сўнг Хельсинкига кўчирилган эди. Янги низомга биноан академиянинг номи Император Александр университетига ўзгартирилди.

Университет фаолиятининг биринчи йилида унда 340 нафарга яқин талаба таълим олаётган эди. Аммо, 1870 йилларга келиб талабалар сони мингтагача етди. Турку шаҳрида мавжуд бўлган талабалар бирлашмалари Хельсинкида бироз ўзгарган кўринишда сақланиб қолди. Университет фаолиятининг бошланғич йилларида талабалар университет биноси ёки ўқитувчиларнинг уйларида йиғилишар эди. Шунга карамай, талабалар янада «эркин муҳит»га эҳтиёж сезишар ва ўз йиғилишлари учун уй-жой ижарага олишар эди. Уй-жойнинг ижара ҳақи ошиб борар ва ушбу ҳолат талабаларнинг ўз мулки бўлган бино харид қилиниши кераклиги тўғрисидаги фикрларини келтириб чиқарди.

Талабалар иттифокининг биринчи кенгашида уй қурилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Қисман ҳомийлик ёрдами ва тўпланган маблағлар, қисман кредит маблағлари ҳисобидан 1870 йилнинг 26 ноябрида тантанали очилиш маросими ўтказилган Талабалар уйи (ҳозирда Эски талабалар уйи) қурилди. Ер майдонини харид қилиш ва қурилиш ишларини олиб бориш талабалар учун ҳамкорлик ва бирдамликнинг яхши намунаси бўлиб хизмат қилди. Талабалар уйининг қурилиши туфайли, 1880 йилда эркин йиғилиш ҳуқуқига эга бўлган талабалар иттифоқи талабалар ассоциацияларининг бирлашмаси бўлиб қолди. Бинонинг фронтонида лотин тилида ёзилган ёзув мавжуд:

Speisuaepatriadedit («Ватаннинг ўз умидига совғаси»).

Талабалар уйи хоналарини ижарага беришдан тушган маблағлар аввалига уйнинг қурилиши ва жиҳозланишига боғлиқ харажатларни, кейинчалик эса уйни қоникарли даражада тутиш харажатларини қоплади. Талабалар иттифоқи янада каттароқ таъмир ишлари учун ўз кўчмас мулки гарови бўйича кредит олди. 1910 йилда борган сари сони ортиб бораётган талабаларнинг эҳтиёжлари учун Янги талабалар уйи қурилди. Бинода офис ва савдо майдонлари учун хоналар ижарага берилар эди. Талабалар иттифоқи ўзининг илк савдо-тижорат биносини талабалар иттифокининг тижорий фаолияти бошланган 1950 йилларда қурди.

Талабалар иттифоқи, кейинчалик Финляндия талабалар иттифоқи, 1927 йилдан бошлаб эса Хельсинки университети Талабалар иттифокининг ўзини ўзи бошқариш тамойиллари қонунчилик ёки фармонлар билан белгиланган эди. Университет раҳбарияти талабалар иттифоқи фаолиятини кузатиб турар, аммо бошқарувда қатнашмас эди. Талабалар иттифоқи фаолияти бўйича қарорлар, жуда кўп вақт давом этадиган талабаларнинг умумий йиғилишлари давомида қабул қилинар эди. Бироқ, қарорлар қабул қилиш 1932 йилдан бошлаб овоз бериш орқали сайланадиган ташкилот вакилларига ўтди. Талабалар иттифоқини бевосита бошқариш учун расмий шахслар ёлландилар.

Университетлар фаолияти тўғрисидаги амалдаги қонун (27.6.1997/645) бўйича талабалар иттифокининг таърифи қуйидагича белгиланган: «Талабалар иттифокининг мақсади – ўз аъзоларининг боғлаб турувчи бўғини бўлиш ва уларнинг таълим олишдаги

жамоавий, ижтимоий ва руҳий интилишлари ва ҳаракатларига кўмаклашиш». Таъриф аниқ, лекин жуда кенг маънодадир. Мустақил бўлган ва амалий фаолиятга йўналтирилган талабалар иттифоқи, сайланадиган вакиллар ёки бошқарув кенгашларида ўзининг аниқ ва аҳамиятга эга бўлган вазифаларини мунтазам равишда қайта кўриб чиқади. Бу Хельсинки университети талабалар иттифоқи ва Финляндиядаги бошқа талабалар иттифоқларига тегишлидир. Хельсинки университети талабалар иттифоқининг сайланадиган вакиллари кенгаши, 2005 йил 27 апрелдаги стратегиясида ўзининг вазифаларини қуйидагича кўринишда белгилаб қўйган:

- Хельсинки университетининг турли кампус ва факультет талабаларини, ҳар бир талаба ўзини умумий талабалар ташкилоти аъзоси сифатида ҳис қилиши учун бирлаштириш;
- ўз аъзоларига талабаларнинг ҳаётларини қулайлаштириш хизматларини таклиф қилиш;
- талабалар ташкилотлари фаолияти учун замин яратиш ва талабалар бирлашмалари томонидан кўрсатилаётган фаолликни қўллаб-қувватлаш;
- бошқарувда талабалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, университет ва бошқа талабалар бирлашмалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, ҳамда университет манфаати учун ҳаракат қилиш;
- талабалар манфаатлари учун қарорларни қабул қилиш ва ижтимоий фикрга таъсир ўтказиш;
- талабалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида бошқа талабалар бирлашмалари билан давлат миқёсида ҳамкорлик қилиш;
- университет талабаларининг кадриятлари ва фикрларига биноан жамиятни фаол ва масъулиятли равишда ривожлантириш;
- ўқимишли, онгли ва танқидий фикр юритувчи зиёли фуқароларни ўстириш.

Хельсинки университети талабалар иттифоқи ўзининг молиявий фаолиятинини узоқни кўзловчи ва масъулиятли лойиҳалаштириш бўйича олиб боради. Молиявий бошқарув негизида кўчмас мулкнинг босқичма-босқич тўпланиши ва ундан оқилона фойдаланиш, ҳамда тижорий фаолиятни мунтазам равишда кенгайтириш ётмоқда. Буларнинг ҳаммаси, охир оқибатда иттифоқ

учун бугунги кунда ўз аъзоларига кенг микёсдаги хизматлар тўпламини таклиф қилиш имконини беради. Талабалар иттифоқи ўзини ўзи бошқариш органи бўлганлиги туфайли, ўз мулкини қандай бошқариш ва тижорий фаолиятини қандай олиб боришга ўзи қарор чиқаради.

Линнеа Медер,
*2003-2007 йилларда Хельсинки университети талабалар
иттифоқининг Тижорий директори*

21. «НЮТКИС» НОМЛИ АЁЛЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ КОАЛИЦИЯСИ

Баъзи вақтларда аёлларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишни билмасликлари ҳақидаги фикрларни эшитиш мумкин. Фин аёллар жамоат ташкилотлари бунинг тескарисининг мисолидир. Бошқарув ва сиёсий ўринларни эгаллаб турган аёллар ҳамкорлиги, Финляндиядаги аёллар ҳаракатининг ривожланиши доирасида узоқ тарихга эгадир. 1907 йилда мамлакат парламенти депутати мандатларини олган илк аёллар, турли ташкилотларда ишлаган вақтларида ўзаро яқин муносабатларда бўлдилар ва уларнинг кўпчилиги аёлларга овоз бериш ҳуқуқини бериш ҳаракатида қатнашдилар.

1987 йилда феминистлар гуруҳи ҳамкорлик қилиш мақсадида парламентда вакил бўлган барча сиёсий партияларнинг аёллар ташкилотларини бирлаштирувчи аёллар ташкилотини тузиш фикрига келди. Шу йўл билан аввалига кўмита шаклида, кейинчалик эса рўйхатга олинган жамоат бирлашмаси шаклида «Аёллар ташкилотлари ҳамкорлиги» коалицияси, ёки NYTKISry коалициясига асос солинди. Коалиция фин жамиятидаги тенг ҳуқуқлилик ҳаракатининг аҳамиятга молик иштирокчисидир. У аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашни кузатиб бориб, ижтимоий ва сиёсий масалалар бўйича ўз тутган йўлини шакллантиради, аёлларнинг аҳолини яхшилаш ва тўлиқ гендер тенглиги манфаатлари борасида ўз фаолиятини олиб боради.

1988 йилдаги таъсис йиғилишининг ўзидаёқ, ишчи гуруҳининг қарорларни консенсус асосида қабул қилишга ҳаракат қилиши

тўғрисида қарор қабул қилинди. Бошқарув йилдан йилга бир ташкилотдан иккинчисига ўтиб боради ва барча аъзо ташкилотларнинг қўмидаги вакилликлари тенгдир. Қўмидаги турли хилдаги партияларнинг аёллар ташкилотларидан ташқари яна Аёллар ташкилотларининг марказий иттифоқи, Финляндиядаги аёллар масалалари бўйича иттифоқ ва Аёллар тадқиқотлари жамияти (ҳозирги Гендер тадқиқотлари жамияти) кирдилар. Ҳозирги вақтда 470 минг киши Аёллар ташкилотлари коалициясига аъзо бўлган ташкилотлар аъзоларидир. Бундан ташқари, Коалициянинг 15 та муниципалитетларида фаолиятлари ҳамкорлик асосида олиб бориладиган ва сиёсий тарафдорликни тан олмайдиган ўз ҳудудий қўмиталари мавжуд.

Жуда ҳам кам мамлакатлардагина аёллар ташкилотлари, бундай зич ўзаро ҳамкорликни сиёсий майдонда партиявий мансубликдан қатъий назар амалга оширадилар. Турли мамлакатлардан келган амалдор шахслар ва жамоат ташкилотларидан иборат бўлган делегациялар, Аёллар ташкилотлари коалициясининг фаолияти билан танишиш учун ҳар йили келадилар ва доимо ҳамкорликка бўлган қобилиятга ҳайрон қоладилар. Аммо, Аёллар ташкилотлари коалициясига ҳамкорлик қилишга бўлган хоҳиш ва тайёрлик барча фаолиятларнинг бошланғич нуқтаси бўлган, ҳатто Коалициянинг тузилиши ҳам ҳамкорлик билан тўйинтирилган шароитларда ҳал қилиш учун умумий масалалар топиш қийин эмас. Аслини олганда, жуда кўп зарурий масалалар, мисол учун аёлларнинг меҳнат ҳаётидаги аҳволи, аёлларга нисбатан зўравонлик ва сиёсий қарорлар қабул қилиш вақтида гендер масалаларини эътиборга олиш, 100 йилдан кўпроқ вақт давомида Финляндиядаги аёллар ҳаракатининг кун тартибида турмоқда.

Коалиция ҳам Финляндияда, ҳам халқаро миқёсда, мисол учун аёллар ташкилотларининг йирик Европа коалицияси бўлган Европа аёллар лоббисида, аёллар ташкилотларининг турли хилдаги органлардаги вакили сифатида қатнашади. Халқаро фаолиятда Фин аёллар ташкилотлари Коалицияси томонидан, БМТ Қўмитаси учун аёлларга нисбатан дискриминацияни бартараф этиш бўйича мустақил ҳисоботни тайёрлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ўта муҳим йўналишлардан биридир. Бундай ҳисобот ҳар тўрт йилда тайёрланади. Мустақил ҳисоботни тайёрлаш бўйича иш яхши

натижаларга эришишга имкон берди, чунки БМТнинг аёлларга нисбатан дискриминацияни бартараф этиш Кўмитаси, жамоат ташкилотларидан олинган маълумотларга асосланган ҳолда фин ҳукуматидан гендер тенглиги борасида қандай ишлар амалга ошириляётганлиги тўғрисидаги янада батафсилроқ ҳисоботни талаб қилди. Охириги йилларда аёллар ва эркеклар иш ҳақлари ўртасидаги тафовутни тенглаштиришнинг сустр кетаётган прогресси, ҳамда аёлларга нисбатан зўравонликка етарли даражада аралашмаслик алоҳида танқидга сазовор бўлди.

2015 йилда Стамбул конвенцияси, ёки Европа Кенгашининг аёлларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш тўғрисидаги Конвенцияси иш бошлади. Фин аёллари коалицияси бошқа ташкилотлар билан биргаликда Конвенциянинг амалга оширилишини диққат билан кузатиб бормоқда. Аёллар ташкилотлари коалицияси учун, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари, ҳукумат, шу жумладан аёл-парламентарийлар билан кенг миқёсда ҳамкорлик қилиш ҳаётий аҳамиятни касб этади. Катта бўлмаган давлатдаги ҳамкорлик – бу кучдир.

Йоханна Пакканен,

Аёллар ташкилотлари Коалициясининг 2017 йилдаги бош котиби

22. «КЕРА» НОМЛИ РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ МАРКАЗИ

«КЕРА» номли ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш маркази 1985 йилда, ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилувчи фин нодавлат ташкилотларини бирлаштириш мақсадида ташкил қилинган эди. Марказни очиш учун икки сабаб бор эди. Булардан биринчиси, 1960 йиллардаги қисқа ва муваффақиятсиз уринишдан сўнг, ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик фаолиятини қайтадан бошлаш мақсадидан иборат эди. Иккинчисининг мақсади, «бир фоиз» ҳаракатининг натижасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ижобий тажриба пайдо бўлди ва ушбу тажриба ҳамкорликнинг мустаҳкам тузилишларини жамоат

ташкilotлари ва ҳаракатларининг ўзлари томонидан яратилиши кўринишида фойда келтириши мумкинлигидан иборат эди.

1979 йилнинг охирларида вужудга келган «бир фоиз» ҳаракатининг ғояси жуда содда эди. Ушбу ҳаракат ҳар бир финга ўз фойдасидан ҳеч бўлмаса камида 1 фоизини ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш бўйича лойиҳаларни, ёки жанубий мамлакатлардаги бошқа шу каби фаолиятларни молиялаштираётган бирон бир жамоат ташкilotига ўтказиб беришга даъват қилар эди. Ҳаракат Финляндиядан ЯИМнинг камида 0,7 фоизини ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш ва қашшоқлик чегараси ортида қолган инсонларга ёрдам бериш учун ажратишни талаб қилди. «Бир фоиз» ҳаракати 1980 йилларнинг бошларида унча катта бўлмаган ташаббус гуруҳлари лойиҳаларидан, ўнлаб катта ва кичик жамоат ташкilotларининг кампаниясигача ўсиб борди. Ҳаракатнинг энг юқорига кўтарилиши даврида ўз молиявий ҳиссаларини 100 мингга яқин финлар қўшган эди. «Бир фоиз» ҳаракати ўзининг сиёсий мақсадига ҳам эришди ва 1991 йилгача Финляндия ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик учун ЯИМнинг 0,7 фоизини ажратар эди. Аммо, ушбу ютуқ вақтинчалик эди, чунки кейинчалик ушбу кўрсаткич қўйилган мақсаддан камайиб кетди.

Деярли барча саноати ривожланган мамлакатлардаги кўнгилли гуруҳлар фаолиятдан янги меҳнат шакли пайдо бўлди. Таълим олган ва кўпинча катта тажрибага эга бўлмаган ёшларни, аҳоли ичида кичик иш ҳақи билан меҳнат қилиш учун ривожланаётган мамлакатларга жўнатишар эди. Аста-секинлик билан ҳамкорликнинг бу шакли ҳам янада жиддийроқ тус олди, янада малакали ва яхши ҳақ тўланадиган меҳнатга айланди.

Жамоат ташкilotларининг ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорликларига баҳо берилганда, Финляндия томонидан ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш фаолиятини бошлаш учун яна бир бор ҳаракат қилиш вақти келганлиги тўғрисидаги хулосага келинди. Фақат, илк муваффақиятсиз ҳаракатдан олинган сабоқ бўлган бир шарт билан: ривожланаётган мамлакатларга кўмаклашиш бўйича фаолият тўлиқ равишда ривожланаётган мамлакатларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган бюджет маблағлари ҳисобидан олиб борилиши мумкин, лекин амалий

фаолиятни ташкиллаштириш бўйича жавобгарлик фин жамоат ташкилотлари зиммасига юклатилади.

1982 йилда ривожланаётган мамлакатларга кўмаклашиш масалаларини ҳам ўз ичига олган, ташкилотлар манфаатларини бирлаштирилган ҳолда илгари суришни мувофиқлаштирувчи, ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича нодавлат ташкилотлар Кенгаши (КАКЕНЕ) тузилди. Кенгаш томонидан, ҳамкорликни ривожлантириш бўйича мустаҳкам замин яратиш имкониятларини ўрганиб чиқиш вазифаси юклатилган бўлган, ривожланаётган мамлакатлар Институтининг директори Марья-Лииса Свантс (Marja-Liisa Swantz) бошқаруви остида ишчи гуруҳ тузилди. 1983-84 йилларда Давлат кенгаши томонидан тайинланган комиссия ҳам ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик фаолияти йўллари таҳлил қилиш ва ўрганиш билан шуғулланди. «КЕРА» номли ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик Марказининг ташкил қилиш ғояси, 1983 йилнинг кузида ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш марказининг ташкил қилиш эҳтиёжи ва унинг фаолият йўналишларини ўз ичига олган иш хатини тайёрлаган Марья-Лииса Свантсга тегишли эди. «КЕРА» Марказининг вазифалари доирасига жамоат ташкилотларининг ахборот ва ўқув-услубий томондан кўллаб-қувватлаш, кўшма компанияларни мувофиқлаштириш, шунингдек, «кўшимча маслаҳат маркази» сифатидаги фаолиятни киритиш таклиф қилинди. Ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик фаолияти комиссияси (аъзо ташкилотларнинг дастаги билан) томонидан, янги ташкил қилинаётган ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик Марказига маъмурий вазифалар юклатилди.

Қолгани эса тарихда ёзилган. 05.03.1985 йилдаги «КЕРА» марказининг ташкил қилишга бағишланган йиғилишда, жамоат ташкилотлари ва давлат вакиллари «икки кўённи бир ўқ билан ўлдиришга» ҳаракат қилдилар. Яъни, зиммасига ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилувчи жамоат ташкилотлари учун компания ва хизматлар ташкил қилиш, ҳамда ривожланаётган мамлакатларга кўмаклашиш фаолиятининг бошқариш бўйича иккита ҳал қилувчи вазифа юклатилган «КЕРА» Марказининг яратишга қарор қилдилар. Қабул қилинган қарорда ўз-ўзидан соф фин хусусиятлари бор эди. Давлат ҳукумати ва фуқаролик жамиятининг эҳтиёж ва

мақсадлари, икки томонни ҳам қониқтирувчи бир бутунга бирлаштирилган эди. Ташқи ишлар вазирлигининг ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик фаолияти бўйича масъулиятни зиммасига юклатиш мумкин бўлган, қолаверса хизмат кўрсатиш масалаларида ташкилотлар эҳтиёжларига жавобгар бўлувчи вакил ташкилотга эҳтиёжи бор эди. Нодавлат ташкилотлар эса ушбу масалада ўз манфаатларини бошқача кўраётган эди. Ўз зиммаларига ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш масъулиятини олган ташкилотлар, жамоат компаниялари ва хизматлар ташкиллаштириш имкониятига (шунингдек, давлат томонидан молиялаштиришга ҳам) эга бўлдилар. Амалда эса ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш фаолияти «КЕРА»нинг асосий фаолияти эди, чунки бошқа йўналишлар кам миқдордаги молиялаштириш сабабли орқа ўринларда қолди.

90 йилларнинг ўрталарида марказ фаолиятига баҳо берилди ва шундан сўнг «КЕРА»нинг фаолият соҳаси қайтадан кўриб чиқилди. Ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш фаолияти «КЕРА»нинг янги «жанубий дастури» қисми бўлиб қолди. Марказнинг ахборот таъминоти, хизмат кўрсатиш ва ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик сиёсатини ишлаб чиқиш фаолиятлари янада кенгрок доира ва молиявий қўллаб-қувватлашга эга бўлди.

«КЕРА» маркази ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш бозоридаги ягона ва яхлит тузилмадир. Турли хилдаги жамоат ташкилотларини бирлаштирувчи форум, ташкилотлар орасидаги барча чегара ва андозаларни ошиб ўтган ҳолда ҳамкорликни амалга оширишга тайёрдир, лекин айтилган вақтда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги прагматик алоқалар асосида қурилган ҳамкорликка интилади.

1980 йилларнинг ўрталарида «КЕРА» маркази қаноти остида, ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш соҳасидаги «Имкониятлар ярмаркаси» номи билан ҳаётга йўлланма олган ғоя вужудга келди. Мақсади ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорликни кўрсатиш ва у ҳақида сўзлаб бериш бўлган ушбу ярмарка тадбири, ўзининг шакли бўйича бозорга ўхшаб кетади. У бутун мамлакат бўйича машҳурликка эга бўлди ва эндиликда ҳар йили ўтказилмоқда. Хельсинкида ушбу тадбир «Бир қишлоқдаги бутун дунё» номи билан ўтказилади. У баҳорда, ҳафта охири

кунларида ташкиллаштирилади ва ўн минглаб одам қатнашувчи кўп маданиятли тадбирни ўзида акс этади. «КЕРА» маркази ханузгача ҳам ярмаркалар ва «Бир қишлоқдаги бутун дунё»нинг бош координатори сифатида фаолият кўрсатади.

Фолке Сундман,

1986-2003 йилларда «КЕРА» Марказининг Ижрочи директори, 2003-2007 йилларда Финляндия Ташқи ишлар Вазирининг махсус масалалар бўйича маслаҳатчиси, 2008-2016 йилларда Финляндия Ташқи ишлар Вазирлигининг климат масалалари бўйича тадқиқотчи-мутахассиси ва маслаҳатчиси

23. ТИНЧЛИК СТАНЦИЯСИ

Фин тинчлик мустақил ҳаракатининг офиси жойлашган бино «Тинчлик станцияси» деб номланади. Хельсинки шаҳрининг Пасила туманида, катта тош бинолар орасида жойлашган чиройли икки қаватли ёғоч уйча, аслида собиқ темир йўл вокзалининг биносидир.

«Тинчлик мустақил ҳаракати» тушунчаси озроқ таърифга лойиқдир. Ушбу ҳолат совуқ уруш давридан қолган ва Ғарбий давлатларнинг Шарқий блок экспансияси, шунингдек, Ғарбий Европа мамлакатларида фаолият юритувчи, ўз танкидларини фақатгина Ғарбнинг қуролланиш пойгасига қарши йўналтирувчи, етарлича кучга эга бўлган Умумжаҳон тинчлик кенгаши аъзоси ташкилотларидан узоқлашиш истаги натижасида пайдо бўлгандир. Тинчлик мустақил ҳаракати ҳоҳ Ғарбда, ҳоҳ Шарқда олиб бориладиган ҳар қандай қуролланиш пойгасининг хавф келтириб чиқариши нуқтаи назаридан фикр юритади.

Бино Тинчлик станциясига айланишига қадар, 70 йил давомида темир йўл вокзали сифатида хизмат қилган. Бино 1915 йилда Карелия ҳудуди йўналишидаги Ваммельоки темир йўл станцияси сифатида қурилган эди. Финляндия мустақилликка эришганидан сўнг, собиқ Буюк Финляндия князлигидан собиқ Россия империясининг пойтахти бўлмиш Санкт-Петербурггача бўлган темир йўл катнови Вамменёки станциясининг жойлашган кесимида тўхтаб қолди. Шу тариқа, кераксиз бино ёғочларга бўлиниб

ташланди, лекин 1923 йилда Хельсинки шахрининг темир йўл станциясидан поездда юрганда 5 дақиқалик узоқликда жойлашган Пасила темир йўл станцияси сифатида қайтадан курилди.

1980 йилларнинг бошларида Финляндиянинг тинчлик Иттифоқи ва унинг бир неча аъзо ташкилотларининг идоралари, Пасиладаги янги курилган катта бетон биноларнинг бирида жойлашган эди. 1984 йилнинг бошида Финляндиянинг тинчлик Иттифоқи вакиллари, Финляндия темир йўллари Бошқарувининг Пасила темир йўл станцияси биносини сотиш бўйича аукцион ташкил қилаётганлиги, чунки унинг жойида Хельсинки вокзалининг янги замонавий биносини куриш режалаштирилаётганлигидан хабар топдилар. Бинони бошқа жойга кўчириш ва айна вақтда уни сақлаб қолиш вазифаси битимнинг шarti эди.

Аввалига, станция яқинидан олтига темир йўлдан иборат бўлган майдон куриш режалаштирилган эди, аммо ушбу ҳудуд охиросида парк бўлиб қолди. Ўша вақтларда Финляндия тинчлик Иттифоқининг ижрочи директори бўлган Илкка Тайпаледа, станция биносини ўша парк ҳудудига кўчириб ўтиш ва шу орқали ҳам паркни безатиш, ҳам тинчлик Иттифоқи янги марказ яратиш фикри туғилди. Натижада тинчлик Иттифоқи харид қилиш бўйича таклиф берди. Таклиф қилинган маблағ миқдори унча катта эмас эди (ҳозирги кундаги 5000 евро атрофида), лекин шунга қарамай аукционда ғалаба қозонилди.

Ўша йилнинг 8 сентябр кунда, тинчлик Иттифоқининг раиси профессор Йоран фон Бондорфф, бошига темир йўл станциясининг сўнги бошлиғининг қизил фуражқасини кийган ҳолда, сигнал бериш байроғи орқали жўнаш учун буйруқ берди. «Тинчлик учун сафарбарлик» шундай бошланган эди. Бино бутунлигича янги жойга кўчириб ўтилди ва у ҳозирги кунгача ҳам ўша жойда жойлашган. Масофа атиги бир неча юз метрдан иборат, лекин уни тоғ йўналишидаги нотекис йўлдан кўтариб бориш керак эди. Бинонинг оғирлиги 150 тоннани ташкил қилар эди. Рўй бераётган воқеаларни кузатиб турган кичик бола «У кўк китдан атиги 10 тонна енгилроқ» деди.

Финляндия тинчлик Иттифоқи, 1907 йилнинг 10 феврида, Финляндиянинг ҳали автоном бўлган вақтларида ташкил қилинган эди. Сенатор Лео Мечелин Финляндия тинчлик Иттифоқини 1910

йилда Стокгольмда ўтказилган Халқаро тинчлик бюросининг (InternationalPeaceBureau) йиғилишида таништирди. Биринчи жаҳон уруши даврида Тинчлик иттифоқлари Россия императори буйруғига асосан ман қилинган эди.

Тинчлик Иттифоқи мустақил Финляндияда 1920 йилда қайтадан ташкил қилинган эди. Иттифоқ янги номга эга бўлди – Финляндия тинчлик Иттифоқи – Халқ Иттифоқи. Ушбу ном орқали ташкилотнинг мафқурасини ифодалашга ҳаракат қилишди. Иттифоқ ўқимишли одамлар орасида нисбатан маълум эди, лекин миллий ҳаракатлар туфайли йигирманчи ва айниқса ўттизинчи йилларда иттифоқ учун осон бўлмади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, иттифоқнинг номини Финляндия тинчлик Иттифоқи - Бирлашган миллатлар ташкилотининг бўлимига алмаштирдилар. Унинг номи аввалгидай халқаро ҳуқуққа таянувчи ва халқаро ҳамжамятга тинчлик элчиси сифатида қўмақлашувчи ташкилотнинг мафқурасини ифодалар эди. 1940 йилларнинг охирида бошланган совуқ уруш, Тинчлик Иттифоқининг олдига 1930 йиллардагидан фарқ қилувчи янги вазифаларни қўйди. СССРнинг ташқи сиёсатини қўллаб-қувватловчи Умумжаҳон тинчлик кенгаши ва унинг барча аъзо ташкилотлари, бутун Европа бўйича ўз устунлигини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятларини олиб борар эди. Шу сабабли ҳам ғарбий тарғибот барча тинчлик ташкилотларига коммунист тамғасини босар эди. Юзага келган ҳолат кўпгина тинчлик учун ҳаракат қилаётган мустақил ташкилотларни жуда қийин аҳволга солиб қўйди. Оммавий ахборот воситалари уларни коммунист деб атамаган тақдирда ҳам, уларга ҳеч бўлмаса содда идеалист сифатида қарашар эди.

Ва худди шундай сиёсий ва руҳий шарт-шароитларда Буюк Британияда 1958 йилда ядровий қуролсизлантириш кампанияси (CND) вужудга келди. Ушбу Кампаниянинг мафқуравий бошланғич ҳаракат нуқтаси бўлиб, ядро қуроли давридаги қуролланиш пойгасига асосланган хавфсизлик сиёсати, жаҳон миқёсидаги ўзини ўзи ўлдиришга тайёргарлик эканлигини англашти эди. Ядровий қуролсизлантириш Кампанияси ушбу мафқуравий бошланғич ҳаракат нуқтасидан келиб чиққан ҳолда, Буюк Британиядан ўз ядровий кўрқитиш чораларидан бир томонлама равишда воз кечиш ва ўзининг сиёсатини жамоат хавфсизлиги йўналишига қаратишни

талаб қилди. 1960 йилда файласуф Берtrand Рассел томонидан «Юз қўмитаси» - Кампаниянинг ядровий куролсизлантириш фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тузилган, академик ва олимларни аъзо қилган ташкилотни ташкил қилди.

1960 йилларнинг бошларидан Европа мамлакатларида тинчлик учун курашувчи мустақил ташкилот ва ҳаракатларнинг қайтадан ташкил қилиниши бошланди. 1963 йилдаги бу тўлқин давомида ва Хельсинки шаҳри университети доирасида, таъсисчилар томонидан бутун Европада танилишини таъминлаш мақсадида Берtrand Рассел ташкил қилган ташкилот номидан фойдаланишга қарор қилинган ўз «Юз қўмитаси» пайдо бўлди. «Юз қўмитаси» тез орада Финляндиянинг барча университет шаҳарларида қўллаб-қувватланишга эришди. «Юз қўмитаси»нинг 1960 йиллардаги фаолияти, ҳаракатнинг талабалари орасида фаол ёш авлоднинг шаклланишига туртки бўлди. Ҳамма «Юз қўмитаси»нинг аъзоси бўлишни ва кўкракларида тинчлик посбонлари нишонини тақиб юришни хоҳлар эди (айни вақтда кўпчилик нишоннинг аниқ келиб чиқиш тарихини ҳам билмас эди!).

1970 йилнинг ўрталарида «Юз қўмитаси» томонидан, мамлакатдаги энг ёши улуғ бўлган Финляндия тинчлик Иттифоқини тинчликни сақлаш бўйича барча мустақил ташкилот ва ҳаракатларнинг марказий бирлашмаси этиб тайинлаш бўйича таклиф киритилди. Ушбу таклиф мантиққа мос кўринишда эди, чунки барча ташкилотларнинг асосий мафкуралари ташкилотларнинг ёшидаги фарққа қарамай ўхшаш эди.

1980 йилларда, Европадаги халқаро ядровий куролсизлантириш мустақил ҳаракатининг муваффақиятли фаолияти даврида, Пасила темир йўл станциясини кўчириш ва уни тинчлик станциясига айлантириш амалга оширилди. Бино кўчирилиши жараёни кенг равишда ёритиб борилди. Янги жойдаги қурилиш вақтида бинода ёнғин юз берди. Юмор ҳиссидан ҳолис бўлмаган Финляндия темир йўллари Бошқаруви кутубхонасининг мудири ўша пайтда бинонинг иккита урушдан омон қолганини, лекин Иттифоқнинг қўлида деярли буткул ёниб қолганлигини белгилаб ўтди. Иттифоқнинг кўнгиллилари ташаббусга тўлиб-тошган ҳолда ёнғин келтириб чиқарган шикастларни тузатиш ва лойиҳани якунига етказишни хоҳлар эди. Шу ўринда белгилаб ўтиш жоизки, шанбаликлар ҳам

Финляндиянинг ижтимоий инновацияларидир. Финляндияда шанбаликлар давомида жуда кўп уйлар қурилган ва умумий кучлар ёрдамида жуда кўп турдаги лойиҳалар амалга оширилган. Қурилиш ишлари яқунланганидан сўнг, бино Европадаги ядровий қуролсизлантириш ҳаракати фаолиятининг машҳурлиги, оммавийлиги ва фаоллашувининг, кейинчалик ҳам тинчлик учун амалга оширилган бошқа кўпгина жамоат компанияларга бўлгани каби ортиб боришига тўртки бўлди. Профессор Йоран фон Бонсдорфф станция кузатувчиси ҳуштаги орқали жўнаш учун сигнал берган вақтида, тадбирга «Тинчлик учун сафарбарлик» номини беришди. Темир йўл станциясининг кўчирилиши ва унинг янги жойдаги қурилиши, кўп маънода ушбу номнинг индикатори бўлди. Ҳозирги кунда Тинчлик станцияси Тинчлик Иттифоқидан ташқари яна «Юз кўмитаси», қуролдан бош тортиш бирлашмаси, кўнгилли фаолият бўйича халқаро жамоат бирлашмаси, Ydin газетаси таҳририяти, кўпгина дўстлик жамиятлари ва дўстлик жамиятлари Иттифоқининг уйидир. Тинчлик Иттифоқининг барча аъзо ташкилотлари бошқа жамоат ташкилотлари каби бинонинг яхши жиҳозланган ва қулай аудиторияларидан фойдаланиши мумкин. бино кўзга кўринарли жойда жойлашган ва шу билан ўз фаолиятини реклама қилмоқда.

Тинчлик станцияси кўзга ташланадиган жойда жойлашган. Бино ўзининг гўзаллиги ва ўзгача кўринишдаги бетон қуршови билан диққатни жалб қилади. Хельсинки аҳолисининг кўпчилиги қисми Тинчлик Станцияси қаерда жойлашганини билади.

Калеви Суомела,

*Финляндия Тинчлик Иттифоқининг кўп йиллар давомидаги раиси,
ҳозирги кунда унинг фахрий раиси*

24. «ПРОМЕТЕЙ» ОРОМГОҲЛАРИ ВА ЁШЛАР ФАЛСАФИЙ ЙИҒИЛИШИ

Улғайишга алоқадор кўпгина анъаналар ёшларга уйдан, мактабдан ва дўстлардан йироқ жойларда мулоқот қилишга имкон беради. Финляндияда евангелик-лютеран черковининг

конфирмацион мактаби, Финляндияда диндорлик иккинчи ўринга тушиб қолган бўлса ҳам ёшлар орасида ўз шухратини сақлаб қолди.

Черковга мансуб бўлмаган ёш финлар учун 1984 йилда дин тарихи ва фалсафа фанлари мактабларда дарс жадвалига киритилди. Тез вақт ичида ёшлар конфирмацион оромгоҳнинг альтернатив вариантыни ташкиллаштириш истагини билдирдилар ва 1989 йилда ўқитувчилар билан биргаликда илк «Прометей» оромгоҳи ташкиллаштирилди.

Ўқитувчилар томонидан ташкиллаштирилган дунёқарашлар тарихи оромгоҳи ўз ўзидан унчалик муҳим инновация эмасдир. Тез орада ташкилотга ўтган йилда оромгоҳда бўлган ёшларни ва кўнгилчилар сифатида йигирма нафар ёшлар билан ҳаёт, жамият ва инсоннинг борлиги масалаларини муҳокама қилган ҳолда вақт ўтказишни хоҳлаган катталарни жалб қилдилар.

Шунингдек, дунёқараш масалаларини кўпинча оромгоҳларда ёдлаш керак бўлган тайёр йўналтирувчи ғояларсиз кўриб чиқиш мумкинлиги ҳам инновациядир. Барча оромгоҳ катнашчиларининг тажрибаси, қарашлари, фикр ва туйғулари жиддий равишда эътиборга олинади ва танқидлар хурмат билан ифодаланади. Катта ёшдаги ўқитувчилар, тарбиячи ва болаларнинг диалоги, фикр юритиш ва ўз фикрини етказиш бўйича махсус машқлар орқали бажарилади. Натижани ҳеч ким олдиндан билмайди.

Оромгоҳларнинг ёш ташкилотчилари, уларни ўтказиш учун одатда юқори малакали катта ёшдагилар керак бўлган бу турдаги тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш орқали ўз зиммаларига катта масъулият олдилар. Улар турли хилдаги қийинчиликларга бас келар ва нуфузли меҳмонлар билан суҳбатлар ўтказар эди.

2002 йилда «Прометей» оромгоҳлари анъаналаридан «Мофим» (NuortenfilosofiatahtumaNufit) ёшлар фалсафий ҳаракати вужудга келди. «Прометей» оромгоҳларидаги ижодий суҳбатлар машхур файласуфлар, сиёсатчилар, идеологлар, санъат ва маданият арбобларини маърузачилар сифатида йирик тадбирга таклиф қилишга ва уларни ёшлар билан ёшларнинг шартлари бўйича суҳбатга чақиришга руҳлантирди.

Маърузачиларга «Мофим» йиғилишида нутқ сўзлашлари учун аввалига 15 дақиқа берилар эди. Сўнгра, маърузачига ёш «оппонент» билан диалогнинг ёш иштирокчисига олдиндан маълум бўлган

иккита мавзу бўйича суҳбат қилишга ярим соат вақт берилар эди. Диалогнинг якунида томошабинлар суҳбатга қўшилар эди. Йиғилиш бир ярим соат давом этади ва кўпинча маърузачининг мавзусига жуда чуқур кириб кетилади. Диалогдаги бош урғу, маърузачида ёшдагидан кўра анчагина кўпроқ бўлиши мумкин бўлган билимларни ўрганишга эмас, балки ўзаро хурматга берилади.

«Прометей» оромгоҳи ва «Мофим» йиғилиши тижорий шаклга асосланмаган, ҳамда партиялар ва жамғармалардан пуллик қўллаб-қувватлашни олмасалар ҳам такрорий, ривожланаётган ва ўсаётган тадбирлардир. Кўнгилли муносабат минглаб ёш финларга мустақил равишда вояга етиш ва мафкуравий раҳбарларга кўр-кўрона эргашмаслик бўйича антика имконият тақдим этди.

Матти Мякеля,

«Прометей оромгоҳини қўллаб-қувватлаш» жамиятининг 2000-2005 йиллардаги Раиси

25. УМУМИЙ ЖАВОБГАРЛИК КАМПАНИЯЛАРИ

1945 йилда уруш тугагандан сўнг, финларда одамларнинг ғамларига умумий жавобгарлик ва ҳамдардлик ҳисси уйғонди. Айни вақтда черковнинг катта ижтимоий жавобгарликни ўз зиммасига олишни бошлаши кераклиги маълум бўлди. Урушдан кейин чет элдан ёрдам тариқасида олинган маблағ ва товарларни тарқатиш янги шафқат черков ташкилотининг устивор вазифаси эди. Иккинчи муҳим қадам биргаликдаги маблағ йиғими эди.

1949 йилнинг охирида Финляндиянинг Марказий черковлар иттифоқининг (ҳозирда Черков хизмати деб номланади) бош котиби ва ижтимоий масалалар бўйича котиби биргаликда Шарқий ва Шимолий Финляндиядаги ишсизлик ва ҳосилсизликка доир қийин аҳвол билан танишдилар. Муҳтожлик жуда кўрқинчли эди. Силласи қуриган ва касал болаларнинг кўриниши уларга жуда кучли таъсир кўрсатди. Ўша вақтда ҳар йилги умумдавлат биргаликдаги маблағ йиғимини бошлашга қарор қилинди. Биргаликдаги йиғим уруш даврида бошланган «Халқ ёрдами» йиғимининг давоми сифатида қабул қилингани туфайли, унинг ҳомийси Финляндия президенти Паасикиви эди. Президентнинг радио ва телевидениедаги

чиқишлари, биргаликдаги маблағ йиғимига бошидан бошлаб кўмак бўлди.

Биргаликдаги маблағ йиғимининг ёрдам беришдан ташқари бошқа бир вазифаси ҳам бор эди – у мухтож аҳволда бўлган инсонларнинг таянчи бўлиб хизмат қилди. 1963 йилдан бошлаб ёрдам бериш доиралари халқаро миқёсгача кенгайди. Ёрдамни бевалар, оч қолганлар, ишсизлар, бошпанасизлар, қочоқлар, ташлаб кетилган болалар, ОИТС-касаллик етимлар, ногиронлар, руҳий хасталар, шунингдек, беморларга қаровчи уларнинг яқинлари, психоактив моддаларга қарам бўлган оналар, мактабда ўзлаштириши паст бўлган болалар, кексалар ва яна бошқа кўпчилик олар эди.

Айни вақтда маблағ йиғиш бўйича жамоат акциялари салмоқли даражадаги молиявий кўмаклашишни амалга оширдилар ва ижтимоий соҳада фаолият юритувчи кўпгина ташкилотларнинг фаолиятига эътибор қаратдилар. Охириги йилларда маблағ йиғиш бўйича Жамоат кампанияси туфайли ижтимоий ишонч зарурати, паллиатив даволаш бўйича ҳудудий тенгсизлик, ҳамда Финляндияда ҳам мавжуд бўлган одам савдоси каби масалалар оммавий муҳокамаларнинг нигоҳига тушди. Ҳар йилги биргаликдаги йиғим вақтида тўпланган маблағлар ҳисобидан болалар боғчалари, мактаблар ва черков қавмларидаги ахлоқий тарбия ҳам молиялаштирилади.

Ёрдам бериш ва тарбиявий ишлардан ташқари жамоавий таъсир ҳам биргаликдаги йиғимнинг вазифаси бўлиб хизмат қилади. Жамиятни танқид қилувчи черков садоси 1990 йилда кучайди. Биргаликдаги маблағ йиғими ташаббуси билан тузилган «Овқат банки» лойиҳаси туфайли пайдо бўлган «Черков очлик гуруҳи» бунинг мисолидир. Маблағ йиғиш бўйича кампания ҳар йили кенг оммага, жамият учун аҳамиятли бўлган бирон-бир масалани сиёсий даражада муҳокама қилиш учун олиб чиқишга ва ушбу масаланинг самарали ечимини таклиф қилишга ҳаракат қилади.

Биргаликдаги маблағ йиғими – бу инсонларга Финляндия ёки ривожланаётган мамлакатлардаги келиб чиқиши, дини ва сиёсий қарашларидан қатъий назар, қийин ҳаётий аҳволга тушиб қолган одамларга ёрдам беришга даъват қилувчи бўлган Финляндия евангелист-лютеран черковининг ҳар йилги кампаниясидир. Етмиш йилдан ортиқроқ вақт ўтган бўлса ҳам, биргаликдаги маблағ йиғими

ханузгача ҳам минглаб одамлар томонидан қўллаб-қувватланаётган ўз яқинларини севиш халқ ҳаракати бўлиб қолмоқда.

Калле Куусимяки,
*«Диакония» журналининг Бош муҳаррири, 2001-2008 йилдаги
йиғимларни ўтказиш фаолияти бошқарувчиси,
Черков бошқарувининг диакон хизмати раҳбари*

26. «ҚИЗИЛ ХОЧ»НИНГ ОЧЛИК КУНИ

Фин Қизил Хоч жамияти томонидан ташкиллаштириладиган Очлик куни, бир неча йиллар давомида ўтказиб келинаётган жуда муваффақиятли тадбирдир. Ўнлаб йиллар ўтган бўлса ҳам, Очлик куни ҳалигача ҳам Фалокат қурбонлари учун маблағ йиғими каби Қизил Хочнинг маблағ тўплаш бўйича энг муҳим йиллик тадбирлари каторидадир. Очлик кунининг доимий мақсади ҳам Финляндияда, ҳам чет эллардаги муҳтожларга ёрдам бериш учун иложи борича кўпроқ миқдорда очлик тутиш йўли билан тежалган маблағларни тўплаш бўлган. Лекин, маблағ йиғими Қизил Хоч томонидан ташкил қилинадиган кўнгилли фаолият ва сафарбарликка тайёрликнинг ҳам аҳамиятга молик қисмидир.

Умуммиллий даражадаги маблағ йиғиш доирасида фақатгина турли усуллар билан пул йиғиш амалга оширилибгина қолмай, балки шаҳар ва кичик аҳоли пунктларидаги аҳолининг сафарбарликка тайёрлик даражаси ҳам ишлаб чиқилади. Мисол учун, ичимлик сувининг ифлосланиши ҳолатида.

Қизил Хоч томонидан ўтказиладиган Очлик куни бир кишининг фикри туфайли пайдо бўлди. 1980 йил давом этар ва Сомали ярим оролини камраб олган очлик ҳақида барча янгиликларда хабар берилар эди. Финляндиянинг Хяме худудининг коқ марказида жойлашган Пялкян шаҳридадаги фармацевт Майлис Корхонен, Қизил Хоч бутун мамлакат миқёсида маблағ йиғишни амалга ошириши кераклиги ҳақидаги фикрга биринчи бор келмаётган эди. Бундай қамровдаги маблағ йиғишни бирдан ташкил қилишнинг иложи бўлмади. Бироқ, Қизил Хочнинг худудий бўлими раиси Эрки Коркама ушбу ғояга киришиб кетди ва 1980 йилнинг ноябр ойидаги Сисконинг таваллуд кунида илк маротаба маблағ йиғиш

тадбири ўтказилди. Келаси йили ушбу тадбир бутун мамлакат миқёсида олиб борилди ва Очлик куни номини олди.

Аввалига Очлик куни одатда озиқ-овқатга боғлиқ эди. Ушбу кун давомида мактаблар, иш жойлари ва уйларда фақатгина энг керакли бўлган маҳсулотларни ейишга даъват қилинар ва шу йўл билан тежаб қолинган маҳсулотлар Қизил Хочга берилар эди.

Аммо, 1990 йилларнинг бошларида Очлик куни кўча ва майдонларга ҳам чикиб бўлди. Финляндиянинг турли чеккаларида хайрия ишлари учун эҳсон қилинган нонлар сотилар, нўхат шўрвалар тайёрланар ва қуймоқлар пиширилар эди. Ушбу овқатларни сотишдан келиб тушадиган маблағлар, йиғилаётган маблағлар жамғармасига тушар эди.

Минглаб кўнгиллилар эзгу мақсадлар учун маблағ йиғиш билан шуғулланишни хоҳлашар ва кўчалар, майдонлар, уйлар, мактаблар ва корхоналарга бир неча соатлик шанбаликларга боришар эди. Ҳозирги вақтда маблағларни йиғиш билан 10-15 мингтага яқин киши шуғулланмоқда. Баъзан эса кўпроқ, масалан шошилиш ёрдам лозим бўлган йирик ҳалокатга алоқали бўлган вақтларда.

Очлик куни фаол ва эътибор тортувчи тадбирга ҳам айланди. Ушбу кунда маблағ йиғиш учун велосипед пойгалари, югуришлар, кўшиқ айтиш ва бошқа конкурс ва мусобақалар ўтказилади. Очлик кундаги тадбирларда дўстлар гуруҳлари иштирок этадилар, корхона ва ташкилотларда ходимлар ўртасида конкурс ва мусобақалар ўтказилади. Маблағ йиғувчилар ҳаттоки ресторанларга ҳам «кириб боришди».

Очлик куни ва ҳалокатларда жабр кўрганларга кўмаклашиш жамғармаси – нодир фин инновацияларидир. Ташкилот йиғилган маблағлар туфайли шу заҳоти ёрдам беришга тайёр ҳолдадир, чунки кўмаклашиш жамғармасида доимо бўш турган бир неча миллион евро пул бор.

Вақт ўтган сари, ҳалокатларда жабр кўрганларга кўмаклашиш жамғармасига маблағ йиғиш сезиларли даражада ўзининг қамровини кенгайттирди ва ҳозирги кунда ҳар ойда эҳсон қилиб турувчи ташкилот ва одамлар асосий ўрин эгаллаб турмоқдалар, лекин Очлик куни ҳали ҳам марказий ўриндадир. Шу билан бир вақтда маблағ йиғиш фаолиятида ҳалокатларда жабр кўрганларга кўмаклашиш жамғармасининг аҳамияти ошди.

Охирги ўн йиллик мобайнида Очлик куни ҳалокатларда жабр кўрганларга кўмаклашиш жамғармасига ҳар йили ўртача 2,4 миллион евродан, яхшироқ йилларда эса ҳатто 4 миллион евродан ҳам кўпроқ маблағ туширган. Очлик кунларини ўтказиш туфайли одамларга ёрдам бериш фаолияти учун жами бўлиб 84 миллион евро тўплашга муваффақ бўлинди. Қизил Хоч тўпланган эҳсонлар ҳисобидан кўпгина йиллар давомида қийин аҳволга тушиб қолган инсонларга ёрдам бериб келмоқда. Уларнинг орасида доимий очликдан азоб чекаётган Африка аҳолиси ва бошқа тоифадаги одамлар, шу жумладан табиий офатлардан жабр кўрган одамлар бор.

Фукаролик урушлари ва можаролар давомида жабр кўрганлар, ўз уйларига қайтган қочқинлар ва зилзилалар туфайли бузилган уйларини қайтадан кураётган оилаларга ёрдам берилди.

Финляндияда Қизил Хоч ҳалокатларда жабр кўрганларга кўмаклашиш жамғармасидан автоҳалокат ёки бахтсиз ҳодисага учраган одамларга маблағ ажратади. Шунингдек, маблағлар ушбу жамғармадан Финляндияга келаётган қочоқлар оқими учун ҳам ажратилади. Ижтимоий-психологик ёрдам катта ўлчамдаги табиий офатлар, мисол учун цунами, мактабдаги отишма ёки йирик йўл-транспорт ҳодисаларидан жабр кўрганларга етказилди.

Шунга қарамай, Финляндияда ёрдам олувчиларнинг асосий қисми - бу уйи ва мол-мулки ёниб кетган оилалардир. Қизил Хочнинг ҳудудий бўлимлари оилаларга шу заҳоти энг зарур нарса ва ашёлар билан ёрдам беришлари мумкин. Қизил Хочнинг ҳудудий бўлимларида энг зарур нарсаларнинг ҳаттоки ярим кечаси ёки дам олиш кунларида ҳам олиниши мумкин бўлган саноат моллари дўконлари билан шартномалари мавжуд.

Шунингдек, Фин Қизил Хочи қўллаб-қувватлаш фаолияти учун маблағларни ҳукумат, Европа Иттифоқи ва тижорат корхоналаридан ҳам олади, бироқ ёрдамни шошилиш тарзда кўрсатиш керак бўлган, қарор қабул қилиш фақатгина Қизил Хочнинг қўлида бўлган вақтларда ҳалокатларда жабр кўрганларга кўмаклашиш жамғармаси ёрдамга келади. Ҳалокатларда жабр кўрганларга кўмаклашиш жамғармасидан келувчи маблағлар ҳисобидан, фавқулоддаги вазиятлар вақтида ёрдам бериш учун фойдаланиладиган, зиён етган ҳудудларга Қизил Хоч томонидан ижарага олинган транспорт воситаларида олиб бориладиган товар ва жиҳозлар ҳам харид

килинади. Бундай товар ва жиҳозлар, мисол учун дала госпиталлари, чодирлар, кийим-кечак, ёпинчиклар, дори-дармон ва озиқ-овқат катта ҳажмларда Қизил Хочнинг Тампере шаҳридаги логистика марказида тўплаб қўйилади. Бу нарсалар ўша ердан ҳалокат ҳудудларига тезкор равишда етказилади.

Ҳалокатларда жабр кўрганларга қўмаклашиш жамғармасидан ташқари, фин Қизил Хочининг яна бир халқаро микёсдаги ўзига хос томони бор – ёрдамчиларнинг салмоқли даражадаги заҳираси. 1960 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Қизил Хоч икки мингдан зиёд турли хил соҳалар бўйича мутахассисларни тайёрлади. Шифокорлар, ҳамширалар, логистика, сув-оқава ва техник-санитария соҳалари муҳандислари, алоқа ва ахборот ишлари мутахассислари, буларнинг минг нафаридан ортиқ қисми ҳанузгача бир неча соат ёки бир кун ичида дунёнинг исталган қисмига қўмаклашиш учун етиб боришга тайёр ҳолдалар. Фин Қизил Хоч жамиятининг турли мамлакатлар мутахассисларидан ташкил топган ушбу кадрлар заҳираси, муҳтожларга қўмаклашиш учун етиб боришга тайёр бўлган дунёдаги энг йирик гуруҳлардан биридир. Фин Қизил Хоч жамияти ҳар йили икки юздан ортиқ кўнгилчиларни қисқа ёки узоқ муддатли вазифаларни бажариш учун жўнатади. Аммо, тайёр ҳолдаги заҳирадан мамлакат ичида ҳам фойдаланилади. Масалан, Финляндияга 2015-2016 йилларда кириб келган қочқинлар оқими вақтида бўлгани каби.

Ҳалокатларда жабр кўрганларга қўмаклашиш жамғармасига келиб тушган маблағларнинг 90 фоизидан кўпроғи жисмоний шахслар томонидан эҳсон қилинган, қолган 10 фоизи ташкилот ва корхоналардан келиб тушган. Фин Қизил Хоч жамиятининг ҳалокатларда жабр кўрганларга қўмаклашиш жамғармаси бўйича белгилаб қўйган қондаларига биноан, маблағ йиғими ҳаражатлари тўпланган жами маблағнинг 15 фоизидан ошиши мумкин эмас. Бу дегани, Очлик куни давомида ўтказилган акция ва йиғимлардан келиб тушган маблағларнинг 85 фоизи тўғридан-тўғри муҳтожларга ёрдам беришга йўналтирилади.

Фин Қизил Хоч жамияти, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятининг мустақил миллий ташкилот ҳуқуқидаги аъзосидир. Бу каби миллий ташкилотлар 190 мамлакатда фаолият юритмоқда. Ушбу миллий ташкилотлар фақатгина мутахассисларнинг

хамкорлик тармоғинигина эмас, балки фавқулодда ҳолатларда ёрдам беришга шай ҳолда бўлган ва тайёргарлик кўрган кўнгиллиларни ҳам ташкил қилади.

Ханну-Пекка Лайхо,

2001-2015 йилларда Фин Қизил Хоч жамиятининг жамоатчилик билан алоқалар ва маблағ йиғиши бўйича бўлими бошлиғи

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

27. ШИМОЛИЙ МАМЛАКАТЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Шимолий мамлакатларнинг ҳамкорлик тарихи XIX асрдаги панскандинав ҳаракатининг пайдо бўлиш вақтидан бошланган. 1860 йилларда бошланган ҳамкорлик асосан маданий ва интеллектуал ҳаракат сифатида эди, лекин асрнинг охирига келиб ҳуқуқ ва қонунчилик доирасидаги ҳамкорлик тузилишига ҳам эга бўлди.

XX асрнинг бошларида, кўпгина ташкилот ва жамоат ҳаракатларининг фаолияти бошқа Шимолий мамлакатлар билан алоқа ва ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлашни ўз ичига олар эди. Биринчи жаҳон уруши якунидан сўнг, Шимолий мамлакатларнинг бешаласини ҳам бирлаштирувчи Шимолий ҳаракат ташкил қилинди.

Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари орасидаги давр мобайнида, ташқи сиёсатдаги бетарафлик тамойилида ягона фикрни ифодалаган Шимолий мамлакатлар ҳамкорлигида узлуксиз чуқурлашиш жараёни давом этди. Иккинчи жаҳон уруши якунидан сўнг, мамлакатлар давлат мудофааси ва миллий хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар хил йўлда иш юритишларига қарамай, ҳозирги кунда ҳам мавжуд бўлган замонавий яқин ҳамкорлик вужудга келди.

1952 йилда Шимолий мамлакатлар Иттифоқи ташкил қилинди (Финляндия унга Совет Иттифоқининг позицияси туфайли 1955 йилга қадар аъзо бўлолмади). 1950-1960 йилларда бундан кейинги интеграцияга асос бўлган паспорт иттифоқи тузилди, ягона меҳнат бозори ташкил қилинди ва ижтимоий ҳимоя бўйича шартнома имзоланди.

Шимолий Мамлакатлар ҳамкорлиги ижтимоий фаолиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олди. Аммо, Шимолий Мамлакатлар ҳамкорлигига хос бўлган битта мунтазамликни белгилаб ўтиш лозим. Мисол учун, Мудофаа Иттифоқи (1940 йилларда) ва Иқтисодий Иттифоқ (1960 йилларда) каби мамлакатлар ўртасидаги келишувлар имзолаланиши кўзда тутилган йирик лойиҳалар муваффақиятсизликка учради. Айни вақтда ҳам ҳукумат

органлари, ҳам жамоат ташкилотлари иштирок этган ва оддий фуқаролар учун фойда келтирадиган маҳаллий миқёсдаги амалий ечимлар ва ўзаро фаолият эса самарали натижаларга эришди.

1960-1970 йилларда Финляндиянинг ўша пайтдаги президенти Урхо Кекконен томонидан илгари сурилган ва Шимолий мамлакатларни ядровий қуролсиз ҳудуд деб эълон қилиш ташаббуси Шимолий мамлакатларда кенг равишда муҳокама қилинди. Ушбу ташаббус амалга оширилмаганлигига қарамай, у ҳарбий соҳадаги ҳамкорликни кучайтириш ва турли мамлакатларнинг у ёки бу масалаларда тутган ўринларини англаш учун туртки бўлди.

1970 йиллар бошларида, «Нордек» иктисодий иттифоқини тузиш лойиҳаси муваффақиятсизликка учраганидан сўнг, Шимолий мамлакатлар ҳамкорлигининг расмий органлари тузилмаси ташкил қилинди. Таркибига мамлакатлар парламентларининг депутатлари киритилган Шимолий мамлакатлар Иттифоқидан ташқари яна котибиятга эга бўлган Шимолий мамлакатлар вазирлари Кенгаши ҳам тузилди. Вазирлар ва вазирлик ходимлари мунтазам учрашувларни ўтказишни бошладилар. Айни вақтда Шимолий мамлакатларнинг Инвестиция банки ҳам ташкил қилинди. 1960 йиллардаёқ Шимолий мамлакатларнинг ҳудудий миқёсдаги ҳамкорлиги расмий статусга эга бўлди ва Шимолий Калот губернияси ҳудудида Норвегия, Швеция ва Финляндиянинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти бошланди.

Совуқ урушнинг якунидан сўнг, Шимолий мамлакатлар Балтика денгизи ҳудудида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантирган ҳолда эндигина мустақилликка эришган Балтика мамлакатларини қўллаб-қувватлаш бўйича фаол фаолиятларини бошладилар. Айни вақтда сиёсий урғу Европадаги интеграцион жараёнлар томон силжиди ва бунинг натижасида Финляндия ва Швеция Европа Иттифоқи аъзолари бўлдилар.

Ўтган ўн йиллик дунёда давом этаётган глобаллашув жараёни ва хавфсизлик сиёсати жиҳатларига урғу берувчи ҳамкорликнинг янада чуқурлашиши билан ифодаланди. Буларнинг барчасидан ташқари, ўзининг одатий шаклида Шимолий мамлакатлар ҳамкорлиги инсонлар ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва муносабатларини амалда мураккаблаштирувчи, мамлакатлар

орасидаги тўсиқ ва тўғонларни бартараф этишга катта эътибор беради.

Ларсерик Хаггман,

1998-2011 йилларда «PohjolaNorden» ассоциациясининг Бош секретари

28. «ШИМОЛИЙ ЎЛЧОВ»

«Жанубий ўлчов», «Шимолий ўлчов» ва янги «Шарқий ўлчов» Европа Иттифоқи сиёсатининг янги воситаларидир. Уларнинг асосий жиҳати шундан иборатки, улар барча ЕИ давлатларини қамраб оладилар ва Европа Иттифоқининг ягона сиёсатини олиб боришни талаб қиладилар. 1997 йилда Европа Иттифоқи доирасида «Шимолий ўлчов» концепцияси киритилишининг бошланиши айти шу мақсадда эди. Европа Кенгашининг 1997 йилнинг декабр ойи санаси билан қабул қилинган қарорида, Финляндиянинг «Шимолий ўлчов» сиёсатини ишлаб чиқиш ташаббускори эканлиги қайд этилган.

Илк ҳаракатлар режаси 1999 йилда қабул қилинди. ЕИ ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик сиёсати ва аниқ мавзулар бўйича ўзаро муносабатларнинг маълум бир қисми, «Шимолий ўлчов» томонидан тузилган доимий фаолиятдаги тузилмалар асосида олиб борилади. «Шимолий ўлчов» доирасидаги муносабатлар шакли бўлиб, ҳозирги кунда тўрттадан иборат бўлган ҳамкорликлар хизмат қилади: «Шимолий ўлчовнинг Экологик ҳамкорлиги», «Шимолий ўлчовнинг жамоат саломатлиги ва ижтимоий фаровонлик соҳаларидаги ҳамкорлиги», «Шимолий ўлчовнинг транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорлиги» ва «Шимолий ўлчовнинг маданият соҳасидаги ҳамкорлиги». «Шимолий ўлчов»нинг ташкилий тузилмасига яна иккита унсур қўшилган: «Шимолий ўлчов институти» ва «Шимолий ўлчовнинг Иш кенгаши».

Шимолий ўлчовнинг иқтисодий ҳамкорлиги уч асосий йўналишда фаолият юритади: мисол учун, оқава сувларни тозалаш каби атроф муҳитни ҳимоя қилиш; Россия Федерацияси ҳудудидаги ядровий чиқиндиларни йиғиш ва йўқ қилиш; ва Калининград вилоятида атроф муҳитни ҳимоя қилиш. Ҳозирги кунда Россия билан ҳамкорликдаги энг йирик бўлган, қиймати 200 миллион

еврони ташкил қилувчи Санкт-Петербургдаги сувни тозалаш иншоотлари лойиҳасини Экологик ҳамкорликнинг натижаси сифатида кўрсатиш мумкин. Ушбу лойиҳа Балтика денгизи худудидаги табиатни муҳофаза қилиш бўйича тарихдаги энг йирик ва айти пайтда Россия Федерацияси билан амалдаги ҳамкорликнинг энг аҳамиятли лойиҳасидир. Лойиҳа Фин кўрфазининг жанубий акваториясидаги сувни тозалашга қаратилган.

Лойиҳани амалга ошириш давомида, Санкт-Петербург сувни тозалаш иншоотлари оператори «Водоканал» ДУК замонавий ва самарали фаолият юритувчи корхонага айланди. Сувни тозалаш иншоотлари бўйича харажатлар, Россия учун янгилик сифатида фойдаланиш тарифларига қўшилади. Айти пайтда сувни тозалаш иншоотлари бутун мамлакат учун стандарт чизиғини белгилаб кўяди. Шимолий инвестиция банки ушбу лойиҳани молиялаштириш учун халқаро молиялаштиришнинг янги моделини ишлаб чиқди. Европа Иттифоқи, Шимолий инвестиция банки, Европа тараққиёт банки ва яна кўпгина ЕИ давлатлари жами бўлиб 96,8 миллион евро ажратдилар. Экология ҳамкорлигининг қатнашчи-давлатлар томонидан яратилган жамғармасининг ҳажми 5,8 миллион еврони, жалб қилинган кредит маблағларининг ҳажми деярли 40 баробардан ортиқ бўлди.

Ушбу лойиҳа туфайли атроф муҳитни ҳимоя қилиш энг муҳим ўрин тутган масалалардан бирига айланди. РФ президенти Владимир Путин «Шимолий ўлчов»нинг қафили бўлиб келмоқда ва шунинг учун ҳам лойиҳа Россия ва ЕИ ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим босқичидир. Финляндия ва Россия президентлари ҳамда Швеция бош вазирининг сув иншоотларининг очилиш маросимида шахсан қатнашганликлари, лойиҳанинг иктисодий ва сиёсий аҳамиятини исботи бўлди.

Ядровий хавфсизлик соҳасида Кольский ярим оролидаги ядро чиқиндиларини йиғиш ва йўқ қилиш бўйича бешта лойиҳа иш бошлади, яна бир нечтаси кўриб чиқиш ҳолатидадир. ЕИ ва Россия ўртасидаги алоқаларда бу каби яқин ва кенг қамровли ҳамкорлик ҳали бўлмаган эди.

Шимолий ўлчовнинг жамоат саломатлиги ва ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги ҳамкорлиги, Норвегия бош вазир Кьел-Магне Бондевик (Kjell-Magne Bondevik) томонидан илгари сурилган

ташаббус билан бошланган. Шимолий ўлчовнинг бу соҳадаги ҳамкорлиги, 2004 йилда Шимолий ўлчовнинг иккинчи иш режасига киритилган эди ва Шимолий ўлчов ҳудудига кирувчи барча давлатлар янги Ҳамкорликнинг аъзолари бўлдилар. На давлат чегаралари, на Европа Иттифоқи чегаралари касалликларнинг тарқалиб кетишига тўсиқ бўлолмайди. Ҳозирги кунда Шимолий ўлчовнинг жамоат соғлигини сақлаш ва ижтимоий фаровонлик соҳасидаги Ҳамкорлигида, Балтика денгизи давлатларидан тортиб то Франция ва Канадагача бўлган 13та мамлакат иштирок этмоқда. Алоҳида мамлакатлардан ташқари, Халқаро миграция ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЭЙДС дастури каби саккизта халқаро ташкилот Ҳамкорликка аъзолар.

Шимолий ўлчовнинг сиёсати 2006 йилда, Финляндиянинг Европа Иттифоқидаги раислиги вақтида қайтадан кўриб чиқилди. Бунинг натижасида Шимолий ўлчов тўртта (ЕИ, Россия, Норвегия ва Исландия) тенг ҳуқуқли ҳамкорларнинг сиёсатига айланди. Шу билан бир вақтда, Шимолий ўлчовнинг Декларация ва Ҳадли ҳужжатни ўз ичига олган асосий ҳужжатлари тўплами ҳам маъқулланди.

Ҳадли ҳужжат янги ҳамкорликлар учун имкон яратади. Финляндиянинг мақсади, ушбу масалаларнинг ЕИ ва Россия ўртасида ягона иқтисодий ҳудудни ривожлантиришдаги тутган устивор ўрнини ҳисобга олган ҳолда транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорлик, ҳамда, самарадорликка эришиш мақсадидаги транспорт бўйича ҳамкорлик эди.

Умид қиламанки, халқаро молиявий институтлар, ЕИ, Россия ва бошқа манфаатдор мамлакатлар, айниқса Германия, Польша, Швеция ва Балтика давлатлари ҳамкорлик ташаббусларини давом эттирадилар. Яна умид қиламанки, АҚШ ва Канада ҳам ушбу ҳамкорлик механизмининг фаол кузатувчилари ва иштирокчилари бўлишни давом этадилар.

Биз Россия билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик руҳида ишлашимиз ва ҳамкорлигимиз доирасида келажакдаги ривожланишнинг устивор йўналишларини биргаликда белгилашимиз керак.

Пааво Липпонен,

1995-2003 йилларда Бош вазир,

2003-2007 йилларда Парламент спикери

29. ТОРНИО ВА ХААПАРАНТА – ЭГИЗАК ШАҲАРЛАР

«Чегара бу имконият, тўсиқ эмас». Таълим масалалари бўйича маслаҳатчи Юрьё Аламякининг ушбу сўзлари, Торнио-Хаапаранта эгизак шаҳарларининг ҳамкорлиги лойиҳасига йўлбошловчи юлдуз бўлиб хизмат қилди. Албаттаки, шаҳарларнинг умумий тарихи ҳам, аҳолининг қариндошлиқ ришталари ҳам шаҳарлар орасидаги руҳий чегарани ошиб ўтишга ўз таъсирини кўрсатди. Янги амаллар учун энг катта тўсиқлар мавжуд ҳаётда эмас, балки «қулоқлар орасида», яъни каллалардадир. Йўл устида тўсиқлар пайдо бўлган вақтда улар шунчаки олиб ташланади. Айни шу ҳаракат омиллари Торнио ва Хаапаранта шаҳарларининг, аслида ҳеч қандай чегаралар ҳудди йўқдек бир шаҳар сифатида бирлашишига таъсир қилди.

Ботник кўрфазининг шимолий қисмидаги қирғоқда жойлашган Торнио шаҳри, 1621 йилдан 1809 йилга қадар Швеция ва Финляндиянинг умумий шаҳри тариқасида эди. Бироқ, Хамин тинчлик шартномасига асосан шаҳар «Торне дарёси ёқалаб, ҳудудий принцип бўйича ноодатий усулда бўлинган эди» - губернатор Рагнар Лассинантти шундай белгилаб ўтган эди. Орадан ўн йиллар ўтгандан кейингина (1842 йилда), Швеция ҳудудида қолган Торнио шаҳри собиқ ҳудудининг бир қисмида Хаапаранда шаҳри ташкил қилинган эди. Финляндия учун Торнио-Хаапаранта ҳудудининг ғулғула ва кулфатлар вақтидаги аҳамияти доимо ўзига хос эди. Биринчи жаҳон уруши давомида шаҳарлар орасидаги темир йўл Финляндия ва Швеция ўртасидаги товарлар ташишни таъминлади. Шунингдек, Германияга йўналган махфий егер сўқмоқлари ҳам шу ҳудуддан ўтар эди. Швецияга эвакуация қилиш ва Хаапарантадаги «битларга қарши ҳаммомлар» Иккинчи жаҳон уруши вақтида минглаб финларга маълум бўлди.

Муниципалитетларнинг яқин ҳамкорлиги 1960 йиллар охирларида Хаапаранта шаҳрида умумий фойдаланиш учун бассейн қурилишидан бошланди. Кейинчалик, 1970 йилларнинг бошларида ўша ерда умумий сув тозалаш иншоотлари, Торнио шаҳрида эса шаҳар чиқиндихонаси қурилди.

1970 йилларнинг охирларида, ўша вақтлардаги таълим қонунига зид бўлган, болаларнинг чегара оралаб мактабга бориш имконияти

тўғрисидаги келишув ҳам тузилди. Таълим вазирлиги билан, уларнинг бу ҳақида худди ҳеч нарсадан хабарлари йўқдек келишилди.

Ботниенсис вилоятининг 1980 йилларнинг ўрталарида ташкил қилиниши, кенг миқёсдаги ҳамкорлик йўлидаги ҳақиқий туртки бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, икки нафар фахрий консул ҳам сайланган эди – бири Стокгольмга, иккинчиси Хельсинкига. Ўз ҳукуматидан ташқари, вилоятнинг ҳалигача барча марказий бошқарув соҳаларидаги ҳамкорлик фаолияти органлари бор.

Вилоят ташкил қилинганидан сўнг ҳамкорлик жадал ривожланишни бошлади. Мисол учун, ҳозирги кунда барча спорт машғулотлари ўтказиш иншоотлари умумийдир ва барча муҳим маданий тадбирлар биргаликда ўтказилади (масалан KalottiJazz, Rajasoitto). Шаҳарларда умумий тил мактаби (Хаапарантадаги тўққиз йиллик ўрта мактаб) ва Европа лицейи, шунингдек умумий ахборот-турист маркази ва ҳоказолари мавжуд. Торнио шаҳрининг спорт гуруҳи, тўп хоккейи бўйича мунтазам чемпионатдаги ўз ўйинларини Хаапаранта шаҳридаги сунъий муз майдонида ўтказиши ва у ерда Финляндиянинг кўпгина чемпион унвонларини қўлга киритди. Ҳозирги кунда шаҳарларнинг швед лигасида ўйнайдиган умумий гуруҳи мавжуд.

Европа Иттифоқига аъзолик туфайли, шаҳарлар чегарасидаги умумий шаҳар марказини режалаштириш бўйича янги ғояни амалга ошириш ҳақиқатан ҳам мумкин бўлди. Аммо лойиҳа Хаапарантада қаршиликка дуч келди. Шу туфайли, муниципалитетлар сайлови доирасида референдум ташкил қилинди ва натижада, «Чегарада» лойиҳаси «Ҳа» овозларидан салгина кўпроқ «Йўқ» овозларига эга бўлди. Хаапаранта шаҳрининг ИКЕА дўконини мамлакатнинг шимолий чегарасида жойлаштириш бўйича конкурсда ғолиб чиққанидан сўнг барча эшиклар очилди ва лойиҳа чегаранинг иккала томонида ҳам жадал ривожлана бошлади. Инфратузилманинг қурилиши учун Европа Иттифоқи жамғармаларининг Интеррег дастури орқали олинган қўллаб-қувватлаш, лойиҳанинг амалга ошишига жуда ҳам катта ёрдам берди.

Кўчалар, хонадонлар, идора бинолари ва меҳмонхоналар чегаранинг ҳар иккала томонида ҳам қурилар ва режалаштирилар эди. Торнио шаҳри худудида Шимолий Финляндияда энг йирик

савдо маркази бўлган, ўнлаб дўконлар учун янги ва ҳашаматли «Rajalla – På Gränsen» кўшма савдо маркази қурилмоқда эди. 2011 йилнинг кузида савдо маркази ёнидан, малика Виктория томонидан тантанали равишда очилган ва кейинчалик унинг исми билан аталган савдо майдони қурилган эди.

Швед ҳудудида, ИКЕА ва Икао корхоналаридан узоқ бўлмаган жойда жуда кўп бизнес ва идоровий майдонлар қурилган эди. 2017 йилда Хаапарантада лицей ва катта меҳмонхонани ўз ҳам ичига олган йирик иш маркази очилган. Умумий туристик марказ бир неча йил аввал қурилган эди. 2015 йилда у Финляндияга ёпирилган бир неча ўн минг қочоқларни қабул қилди.

Ҳудуд бутун Шимолий Калот губерниясидаги энг йирик ва жозибадор савдо марказига айланди. Амалга оширилиши учун аввалига 20-30 йил ажратилган лойиҳа, бу муддатнинг яримида бажариладиганга ўхшайди. Маҳаллий аҳоли кайфиятининг қандай ўзгарганлигини томоша қилиш жуда ҳайратланарли эди.

Торнио ва Хаапаранта ҳеч бўлмаса жисмонан қайтадан бирлашмоқда. Бу гоё ва қарашларнинг уларга ишонилган ва уларни амалга ошириш учун тўғри вақт танланган тақдирда амалга ошиши мумкинлигини билдиради. Тўғри тушунилган нарса осондир.

Ханнес Маннинен,

*1973-1995 йилларда Торнио шахрининг Ҳокими,
2003-2007 йилларда Муниципалитетлар масалалари бўйича Вазир,
1995-2001 йилларда Парламент депутати*

30. ЧЎҚИНТИРГАН ЖАМОАЛАР ҲАРАКАТИ

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Финляндия ва Швеция ўртасида пайдо бўлган «Чўқинтирган жамоалар ҳаракати», ихтиёрий миллий ташаббусга асосланган инсонпарварлик ёрдамнинг шакли эди. Шведларнинг Финляндияга ёрдам бериш нияти жуда кучли эди ва халқ бирон нарса қилиш ёки бирон-бир ёрдам беришни хоҳлар эди. Кўмаклашиш нияти чўқинтирган жамоалар ҳаракати орқали тўғри йўлга йўналтирилди.

Барча фин болаларини чегара ортига жўнатишнинг иложи йўқ эди, лекин 70 000 нафарга яқин бола Швеция ва Данияда

вактинчалик оилага эга бўлдилар. Урушда ҳалок бўлганларнинг болаларига, икки йил давомида муайян бир етим болага ғамхўрлик қилиш мажбуриятини олган чўқинтирган ҳарбийлар томонидан ёрдам берилди. Урушда ҳалок бўлган финларнинг болалари 1958 йилгача бўлган даврда Финляндия ва чет элда, Швеция ва АҚШдаги чўқинтирган ҳарбийлардан жами бўлиб 2,2 миллион марка олдилар. Кўпчилик шведлар Финляндияга кучи етганича ёрдам бердилар. Муниципалитетдаги ҳар бир фуқаро чўқинтирган жамоа йиғимига, келажакдаги мажбуриятларни ўз зиммасига олмаган ҳолда озрок бўлса ҳам ўз ҳиссасини қўшиши мумкин эди.

Чўқинтирган жамоалар ўртасидаги алоқалар расм бўлиб қолган амалиётга таянган ҳолда ўрнатилар эди. Масалан, денгиз бўйидаги жамоа ҳамкор сифатида бошқа денгиз бўйидаги жамоани, саноат шаҳри бошқа саноат шаҳрини ва қишлоқ жамоаси айна шундай қишлоқ жамоасини олар эди. Умумий жиҳатда қишлоқлар, жамоалар, шаҳарлар ва шаҳарларнинг бўлимлари ўртасида жами бўлиб 653та алоқа ўрнатилди. Швецияда бирлашма ва иттифоқлар тузилди, Финляндияда эса Маннергейм номидаги болаларни ҳимоя қилиш Иттифоқининг маҳаллий бўлими айна шундайлардан эди. Шу тариқа фаолият фуқаролар фаоллигига асосланган ҳолда, ҳукуматнинг қарамоғи остида эмас ва ёрдам тўғри жойга бораётган эди.

Муносабатлар йиллар давомида яқин дўстликка олиб келувчи ёзишмалар ва ўзаро ташрифларга таянган ҳолда олиб борилар эди. Кўмаклашиш объектлари биргаликда танланар эди. Шведлар ёрдамнинг етказилиши керак бўлган манзилига етиб борганлиги тўғрисидаги далолатномани ва маблағларнинг сарф қилиниши бўйича ҳисоботни олишар эди. Бундан мақсад, мисол учун ҳамшираларни ёллаш, болалар маслаҳатхоналари ва маҳаллий шифокорлар учун тиббий пунктлар қуриш орқали узоқ вақт мобайнида шароитларни яхшилаш эди. Шиор «Ўзига кўмаклашиши учун ёрдам» эди.

Чўқинтирган жамоалар ҳаракати ёрдამининг аҳамияти, уруш тугаганидан сўнг олинган маблағлар ҳисобидан зеб-зийнат буюмларини харид қилиб, кейинчалик уларни нормалаштирилган маҳсулотларга қўшимча тарзда юқори нархларда сотилишидан сўнг бир неча баробарга ошди. Аввалига, кейинчалик «Шакар тожи»

номини олган шакарни харид қилдилар. «Шакар тожлари» муниципалитетлардаги 500та саломатлик марказлари курилишига кўмаклашди ва Маннергейм номидаги болаларни ҳимоя қилиш Иттифоқи қошидаги 27та саломатлик марказларини қурди. Хельсинки ва Куопио шаҳарларидаги болалар шифохоналари ва кейинчалик кўпгина болалар боғчалари, ўз асосий сармоясини айти шу маблағлар ҳисобидан олдилар. Фин жамоалари чўқинтирган жамоалар ҳаракати ёрдамида жами бўлиб 1,4 миллион марка олдилар.

1946 йилда «Норден» бирлашмалари Финляндия, Швеция ва Данияда кардош жамоаларга жамоалар ўртасидаги маданий ҳамкорликка асосланган ёрдам бериш фаолиятини бошладилар. «Похьола-Норден» номли фин бирлашмаси уларга келаси йилда кўшилди ва фин жамоалари шериклик қилиш учун швед чўқинтирган жамоалари ва уларнинг шимолий ҳамкорларига эга бўлдилар.

1950 йилларда бир томонлама кўмаклашиш маданий ҳамкорлик шаклини олди ва ташкилот Маннергейм номидаги болаларни ҳимоя қилиш Иттифоқидан ажралиб чиқди. Кейинги ўн йилликларда «Норден» бирлашмалари билан фаол ҳамкорлик қилдилар. Шунингдек, биргаликдаги сафарлар, оркестр гастроллари, спорт мусобақалари ва ҳоказоларни ташкил қилдилар. Фаолият шунчалик ўхшаш эканлиги сабабли, 1980 йилларнинг бошларида кучлар бирлаштирилди. Чўқинтирган жамоалар ҳаракати тугатилди ва «Похьола-Норден» номли кардош-жамоалар бирлашмаси фаолияти билан умумлаштирилди.

Чўқинтирган жамоалар ва кардош жамоалар фаолиятлари, фин жамоаларининг халқаро фаолиятини бошлаб берди ва Финляндияга уруш туфайли юзага келган халқаро изоляция муаммосини ечишга ёрдам берди. Кейинчалик бу каби расмий дўстона муносабатлар бошқа мамлакатлар билан ҳам ўрнатилган эди.

Аура Корппи-Томмола,

*Профессор, Финляндиянинг илмий жамоалари Федерациясининг
ижрочи директори*

31. ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ ҚИЛИНГАН АЛАНД ОРОЛЛАРИ

Аланд оролларига алоқадор илк аҳамиятга эга бўлган халқаро шартнома, бундан деярли 160 йил аввал Парижда имзоланган эди. Ушбу битим 1853-1856 йилларидаги Қрим уруши якунлари бўйича, 1956 йилда тузилган Париж шартномасининг бир қисми эди. Ғолиб чиққан Буюк Британия ва Франция мамлакатлари, ҳамда мағлуб бўлган Россия шартноманинг томонлари эди. Шартномага биноан, Россия Аланд оролларида ўз истеҳкомларини қурмаслик мажбуриятини олди.

Ушбу шартнома ҳозирги кунга қадар амал қилмоқда. Унинг мазмуни ва шакли, 1921 йилдаги Женева шартномаси ва 1940 ва 1948 йиллардаги Финляндия ва Совет Иттифоқи ўртасида тузилган тинчлик шартномаларига асосан янгиланди ва кенгайтирилди. Совет Иттифоқи тарқалиб кетганидан сўнг, Финляндия ва Россия Федерацияси 1992 йилда Аланд ороллари бўйича аввалги шартномаларнинг муддатини узайтириш ҳақида келишиб олдилар.

Шу тариқа, 1856 йилнинг 30 мартида тузилган шартнома, энг эски ўз кучини йўқотмаган халқаро ҳарбий-сиёсий ҳужжатлардан биридир. Шартнома негизида 1809 йилдаги Швед Финляндияси ва Россия ўртасидаги тинчлик бўйича оғир музокаралар ётмоқда. Швеция Россияга кейинчалик буюк чор давлатининг ғарбий аванпости бўлиб қолган Аланд оролларини бой берди. Россия 1830 йилда оролларда Бомарзуд қалъасини қуришни бошлади. Қалъада 8000 нафар ҳарбийни жойлаштириш режалаштирилган эди (Аланд оролларининг ўша вақтдаги аҳолиси 12 000 киши эди).

1853 йилдаги Қрим уруши вақтида қалъанинг асосий кўрғони тайёр ва унинг ичида 2000 аскар бор эди. Франция ва Буюк Британия 1854 йилда Россияга орқа томондан, Балтика денгизидан ҳужум қилдилар (уруш кўпроқ Қора денгизда ўтаётган бўлса ҳам), бироқ Кронштадт ва Свеаборг қалъалари Санкт-Петербурга ва Хельсинкига қарши бўлган ҳужум вақтида тўсиқ бўлдилар. Шунга қарамай, Бомарзунд қалъасининг ишғоли (халқ орасида Аланд уруши деб аталади) аскарий кучларда устунликка эга бўлган иттифокчилар учун осон вазифа бўлди. Ишғол қилинганидан сўнг қалъа портлатилди.

Париждаги тинчлик музокаралари давомида Швециянинг Аланд ороллари қайтариб олиш ҳаракатлари зое кетди. Буюк Британия ва Франция Россияни ороллардаги ўз истехкомларини олиб ташлашга мажбур қилдилар ва келажакда оролларда бошқа истехкомлар курмаслик вазифасини унга юкладилар. Шу тариқа, 1856 йилнинг 30 мартада Аланд оролларининг демилитаризацияси тўғрисидаги Шартнома маъқулланган эди.

Биринчи жаҳон урушининг бошланғич даврида, Россия демилитаризация тўғрисидаги шартноманинг қисман бекор қилинишини талаб қилди, ҳамда Англия ва Франция бунга розилик бердилар. Аланд оролларида муҳофаза истехкомлари қурилиб Россия ва фин қўшинлари жойлаштирилди. Уруш тугаганидан сўнг Финляндия мустақилликка эришди, аммо Аланд оролларининг сиёсий ҳукумати ороллари Швецияга қайтадан қўшишни талаб қилди. Ушбу ҳолат Финляндия ва Швеция ўртасидаги мураккаб можарога олиб келган «Аланд масаласи»нинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Финляндия Аланд оролларига ўз-ўзини бошқаришни таклиф қилди, бироқ Аланд ороллари аҳолиси бунга рози бўлмади.

Масала яқиндагина Женевада ташкил қилинган Миллатлар Лигасининг муҳокамасига топширилди ва 1921 йилда Финляндиянинг Аланд оролларида эгалик қилишига қарор қилинди. Финляндиянинг оролларга кенг қамровли ўз-ўзини бошқариш бўйича қонун, швед тили ва маданиятига қафолат бериши зарурий шарт бўлди.

Айни вақтда демилитаризация бўйича янги қонун қабул қилинди ва унга биноан Аланд ороллари нейтрал ҳудуд деб эълон қилиндилар. Шунингдек, 1856 йилдаги демилитаризация тўғрисидаги шартнома ҳам узайтирилди. Янги шартномани 11 давлат имзолади, шу жумладан Финляндия ҳам. Совет Иттифоқи шартномаларни имзоламади, чунки мамлакат Миллатлар Лигаси аъзолигига қабул қилинмаган эди. Шартноманинг 6-параграфига асосан, уруш давомида Аланд ороллари нейтрал ҳудуд бўлиб қоладилар ва улардан бирон-бир бошқа давлатга хавф солишни кўзда тутувчи ҳарбий ҳаракатлар жараёнида фойдаланиш маън қилинган. Бетарафликни тасдиқлаш учун 6- ва 7-параграфлар ичига, Финляндияга тегишли бўлган вакиллик қилиш пункти ҳам қўшилди. Бу Финляндияда шундай талқин қилинди: хавф туғилган ёки уруш

бошланган вақтда, Финляндия Аланд ороллари­нинг бетарафлигини сақлаш учун керакли бўлган ҳарбий му­до­фаа чо­раларини кўриши лозим. Бундай ҳарбий му­до­фаа ҳа­ра­кат­лари тўғ­ри­си­да дар­ҳол Мил­лат­лар Ли­га­си­га ха­бар бе­риш лозим эди. Кейинчалик бу жа­раён, ари­за­нинг шарт­но­ма аъ­зо­ла­ри бўлган дав­лат­лар­га тақ­дим қили­ни­ши лозим экан­ли­ги сифа­ти­да ту­шу­ни­л­ди.

Шарт­но­ма­нинг 7-па­ра­гра­фи­да ҳар­бий ҳо­лат ё­ки уруш хав­фи вақ­ти­да, Аланд ороллари­нинг бетарафли­гини сақ­лаб қо­лиш учун шарт­но­ма то­мон­ла­рининг жа­воб­гар­ли­ги бел­ги­лаб қўй­ил­ди. Па­ра­гра­ф­га би­но­ан, шарт­но­ма иш­ти­рок­чи­ла­ри бўлган дав­лат­лар­га Фин­ляндиядан ҳам кў­проқ маж­бу­рият­лар юк­ла­тил­ган. Фин­ляндия ва Же­не­ва шарт­но­ма­си­ни им­зо­ла­ган дав­лат­лар, 1939 йил­да Ик­кин­чи жа­ҳон уру­ши бў­са­ғаси­да шарт­но­ма шарт­ла­ри­га ай­нан мос ра­виш­да ҳа­ра­кат қил­ди­лар. Фин­ляндия ке­ра­кли му­до­фаа ҳа­ра­кат­ла­рини ба­жа­ри­шни бош­ла­ди ва Аланд ороллари­нинг бетарафли­гини деяр­ли тў­лиқ сақ­лаб қол­ди. 1940 йил­да­ги Фин­ляндия ва Со­вет Ит­ти­фо­ки ўртаси­да­ги му­рак­каб тин­ч­лик ке­ли­шу­ви­га, 1921 йил­да­ги шарт­но­ма­да­ги ка­би Аланд ороллари­нинг де­ми­ли­та­ри­за­ция­си тўғ­ри­си­да­ги битим қў­шил­ди, фа­қат 6- ва 7-па­ра­гра­ф­ла­ри бундан му­ста­сно.

Шу­нинг­дек, уруш­нинг 1941-1944 йил­да­ги да­во­ми вақ­ти­да Фин­ляндия Аланд ороллари учун бетараф­лик­ни таъ­мин­ла­ди ва ҳу­дуд ҳар­бий ҳа­ра­кат­лар­да иш­ти­рок эт­ма­ди. Фин­ляндия Со­вет Ит­ти­фо­ки ва Гер­ма­ния­нинг Аланд ороллари­ни бо­сиб олиш бўй­ича ре­жа­ла­ри амал­га ош­мас­ли­ги ус­ти­дан ҳам ку­за­тиб бор­ди. А­гар­да Аланд ороллари­ни хи­мо­я қи­лиш бўй­ича, Аланд ороллари а­хо­ли­си­дан и­бо­рат халқ лаш­кар­ла­рини ҳам ўз и­чи­га ол­ган Фин­ляндия­нинг му­до­фаа ре­жа­си ва 6-, 7- па­ра­гра­ф­лар бўл­ма­гани­да, душ­ман­нинг бо­сиб олиш ҳа­ра­кат­ла­ри я­на­да ҳақи­қат­га яқин­роқ бў­лар эди.

Аланд ороллари­нинг ҳар­бий бетараф­ли­гини ўз и­чи­га ол­ган 1921 йил­да­ги шарт­но­ма­нинг ай­нан ўзи, бу­тун Бал­тика ден­ги­зи ҳу­дудининг бар­қарор­ли­ги ва Аланд ороллари­нинг ҳо­ла­ти­да кат­та а­ха­ми­ят­га э­га ва бундан кейин ҳам э­га бў­ла­ди­ган­га ўх­шай­ди. Шу тари­қа, бетараф­лик бўй­ича талаб уруш да­ври­да амал­да бў­ла­ди­ган де­ми­ли­та­ри­за­ция­дан ҳам кў­проқ а­ха­ми­ят­га э­га­дир.

Аланд ороллари асрлар давомида кўпгина босқичлардан ошиб ўтди: улар турли давлатларнинг 1809, 1856 ва 1921 йиллардаги шатранж ўйинларида пиеда сифатида бўлдилар. 150 йил давомида худуд демилитаризация қилинган эди. 1921 йилда Аланд ороллари Финляндия автономиясига айланди ва ҳарбий ҳаракатларга бетараф бўлди. Ороллар ўз бетарафлигини Иккинчи жаҳон уруши вақтида сақлаб қолди ва умид қиламизки, уни келажакда ҳам сақлаб қолади.

Рогер Янссон,

2003-2007 йилларда Парламентнинг Аланд оролларида депутатиди

32. КАРЕЛЛАРНИНГ КЎЧИРИЛИШИ

Финляндия ва Совет Иттифоқи ўртасидаги Қиш уруши ва урушнинг давомидан кейинги тинчлик музокаралари (1940 ва 1944 йилларда Москвада, 1947 йилда Парижда), Париж тинчлик шартномаси бўйича карел аҳолисининг илгари Финляндияга қарашли бўлган Виборг губерниясидан Финляндия худудига оммавий тарзда кўчирилишига олиб келди. Тинчлик шартномаси шартларига биноан Финляндия ўз худудининг 10 фоизини йўқотаётган эди. Советлар Иттифоқига шу жумладан 3таси шаҳар бўлган 44та аҳоли пунктлари ўтиб кетди. Бундан ташқари, янги чегара 21та аҳоли масканларидан ўтар эди. Тарих ўзини ўзи такрорлади. Кареллар минг йиллар давомида икки маданият, икки черков ва икки давлат ўртасида яшадилар. 1323 йилдаги Орехов тинчлик шартномасига биноан Карелия икки қисмга бўлинган ва кареллар чегаранинг ҳар иккала томонида ҳам қолган эди. Бундан сўнг чегара 9 мартаба сурилди ва бу мамлакатнинг шарқий сарҳадлари учун ўтган 600 йил давомида одатий ҳол эди.

Қиш уруши 1940 йилнинг март ойида яқунланганидан сўнг, Совет Иттифоқига ўтган худудлардан ўз уй-жой ва мулкларини ташлаб кетишга мажбур бўлган 440 минг карелл эвакуация қилинди. Эвакуация қилинганларнинг биринчилари 1939 йилнинг кузида келдилар. Эвакуация қилинганлар масалалари билан аввалига, шу учун алоҳида равишда тузилган маҳаллий ижтимоий кўмаклашиш комиссиялари шуғулландилар. Лекин кейинги йилдан бошлаб, эвакуация қилинганларнинг ўсиб бораётган масалалари билан

парламентнинг Карелиядан сайланган депутати Урхо Кекконен томонидан бошқарилган, кўчиб келганларни ижтимоий таъминлаш Маркази шуғулланишни бошлади. Карел иммигрантлари 1940 йилда карелларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида иш юритувчи Карел Иттифоқини ташкил қилдилар. Парламент томонидан 1940 йилнинг июн ойида тезкор кўчириб ўтиш тўғрисида ва август ойида карелларнинг йўқотган мулкларини қоплаш тўғрисидаги қонунлар амалиётга киритилди. Давом урушидан сўнг, уларга кўшимча тарзда ерларни харид қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди (1945). Жойлашиш тўғрисидаги қонун фин муниципалитетлари, черков ва хусусий фермаларга ўз ерларининг бир қисмини давлатга топшириш мажбуриятини юклади. Ушбу ерлар эвакуация қилинган карелларга топширилди.

Қонунларнинг бажарилишини Қишлоқ хўжалик Вазирлиги қошидаги, Лахденпохядан бўлган карел иммигранти Вейкко Веннамо томонидан бошқарилаётган Аҳоли масканлари масалалари Бўлими кузатиб борди. Карелларни жойлаштириш иши фин ва дунё микёсида жуда оғир эди. Бундай лойиҳа бошқа ҳеч қаерда амалга оширилмаган эди. Ерларни харид қилиш қонунига ҳар бир аҳоли пункти ва қишлоқ учун, яхши кўшничилик муносабатларини сақлаб қолиш мақсадида жойлаштириш режасини ҳам кўшдилар. Ушбу жойлаштириш режаси бўйича янги жойларни карелларнинг аввалги яшаган жойларига ўхшашликлари, мисол учун иқлим шароити, савдо алоқалари ва иқтисодий шартлар эътиборга олинган ҳолда танланар эди.

Жойлаштириш ихтиёрий асосда кечди. Карелиянинг ғарбий бўйинининг аҳолиси фин тилида сўзлашувчи жанубий соҳилга, Марказий ва Шарқий бўйин аҳолиси эса жанубий Финляндияга жойлаштирилди. Шимолроқда, асосан Саво, Похьос-Похьянмаа, Кайнуу ва Каянигача бўлган ҳудудларда Ладога Карелияси аҳолиси жойлаштирилди. Карелия аҳолиси фақатгина швед тилида сўзлашиладиган ҳудудларга кўчирилмади. Бош вазир Паасикиви талабига биноан, карелларни жойлаштириш бўйича қонунга тилга оид пункт қўшилди ва унга кўра карелларни жойлаштириш тил муносабатларига таъсир қилмаслиги керак эди.

Жойлаштириш бўйича қонун ва режа карелларнинг қишлоқ ҳудудлари ва жанубий Финляндияга кўчирилишини белгилаб

кўйган, ҳамда аграр марказларига урғу берилган эди. Карелл фермерларига бериладиган ернинг майдони Карелиядаги йўқотилган ернинг майдони таъсир кўрсатар эди. Одатда энг яхши бадалларни ўз ерларини йўқотганлар олар эди. Айни вақтда ўз ерларига эга бўлмаган қишлоқ аҳолиси ёки шаҳарликлар ёмонроқ аҳволда эди. Унумдорлиги паст ботқоқ ҳудудларидаги кичик фермаларни олган кўпгина кичик ер эгалари ҳам ёмон аҳволда қолдилар. Шаҳар ишчиларининг устунлиги шунда эдики, уларни жойлаштиришда ишчи кучига талабгор бўлган аҳоли пунктлари ўзаро рақобатда эди.

Урушдан сўнг ўзини қайтадан кураётган Финляндиядаги эвакуация даври ҳам кўчиб ўтаётганлар, ҳам уларни қабул қилаётганлар учун қийин эди. Янги шароитлар, кўшнилари ва маданиятга ўрганиш уйни соғиниш ҳиссини кучайтирар эди. Янги жойга ўрганиш жараёнини ҳақоратлаш, мактабдаги ажратишлар ва янги аҳолига бўлган ишончсизлик ҳам қийинлаштирар эди.

Кареллар бир-бирларига кўмаклашишар ва эндиликда бу ҳолат уларни, авваллари ҳар хил майда маданиятларга бўлиниб кетганларни бирлаштириб турар эди: Салмидан бўлган православ кареллар ва Виборгдан келган аслзода хонимлар эндиликда эвакуация қилинганларнинг умумий тақдирини яшар эди. Карел маданияти ва урф-одатларини сақлаб қолиш учун турли хилдаги жамият ва бирлашмалар пайдо бўлди.

Карел маданиятининг моҳияти 1970 йилларнинг бошларидагина ҳамма томонидан тан олинди. Иш юришиб кетди ва эндиликда карел маданияти расм бўлди. Европа Финляндиясида ўз илдиэларини топишга ўсиб боровчи қизиқиш пайдо бўлди. Генеологиянинг ўсиши 2 миллионга яқин финда карел илдиэлари борлигини кўрсатди. Карел маданияти ва Калевала урфларини фин маданиятининг таркибий қисми, ҳаттоки фин маданиятининг дастлабки ватани сифатида тан олинди, финлар орасидаги карел маданиятига бўлган қизиқишни орттирди. Буларнинг барчаси карелларнинг доимо карел бўлиб қолганликлари ва ватанларидан айрилсалар ҳам, ўзига хосликларини сақлаб қолганликларидандир. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда Финляндиядаги ҳар бир катта ва кичик новвойхона карел калитқаларини пиширади, пиво ёрлиғида «Karjala» (Карелия)

ёзуви ва П. Ханникайненнинг «Карел Кўшиғи» Финляндиядаги энг машхур мадҳияларнинг бири бўлиб қолмоқда

Ханну Килпелайнен,

2003-2007 йилларда Кареллар Иттифоқининг Ижрочи директори

33. ПАССИВ ҚАРШИЛИК

XIX асрнинг охирида россиялик миллатчи доиралар томонидан Россия чегара бўйи ҳудудларида, шу жумладан Финляндияда ҳам батартиб руслаштириш жараёни бошлатилди.

1898 йилда Николай Иванович Бобриков Буюк Финляндия Князлигининг губернатори этиб тайинланди. Унинг фикрига кўра, финлар конституция ва мустақиллик тўғрисидаги ғояларни жуда ҳам очик равишда тарқатишни бошладилар ва эндиликда ушбу ғояларни халқ онгидан ҳайдаб чиқариш вақти келган эди. Бобриков Финляндиядаги бошқарув ва маданиятни русча усулга ўгириш бўйича батафсил ҳаракатлар дастурини тайёрлади. Финлар учун дастурни амалга ошириш Финляндия Конституциясига зид ва «давлат тўнтариши» ва «Финляндияни ўлдириш» билан тенг эди.

Финляндияни «русча усул» бўйича ўзгартириш бўйича режалар туфайли юзага келган финлар қаршилиги, унинг одатий ҳолатларига нисбатан кескин равишда ўзгарди. Қаршилик кўрсатиш усуллари самарали ва маданий эди. Ҳамкорликни мунтазам равишда рад этиш асосий ғоя эди. Қаршилик кўрсатиш ҳарбий ҳаракатларсиз уруш олиб бориш эди. Уруш олиб боришнинг бундай дохиёна ҳаракатлари бутун мамлакатни қамраб олувчи тармоқнинг шаклланишига таъсир кўрсатди.

Фин ва швед ёшларининг конституциявий партиялари аъзолари, ғоявий келишмовчиликларига қарамай, ўз кучларини бирлаштирдилар. Пассив қаршиликни бошқараётган «Кагаали» ташкилоти, ишчиларга ҳукуматга қарши ҳаракатларида молиявий ёрдам бераётган эди. Талабалар ва ишчилар жойлардаги фаол даъватчилар бўлдилар. Аёллар ҳам ўз қаршилик ҳаракатларини ташкил қилдилар.

Финларнинг қаршилиги шундан иборат эдики, улар ўзларига ёки ўзларининг қонунларига қарши бўлган ҳаракатларни тан олиш,

қўллаб-қувватлаш ва бажаришдан бош тортар эди. Қаршилик орқали финлар бу каби жамоат кучига зўравонлик ишлатмасдан эришдилар ва охир-оқибатда ҳукумат уларнинг хоҳишларини тан олишга мажбур бўлди.

Қаршилик ҳаракатини Толстойнинг ихтиёрий қуллик тўғрисидаги ғоялари руҳлантирар эди: агарда одамлар ўзларининг инсоний ҳуқуқлари тўғрисидаги маълумотга эга бўлмасалар ва ўзларига ўтказиладиган зулмга қарши ҳеч нарса қилмаган бўлсалар, у ҳолда уларга зулм ўтказилаётгани учун фақат ўзларини айблашлари мумкин.

Финларнинг зўравонликсиз қаршилик бўйича тасавури кенг эди. Ҳимоянинг асосий усулларидан бири халқни ўқитиш эди. Иккинчи муҳим усул қатъий эътироз эди. Курашнинг бошланишида ҳаракат аъзоларининг кўпчилиги эътирозлар, даъватлар ва шижоатли сўзлардан кейин кескин чораларга – ҳамкорликни батамом рад қилиш ва умуммиллий бўйсунмасликни хоҳладилар. Булар сиёсий қаршиликнинг муҳим чоралари деб ҳисобланар эди. Бундан ташқари, ижтимоий ва иқтисодий ҳамкорликни рад этиш, ҳамда руслар ва русчилик томонида бўлган рус ва финларга бойкот эълон қилишга одамларни даъват этардилар.

Қаршилик ҳаракатининг бошланишида финлар Европанинг атоқли арбобларини, Финляндиянинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича оммавий норозиликка жонлантиришга ҳаракат қилдилар. Рус подшосига «Про Финляндия» (ProFinlandia) ҳаракатининг жами бўлиб, Европанинг 1050 нафар обрўли адабиёт, фан, санъат ва сиёсат арбоблари томонидан имзоланган 12 арзномаси юборилди. «Про Финляндия» ҳаракати ўз тузилиши бўйича ижтимоий фикрни кўтаришга муваффақ бўлган ягона тарихий халқаро ҳаракат эди.

Финляндиядаги қаршилик ҳаракати бутун мамлакат бўйича бўлимларга эга бўлган ташкилотнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шунингдек, расмий цензурани айланиб ўтишга ва тарғибот адабиётларини чет элдан хуфиёна равишда олиб келишга эришган яширин нашриётлар тармоғи ҳам ташкил қилинди.

Энг фаол кураш куролли кучлар масаласида олиб борилган бўлса керак. Рус ҳукумати фин армиясини тарқатишни ва фин ёшларини ҳарбий хизматни Россия армиясида ўташга

мажбурламокчи эди. 1901-1904 йиллардаги армияга чакирувга қарши бўлган иш ташлаш ўз мевасини берди: фин кўшинлари рус армияси таркибига кирмади ва финларга Россия ва Япония ўртасидаги урушда қатнашишга тўғри келмади. Чакирув 1905 йилда уруш тугаганидан сўнг тўхтатилди. Финларнинг кўпчилилик қисми авваллари кузатилмаган ва унинг натижасида Россия подшосининг ён беришига мажбур қилган, 1905 йилдаги оммавий иш ташлашда қатнашдилар. Зулмнинг биринчи даври тугади.

Финлар XX асрнинг илк зўравонликсиз кураш шаклларида бирини яратдилар. Бундай кураш шаклларида М. Ганди ҳам фойдаланган.

Стив Хаксли,
Ижтимоий-сиёсий фанлар доктори

34. МАРТТИ АХТИСААРИНИНГ ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА МЕРОСИ

1989 йилнинг 1 апрел тунида Мартти Ахтисаари мижджа қоқмай чикди.

Жанубий Ғарбий Африка Халқлари Ташкилотининг (СВАПО) аскарлари Анголага Намибия худудидан хужум қилдилар. Ангола худудида жойлашган Жанубий Африка Республикасининг ҳарбий кўшинлари дарҳол жавоб қайтардилар ва хужум қилганларнинг кўпчилигини кириб ташладилар.

Намибияда эндигина ўрнашаётган тинчлик ва мустақилликка ҳалокат хавф солаётган эди. БМТнинг Намибиядаги махсус вакили бўлган Ахтисаари, кенг қамровли уруш хавфидан ташвишланмоқда эди.

Ахтисаари давлат кўшинларининг мамлакатда тартиб ўрнатишлари ва аҳволни барқарорлаштиришлари учун, Жанубий Африка аскарӣ бирликларини ўз мудофаа позицияларини ташлаб кетишга қўндирди.

Ахтисаари ўзининг «Йўлда» номли мемуарларида: «Бу менинг ҳаётимдаги энг қийин қарор эди» - деб эслаган.

Давом этаётган жанглр яна жонларни олди, бироқ бир хафтадан сўнг отишма тўхтади. 1990 йилнинг март ойида Намибия мустақилликка эришди ва ЖАР ҳукмронлигидан қутулди. Бу Мартти Ахтисаари учун охириги 15 йил давомида кўтариб юрган оғир юкидан халос бўлишни англатар эди. Намибиянинг мустақилликка етишиши йўли, Ахтисаари кутганидан анча узунроқ ва машаққатлироқ эди. Ахтиссарининг кучли иродаси ва мақсадга интилувчанлиги, шунингдек, унинг тинчликпарварлик ва музокарачиликдаги истеъдоди туфайли ушбу йўл босиб ўтилди.

Намибия Ахтиссарининг дунёдаги энг муваффақиятли тинчликпарварлардан бирига айланишига бошланғич жой бўлди. Балки, бу тажриба бўлмаганида, у 2000 йилда «Кризис бошқаруви ташаббуси» (CrisisManagementInitiative) номли можароларни ҳал қилиш ташкилотини ҳам ташкил қилмаган бўлар эди.

2017 йилнинг июнида Нобел мукофотининг совриндори 80 ёшга тўлди. «Кризис бошқаруви ташаббуси» Ахтисааридан қолган меросдан қандай фойдаланади?

Бурчак бошида ишонч туради. Ишончсиз тинчлик бўлиши мумкин эмас. Можародаги қарама-қарши томонлар фақатгина бир-бирларига эмас, балки ўртада турганларга ҳам ишониши керак. Ахтисаарининг айтишича, бу тинчликпарварларнинг обрў-эътиборга эга бўлиши ва низо томонлари билан очиқ ва ишончли алоқаларни ўрнатиш қобилиятлари мавжуд бўлишини талаб қилади.

«Кризис бошқаруви ташаббуси» ташкилотининг энг кучли томонларидан бири – бу мустақил фаолиятдир. Можаро томонлари бизнинг ҳеч қайси томоннинг манфаатлари бўйича ҳаракат қилмаслигимизга ишонишлари мумкин. Ва бизнинг фин эканлигимиз ҳам эга бўлган обрў-эътиборимизнинг бир қисмидир. Финляндия йирик давлатлар манфаатлари тўқнашувидан узок юришга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, Финляндия ҳарбий-сиёсий блокларга кирмайди.

Мустақиллик ва ҳарбий иттифоқларга кирмаганлик хусусияти, дунёдаги сиёсий аҳволнинг беқарорлиги ва жанжалли ҳолатларнинг янада кўпроқ чигаллашганлиги даврида биринчи ўринга ўтади. «Кризис бошқаруви ташаббуси» мустақил ва эркин ташкилот сифатида, бошқа йирик давлат ёки ташкилотларнинг фаолият олиб бориш имконияти бўлмаган жойларда ишлаш имкониятига эгадир.

Айни шу хусусият Финляндияни бошқалардан ажратиб турадиган ва хусусий дипломатия томонидан таклиф қилинадиган кўшимча аҳамиятдир. Бироқ, Ахтисаари доимо «Кризис бошқаруви ташаббуси» каби унча катта бўлмаган ташкилотларнинг ўз орқаларининг ишончлилигини мунтазам равишда текшириб туришлари кераклигини эслатиб туради. Янада кучлироқ ва кудратлироқлар томонидан бериладиган қўллаб-қувватлашсиз йиқилиб туриши ҳеч гап эмас.

Тинчликпарварнинг гуруҳи қай даражада самарали иш олиб бораётган бўлса, унинг ўзининг муваффақиятлилиги ҳам шу даражададир. Ахтиссари яхши мутахассислар билан иш юритиш, унинг учун биринчи даражали аҳамиятда бўлганлигини доимо таъкидлайди.

Ахтисаари феврал ойида Брюсселдаги тинчликпарварлик фаолияти бўйича халқаро конференцияда: «Агарда бирон-бир киши, низоларни ёлғизликда ҳал этиш мумкин деб ўйласа, демак у адашмоқда» - деб таъкидлаган.

Яхши ишчи гуруҳини ташкил қилиш учун, унинг таркибига қўйилган мақсадга эришишда ўйлаб ўтирмасдан ҳаракат қилувчи одамларни танлаш зарур. Танлов давомида иш тажрибаси ва билим даражасини ҳам эътиборга олиш керак. Ахтисаари гуруҳ аъзоларига масъулият юклаш ва яхши бажарилган иш учун рағбатлантириш кераклигини маслаҳат беради. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси муҳимдир. «Кризис бошқаруви ташаббуси» ҳозирги кунга қадар ўз фаолиятини ушбу тамойиллар бўйича юритмоқда.

Ахтисаари доимо олдин мақсадни шакллантириб, кейин эса унга эришиш режасини ишлаб чиққан. Самарали тинчликпарварлик фаолиятининг энг муҳим шарт-шароитларидан бири, доимо аниқ ва ҳақиқатга яқин мақсадлардир. Можародаги томонлар нимага эришишлари мумкин ва нимадан воз кечишлари кераклигини шу тариқа биладилар. Иш жараёнида эътибор муаммоларга эмас, балки уларнинг ечимларига қаратилиши зарур. Бу нарсада эса фин ишбилармонлиги ёрдам беради.

Ачех ҳаракати билан бўлган музокаралар жараёни мақсадларни аниқлаштиришнинг ёрқин мисолидир. Сал кам 10 йил олдин Индонезиянинг «Озод Ачех» ҳаракати ўзининг мустақиллиги бўйича талабини бекор қилди, чунки Ахтисаари бу талабни амалга

ошмайдиған деб ҳисоблар эди. Қўзғолончилар тўғридан-тўғри ва очик равишда гапирётган Ахтисаарини ҳайрон қолиб тинглар эди. Шунга карамай, Ахтисаари томонидан қўйилган ультиматумнинг тугашига бир неча соат қолганда, қўзғолончилар музокараларга тайёр эканликларини хабар қилдилар.

Агарда биз барқарор тинчлик учун ҳақиқатга яқин шарт-шароитларни яратишга қурбимиз етмаса, у ҳолда яхши обрў-эътибор, уйғун гуруҳ ва аниқ мақсадлардан фойда йўқдир. Ахтисаари зўравонликнинг йўқлиги, тинчлик белгилари орасидаги фақатгина бир унсур эканлигини тез-тез таъкидлайди.

Ахтисаари Брюсселдаги тинчликпарварлик фаолияти бўйича халқаро конференцияда: «Тенгҳуқуқликлик сиёсатсиз биз ҳеч қачон можаролардан қутулмаймиз» - деб таъкидлаган.

«Кризис бошқаруви ташаббуси»нинг фаолияти Ахтисаари томонидан дастакланаётган Шимолий Европа кадриятларига таянади. Биз низо ҳолатидаги томонларга, ҳуқуқ ва адолат тамойиллари бўйича фаолият юритадиган жамият қуришга кўмаклашамиз. Бу сиёсий ва иқтисодий ҳукуматнинг тақсимланиши ва оддий инсон ҳаётининг яхшиланишини ифодалайди. Ушбу шарт-шароитларнинг мавжудлиги янги низолар келиб чиқишининг олдини олади. Можароларда жабр кўрган аҳоли қатламларини оёққа турғизиш жараёнини кенг ҳолатда кўриш муҳимдир. Унда тинчлик ўрнатиш ва шошилиш инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдан ташқари, яна турли хил ҳаёт соҳаларидаги ривожланиш бўйича узок муддатли ҳамкорлик олиб бориш ҳам зарур.

Финляндияда тинчликпарварларнинг янги ёш авлоди етишиб келаётганлиги белгилаб ўтиш қувонтиради. Мактабларда ҳар йили, тинчликпарварлик ишининг нима эканлигини тушунтириш, ҳамда ўсмир ва ёшларга низоларни мустақил равишда ҳал этиш воситаларини бериш мақсадида ишлар олиб борилади.

Ўтган йилнинг ноябр ойида, Ахтисаари Тампере шаҳридаги касб-хунар мактаблари талабаларига қийинчиликларга карамай ўзларига ишонишларига даъват қилган эди. «Намибияда бўлган вақтларимда, менда кўп мартаба ҳамма нарсани ташлаб кетиш истаги пайдо бўлар эди».

Туйя Талвитие,

«Кризис бошқаруви ташаббуси» марказининг ижрочи директори

35. ЯРАДОР АСИРЛАРНИ АЙИРБОШЛАШ ОПЕРАЦИЯСИ

1915-1918 йилларда, Биринчи жаҳон уруши даврида ракиблар Торнио ва Хаапаранта шаҳарлари орқали 63,5 минг уруш асирларини айирбошладилар. Ўша дамда бу урушлар тарихидаги энг йирик инсонпарварлик операцияси эди. Ушбу айирбошлаш операцияси ҳарбий мемуарларда жанг ҳаракатларининг изоҳлари соясида қолиб кетди.

Шарқий фронтда бир-бирига қарама-қарши бўлган давлатлар, яъни Россия, Германия ва Австро-Венгрия 1915 йилнинг қишида, швед шаҳзадаси Карл бошчилигида ва Халқаро Қизил Хочнинг ҳимоясида, ярадор уруш асирларига кўмаклашиш ва уларни айирбошлаш учун ўз вакилларини Стокгоlm шаҳрига жўнатдилар. Музокаралар 1906 йилдаги Женева ва 1907 йилдаги Гаага шартномалари бўйича олиб борилдилар. Қизил Хочнинг ярадор ва қуролсиз уруш асирларининг эндиликда душман эмас, балки ёрдамга мухтож бўлган яқин одамлар эканлиги тўғрисидаги ғояси ушбу музокаралар учун тағзамин бўлиб хизмат қилди.

Финляндия ўша вақтларда ҳам алоқалар ўрнатишдаги воситачи сифатида фаол иш олиб бораётган эди. Урушдаги қарама-қарши томонлар орасидаги почта хизмати асосан шимолий йўллар орқали ўтар эди. Торнио ва Хаапаранта орқали асирлар ва уларнинг қариндош-уруғлари ўртасидаги хат ташиш, ҳамда асирларга мўлжалланган почта жўнатмаларини етказиш фаолияти бундан аввалроқ ҳам йўлга қўйилган эди. Уруш даврида Торнио ва Хаапаранта шаҳарлари ўртасидаги дарё устидан почта етказиш учун аркон йўли қурилган эди. Таянчлари ёғоч миноралардан ташкил бўлган аркон йўли ердан 20 метр баландликда ўтган эди ва унинг узунлиги 1 километрдан ортиқ эди. Аркон йўли бўйича 45та транспорт саватлари юрар эди.

Уруш асирларини айирбошлаш операцияси учун Россия Санкт-Петербурдан Торниогача темир йўл ўтказди, хатто бошланғич вақтда Торнионинг шимолий қисмидаги, ўша пайтда швед томонидан ҳам темир йўл ўтказилган Карункигача вақтинчалик йўлни ҳам қурди. Швеция Германиядаги Сасснитц ва Швециядаги Треллеборг шаҳарлари ўртасида иккита санитар кемаси учун икки

томонлама сув алоқасини йўлга қўйди. Треллеборг ва Хаапаранта ўртасида махсус равишда жиҳозланган санитар поездларини йўлга қўйдилар. Ярадор асирларни Торниёоки дарёсидан қишда от чаналари, ёзда эса баржалар орқали олиб ўтар эди. Ўша вақтларда Торнио ва Хаапаранта ўртасида темир йўл кўприги йўқ эди. Шу тарика, умумий маршрут бундай эди: Санкт-Петербург – Торнио – Хаапаранта – Треллеборг – Саснитц ҳар иккала йўналиш бўйича ҳам. Ҳисоб-китоблар бўйича, ҳафтасига бир мартаба 230-250 уруш асирлари ташиб ўтилиши керак эди.

Ярадор асирларни даволаш ва парвариш қилиш, шунингдек уларни ташиш ишларида Қизил Хочнинг Швеция, Россия ва Финляндиядаги ходимларининг каттагина қисми иштирок этди. Россиялик асирларни Хаапарантада ташкил қилинган ўнга барак-госпиталга ташиб ўтишар ва Учлар Иттифоқлик асирларни Санкт-Петербургда улар учун Торниода қурилган вақтинчалик ҳарбий госпиталга ташиб келишар эди.

Илк санитар поезд Санкт-Петербургда Торниога 1915 йилнинг августида етиб келди ва бир ҳафтадан сўнг, Хаапарантага Терезиенштадтдаги уруш асирлари лагерларидан поезд келди.

Уруш асирлари келаётган илк поездлар баланд мартабали амалдор ва ҳарбийлар вакиллари томонидан кутиб олинди. Уларнинг орасида генерал-губернатор Франс Сейн ўз рафиқаси билан ва губернатор аф Энехъельм ҳам бор эди. Шаҳзода Карл, Россия Қизил Хочининг Финляндиядаги олий комиссари, генерал-майор Пауль фон Эттер ва буюк князь Кирилл Владимирович Қизил Хоч томонидан вакил бўлдилар. Асирлар олиб келинган эшелонлар фахрий рота ва ҳарбий оркестрлар, ҳамда катта жамоат томонидан станцияда кутиб олинар эди.

1915 йилнинг августидан бошлаб то 1918 йилнинг январигача Торнио ва Хаапаранта ўртасида, жами бўлиб 63465 нафар ярадор ва мажруҳ бўлган асир ташиб ўтилди. Россиялик асирлар сони 37295 нафар, немис асирлари 3617 нафар ва австро-венгер асирлари 22123 нафар эди. Турк асирлари 428 киши эди.

Айирбошланган асирларда жиддий жароҳат ва майибликлар бор эди. Кўпчиликнинг камида бир тана аъзоси кесиб ташланган, кўпларининг иккала оёғи ҳам йўқ, баъзиларининг деярли барча қўл-оёқ аъзолари кесиб ташланган эди. Аскарлар юзларида снаряд

парчаларидан қолган ва жиддий термик яралар мавжуд эди, баъзилари жароҳатлардан кўр бўлиб қолган эди. Уруш ва ярадорлик натижасида келиб чиққан руҳий жароҳатлар энгил бўлмаган бўлса керак. Ярадорлар дала госпиталларида энг асосий муолажалар ва парвариш билан таъминланар эди. Уларни чўмилтиришар, уларга янги кийим, дори-дармон ва қисқа муддатли ҳордиқ беришар эди. Ярадорларнинг чечакка қарши эмланган ва юқумли кассаликларга чалинмаган бўлишлари мажбурий шарт эди.

Қўл-оёқ аъзолари кесиб ташланганлар қўлтиқ-тайёқлар ёрдамида вагонларга чиқишлари, ҳаттоки ўзларини тортиб чиқаришлари ўта хайратланарли манзара эди. Швед фотографи Миа Гриннинг фотосуратларидан, ҳозирги кунгача сақланиб қолган почта откриткалари учун фойдаланилди.

Йўл давомида жароҳат ва касалликлар кучларни шунчалик йўқотар эдики, натижада юзлаб ярадорларга ўз уйларини кўриш ҳам насиб этмади. Йўлда ҳалок бўлган Учлик Иттифоқи аскарлари Хаапарантада, Россия аскарлари эса Торниодаги кабристонда кўмилар эди.

Россиядаги инқилобдан сўнг, 1917 йилнинг апрелидан Торниодаги дала госпиталида қийинчиликлар юз бера бошлади. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиш ва дала госпиталини таъминлаш ҳолати ёмонлашди, ҳамда молиялаштириш бўйича кечикишлар бошланди. Сўнгги эшелонлар 1918 йилнинг январидан ойида ўтдилар.

Биринчи Жаҳон уруши шафқатсизлиги вақтида ва унинг якунидан сўнг, қарама-қарши томонларнинг энг юқори даражадаги одамийлик ва кенг қамровли инсонпарварлик операциясини амалга оширишга муваффақ бўлганлари эътиборга лойиқдир. Финляндия ушбу операцияда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Амалга оширилган операцияларнинг мажмуаси жаҳон тарихи учун чинакамига ягона бўлди. Финляндия кейинчалик ҳам дунёнинг турли жойларида пайдо бўлаётган можаро ҳолатларида «қози бўлиб эмас, айнан шифокор бўлиб» қатнашишга ҳаракат қилди.

Сеппо Сейтсало,
профессор, «Ортон» касалхонасининг фахрий бош врачидир

36. САРҲАДСИЗ ТАРИХЧИЛАР

Тарихчилар қандай қилиб можароларни ҳал этиш ва уларнинг олдини олишда ёрдам беришлари мумкин?

Ҳаттоки, энг қадимги тарихий воқеалар бўйича турли хилдаги талқин ва нуқтаи назарларнинг низо ҳолатларини келтириб чиқариши ва уларни ҳал этишда тўғанок бўлиши тўғрисида жуда кўп мисоллар мавжуд. Можаролар тинчлик битимлари орқали барҳам топгандек туюлса ҳам, тарих зарварағи бутунлай ағдарилса ҳам, бу унинг атрофидаги энг ёмон ҳолатда янги тўкнашувларга олиб келиши мумкин бўлган баҳс-мунозараларнинг қайтадан бошланмаслигига кафолат бермайди.

Можаро тугаганидан кейинги даврдаги иш, ушбу можарога аралашган барча томонларни кониктирувчи низо тарихини ёзиб қолдиришни кўзлайди. Биз Кипрнинг умумий тарихини, айниқса Исроил ва Фаластин ўртасида тинчлик ўрнатилганлигидан сўнг, агарда у умуман қачонлардир ўрнатилса, Яқин Шарқ тарихини ёзиш қандай мураккаб бўлишини жуда яхши фараз қиламиз.

Тарихчиларнинг кўпчилиги, низоларни келтириб чиқариш ва кенгайтиришда ўз номлари ва ишларидан фойдаланиш учун йўл қўйишга тайёр бўлган ҳамкасбларини қоралайдилар. Бунинг натижасида, сиёсатчи ва сафсатабозларнинг тарихчилар тадқиқотларидан ўз шубҳали ниятларида фойдаланиши ҳолатларининг вужудга келиш эҳтимоли юқори бўлади.

Тарих ва сиёсат доимо бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Бирок, тарихий хотира тушунчаси нисбатан янгидир ва унинг томири *vergangenheitsbewältigung* (*ўтмишдан ошиб ўтиш*) тушунчаси томонидан, ўзининг ноодатий тарихига бўлган муносабатида тўғри йўл кўрсатилган Германиядан чиққан. Бу тарихнинг ғаразли ниятларда фойдаланилиши учун қайтадан кўриб чиқилиши дегани эмас, балки ўз тарихий ўтмишини унинг барча хунук томонлари билан биргаликда очиқчасига қабул қилишни кўзлайди.

Ўз тарихини очиқчасига қабул қиладиган мамлакатлар рўйхати, тарихига очиқ равишда назар солиш бўйича ҳар қандай ҳаракатларни рад этган давлатларнинг узун рўйхатидан қисқарокдир. Мягга дарҳол Россия ва Япония келади. Биз либерал-демократик деб

ҳисоблаган ҳамма давлатлар ҳам танқидий баҳолашдан ўтолмайди. Бу уларнинг Алжир, Кения ва бошқа мамлакатларда олиб борган мустамлакачилик урушларининг коронгу саҳифалари бўйича, ханузгача ҳам очиқ баҳс-мунозараларни олиб боришга кийналаётган собиқ мустамлакачи давлатларга тегишлидир.

Тарих Финляндияда ҳам XIX асрда миллий онгимиз ва давлат институтларимизнинг қурилишида марказий ўрин тутган ва бу ҳолат Россия тарихшунослари билан тортишувларга сабаб бўлган. Фақат анча вақтдан кейингина Россия томонида ҳам фин мухториятини ҳимоя қилиш курашида фойдаланилган ва фин миллий позицияларига асосланган далилларни танқид қилиш учун жиддий асослари бўлиши мумкинлигини тан олишга имкон пайдо бўлди.

Бундан ташқари, Финляндия 1917 йилда мустақилликка эришганида, тарихчилар меҳнати билан Буюк Финляндиянинг миллатчилик амбицияларига асослар тайёрланаётган эди. 1944 йилдаги тинчлик келишувидан сўнг, тарихчилар Германиянинг иттифоқдоши бўлган ва мустақил равишда Совет Иттифокига қарши уруш олиб бораётган Финляндия тўғрисидаги фикрни тарқатиш учун яна чақирилдилар. Совуқ уруш даврида ҳам финлар биз, яъни Советлар Иттифоқининг соясида яшовчилар учун фойдали бўладиган тарихий фактларни нотўғри талқин қилинган ҳолда изоҳ беришдан фойдаланганлар.

1918 йилда Финляндия мустақилликка эришганидан сўнг бошланган фуқаролик уруши, бизнинг жамиятимизда чуқур жароҳатлар қолдирди ва қарама-қарши бўлган томонларнинг ушбу урушни қандай эсга олганликлари бу жароҳатларнинг битиб кетишига йўл қўймади. Тарихчилар ҳам ўзлари томондан ушбу жароҳатларнинг битиб кетишига ҳар доим ҳам қўмақлашмас, баъзан эса аксинча, ярага туз ҳам сепишарди. Бироқ, 1960 йиллардан бошлаб хоҳ адабиётчи, хоҳ тарихчилар бўлган ёзувчиларнинг янги оқими тушуниш ва ярашиш жараёнини бошлаб бердилар. Ҳозирги кунда фуқаролик уруши воқеаларига, турли хилдаги талқин ва фикрларни, бирон-бир аҳамиятли йўл орқали ҳозирги вақтдаги фин жамиятига тегишли саволларга боғламаган ҳолда назар солишнинг имкони мавжуд.

Финляндияда 1918 йилда рўй берган ҳолат ўша ёки ҳозирги вақтдаги дунё учун ноёб эмас эди. Яхшиямки, биз инсон

хуқуқларини бузувчи ҳаракатлар ва уруш жинойатларинининг олдини олиш ва уларга йўл қўймасликдаги жамият масъулиятини белгилаб турувчи дунёкарашни аста-секинлик билан шакллантиришга эришдик.

Ҳозирги кунда мамлакатда бошқа мамлакатлар билан муносабатлардаги тарихнинг очиқ масалалари йўқлиги сингари, ўтмиш бўйича ҳам бирон-бир ҳақиқатга яқин курашлар кузатилгани йўқ.

Финляндия ўз мустақиллигининг юз йиллик тарихи давомида, давлат тузумининг тўсатдан ёки зўравонлик натижасида алмашишини бошидан кечирмаган, дунёдаги озчилик бўлган давлатлар қаторидадир. Давлат тузумининг алмашиши доимо маълум маънодаги тозалаш ва тарихнинг қайтадан ёзилишига олиб келади. Диктатуранинг инқирози, уни олқишлаётган ҳайкал ва ёдгорликларнинг ҳам инқирози демакдир. Буни тушунса бўлади, бу хаттоки зарур ҳам бўлиши мумкин.

Давлат тузумининг алмашишидан кейинги ҳолатларда тарихчиларнинг меҳнати кераклидир. Уларнинг янги тузумни шакллантиришда тўғридан-тўғри қатнашаётганларга ўз билим, тажриба ва тадқиқот натижаларини беришга тайёр бўлган вақтларида, улар ўзларига янги тузумнинг ажралмас қисми бўлиб қолишга ва ҳакам ролини ўйнашга йўл бермасликлари зарур.

Давлат тузумининг ўзгариши, эски тузумнинг қанчалик бузук бўлишига қарамасдан, ушбу тузумдан қолган тарихни ўчириб ташлаш ёки барча юқори аҳамиятга эга сана ва ҳайкалларни бузиб ташлашга олиб келиши шарт ҳам эмас, мумкин ҳам эмасдир. Тарихий обидаларга нисбатан бўлган маданиятли ёндашиш, ёқимсиз ва хунук томонларини ҳам ўз ичига олган бутун тарихий йўлимиз кузатилган муҳитни сақлаб қолишга мўлжалланган. Вақт ўтгандан сўнг ушбу ҳайкалларга тарихий обидалар сифатида қаралади ва келажак авлодлар уларни кўздаги доғ эмас, балки умумий ўтмишимизни англашдаги таянч сифатида қабул қилишади.

Ҳам тарихчи, ҳам ташқи ишлар вазири сифатида мен, тарихга нисбатан мунтазам равишда бўлаётган суистеъмол қилишлардан хафа бўлар эдим. Аммо, бу мени вазиятни орқага буриш фикри ва тарихчиларга уларнинг тадқиқотларини суистеъмол қилишга йўл қўймаслик, шунингдек, можароларнинг олдини олиш ва уларни ҳал

қилиш учун нималар қилишлари мумкинлиги тўғрисидаги савол билан мувожаат қилишга ҳам олиб келди.

Ушбу масаланинг Финляндия ва бошқа мамлакатлардаги низоларни ҳал қилишда иштирок этаётган тарихчи ва дипломатлар билан муҳокама қилиниши, 2015 йилнинг июн ойида «Сарҳадсиз тарихчилар» номи жамоат ташкилотини ташкил қилишга туртки бўлиб хизмат қилди. Ҳозирги кунда бизнинг ташкилотимиз таркибига, у ёки бу йўл орқали тарих ва низолар масалалари билан шуғулланувчи, университетларимиздаги тарих профессорларининг кўпчилиги ва яна юзлаб инсонлар кирган.

Таъсисчиларимиз йиғилишида тинчлик бўйича Нобел мукофотининг фин совриндори Мартти Ахтисаари сўзга чиқди ва ўз маърузасида, ўзининг воситачи сифатидаги фаолияти давомида, тарихий ўтмиш сабабли келиб чиққан низолардаги тинчликпарварлик жараёнининг қийинчиликларига жуда кўп маротаба дуч келганлигини эслаб ўтди.

Бизнинг мақсадимиз ушбу ташаббусни дунё миқёсига олиб чиқиш эди. Шунинг учун ҳам биз ўтган йилнинг май ойида Хельсинки шаҳрининг университетида, низо ҳолатларида тарихдан фойдаланиш ва уни суистеъмол қилиш бўйича халқаро конференция ташкиллаштирдик. «Сарҳадсиз тарихчилар» тармоғининг ташкил қилиниши тўғрисидаги, уч юздан ортиқ конференция қатнашчилари томонидан овоз берилган декларациянинг қабул қилиниши ушбу конференциянинг авжига чиққан нуқтаси бўлди.

Декларацияни имзолаган томонлар ўз ишларини қуйидаги мақсадларда давом эттириш мажбуриятини олдилар:

- умумий ва ҳар томонлама билимларни кенгайтириш ва тарихни англаш;
- тарихий ҳужжатлар ва архивлардан очик ва эркин фойдаланишга кўмаклашиш;
- ўзаро ҳамжиҳатликка эришиш учун кўмаклашиш мақсадида, тарих бўйича турли хилдаги нуқтаи назар ва талқинларга эга бўлган томонлар ўртасида интерактив мулоқот олиб боришга ёрдам бериш;
- низолар келтириб чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги тарихни суистеъмол қилиш амалларини фош этиш ҳаракатларига кўмаклашиш;

- низоларни бартараф этиш ва тўғри йўлга солишга ҳисса қўшиш;
- берилган декларация руҳидаги тарих бўйича дарс беришга кўмаклашиш;
- тинчликка эришиш ва низо ҳолатларини бартараф этиш ҳаракатларида аёлларнинг ўрнини англаб етиш ва гендер тенглиги масалаларини киритиш.

Биз тарих масалалари ва халқаро муносабатлар билан шуғулланувчи, тарихни ўзаро англаб етишни яхшилаш ва тарихдан низо ҳолатларини келтириб чиқариш ва уларни кучайтиришда фойдаланишга йўл қўймасликка тарафдор бўлган барча профессионал тарихчи ва бошқа мутахассисларни иштирок этишга таклиф қилдик.

Бизнинг ташаббусимиз конференциягача бўлган ва конференциядан кейинги даврларда ҳам дунёнинг турли бурчакларида биз билан кўп мартаба учрашган тарихчилар томонидан кўтаринки руҳда қабул қилинди.

Бизнинг фаолиятимиз бошқа вазифалар қаторида низо масалалари билан шуғулланувчи тарихчиларнинг ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг билим ва тажрибаларидан низоларни бартараф этишдаги воситачилик фаолияти бўйича иш олиб бораётган халқаро ташкилотларнинг эркин фойдаланиши ва бизнинг мақсадларимизга етишиш учун фойдали бўлиши мумкин бўлган масалаларда тадқиқотларни амалга ошириш бўйича ташаббускорликни ҳам ўз ичига олади.

Биз одамларнинг ҳозирги кунга қадар қандай тарихий йўл босиб ўтилганлигидан воқиф бўлиш ва уни англаш даражасининг ортиб боришидан кўра кўпроқ тушиб бораётган даврида яшамокдамиз. Ушбу хабарсизликдан келиб чиққан ҳолда, келажакка назар ташлаш ва унинг ривожланиши бўйича тахминлар келтириш тобора қийинлашиб бормоқда. Бу ҳолат эса «ҳозир ва шу ерда» омилига асосланган постмодерник калтабинликнинг шаклланишига олиб келмоқда.

Ўз тарихини билмаганларнинг уни такрорлашга маҳкумлиги тўғрисидаги фикр доимо ҳам тўғри бўлмаслиги мумкин, лекин жаҳолат доимо ўзи билмаган ҳолда тарих асирига айланиш ва ўз

қинғир ишларида тарихдан фойдаланишни қўмсаб турган сиёсатчилар кирдикорларининг қурбони бўлиш таҳликасини оширади.

«Сарҳадсиз тарихчилар» тарихнинг низо чиқариш воситаси ва низоларни ҳал этишдаги тўсиқ бўлиб хизмат қилишига йўл қўймасликка фаол ҳисса қўшиш ниятидалар. Тарих ҳамжиҳатликни шаклантириш ва низоларнинг олдини олиш воситалари бўлиб хизмат қилиши керак.

Эркин Туомийя,

*2000-2007 ва 2011-2015 йилларда Ташқи ишлар Вазир,
«Сарҳадсиз тарихчилар» тармогининг Раиси*

МАДАНИЯТ

37. ФИН АДАБИЁТИ ЖАМИЯТИ

Элиас Лённрот (EliasLönnrot) 1831 йилнинг 16 февридаги Фин адабиёти жамиятини ташкил қилишга бағишланган йиғилиш баённомасида: «Йиғилганлар ўртасида фин китоблари, фин тили ва уни адабиётда қандай қилиб энг яхши усулда қўллаш мумкинлиги тўғрисида суҳбат кетди. Йиғилиш якунида ҳамжиҳатликда ишлаш ҳар қандай ҳолатда ҳам яқка тартибда ишлашдан кўра яхшироқ эканлигига қарор қилдилар ва шунинг учун ҳам жамиятни ташкил қилишга келишиб олдилар» - деб ёзиб қолдирган. Ушбу амалий мақсад тез орада фин миллий ўз- ўзини англаш намунасини яратиш воситасига айланди.

Маориф, романтизм ва миллатчилик ўз вақтида фин тили ислоҳоти, халқ ижоди асарларини сақлаш, тарихни ёзиш, адабиётни яратиш ва фин миллий ўз-ўзини англашни шакллантиришни ўз ичига олган фенноманиянинг йирик ривожланиш лойиҳасини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Фин адабиёти жамиятининг дастури доирасида янги сўзлар яратилар, лугатлар ва «Калевала» халқ эпоси, роман ва пьесалар, шу жумладан Алексис Кивининг «Етти ака-ука» асари нашр этилар, халқ ижоди тўпланар, адабий мукофотлар топширилар эди. Бошқача қилиб айтганда, жамият Финляндиянинг ҳозирги кундаги фан ва маорифи учун тағзаминни шакллантиришда асосий ўрин тутди. Буларсиз мамлакатимиз ҳеч қачон замонавий саноатлашган давлат ва фуқаролик жамияти бўлолмас эди. Жамият ушбу ислоҳотлар орқали ўз аъзоларининг фан билимлари ва маданиятдан фойдаланишларини, шунингдек, сиёсий фаолиятга йўл олишларини таъминлашга интилди.

Жамиятнинг фаолияти натижасида, одатда хотира ва эшитилган гаплар асосида тўпланадиган маълумот ва маданий меросларни олиш, сақлаш ва фойдаланишга йўналтириш иши ёзма равишда ўтказиладиган бўлди. Бу адабиётнинг ривожланишига етаклади, ҳамда билимларни фақатгина сақлаб қолиш ва кейинги авлодларга етказишга алоқадор бўлибгина қолмай, балки борлиқни кўрсатиш давомидаги янги тушунчаларни ҳам пайдо бўлишига олиб келди.

Жамият доираларида XIX асрда ижтимоий фанлар соҳаларидаги барча фин илмий жамиятлари каби кўпгина институтлар пайдо бўлди. Ушбу ҳолат ўз навбатида Миллий театрнинг ташкил қилиниши, тадбиркорлик ҳаёти ва капитал, шунингдек партиявий фаолиятнинг пайдо бўлишига таъсир ўтказди. Жамиятнинг 1890 йилда пойтахтдаги чиройли уйга кўчиб ўтишига ва унинг фаолиятини пойтахтнинг олий табақали жаноблари олиб боришига қарамасдан, у жамият ва маданиятга чуқур илдиз отган ва унинг нариги томонида фин анъаналари ва халқ ижодини асраб келувчилар турган маълум маънодаги марказий ўққа айланди.

Йиллар ўтган сайин фуқаролик жамиятини шакллантиришдан билимларни тўплаш бўйича фаолиятга ўтилди. Жамият ўзининг 175 йиллик тарихи давомида финчасига ўз-ўзини англаш, мамлакат ичида ва ташқарисида фин адабиёти ҳақида маърузалар ўқиш, шунингдек, бадиий ва илмий адабиётлар ва энциклопедияларни нашр қилиш фаолиятлари билан шуғулланди.

Тил ва ўз-ўзини англаш ҳар қандай жамиятнинг фаолиятида тенги йўқдир, бироқ тил ва ўз-ўзини англаш асосларинини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ғоялари, анъана ва тарихий воқеаларига танқидий ёндашиш булардан ҳам муҳимроқдир.

Фин адабиёти жамиятининг мақсади, фин маданиятини бизнинг ўзимиз ва бошқа маданиятга мансуб кишилар учун янада тушунарлироқ қилиш эди ва ҳозиргача ҳам шундайдир.

Туомас М.С. Лехтонен,

Фин адабиёти жамиятининг Бош котиби

38. ФИН-УГОР ЖАМИЯТИ

Қадимда, фин ўхшашлик концепциясининг юзага келишига қадар фин-угор халқи мавжуд бўлган. Фин тилининг яхудий, юнон, инжил ва кўҳна тилларга қардош эмаслиги маълум эди. Евроосиёнинг шимолий қисмида тарқалган тиллар ва ўша ерда яшовчи халқлар ёрдамида тарихнинг бундан аввал маълум бўлмаган варақларини очиш имкони мумкинлиги тўғрисидаги назария илгари сурилган эди. Бир неча авлод давомида давом этган ушбу вазифани бажариш учун ғайратли тадқиқотчи ва жасур саёҳатчилар зарур эди.

Фин-угор жамияти 1883 йилда урал ва олтой халқларининг тили, маданияти ва тарихини ўрганишга кўмаклашиш учун тузилган эди. Грант олган ўнлаб тадқиқотчилар йиллар давомида фин-угор тиллари, аниқроқ қилиб айтганда Атлантика ва Тинч океанлари оралиғидаги худуддаги урал ва олтой тиллари бўйича маълумотлар тўплаш билан шуғулланганлар. Жамият томонидан юзлаб китоб ва тадқиқотлар, маълумотлар тўплами ва таҳлилий мақолалар чоп этилган эди. Тўпланган маълумотлар туфайли фин-угор халқлари ва тилларининг тарқалиш манзараси, фин-угор жамиятининг ташкил қилинган вақтидагидан кўра анчагина равшанроқ ва аниқроқ бўлди, лекин янги маълумот ва ахборотлар ҳозиргача ҳам тўпланиб келинмоқда. Фин ва бошқа фин-угор халқларининг қаердан келганликлари тўғрисидаги саволга бўлган якуний жавоб ҳали ҳам олинмаган. Тиллар қардошлигининг моҳияти ва шакланган тил хилма-хиллиги учун неча мингйиллик зарурлиги тўғрисидаги саволга яна ва яна қайтишга тўғри келмоқда.

Тадқиқотлар географияси энг бошидан бошлаб, ҳар бирининг ўз урф-одатлари ва эътиқодлари бўлган ўнлаб этник туркумлар яшаётган урал ва олтой тилларининг тарқалиш худудларини ўз ичига олар эди. Кенг қамровли дала тадқиқотлари ўтказилган даврларда, фин-угор қабилалари асосан ўз аجدодлари тилида сўзлашишар ва мерос қолган маданий кадриятларини келгуси авлодларига ўзгармаган ҳолда етказишар эди. Бироқ бу жараён дунёни ўзгартирган Октябр инқилоби, Сталин тозалашлари, Иккинчи жаҳон уруши ва урбанизация туфайли бузилди. Скандинавия саамлари, мордва, мари, удмурт, хант, манси, самоедларнинг кўпчилик қабилалари ва олтой тилларида сўзлашадиган мўғўл қабилалари – ушбу этник гуруҳларнинг ҳар бирида фин-угор жамиятидан тадқиқот гранти олган олим иш олиб борар эди.

Мордва бўйича Хейкки Паасонен (HeikkiPaasosen) томонидан тўпланган маълумотлар ва манси халқлари тўғрисидаги Арттури Каннисто (ArtturiKannisto) томонидан тузилган маълумотлар тўплами юз йил давомида ишлаб чиқилди ва нашрга тайёрланди. Мўғўл халқлари билан шуғулланган тадқиқотчи-олим Г.Й. Рамстедтга (G. J. Ramstedt) грант олган олимлар орасида энг катта муваффақиятсизликка учради: унинг илк тўпланган маълумотлар

тўплами ўғирлаб кетилди. Ўз уйига деярли бўш қўллар билан қайтган Рамстедт қайғуга берилмади ва давомида Корея ва Япония чегарасигача бўлган Шарқнинг янада узоқроқ худудигача етиб борган янги тадқиқот сафарини амалга оширди. Рамстедт 1939 йилда чоп этилган, инглиз тилидаги илк ва анча вақтгача ягона бўлган корейс тили дарслигини ёзиб қолдирди. Корея уруши бошланган вақтда АҚШ армияси китобнинг ҳамма сонини сотиб олди.

1906-1908 йилларда Фин-угор жамиятининг энг машхур стипендианти бўлган К.Г. Маннерхейм (С. G. Mannerheim), асл мақсади разведка маълумотларини тўплашдан иборат бўлган ўзининг машхур Осиё экспедициясини амалга оширди. Маннерхейм экспедициянинг асл мақсадларини яшириш учун, барча ишни кишин-ёзин от устида олиб борган ҳолда, қийматини ўлчаб бўлмайдиган этнографик маълумотларни, айниқса Хитойнинг ғарбий ва шимолӣ вилоятларидаги турмуш тарзининг суратларини тўплаш билан шуғулланди. Бошланғич пайтда нашр қилишга яроқсиз деб топилган оқ-қора негативлар, охир-оқибатда рақамлаштирилдилар. Ҳозирги пайтда ушбу суратлар ҳаққонийлиги туфайли Хитойда жуда ҳам қадрланади.

Фин-угор жамиятининг кўпчилик стипендиантлари XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларида, тиллар муҳитидаги ўзгариш жараёнларини кузатар ва фин-угор тиллари асосан аҳолининг рушлашиши натижасида йўқ бўлиб кетишини башорат қилдилар. Прогнозларнинг кўп қисми амалга ошди ва XXI асрда кўпчилик фин-угор халқлари чегараланган тил ҳуқуқларига эга бўлган, ёки умуман эга бўлмаган туб миллий озчиликлари деб таърифландилар. Фин-угор жамияти томонидан нашр қилинган лив тили (1938 й.) ва камасин тили (1944 й.) луғатлари ўлик тилларнинг энг муҳим ҳужжатларидир. Ўз услубининг мумтоз туркумига, тадқиқот маълумотлари тўплами эканлиги билан бир қаторда тегишли тиллар ҳақидаги маълумотлар манбаи бўлган хант (1948), колтт ва кольский лопарлари (1958), карел (1968-2005) ва мордва (1990-1999) тилларининг луғатлари киради. Шунингдек, жамият томонидан фин тилининг этимология луғати (1955–1981) ҳам чоп этилган.

Фин-угор жамияти ўз соҳасида ханузгача ҳам халқаро даражадаги илмий-тадқиқот ишлари нашриётларининг энг аҳамиятлиларидан бири ва турли мамлакатлар тадқиқотчиларининг

учрашиш жойидир. Фин-угор тилларида сўзлашадиган ва ўз тилларини ўрганиш ва ривожлантириш керак деб ҳисоблайдиган кам сонли халқларнинг кўпчилиги, фин-угор жамиятининг мақоаларини ўз маданий меросининг таркиби деб ҳисоблайдилар. Анъаналарнинг энг кучлиси, 1884 йилдан бери ҳар йили 2 декабрда, жамият илмий бўлимининг асосчиси бўлган М.А. Кастрен (M. A. Castrén)нинг туғилган кунида ташкиллаштириладиган йиғилишдир.

Лекин хотимада фин-угор тиллари гуруҳи бўйича, венгер олимлари томонидан XVIII асрнинг ўзидаёқ тўғрилиги англаган баёнот бериш керак. Тилларнинг фин-угор туркуми ҳозирги кунда етарли даражада яхши ўрганилган, аммо баъзи тилларнинг аҳволи ҳеч қачон бу даражадаги каби ёмон бўлмаган. Шунинг учун ҳам тадқиқотчи-олимлар уюшмасининг юксак вазифаси ҳали давом этмоқда.

Рино Грюнтхаль,

Хельсинки университетининг фин-угор тиллари факультетининг профессори

39. КУТУБХОНАЛАР

Финлар бутун дунёни кутубхоналардан фойдаланиш бўйича ортда қолдирганлар: Финляндия фуқароси бир йилда ўртача 11 маротаба кутубхонага ташриф буюради ва 17 дона китоб, аудио- ёки бошқа турдаги маълумотларни олади. Қўлларда жами бўлиб 3 миллионта кутубхона карточкаси мавжуд. Нега финлар кутубхона хизматларидан бунчалик фаол фойдаланадилар?

Кутубхоналар финлар ҳаёт тарзининг бир қисмидир. Билимлар Финляндияда жуда ҳам кадрланадилар. Финлар – китобхон бўлган миллатдир. Бу китобларнинг сотилиш даражаси, матбуотни ўқийдиган одамлар сони ва ҳар йилги китоб ярмаркаларининг жуда ҳам машҳурлигида билинади. Айниқса, болалар ва ёшлар учун мўлжалланган китоблар яхши сотилади.

Кутубхоналар кишиларнинг турли хилдаги ақлий талабларини қондиришга қодир бўлганликлари учун ҳам бунчалик катта талабга сазоворлар. Кутубхоналар ўз ассортиментларини кенгайтирдилар ва эндиликда фақатгина китоблар эмас, балки мусиқа ва видео

материалларини ҳам таклиф қилмоқдалар. Охирги ўн йилликда кутубхоналар томонидан таклиф қилинаётган ассортимент электрон китоблар ҳисобига кенгайди. Илмий нашрларнинг электрон нусхалари университетлар кутубхоналари учун нодир ва аҳамиятли манба бўлиб қолди.

Сўнги йилларда ишончли маълумотларга эга бўлиш масаласи жамиятдаги муҳокамаларнинг мавзуси бўлиб қолди. Интернет тармоғидаги излаш тизимлари, маълумотлар қидиришнинг самарали натижасини таъминлашга муваффақ бўлолмади. Маълумотларнинг ишончилигини баҳолаш билан шуғулланувчи юқори малакали мутахассислар жавобгар бўлган кутубхона ахборот тизимларидаги далилларнинг ишончилигини текшириш вазифаси, ўз хусусияти билан ажралмасдир.

Интернет-медиа ва ахборотлар билан ишлаш қобилияти ва билимлари, ахборот излаш бўйича таълим дастурлари ва маслаҳатларнинг таркибий қисми бўлиб қолди. Савол қанчалик мураккаб бўлса, кутубхонадаги ахборот ишлари бўйича мутахассиснинг Гуглда қидиришдагидан кўра яхшироқ жавобни топиши эҳтимоли шунчалик кўпаяди.

Ўзаро фойдаланиш иктисодиёти кенг амалиётдаги тимсолини айнан кутубхонада топди. Кутубхоналар харид қилишга ҳаммининг ҳам қурби етмайдиган ускуналар, мисол учун компьютер ва 3-Д принтерларни ўзаро фойдаланиш учун тобора тез-тез равишда таклиф қилмоқдалар. Кундалик ҳаётнинг бошқа заруриятлари ҳам эсдан чиқарилмаган. Кутубхоналарда ўз қон босимини ўлчаш, скандинавчасига юриш таёқларини ижарага олиш ёки тикув машинкасида ишлаб кўриш имкониятлари мавжуд бўлиши мумкин.

Шунингдек, кутубхоналар олдида ижтимоий вазифалар ҳам бор. Кутубхоналар ўз ҳудудда бепул учрашув жойини таклиф қиладилар ва бундай вазифанинг аҳамиятини эътиборга олмаслик мумкин эмас. Кутубхоналар томонидан ташкиллаштириладиган тадбирлар барча ёш тоифаларига мўлжаллангандир – кичкинтойлар учун эртақлар ўқиб бериш ва мактаб ўқувчилари учун уй вазифаларини бажаришда кўмаклашишдан бошлаб, то интернет тармоғида ишлаш бўйича кексаларга маслаҳат беришгачадир. Мигрантлар кутубхоналар учун мижозларнинг муҳим гуруҳи бўлиб қолдилар ва уларга «тил кафелари» янги хизмат сифатида таклиф қилинмоқда. Кутубхона

тадбиркорликни ва масофавий фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун, ишлаш ёки мажлис ўтказиш мумкин бўлган хонани тақдим қилиши мумкин. Бундай хизматларда ушбу ҳудудга кўчиб келиш истаги ва ушбу ҳудуддаги хонадонларнинг нархларида кузатилиши мумкин бўлган ишчи кучини чақириш омили ҳам бордир

Финляндиянинг ҳар бир ҳокимлигида жамоат кутубхонаси бор – жами Финляндия бўйича тахминан 800 кутубхона мавжуд. Кутубхоналар асосий шаҳар хизматларининг таркибий қисми бўлиб қолдилар. Устига устак, кутубхона хизматлари бепулдир. Бу Финляндияда яшовчилар учун маълумотларга эга бўлиш ва жамият фаолиятида қатнашишдаги тенгликни англатади.

Кутубхоналаримиз муваффақиятининг гарови бир неча омилдан иборатдир. 1990 йилларгача кўшиб борилган давлат хиссаси муҳим эди. Финляндиянинг жамоат кутубхоналари муниципалитетлар бюджетидан бошқа европа мамлакатлари кутубхоналаридан кўра камроқ қарам эди. Ахборотлаштирилган жамиятни шакллантириш бўйича ҳукумат дастурларида кутубхоналарга салмоқли ўрин ажратилган. Кутубхона ходимлари ахборот ишлари бўйича юқори малакали мутахассисларга айландилар.

Мамлакатдаги барча кутубхоналар ягона тармоқни ташкил қилади. Ушбу ўзаро фаолият кутубхона мижозларига маҳаллий даражада хизмат кўрсатишда кўзга ташланади. Масалан, пойтахт ҳудудидаги кутубхонадан олинган китобни, айти шу ҳудудда жойлашган ҳар қандай кутубхонага қайтариб бериш мумкин. Шунингдек, ҳамкорлик хизматларни яратишда синергетик таъсирни ҳам кўрсатади. Kirjastot.fi каби қўшма форумлар ёки Миллий кутубхонанинг онлайн-сервислари, хизматларни мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил қилишга, махсус хизматларни биргаликда ишлаб чиқиш ва таклиф қилишга, шунингдек, манбаларни тежашга имкон беради.

Фин кутубхоналарининг асосий стратегик чизиги, вазифаларни ҳар бир даражадаги энг зарурий вазифаларга эътибор беришга имкон яратиш учун маҳаллий, ҳудудий ва миллий миқёсда оқилона тақсимлашдан иборатдир. Масалан, унча катта бўлмаган муниципалитет кутубхонаси ўз ҳудудидаги аҳоли ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга диққат қаратиши мумкин. Айти вақтда, миллий миқёсда эса умумий

фойдаланиш хизматларини ишлаб чиқиш имкони мавжуддир. Кутубхона, архив ва музейлар бирлаштирилган FINNA қидирув тизимининг мижозлар интерфейси бунга мисол бўлиши мумкин.

2000 йилларда кутубхоналар учун янги биноларга ҳам эътибор қаратилди. Хельсинки шаҳри университетининг «Кайса» кутубхонаси, ўз меъморчилиги туфайли машҳур туристик жойлардан бирига айланди. 2018 йилда очиладиган Хельсинки шаҳрининг марказий шаҳар кутубхонаси лойиҳалаштириш босқичидаёқ, жамиятнинг лойиҳалаш жараёнидаги қисман иштироқи туфайли кенг оммавий эътиборга сазовор бўлди.

Фин кутубхоналари мамлакат фуқароларига маълумот олиш ва жамият ҳаётида иштирок этишда кўмаклашувчи, шунингдек, турли хилдаги ижтимоий ва маданий хизматларни таклиф қилувчи, самарали равишда ташкиллаштирилган тармоқни шакллантирдилар. Фин кутубхоналари турли ва зарурий хизматлар туфайли интернет-технологияларни узвий равишда сингдиришни ва ўз аҳамиятини мустақкамлашни удаладилар. Кутубхона ташкилот сифатида, мижозларнинг хоҳиш ва заруриятларини ўрганиш ва тадқиқ этишда етакчи бўлиб турибди.

Ҳозирги кунда кутубхона – финлар орасида энг кенг фойдаланиладиган маданий муассасадир. Бундан ташқари, кутубхона – иқтисодий жиҳатдан энг манфаатли бўлган ахборот-маданият муассасаларидан биридир - муниципалитетлар бюджетларидаги кутубхоналарнинг ўртача ҳиссаси 1 фоиздан камроқдир. Бюджетнинг бир фоизини кутубхоналарга ажратиш, барқарор ривожланиш шаклида бир неча баробар ўзини қоплайди. Капиталнинг ўсиши билим ва қобилиятлар, фаровонлик ва иқтисодий фойданинг ошиб боришида акс этади. Агарда кутубхоналар бўлмаганида, уларни ўйлаб топиш керак бўлар эди.

Каарина Дромберг,

2002-2003 йилларда Маданият вазири

40. БОШЛАНҒИЧ ЎРТА МАКТАБ

1968 йилда парламент томонидан қонун қабул қилинди ва ушбу қонунга биноан ҳар бир бола ёки ўсмир, ўз яшаш жойи ва ота-

онасининг молиявий аҳволдан қатъий назар, тўққиз йиллик сифатли тамал таълим олиш ҳуқуқига эга эди. Таълим олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлганлиги сабабли, имконияти чекланган болалар ва ўсмирларга таълим бериш ва уларни парвариш қилиш ҳам янги қонунга биноан умумий таълимнинг таркибига кирди. Бошланғич ўрта мактаб барча ёшдаги гуруҳлар учун чиндан ҳам умумий мактаб бўлиб қолди.

Финляндия ўз мустақиллигининг юз йиллигини нишонлаётган йилда, бошланғич ўрта мактаб ярим асрдан бери фаолият юритмоқда. Халқ мактаблари ва пуллик ўрта таълимдан чиқиш кетишда қаршилиқлар кузатилди. Ислохотларга қарши чиққанлар, янги тизим таълим даражасининг пасайиб кетишига олиб келиши ва иқтидорли болаларга ўзларини кўрсатишга имкон беролмаслигини таъкидладилар. Бироқ, ўтган ярим аср бизнинг қароримиз тўғри бўлганлигини кўрсатди. Ўрта мактабларимиз ўқувчилари PISA (Халқаро талабалар таълим ютуқлари тадқиқотлари) халқаро тадқиқотларида қойилмақом натижаларга эришдилар ва бизнинг таълим муассасаларимиз кенг халқаро эътибор объектларидир.

Муваффақиятимизнинг сири нимада? Барчасининг асосида бошланғич ўрта мактабнинг ягона тузилмаси ва унга бириктирилган ҳолда, ўқувчиларнинг фаровонлигини таъминлашга йўналтирилган турли тоифадаги хизматлар ётибти. Бошланғич ўрта мактаб – бу маълум маънодаги фин жамиятининг митти ҳолатидир. Турли хил оилалардан келган ва турли даражадаги иқтидорга эга бўлган ўқувчилар бир гуруҳда ўқимокдалар. Турли тоифадаги кўмаклашувчи хизматлар, ўқув қўлланмалари ва иссиқ овқатни ўз ичига олган таълим жараёни ўқувчилар учун тамомила бепулдир.

Иккинчи муҳим омил – бу таълим вазибалари билан бир қаторда, болаларнинг ижтимоий, ахлоқий ва жисмоний ривожланиши бўйича фарқларини ҳам эътиборга олувчи ўқув режасидир. Табиийки, олий маълумотга эга ва ўз ишига содиқ бўлган малакали ўқитувчи марказий омил бўлиб хизмат қилади. Ўқитувчилар ўз ишларида кенг миқёсдаги педагогик мухториятга ва ҳам ўз ўқувчиларининг ота-оналари, ҳам бошқарувнинг ишончига эгалар. Бу Финляндиядаги мактабларга давлат комиссияларининг текширувлар билан келмаслигини ва фаолият устидаги таълим

органлари назоратининг ҳам йўқлигини англатади. Кучли касаба уюшмаси ташкилоти ҳам ўқитувчиларга кўмаклашади.

Шунингдек, фин сиёсатининг таълим соҳасидаги барқарорлиги, ҳамда анъана ва урф одатларни амалий равишда бирлаштириш қобилиятимиз муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Биз ислоҳотларни инқилобий эмас, балки эволюцион жараёнлар орқали амалга оширамыз. Бу ҳолат ҳам сиёсий қарорларни қабул қилиш, ҳам педагогик ўзгартиришларга тегишлидир. Ва ниҳоят, бошланғич ўрта мактабнинг фаолияти ва ривожланиши бўйича жавобгарлик, охиروقибатда муниципалитетлар зиммасида эканлигини белгиламаслик мумкин эмас. Қарорлар аввало, фуқаролар томонидан қабул қилинади. Бошланғич ўрта мактаб фин демократиясининг муҳим бўлагидир, умумийлик омилининг амалиётда амалга ошириш қисмидир.

Финляндия мустақиллигининг юз йиллигини нишонлаш вақтларида, олдимизда кенг қамровли муҳим вазифалар пайдо бўлмоқда. Глобаллашув жараёни ва рақамли технологиялар меҳнат бозоридаги аҳволни жуда ҳам ўзгартириб юборди, ижтимоий ва ҳудудий тенгсизлик муаммоси ўсиш билан хавф солмоқда, миграция анъанавий маданий тузилмаларни заифлаштирмоқда ва Ер саёрасининг экологик бутлиги бўйича бўлган ҳавотир ҳам мамлакат, ҳам яққа шахс даражасида қарор қилиш вақтида кучайиб бормоқда. Ва унча катта бўлмаган миллатнинг кучи унинг ўқимишли эканлигидадир. Шунинг учун ҳам бизнинг тирик қолиш стратегиямиз таълим манбалари ва илимий-тадқиқот ишларимизга асосланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда.

Бизнинг бошланғич ўрта мактабимиз қандай қилиб ушбу қаршиликка жавоб бериши мумкин? Мантиққа зиддек туюлса ҳам, лекин биз кескин ларзалар марказида бўлган ҳолатимизда, юқорида кўрсатиб ўтилган ва кўпгина инқироз ҳолатларида синалган кучли томонларимиздан қайтмаймиз. Таълим соҳасидаги сиёсатимизнинг мақсади - таълим олиш тенгҳуқуқлигини таъминлашдан иборатдир. Ва бу савдолашиш мавзуси эмасдир. Кучли хислатларни аниқлаш ва ривожлантиришга янада кўпроқ таянган мактаб маданиятини шакллантириш, тарбиявий ва таълим ишларидаги бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир ўқувчининг ўз кучли хислатларини аниқлаш ва ривожлантириш ҳуқуқи бордир. Шу тариқа, ҳар бир

синфда турли хилдаги маданиятларга мансуб бўлган истеъдодларнинг турфа хиллиги шаклланади ва ушбу ҳолат, ўз навбатида якка шахс даражаси ва синф даражасидаги ишончли шакллантиришга кўмаклашади. Таълим – бу келажакка кўприқдир ва бошланғич ўрта мактаб ушбу кўприқни кўтариб турувчи устундир.

Эрки Ахо,

Профессор, 1973-1991 йилларда Миллий мактаблар бошқаруви раиси

41. БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДАН УНИВЕРСИТЕТГАЧА БЎЛГАН БЕПУЛ ТАЪЛИМ

Фин маорифи бутун дунёда юқори обрўга эгадир. Фин таълим тизимининг фарқ қилувчи хусусиятлари қуйидагилардир:

- Бепул таълим
- Ҳар бир бола ва ўсмир таълим олиш ҳуқуқига эга ва мактабга боришга мажбур
- Ўқув режасининг ягона миллий асослари
- Таълим фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш вазифаларини маҳаллий даражага ўтказиб бериш
- Ўқитувчиларнинг малакаси ва компетенциясига бўлган ишочнинг юқори даражаси
- Ўқув жараёнини мослашувчан равишда ташкиллаштириш имконияти
- Бутун мамлакат ўрта мактабларидаги таълим ўзлаштириш даражасининг юқорилиги

Финляндияда яшовчи барча болалар ва ёшларга, уларнинг яшаш жойи, жинси, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва маданий кадриятларидан қатъий назар таълим олишни таклиф қилувчи таълим бериш сифати, таълим соҳасининг пойдевор тоши бўлиб хизмат қилади. Маорифни бошқариш масалалари ҳукумат томонидан муниципалитетлар даражасида тақсимланган, лекин мактабларнинг ўқув режалари давлат томонидан белгиланган асослар бўйича бўлиши керак. Буларнинг барчаси турли ҳудудларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ҳам

кишлоқларда, ҳам шаҳарларда таълим бериш сифатининг мамлакат бўйича юқори бўлишига имкон беради. Ўрта мактабларни битираётган ўқувчилар учун давлат битирув имтихони ўтказилмайди, шунингдек мактаблар бўйича ўзлаштириш натижалари ва баҳолари ҳам чоп этилмайди. Мактаб ва ўқувчилар ўрта мактабни битириш яқунларига баҳо беришнинг давлат норматив тавсиялари бўйича иш тутадилар. Таълим муассасасига кириш ва баҳолаш жараёни ўз шаффофлиги, тенгхуқуқлилиги ва абитуриентнинг қайси мактабни битирганлигига боғлиқ бўлмаганлиги билан тавсифланади, чунки баҳолаш омиллари аниқ ва батафсил равишда ёзиб қолдирилган ва бутун мамлакат учун ягонадир.

Фин маориф тизимида қатъий таълим йўналиши бўлмаганлиги каби таълим «тупик»лари ҳам йўқдир. Ўрта мактабни битирган ҳар бир ўқувчи, ўзи истаган ҳолда ҳар қандай даражаси юқорирок таълим муассасасига ҳужжат топшириши ва киришга ҳаракат қилиши мумкин. Таълим олиш бепулдир. Ўқишга қабул қилиш баҳолар асосида олиб борилади, таниш-билиш, пул ёки эртарок ҳужжат топшириш орқали эмас.

Фин бошланғич ўрта мактаби умумий маълумот берадиган мактаблардандир. Халқаро қиёслаш тадқиқотлари натижалари бўйича, 15 ёшли бошланғич ўрта мактаби битирувчилари она тили, математика ва табиий фанлар бўйича жуда яхши билимга эгалар. Бошланғич ўрта мактабни битиргандан сўнг таълим олишни давом этиш мумкин ва бу барча учун тавсия қилинади. Ўрта мактаб битирувчиларининг деярли 92 фоизи дарҳол лицей ёки касб-хунар коллежларига ҳужжат топширадилар (2009 й.). Лицей ёки касб-хунар коллежида олинadиган иккинчи босқич таълими, ўқувчини кейинчалик Финляндия ёки чет элдаги олий ўқув юртига киришга тайёрлайди. Ўрта мактабни битиргандан кейин таълим олишни давом эттирмасликка қарор қилганлар учун, бепул таълимнинг муқобил турлари таклиф қилинади.

Финляндиядаги касб-хунар таълими ўзининг юқори сифатлилиги билан ажралиб туради ва хунарга эга бўлиш учун бепул имконият яратади. Касб-хунар таълим дастури ҳам назарий, ҳам амалий ўқитишни ўз ичига олади. Шунингдек, таълим муассасасини битиришдан кейин ўз меҳнат фаолиятини бошлаши учун керак

бўладиган ижтимоий кўникмаларни ҳам беради. Касб-хунар таълим муассасалари ҳам лицейлар каби машхурлар. Касб-хунар коллежларининг кўпчилик битирувчилари дархол меҳнат фаолиятларини бошлайдилар. Битирувчиларнинг бир қисми таълим олишни давом эттиришга қарор қиладилар ва олий тоифадаги касб-хунар таълим муассасалари ёки университетларга хужжат топширадилар.

Умумий таълим хусусиятларига эга бўлган лицей (тўлиқ ўрта) таълимини бошланғич ўрта мактаб битирувчиларининг тахминан ярми танлайди ва лицейни тамомлагандан сўнг давлат имтихонларини топширадилар. Лицейдаги таълим бепулдир. Ўқитиш ўқувчининг ўзлаштириш қобилиятларига асосланган ҳолда 2 йилдан 4 йилгача давом этади. Миллий умутаълим ўқув режаси мажбурий предметлар шаклига эга. Бундан ташқари, ўқувчи ўз хохиши бўйича бир қатор предметларни лицей ўқитиш курсини бажариш учун танлайди.

Иккинчи босқич таълими дипломини олгандан сўнг, ўқувчи олий ўқув юртида таълим олишни давом эттириши ва университет ёки олий касб-хунар таълим муассасасига хужжат топшириши мумкин. Абитуриент университет ёки олий касб-хунар таълим муассасасига кириш учун кириш имтихонини топшириши керак. Кириш имтихонидан муваффақиятли равишда ўтган талаба, олий таълимнинг икки босқичли курсини олиш ҳуқуқига ва бакалавр унвонига эга бўлиши, ёки янада узоқроққа кетиб, қўшимча кириш имтихонини талаб қилмайдиган магистр унвонига ҳам эга бўлиши мумкин. Таълим олиш ва битирув имтихонлари бепулдир. Амалга оширилаётган талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчи-олимлар алмашинуви халқаро боғланишларни таъминлайди. Таълим олишнинг бепуллиги, фин олий таълим муассасаларининг бошқа давлатларнинг талабалари учун жозибador бўлишининг муҳим омилдир. Таълим бир вақтнинг ўзида ҳам текин, ҳам бепул бўлиши мумкинлиги, хорижий мутахассисларнинг анча хайрон бўлишларига олиб келади.

Фин таълим тизимининг асосига ҳам иқтидорли, ҳам ҳаракатчан, ҳам бошқаларнинг кўмагига муҳтож бўлган барча ўқувчиларга истисно қилмаган ҳолда, таълим даражасини юксалтиришнинг бепул муқобил турларини таклиф қилиш ғояси киритилган. Таълим олиш

имкониятлари бўйича маълумот бериш мактаб куратори орқали амалга оширилади. Талаба кредитлари тизими ўқиш даврида иқтисодий ёрдам бериш учун мўлжалланган. Финляндияда таълим олишнинг бепуллиги, таълим тизимининг тенгҳуқуқли ва адолатли эканлигини кўрсатмоқда.

Сонья Косунен,

Докторант, таълим вазирининг парламентдаги собиқ ёрдамчиси

42. ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ

Фин ўрта мактаблари халқаро таққослашлар давомида қойилмақом натижаларни кўрсатди. Ўрта мактаб тенгҳуқуқлилики омили бўйича қурилади. Барча ёш гуруҳлари, ўқув режаси ҳамма учун ягона бўлган бир хил мактабга борадилар. Мактаб бепулдир. Жамият мактаб таълимини ташкиллаштириш учун жавобгардир.

Хусусан, PISA (Халқаро талабалар таълим ютуқлари тадқиқотлари) халқаро тадқиқотларидаги Финляндиянинг натижалари ортида, фин ўқитувчиларни тайёрлаш тизими турибти.

Ўқитувчилик касби Финляндияда доимо юқори обрўга эга бўлган. Мамлакатимизда XIX асрнинг ўрталарида илк халқ мактаблари ташкил қилинганда, улар билан бир вақтда Ювяскюля шаҳрида ўқитувчиларни тайёрлаш семинарияси ҳам ташкил қилинган. Ўқитувчилик фаолияти аёллар учун касбий машғулотлар оламини очиб берди ва деҳқон фарзандларига хўжалик оиланинг тўнғич фарзандига ўтган вақтларда муносиб даромад манбасини тақлиф қилди.

Ўша пайтларда халқ мактаблари ўқитувчиларини халқ маърифатчиси деб аташар эди. Таълим масканининг вазифаси, аграр Финляндия учун маърифатли асос қуриш, келажакдаги мустақил давлатнинг фуқароларини тарбиялаш, ҳамда Финляндия хўжалик фаолиятларининг йўналиш ва турларининг хилма-хиллигини янги маълумот ва билимлар ёрдамида таъминлашдан иборат эди. Ушбу вазифани бажариш бўйича жавобгарлик халқ мактаби ўқитувчиси ва у билан бирга ишловчи, қишлоқ йиғилишида сайланадиган мактаб кенгаши зиммасида эди. Мактаб инспекторлари ўқитиш сифатини

кузатиб борар эди. Халқ мактаблари фуқаролик жамияти архитектурасининг муҳим бўлими эди.

Жамият фикрини ўрганиш натижаларига кўра, ўқитувчилик касби ханузгача ҳам фин жамиятидаги энг катта ҳурматга эга бўлган касблардан биридир. Охириги баҳолашлар бўйича ўқитувчилик касби бешинчи ўриндадир.

1960 йилларда таълим сиёсати халқ мактабларига нисбатан янада демократик бўлувчи муқобилни ташкиллаштиришни кўзлади. Натижада, умумий фаровонлик давлатини яратишнинг бир қисми бўлган бошланғич ўрта мактаб пайдо бўлди. Мактаб ислохотининг мақсади, мактабни танлашда ўқувчининг ижтимоий келиб чиқишининг таъсирини тенглаштиришдан иборат эди. Бошланғич ўрта мактабнинг вазифаси, ҳар бир ўқувчини ҳар қандай катта мактаб таълим муассасасида ўқишни давом этиш учун етарли бўлган билим ва қобилиятлар миқдори билан таъминлашдан иборат эди.

Мактабнинг вазифаси ханузгача ҳам янги иш кучини шакллантириш ва фуқароликни тарбиялашдан иборатдир. Замонавий мактаб ўзининг атроф муҳити билан чамбарчас боғлиқдир. Ота-оналарни мактаб фаолиятига ўз фарзандлари билан бирга жалб қилишга ҳаракат қилишмоқда, маданиятлар хилма-хиллиги таълим жараёни учун янги вазифаларни яратмоқда ва жамият юқори тезликда ўзгармоқда. Ўқитувчилик касби ҳам дарс берилаётган фанлар, ҳам илмий исботланган маълумотларга таяниш қобилиятига кенг қамровда эга бўлиш, психолог бўлиш ва педагогик тарзда иш юритишни билиш ва бир-биридан фарқ қилувчи ўқувчилар учун мураббий сифатида бўлишни талаб қилади.

Синф ўқитувчиси ва фан ўқитувчисининг малакаси, университетда олинadиган олий маълумотни талаб қилади. Синф ўқитувчиси учун асосий предмет тарбия бериш асосларидир. Фан ўқитувчилари тегишли фанларни ўрганадилар ва шунингдек, педагогикани ҳам ўрганадилар. Ўқув курси якунида талабалар магистр унвони олиш учун диссертация ёзадилар. Шу йўл билан илмий, амалий ва ахлоқий касб компетенцияси шаклланади. Педагогларни тайрлаш университетлар ўқув режаларининг таркибидадир ва шунинг учун ҳам университетлар сифатининг илмий мезонларига бўйсундилар.

Педагогларнинг фақатгина илмий даражада тайёрлиги етарли эмасдир. Педагогик таълимда ҳам назарий тайёргарлик, ҳам амалий билимлар, ҳам педагогик амалиёт давомида қўлга киритиладиган қобилиятлар бирлашади. Амалиёт бўлғуси педагогнинг тажрибали педагог бошқарувида синф билан ишлайдиган университет мактаблари ёки муниципалитет мактабларида ўтиб боради. Университет мактабларида ўқув фанларини ўқитиш услубиятини ҳам ўргатишади.

Финляндияда ўқитувчилик касби айниқса ўз даврининг иқтидорли одамларини жалб қилади. Педагогик маълумот олий маълумот талаб қилинадиган бошқа фаолият йўналишларига ҳам эшикларни очиб беради. Таълим дастури шундай ишлаб чиқилганки, у фақат педагогик талаблар билангина чегараланиб қолмайди. Ўқитувчи дипломини олганлар ўз педагогик билимларини ҳар қандай инсоний фаолият турида ҳам қўллашлари мумкин.

Европа Иттифоқи комиссияси педагогларда олий маълумот бўлиши ва улар педагогик билим ва қобилиятларга эга бўлишлари кераклигини тавсия қилади. Таълим олиш олий ўқув юртида ташкил қилиниши ва докторлик унвонини олиш учун ўқишни давом эттириш имкони бўлиши керак. Шунингдек, педагоглар малакасини оширишни ҳам эсдан чиқармаслик зарур. Фин педагогик таълим модели шунинг устида қурилгандир.

Фин педагогик таълимнинг қолганлардан фарқ қилувчи хусусияти, ўқитувчи фаолиятидаги илмий-тадқиқот ёндашувини тузишдан иборатдир. Тадқиқотчи-педагог модели ўз ишини мунтазам равишда таҳлил қилиб бориш, ўз иш муҳитини англаб етиш, ўз педагогик фаолиятида илмий-тадқиқот ишлари натижаларини аниқлаш ва ундан фойдаланиш, мустақил билим олиш жараёнини баҳолаш, ўз-ўзига баҳо бериш натижалари бўйича педагогик фаолиятини ривожлантириш ва таълим олиш заруриятларини тан олиш қобилиятларини кўзда тутади.

Ўқитувчиларнинг малакаларини ошириш иш жойининг ўзида ташкиллаштирилган. Жамиятдаги бўлиб ўтаётган ўзгаришлар давомида, болалар ва ёшларда пайдо бўлувчи ўқув муаммолари ҳам ўзгариб ва кенгайиб боради. Муаммо қанчалик яхши даражада аниқланган бўлса, уни ечиш ҳам шунчалик самарали бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда Финляндияда, янги ахборот

технологияларининг инновацион ўқув фаолиятига тақдим қилувчи ўқув муҳити ва имкониятларини ахборотлаштиришга алоқадор бўлган, кенг қамровли ўқитувчилар малакасини ошириш курслари ташкил қилинган.

Пяйви Липпонен,

*Фалсафа фанлари доктори, тарих ва жамиятишунослик ўқитувчиси,
2011-2015 йилларда Парламент депутаты*

43. ФИН БОЛАЛАРИ ОРАСИДАГИ САВОДХОНЛИК ДАРАЖАСИ

Охириги йилларда мамлакатлар орасида мусобақанинг янги тури пайдо бўлди: ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) ушбу масалада қизиқиш билдирди, ҳамда ўқиш ва имло, математика ва табиий фанлар бўйича ўқувчиларнинг билим, қобилият ва кўникмаларини таққослашни ташкиллаштирди. Ушбу тадқиқот PISA (PISA= Programme for International Student Assessment, ёки Халқаро талабалар таълим ютуқлари тадқиқотлари) номини олди. Баҳолаш дастурига 30дан ортиқ мамлакатларнинг 15 ёшли ўқувчиларининг таълим бўйича ютуқлари қаритилади.

Фин ўқувчилари барча PISA тадқиқотларида яхши натижалар кўрсатдилар. Фин ўқувчиларининг айниқса ўқиш ва имлодаги қобилиятлари халқаро миқёсдаги эътиборга сазовор бўлди. Хорижий олим ва ўқитувчилар маҳаллий мактаблар ва мактаб таълими тизими билан танишиш учун Финляндияга мунтазам равишда келиб турадилар. Бундан ташқари, фин мутахассислари ҳам Финляндиянинг таълим сиёсати бўйича маърузалар ўқиш учун турли мамлакатлардан тақлифлар оладилар. Барча хорижий мутахассисларнинг битта умумий саволи бор эди: фин болаларининг ўқиш ва имлодаги бундай юқори кўникмалари нимага асослангандир?

Бунчалик содда туюлган саволга содда жавоб беришнинг иложи йўқдир. Ўзлаштиришнинг яхши кўрсаткичлари бир қатор омилларнинг фаолияти натижасидир: таълим тизимининг тузилиши (синф 9 йил давомида биргаликда ва бир хил таркибда ўқийди), қарор қабул қилишнинг тақсимланган ваколатлари ва мактабларнинг

таълим-тарбия беришдаги мухторлиги, таълим жараёни ўқувчига йўналтирилган, ўқишдаги қийинчиликларга эга бўлган ўқувчилар учун яхши ишлаб чиқилган махсус таълим тизими, ўқувчиларга ҳар томонлама кўмаклашиш тизими (таълим масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, мактаб психологлари ва ижтимоий ходимлар, мактаблардаги соғлиқни сақлаш), малакали ва ўз ишига содик ўқитувчилар таркиби, бепул таълим.

Ўқишдаги ютуқларни фақатгина мактабга алоқадор ҳоллар билан изоҳлаб бўлмайди, чунки мактабни ўраб турган атроф-муҳитни ҳам эътиборга олиш керак. Фин ўқувчилари орасидаги ўқиш ва имланинг юқори даражасига таъсир қилувчи энг муҳим омиллар сифатида иккитасини эслаб ўтиш жоиз: ўқишни рағбатлантириш маданияти ва азалги ўқиш одати.

Асрлар давомида фин аҳолиси саводхонлигининг бошланғич кўникмалари учун черков жавобгар эди. Протестантчиликнинг ҳар бир киши Инжил ва бошқа диний китобларни ўзи ўқишга қодир бўлиши кераклиги тўғрисидаги ғояларидан бири, иккита оқибатга олиб келди: биринчидан, она тилидаги китоблар керак эди, иккинчидан, одамларга ўқишни ўргатиш керак эди. Шунинг учун ҳам, XVI асрнинг ўрталарида фин тилида чоп этилган илк китобнинг алифбе бўлганлиги тасодиф эмасдир.

Аҳолининг умумий саводхонлиги нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, 1660 йилларда қабул қилинган ва унга биноан ўқишнинг элементар кўникмаларига эга бўлмаганларнинг уйланиш ва турмушга чиқиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги фармойиш жуда ҳам катта туртки бўлиб хизмат қилди. Черков ўз қавмларини ўқишга ўргатиш учун ўқитувчиларни ёллар эди. Бундан ташқари, черков псаломчиси мажбуриятларига, қавмлар ичида ўқиш бўйича машғулотлар ўтказиш ва тинглаш кирар эди. Шунингдек, оналарнинг ҳам ўз болалари билан уйда машғулотлар ўтказишлари шарт эди. Ўша вақтларда черковда сўзсиз бўйсинтириш ҳуқуқи борди.

Аҳоли орасида саводхонликнинг умумий тарқалганлигини алоҳида белгилаб ўтиш жойиз. Энг бошидан бошлаб, табақа ёки молиявий аҳолидан қатъий назар барча фуқароларнинг ўқитилишига эътибор берилган эди. Бу вазифани бажариш осон кечмади, чунки болаларнинг ҳаммаси ҳам ўқишга бир хил даражада

тайёр эмас, ўша вақтдаги ўқитувчиларнинг эса ўзлаштириши қийин бўлган болалар билан ишлаши учун педагогик тайёргарликлари йўқ эди. Бироқ қатъийлик ва ирода ушбу муаммони ҳам ечишга ёрдам берди. Ўқиш-ёзишни билиш ҳар бир вояга етган фуқаро учун умумий таълимнинг миллий тизими ташкил қилинган вақтгача ҳам мажбурий деб ҳисобланган эди. Ижтимоий босим мажбурий таълимга тегишли қоидалар қабул қилинганига қадар ҳам саводхонликни ўрганишга туртки бўлар эди. Аҳолига саводхонликни ўргатишдаги камчилик ва муаммолар, бошланғич таълим услубиятини ривожлантиришга бўлган заруриятни шакллантириш учун туртки бўлди.

XIX асрда бошланган миллий ўз-ўзини англашнинг ривожланиш жараёнлари, кўп ҳолларда мусиқа ва адабиёт туфайли рўй бераётган эди. Финляндияни маърифатли мамлакатга айлантириш режалари пайдо бўлди. Бунинг учун эса янги таълим муассасалари, она тилидаги адабиёт, ёшлар бирлашмалари ва ишчилар ҳаракати керак бўлди. Кўпчилик адабий асарларнинг мазмунида оддий халқнинг ҳаёти ётар эди ва бу нарса аҳоли ўртасидаги ўқишга бўлган ижобий муносабатни шакллантиришга ёрдам берар эди.

Финлар китоб ва матбуотни ўқишни яхши кўрадилар ва Финларнинг уйларида Европа бўйича ўртача кўрсаткичларга нисбатан анчагина кўпроқ миқдорда китоблар мавжуд. Шунингдек, аҳоли сони бошига тўғри келадиган газеталар сони ҳам дунёдаги энг юқориларидан биридир. Фин болалари обуна бўлинган газеталарнинг уйга олиб келинишига ўрганиб қолганлар (Финляндияда матбуот нашрлари почталёон томонидан уйга олиб келинади ва бу нодир ҳолатдир) ва уларни ўқиш оиладаги одатий вақт ўтказиш тариқасидадир. Ҳар бир оилада ҳеч бўлмаса бир неча дона китоб бор ва китоб жавонлари стандарт мебел парчасидир. Шунинг учун ҳам китоб Рождество, туғилган кун, таълим муассасасини битириш каби турли хил сабаблар бўйича тез-тез бериладиган совға бўлиб қолган. Тадқиқотлар ва ҳаётий кузатувлар уйда китоблар қанчалик кўп бўлса, болалар ҳам улардан шунчалик кўпроқ фойдаланишини кўрсатмоқда.

Финляндияда ҳам шаҳарларда, ҳам қишлоқ ҳудудларида айланиб юрувчи кўчма кутубхоналарни ҳам ўз ичига олган кенг тармоқда ривожланган кутубхоналар тизими мавжуддир.

Финларнинг китоб ўқишни яхши кўришлари тўғрисида сўз борар экан, бунда товук ва тухум дилеммасини кўриш мумкин: китоблар борлигида уларга талаб ҳам пайдо бўлади, халқ китоб сўраган вақтида эса, демократик жамиятда доимо таклиф бўлади.

Юкка Сарьяла,

Профессор, 1995-2002 йилларда Миллий таълим кенгашининг Бош директори

44. ФИНЛЯНДИЯ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ МАРКАЗСИЗЛАШТИРИШ

1920 йилларнинг бошларигача, Финляндияда университет даражасидаги таълим муассасалари Хельсинки шаҳри чегарасида жойлашган эди ва ушбу ҳолат 1950 йилларнинг охиригача ҳам унчалик ўзгармади. Пойтахтда Хельсинки Умумий таълим йўналиши университети, Хельсинки технология университети, Иқтисодиёт олий мактаби ва швед тилидаги Швед иқтисодиёт мактаби, Ижтимоий фанлар олий мактаби ва Ветеринария олий мактаби жойлашган эди. Шунингдек, бадий таълим ҳам Хельсинкида жамланган эди ва ўша вақтда олий бадий таълимнинг ривожланиш жараёни бошланди.

Турку шаҳрида 1919 йилдан бошлаб Финляндиянинг швед тилидаги Або Академия университети ва 1922 йилда фин тилидаги Турку шаҳри университети иш бошлади, Бирок, 1950 йилларнинг охирида деярли барча талабалар аввалдагидек Хельсинки шаҳрида ўқир эдилар.

1960 йилларда фин олий таълим тизимининг фаол ривожланиши бошланди. Президент Урхо Кекконеннинг ташаббуси бўйича ва парламентдаги кенг ҳукумат коалициясига таянган ҳолда, олий ўқув юртлигига босқичма-босқич ўсиб боровчи манбаларни кафолат берувчи олий таълим тизимини ривожлантириш қонунчилиги қабул қилинди. Бир вақтнинг ўзида давлат талабалар стипендияси тизими ва бир неча янги университет бўлинмалар тармоғи ҳам яратилди.

Оулу шаҳри университетидаги ўқитиш жараёни 1959 йилнинг кузида бошланди. Ювяскюля шаҳридаги педагогика билим юрти босқичма-босқич университетга айлантирилди. 1966 йилнинг баҳорида янги қонунчилик туфайли Куопио шаҳри Университети,

Йоенсуу шахри Университети, Лаппеенранта шахри Техника Университети, Тампере шахри Техника Университети ташкил қилинди. Шунингдек, ҳукумат қарорига биноан Вааса шахрида ҳам университет таълими бошлатилди. Олий таълим тизимига 1979 йилнинг кузида таълим жараёни бошланган Рованиеми шахридаги Лапланд университети қўшимча бўлди. Баъзи олий ўқув юртлари яқин-атрофдаги шаҳарларда ўз филиалларини очдилар. Олий таълим тизимининг бундай ривожланиши натижасида, 2000 йилларнинг бошларида талабаларнинг кўпчилиги қисми пойтахт Хельсинкидан ташқарида ўқир эди.

Фин олий ўқув юртларининг бошқалардан фарқ қилувчи томони шундаки, 1970 йиллардан бошлаб улардаги педагогик таълим, бошқа кўпгина мамлакатлардагидан фарқли равишда тўлиқ олий даражада олиб борилади. Бу Финляндиянинг Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан олиб бориладиган PISA (Халқаро талабалар таълим ютуқлари тадқиқотлари) халқаро таққослашларидаги етакчи ўринлардан бирини эгаллашининг аҳамиятли омилидир. Бутун мамлакат бўйича олий ўқув юртларининг кўпайишига айнан педагогик таълим кўмаклашган эди.

Урушдан кейинги даврларда худди шундай ўзгаришлар мусиқавий таълим соҳасида ҳам рўй берди. Мусиқавий таълим муассасаларининг кенг тармоғи истеъдод эгаларини аниқлашга кўмаклашади. Бу Финляндиянинг мусиқа соҳасида эришган халқаро муваффақиятларидаги энг асосий хизматларидан бири бўлса керак. Фин дирижер ва солистлари мусиқа сахналарига дунё бўйича чиқадиладар.

1990 йилларнинг бошларидан Финляндиянинг олий таълим тизими қўшимча сифатида, ундаги таълим даражаси олийдан бир босқич пастроқ бўлган амалий техник таълим тизимига эга бўлди. Олий техника таълим мактаблари ҳам олий ўқув юртлари бор худудларда, ҳам Финляндиянинг бошқа шаҳарларида жойлашганлар. 2010 йиллардан буён мамлакатда олий ўқув юртлари ва олий техника таълим мактаблари ўртасидаги ўзаро алоқалар бўйича мунозаралар олиб борилмоқда. Баъзи худудларда бирлашиш жараёни рўй бермоқда, баъзиларида эса улар мустақил ҳолда қолмоқдалар.

Финляндия олий ўқув юртларини марказсизлаштириш жараёни, бутун Европа бўйича энг тез ва фаол равишда ўтказилгани бўлса керак. У кўп томонлама муваффақиятли бўлди. Олий ўқув юртларининг Финляндия бўйича тарқалган ҳолда эканлиги туфайли, барча ёшлар учун уларнинг яшаш жойларидан қатъий назар, таълим олишга тенг имкониятлар яратилган эди. Бошқа томондан эса, университетлар туфайли бутун мамлакат бўйича истеъдодли манбаларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш мумкин бўлди.

Олий таълим тизимини кенгайтириш фан ва таълим соҳасида кенг ва мустақкам халқаро алоқаларни яратишга имкон берди. Жанубий соҳилдаги университетлар, мисол учун Шимолий Скандинавия, Тромсё ва Умео, ёки Россиянинг Шимолий-Ғарбий университетлари бўлмиш Петрозаводск, Архангельск, Сыктывкар ва Санкт-Петербург шаҳарлари университетлари, шунингдек Американинг энг шимолий университет марказлари билан жонли ва новаторча алоқаларни яқка ҳолда олиб боришлари даргумон эди. Марказий Европанинг кенг университетлар тармоғи билан жонли алоқаларни сақлаш, Финляндиянинг кўпгина университетларининг ҳам ҳисса қўшишларини талаб қилди.

Рованиеми шаҳрида Лапланд университети негизида фаолият юритувчи Арктика маркази, Финляндиянинг Арктика ҳудудидаги сиёсатига қўмаклашиш маркази сифатида хизмат қилади ва «Шимолий ўлчов» ҳудудидаги кенг халқаро алоқалар учун имкониятлар яратади.

Олий ўқув юртларининг кенг тармоғи туфайли мамлакат турли соҳалардаги олий маълумотли мутахассислар билан таъминланди. Университет тайёргарлиги йўналишларининг кенг танлови туфайли Турку ва Тампере шаҳарлари, Хельсинки ҳудудига деярли барча фанлар бўйича рақобатчилик қиладилар. Янги университет шаҳарлари бўлмиш Оулу, Ювяскюля, Вааса, Куопио, Йюенсуу ва Лаппеенранта ўз муваффақиятлари ва ўсишлари учун биринчи навбатда ўз университетларига қарздорлар. Эски марказлар уларсиз сўниб бўлар эди. Олий ўқув юртлари маълум бир даражада, мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида аҳоли яшашини таъминлашга эришдилар.

Албатта, фин олий таълим тизими ўзининг жуда ҳам тарқоқлиги ва илмий-тадқиқот ишлари учун етарли даражада кенг ва замонавий

талабларга жавоб берадиган мухитни яратишга қодир эмаслиги учун танқид қилинади.

Бу каби муаммоларни ҳал этиш мақсадида, мамлакатнинг айнан бир худудида, энг аввало Хельсинки, Турку ва Тампере шаҳарларида жойлашган етакчи олий техник таълим мактабларини маъмурий тарзда бирлаштириш амалга оширилмоқда. Йёэнсуу ва Куопио шаҳарлари университетлари битта Шаркий Финляндия университетига бирлаштирилдилар, лекин шу ўринда ҳар иккала шаҳарда ҳам кампуслар сақланиб қолдилар. Айни бир фан бўйича бўлган ўқитиш ва илмий-тадқиқот ишларини, алоҳида бир таълим муассасасида худди шундай усулда бирлаштиришга ҳаракат қилишмоқда. Университетларга ўз мутахассисликларини чуқурлаштириш таклифи берилган эди.

Аслини олганда, Финляндиянинг замонавий ва яхши таъминланган олий ўқув юртлари тизими ўзининг тузилишидан келиб чиққан ҳолда, манбаларнинг етарли миқдорда эканлиги, ҳамда университетлар ва иқтисодиёт соҳалари орасида ривожланган ҳамкорлик тармоғининг мавжуд эканлиги шарти остида янги инновацияларни ривожлантириш, янги халқаро ва илмий алоқаларни яратиш учун чинакам имкониятлар таклиф қилмоқда. Шунингдек, бошқа мамлакатлардан катта миқдорда талабаларни қабул қилишга имкон бермоқда.

Яакко Нумминен,

*1973-1994 йилларда Вазир, Таълим вазирлигининг канцелярияси
мудури*

45. ДАВЛАТ ТАЛАБАЛАР СТИПЕНДИЯСИ

Фин талабаларга молиявий кўмаклашиш тизимини тўртта давр босқичига ажратиш мумкин. То 1969 йилгача давом этган биринчи босқич, фақатгина ўзинг ва ўз яқинларингга таянишинг мумкинлиги билан ифодаланади. Давлат талабаларнинг фақатгина яшаш учун маблағлари бўлмаган, озчилик қисмига кўмаклашар эди. Кредит фоизларини тўлаш учун субсидиялар, кредитлар бўйича кафилликлар ва стипендиялар фақатгина кам таъминланган талабалар учун мўлжалланган эди. Яшаш учун маблағлар асосан

талабанинг ўзи ёки оиласининг даромадлари, шунингдек, яқинлардан келган молиявий ёрдам ҳисобидан таъминланар эди.

1969 йилдан 1977 йилгача бўлган иккинчи босқични давлат кредит кафолатлари даври деб номласа ҳам бўлади. Ўша вақтда алоҳида ҳолда бўлган молиявий кўмаклашиш ва стипендия тизимлари бирлаштирилди ва натижада талабалар учун давлат стипендияси тизими пайдо бўлди. Талабалар стипендиялари тизими пайдо бўлганидан сўнг, ҳар бир талабада талабалик кредити олишга имконият пайдо бўлди. Давлатнинг имтиёз беришни таъминлашда кафил ва кредит фоизларини тўлашда субсидиялар берувчи томон сифатидаги ҳиссаси унчалик аҳамиятли бўлмаса ҳам, универсал талабалар стипендияси тизими ва барча талаба унвонига эга бўлган одамлар учун имтиёзлар тизими тушунчаси айнан ўша вақтда шаклланди. Кредит бўйича давлат томонидан кафил бўлиниши, талабаларнинг ўқиш давридаги яшаш бўйича даромадларини таъминлашдаги ўз масъулиятларини мустаҳкамлашга имкон яратди.

Талабаларга молиявий жиҳатдан кўмаклашишнинг 1977 йилдан 1992 йилгача давом этган босқичи, давлат кўмагининг мунтазам равишда ўсиб бориши билан фарқ қилди. Ушбу даврда талабалик стипендияси кредитларга аввалгидек кучли равишда йўналтирилган эди, лекин стипендияни олиш шартлари ва мақсадли йўналтириш кўлами кенгайди, ҳамда талабалик стипендияси таркибига истиқомат ва овқатланиш устамалари қўшилди.

1992 йилдан 2017 йилгача, таълим мақсадларига кўмаклашиш учун йўналтирилган талабалик стипендиясининг фаолият босқичи давом этди. Талабалар стипендиялари тизими 1992 йилдаги талабаларга молиявий ёрдам беришдаги ислохотлар туфайли бутунлай ўзгарди. Таълим олиш учун стипендия миқдори уч баробар ошди ва фоизсиз кредитлар тизимидан, бозор шароитлари бўйича банк кредитлари тизимига ўтиш амалга оширилди. Айни вақтда, талабалар стипендиялари тизимидан кўпгина иккинчи даражали омилар олиб ташланди. Мисол учун, бирон кимсанинг қарамқоғидалик бўйича устама ва стипендия миқдорига ота-она ёки шерикнинг даромади миқдорининг таъсир қилиши бўйича шарт олиб ташланди. 1992 йилда талабалар стипендиясида имтиёзларнинг ҳиссаси, давлат томонидан кафолат берилган кредитнинг ҳиссасидан биринчи мартаба юқори бўлди.

1992 йилда ўтказилган талабаларга молиявий кўмаклашиш ислохотидан сўнг талабалар стипендияси унсурлари ўзгармади, лекин талабалар стипендиялари тизими ғалати равишда сиёсий ўйинлар объектига айланди. XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида, талабалар стипендиялари тўғрисидаги қонун ичига қонунни чигаллаштирган, уни амалга оширишни қийинлаштирган ва талабаларнинг ижтимоий ҳимоясини сусайтирган бир неча ўзгартиришлар киритилди. Талабаларга молиявий кўмаклашиш тизимини мунтазам равишда ўзгариши сабабли, алоҳида қонунчилик ўзгартиришларининг таъсирини баҳолашнинг имкони йўқдир. Бунинг натижасида, талабалар стипендиясини тайинлашга қарор қилиш бўйича баҳо бериш қун сайин камроқ ишончга эга бўлмоқда ва бир томонламаликдан кўпроқ азият чекмоқда.

Финляндия мустақиллигининг юз йиллигини нишонлаш йили талабалар стипендиялари тизими учун бурилиш йилидир. 2017 йилнинг августидан бошлаб талабалар стипендиясидаги кредит ҳиссаси давлат ҳиссасидан анчагина ошмоқда. Айни вақтда, талабаларга кўмаклашиш тизимида 1992 йилдан буён энг аҳамиятли бўлган ўзгариш юз бермоқда: талабалар яшаш учун талабалик имтиёзлари тизимидан, яшаш учун умумий имтиёзлар тизимида ўтмоқдалар. Бундай ўтиш уй-жой ижараси ҳақининг ўсиб боришига кўпроқ мос келади ва талабаларга қундузги ўқишларини давом эттиришлари учун қафолат бўлади, деб ҳисобланмоқда.

Талабалар стипендияси заруриятларга асосланган компенсацияни ифодалайди. Стипендияни олиш учун ўқишдаги ютуқларни кўрсатиб бериш керак. Мабодо ўқувчининг бошқа даромадлари мавжудлиги аниқланса, у ҳолда стипендия бўйича тўланган пулларни қайтаришни талаб қилишлари мумкин. Талабалик стипендияси ёрдамида, турли хил ижтимоий аҳволдаги талабаларга тўлиқ қундузги таълим олиш имконияти берилади. Талабалар стипендиялари тизими олий техник таълимнинг ёйилиш сиёсати ва юқори сифатли бошланғич ўрта ва катта ўрта таълими билан биргаликда, бутун Финляндия бўйича дунё миқёсида ягона бўлган таълим олиш тенгҳуқуқлигини шакллантириш учун шароитлар яратиб берди.

Давлат бюджетидagi талабалар стипендияси учун ажратилган маблағларнинг миқдори бир йилда тахминан 800 миллион еврони

ташкил қилади. 2017 йилда киритилган ўзгартиришлардан кейин, талабаларга молиявий кўмаклашишда яна бирон-бир нарсани ўзгартириш истакларининг камайиши амримаҳолдир. Олий техник таълими соҳасидаги инвестицияларнинг, жамият ёки алоҳида бир шахснинг яхшироқ келажагини таъминлашга йўналтирилганлиги ёки йўналтирилмаганлиги бўйича баҳслар ҳалигача ҳам давом этмоқда. Мунозаралар давомида талабалар стипендиялари тизимининг ривожланиш тарихи ва ўтмиш хатолари эсдан чиқмайди деган умиддамиз.

Силья Силвасти,

*2015 йилдан буён Фин талабалар уюшмалари иттифоқининг
ижтимоий сиёсат бўйича эксперти*

46. ФИН ТАМАЛ САНЪАТ ТАЪЛИМИ ИЖОДИЙ ЁНДАШУВНИНГ НОВАТОРИ СИФАТИДА

Фин тамал санъат таълими халқаро ўлчамлар бўйича ягонадир. Тамал санъат таълими ташкил қилинган ўқув муассасалари бутун дунёни қамраб олган тармоқни ташкил қилади. Фин давлати 30 йилдан ортиқ вақт давомида ижодий тафаккур ва ижодий ёндашишни шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашувчи тамал санъат таълимини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Тамал санъат таълими L633/1998 қонуни билан ўрнатилган, бир босқичдан иккинчисига ўтишни назарда тутган, энг аввало болалар ва ёшлар учун мўлжалланган, бадий санъатнинг турли соҳаларида ташкил қилинадиган ва мақсадга йўналтирилган таълим беришдир. Унда ўқувчиларга бир вақтнинг ўзида ўзини намоён қилиш бўйича билим ва қобилиятларга эга бўлиш, ҳамда ўқишни бадий санъатнинг танланган мутахассислиги бўйича янада юқорироқ босқичдаги касб-хунар таълими доирасида давом эттириш имкони берилган. Тамал санъат таълими болаларга мусикадан бошлаб, то цирк санъатигача бўлган соҳаларда ўзини кўрсатиш имконини беради ва бир вақтнинг ўзида болалар ва ёшлар орасидаги фаровонликни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради. Тамал санъат таълими мактабнинг бошланғич, ўрта ёки лицей таълими доираларига кирмайди. Тамал санъат таълими, мисол учун мусиқий

таълим муассасалари, рақс мактаблари, амалий санъат мактаблари, рассомчилик мактаблари, шунингдек, бошқа йўналишдаги таълим муассасалари негизида ташкил қилинган бадиий тарбиянинг факультатив шаклидир. Бундай таълим муассасаларининг ўқув режалари, Таълим бошқаруви томонидан тасдиқланган асосланишлар бўйича мувофиқлаштирилади. Тамал санъат таълими умумий таълим мактабларининг барча ўқувчиларига ўтиладиган санъат таълими асосларининг ўрнига тушмайди. У болалар ва ёшларга ўз билимларини чуқурлаштириш, ҳамда маҳорат ва қобилиятларини келгусида ривожлантириш имкониятини беради.

Финляндияда тамал санъат таълимини санъатнинг мусиқа, адабиёт, рақс, цирк мактаби ва театр мактаби томонидан тақдим қилинувчи томоша кўрсатиш санъати каби турлари ва меъморчилик, аудиовизуал санъат, тасвирий санъат, амалий-декоратив санъат каби ифодали санъат турлари бўйича олиш мумкин. Таълим олиш стандарт ва кенгайтирилган шаклда бўлиши мумкин. Тамал санъат таълимининг мақсади ижодий фикрлаш ва ижодий фаолиятга қўмаклашиш, бутун умр давомида ишқивозлик излаш учун шарт-шароит яратиб бериш, жўшқин-сезувчан таъсирчанлик ҳиссини шакллантириш, ўқишдаги ўзлаштириш ва ижтимоий муносабатлар бўйича қўшимча билим ва қўникмаларни бериш, бошқа маданият ва идрок шакллари тушуниш қобилиятини ривожлантириш, ўқувчиларни ўз ўсиши ва атрофдаги воқеликда қатнашиш учун қобилиятларини ривожлантиришда қўмаклашишдан иборатдир.

Тамал санъат таълимини молиялаштириш давлат ва муниципалитет бюджетлари, ўқувчилар томонидан тўланадиган маблағлар, шунингдек, бюджетдан ташқари молиялаштириш манбаларидан амалга оширилади. 2017 йилда Финляндиянинг 251та ҳокимлигида (Финляндиянинг барча муниципалитет тузилмаларининг 85%) 393та санъат таълим муассасаси ва тамал умумтаълим мактабларидаги ўқувчиларнинг деярли 15 фоизини ташкил қилувчи 126 мингта ўқувчи бор эди. Тамал санъат таълими ўқув дастуридаги дарсларни ўтишда кўп миқдорда санъатнинг турли тоифа ва йўналиш мутахассислари иштирок этмоқда. Мусиқа бўйича ўқитишнинг ўзидагина 3,6 минг киши банддир.

Кейинги йилларда тамал санъат таълими муассасалари туфайли Финляндиядаги санъат ҳаёти, халқаро микёсда юқори баҳолар

олишга имкон берувчи янги босқичга кўтарилди. Санъат мактабларининг фаровонлик ва саломатликни шакллантириш масалаларида тугган ўрнини ҳам инобатга олмасликнинг иложи йўқ. Фин санъат мактаблари фин жамиятини олдинга бошлаб бораётган яратувчи кучлардан биридир. Маданият – бу жамоа ресурсидир ва бадий дидни тарбиялаш болалик ёки ёшлик давридан бошланади.

Бироқ, биз финлар ривожланишнинг ҳали эртаги босқичида эканлигимиз ва умумий маданият жамиятини шакллантириш жараёнидаги якуний нукта бир неча ўн йилликлар узоқда эканлигини тан олиш керак. Инсон капиталини ривожлантириш маданият соҳаси ва санъатдан келиб чиқувчи доимий рағбатлантиришларни талаб қилади. Лекин, бизнинг инновацияларимизнинг келажакда ҳам яшаши ва ривожланиши учун янги ва янги рағбатлантириш дастаклари керак бўлади.

Минна Линтонен,

2003-2007 йилларда Парламент депутаты

47. КАТТАЛАР УЧУН ОЧИҚ ТАЪЛИМ

Вояга етган аҳоли учун очик таълим тизими доирасидаги машғулотларда ҳар йили 1 миллиондан ортиқ инсон, яъни деярли ҳар бешинчи киши катнашади. Халқаро миқёсда таққослаганда ушбу сон ҳақиқатан ҳам рекорд сифатидадир. Бундан ташқари, яқинда амалга оширилган вояга етган аҳоли ўртасидаги тадқиқот (PIAAC) натижасида финлар биринчи ўринлардалар.

Очик таълим катта ёшдаги аҳоли учун ихтиёрий, умуммаърифатли, жамиятнинг барча қатламлари учун баравар ва бўш вақтда ўтказиладиган таълим шаклидир. Таълим дастурларини катта ёшдагилар мактаблари, халқ университетлари, очик университет ва ёзги университетлар, ўқув марказлари ва спорт таълими муассасалари тақлиф қиладилар. Ўқув курслари ҳам қисқа муддатли ва жадал, ҳам тўлиқ ўқув йили давом этадиган ва кундузги-сиртқи таълимни кўзда тугган бўлишлари мумкин. Давлат томонидан катта ёшдаги аҳоли учун очик таълим дастурларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш миқдори умумий харажатларнинг 50-65 фоизини ташкил этади.

Европада очик таълим, Финляндия ва Шимолий Европанинг бошқа мамлакатларини эътиборга олмаган ҳолда, фақатгина қисман мавжуддир ва таълим дастурлари одатда бирон-бир аниқ касб бўйича олиб боришни кўзда тутди. Шу сабабли, таълим бериш фаолиятининг ушбу тури таълим соҳасидаги Европа Иттифоқи сиёсатида керакли эътиборга эга бўлмади.

Агарда, бошқа мамлакатлардаги ҳолат билан таққосланса, Финляндия ва Шимолий Европа мамлакатларидаги таълим тизими кучли даражада институтлаштирилган ва ундаги катта ёшдаги аҳолининг иштироки кенгроқдир. Умуман олганда, очик таълим тизими бўйича яхши тасаввур мавжуд.

Катта ёшдагилар учун очик таълимнинг илдизлари тарихга чуқур кириб кетган. XIX асрнинг ўзидаёқ аҳолининг кенг қатламлари орасида маърифат тарқатиш ишларини олиб борувчи ҳаракатлар пайдо бўла бошлади. Черков, соғлом ҳаёт тарзи олиб бориш ҳаракати, ишчи аҳолининг сиёсий ҳаракати, Шимолий Европа мамлакатлари аҳолисига маърифат тарқатиш ҳаракати томонидан олиб борилган илм тарқатиш ишлари аҳамиятли ўринга эга эди.

2014 йилда бизнинг мамлакатимизда ўз негизидида катта ёшдаги аҳоли учун таълим дастурларини тақлиф қилувчи 313 муассаса фаолият юритар эди: катта ёшдагилар учун 187та мактаб, 80та халқ университети, 20та ёзги университет, 14та спорт ўқув маркази ва 12та ўқув маркази.

Ўқув марказлари тармоғи бутун мамлакатни қамраб олган. Финляндияда истиқомат қилувчи ҳар бир инсоннинг яшаш ҳудудида, катта ёшдаги аҳоли учун очик таълим хизматларини тақлиф қилувчи ташкилот мавжуд.

Ўқув муассасалари катта ёшдаги аҳолининг таълим олишдаги заруриятларини эътиборга оладилар ва таълим дастурларини Финляндиянинг барча муниципалитетларида ташкил қиладилар. Машҳур бўлган таълим йўналишлар доирасига бошқа нарсалар қаторида тиллар, насл-насаб шажарасини ўрганиш, амалий-декоратив ишлар, фалсафа ва санъат ҳам қиради.

Катталар учун мактабларнинг бир қисми давлат таълим муассасалари, бир қисми эса муниципалитетларникидир. Катта ёшдагилар учун мактабларнинг баъзиларида, таълим муассасаларининг бирлашиши натижасида ҳосил бўлган бир неча

кампус ва ўқув корпуслари мавжуд. Катталар учун мактаблар, таълим муассасалари қошида билим олиш уларга яхши шарт-шароитларни яратиб бераётган ёш вояга етган авлод учун таълим дастурларини ташкил қилишда катта тажрибага эгалар.

Катталар учун мактаблар мигрантлар учун таълим муассасалари ўрнини ҳам эгаллаб турмоқдалар. 2012-2013 ўқув йилида узок муддатли ўқув курсларидаги мигрантларнинг ҳиссаси 20 фоизни ташкил қиларди. Катталар учун мактабларнинг ярми мигрантлар учун ўқишни таклиф қилади.

Барча фин университетлари очик ёзги университет шаклини таклиф этадилар. Ёзги университетнинг таълим дастурларида ёш, билим савияси ва қўйилган мақсаддан қатъий назар иштирок этиш мумкин. Ўқишни ташкиллаштириш бўйича университет факультетлари жавобгарлар. Катта ёшдаги аҳоли учун очик таълимни таклиф қилувчи таълим муассасалари, очик университет таълимини бир ёки бир неча факультетлар билан биргаликда ташкил қиладилар. Шунингдек, барча ёзги университетларда очик университет ўқув курслари ҳам фаолият юритади.

Спорт таълим марказларининг ўнтасида давлат роли ва тўрттасида ҳудудий вазифалар мавжуд. Таълимнинг сиёсий мақсади, ўқув жараёнида сушт иштирок этувчи аҳоли гуруҳларига таълим беришга кўмаклашишдан иборатдир. 2010-2011 ўқув йилида аҳолининг мақсадли қисмидаги тахминан 80 минг кишига таълим олишда қатнашишга молиявий ёрдам кўрсатилди.

Ўқув марказлари Финляндиянинг турли қисмларида таълим олишни ташкиллаштирадиган давлат таълим муассасаларидир. Жисмоний тарбия, маданият, экология ва сиёсат каби соҳаларда фаолият юритувчи жамоат ташкилотларида ишловчи ёшлар ва катта ёшдагилар ўқув марказларининг мақсадли гуруҳларини ташкил этадилар. Ўқув дастурлари жамоат ташкилоти фаолиятини ташкил қилиш, олиб бориш ва бошқариш соҳалари бўйича билим ва қобилиятларга мўлжалланганлар ва бундай дастурлар одатда таълимнинг кундузги-сиртки шаклларини кўзда тутадилар.

Катта ёшдаги аҳоли учун таълим тизими ҳозирги пайтда ривожланишнинг қайси босқичидадир? Мамлакатдаги янги либерал иқтисодий ва таълим сиёсатининг босими натижасида, катта ёшдагилар учун таълим тизими тез-тез равишда ўз борлиги учун

курашиш ва аҳамиятли эканлигини исботлашга мажбур ҳолатда қолмоқда. Профессор Юрий Маннинен томонидан яқинда ўтказилган тадқиқот натижасига биноан, катта ёшдагилар учун таълимга сарфланган ҳар бир евро камида уч баробар қўпайиб қайтмоқда. Катта ёшдагилар ўқув марказларига киритилган бир евро, 3 евродан 6 еврога олиб келмоқда! Маърифат фаолиятига қўшилган маблағлар соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги маблағ тежашга олиб келади.

Катта ёшдагилар учун мўлжалланган очик таълим тизимида таҳсил олиш, шу тариқа ҳам инсонга, ҳам жамиятга фойда келтиради. Тадқиқотлар ва кундалик ҳаёт тажрибалари шуни кўрсатадики, катта ёшдаги аҳоли учун очик ўқув курслари янги билим ва кўникмалар, янги танишлар ва мулоқот доираси, янги кучлар ва қобилиятлар берадилар. Очик таълим курсларида қатнашиш, ўқув жараёнида қатнашиш умумий жиҳатда яхлит фаровонлик ҳиссини қўллаб-қувватлашиш ва ривожлантиришга қўмаклашади.

Катта ёшдаги аҳолининг таълими доирасида рўй бераётган ижтимоий ва маънавий капиталнинг ўсиши ва ижтимоий масъулиятнинг уйғониши, демократик омиллар ва асосларни амалга оширишдаги энг муҳим омиллар бўлмоқдалар.

Катта ёшдаги аҳоли учун очик таълим олишни таклиф қилаётган таълим муассасалари маданият марказлари сифатида фаолият юритмоқдалар, аҳолига маърифат хизматларини таклиф қилмоқдалар ва демократик жамиятдаги фаол фуқаролик ўрнини эгаллашга тайёрламоқдалар. Шу билан бирга, таклиф қилинаётган дастур ва тадбирлардаги жамоатчилик билимларининг ҳиссаси мунтазам равишда камайиб бормоқда. Ҳам иқтисодий ҳокимият концентрацияси нуқтаи назаридан, ҳам иқтисодий ва маърифий тенгсизликнинг ўсиши нуқтаи назаридан долзарб мавзу: 1990 йилларнинг бошларида ҳам катта ёшдагилар учун очик таълим тизимининг ажралмас қисми бўлган, киши ва жамиятдаги ўзгаришларнинг катализатори сифатидаги ўрин йўқолмадимикан?

Тўлиқ таълимни олишга муваффақ бўлмаган инсонларни таълим фаолияти билан қамраб олиш, таълим муассасаларининг истиқболли вазифасидир. Жамиятнинг яхши таълим олган ва фаол фуқаролари бир томонда, кам таълим олган ва ижтимоий жиҳатдан ажралиб

қолган фуқаролари эса иккинчи томонда бўлган ҳолда қатламларга бўлиниб кетиши бўйича хавотир, кенг қўламдаги қайта қуриш ва ривожланиш жараёнига олиб келиши керак. Ҳозирги ривожланиш йўналишларига қарши чора топиш керак: соф таълим фаолияти, медиация ва фуқаролик жамияти. Финляндия ва бутун жаҳон учун узлуксиз таълим.

Юкка Густафссон,

2011-2013 йилларда Таълим вазири, 1987 йилдан буён Парламент депутаты

48. РАНГЛИ РАСМЛАРДАГИ НОТА САВОДХОНЛИГИ

Инсон мусиқа чалишни хоҳласаю, лекин ноталарни ўқишни билмаса нима қилиш керак? Барча мусиқий асарларни эшитиб ёдлаб олишнинг иложи йўқдир, лекин мусиқа ёзиш учун ноталардан ташқари яна бирон бир усул борми? Ушбу мақсадда мусиқани ўрганиш жараёнини осонлаштирувчи ноталарни рангли расмлар билан ёзиш услуби ўйлаб топилди.

Рангли расмлардаги нота саводхонлигини мусиқа терапевти Каарло Ууситало (KaarloUusitalo) 1996 йилда ўйлаб топди ва ўқитувчи Маркку Кайкконен (MarkkuKaikkonen) билан биргаликда, ақлий фаолиятидаги бузилишлари бор одамларни рангли расмлардаги нота саводхонлигига асосланган мусиқага ўргатиш дастури ва услубиятларини ишлаб чиқишни бошлади. Ууситало ва Кайкконен, мусиқани ўрганиш бўйича одатдаги ўқув дастурлари бўйича у ёки бу сабаб билан мусиқа ўрганишнинг иложини қилолмаган одамларга мусиқани ўргатиш мақсадида, «HelsinkiMissio» ижтимоий маркази хонасида жойлашган «Ресонаари» (Resonaari) номли махсус мусиқа ўқув студиясини ташкил қилдилар. 1998 йилдан бошлаб, Финляндиянинг Ўйин автоматлари ассоциациясининг қўллаб-қувватлаши билан рангли расмлар орқали нота саводхонлиги услубиятини истиқболдаги ривожланиши соҳасида тадқиқотлар бошланди ва шунингдек, ушбу соҳадаги ўқитувчи ва мутахассисларни тайёрлаш ташкиллаштирилди.

Рангли расмлар орқали ноталарни ўргатиш услубида, ноталар ўз ранги ва шакли билан фарқ қиладилар. Хусусан, турли ранглардан фойдаланиш, ривожланишда эҳтиёжи бўлган одамлар ва болаларга ноталар орасидаги фарқни янада аниқроқ фарқлай олиш имконини беради. Бу туфайли кўпчилик, мусликий асарларни улар ноталарни одатий услубият орқали ўрганган бўлганларидан кўра тезроқ ижро этишни бошладилар. Ва буларнинг барчасидан ташқари, инсон муваффақият ва қўйилган мақсадга эришганлик туйғусини ҳис этиш, ўзига баҳо бериш ва ўз кучларига ишониш даражасининг ўсиши имкониятига эга бўлади.

Буларнинг барчаси ўқувчининг рағбатлантирилишини кучайтиришга имкон беради. Таълим олиш натижасида ўқувчида билим ўзлаштириш қобилиятлари шаклланади, ахборотни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёнлари, ҳамда мавҳумлаштириш механизми ҳам яхшиланади.

Рангли расмлардаги нота саводхонлиги, алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган одамларга жамиятга аралashiш кўникмаларини ривожлантиришда кўмаклашади. Саҳнага чиқиш ва мусликий асарни биргаликда ижро этиш давомида, ўз атрофида бўлаётган воқеалар ва бошқа ижрочиларга эътибор бериш керак ва ушбу услуб гуруҳ таркибида ишлашни ўрганишга кўмаклашади. Олинаётган тажриба алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган одамларга жамият ичига осонроқ киришиб кетиш ва ўзини жамият аъзоси сифатида ҳис этиш, янги танишлар орттириш ва рўзғорда ишларни эплашга имкон беради.

Аввалига рангли расмлардаги нота саводхонлиги услуби, ақлий фаолиятида нуқсонлари бўлган одамларни мусликага ўргатиш учун ишлаб чиқилмоқда эди, лекин сўнгги вақтда ушбу услубдан мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни ҳам мусликага ўргатиш давомида фойдаланиш мумкинлиги белгилаб ўтилди. Болалар фақат мусликий асарларни ижро этибгина қолмай, балки ўз асарларини яратишдан ҳам қувонч оладилар. Японияда ушбу услубдан кундузги хизмат марказларига қатновчи кексаларга муслиқани ўргатиш жараёнида фойдаланишга баҳо бермоқчилар.

Нота саводхонлигига ўргатишнинг инновацион услуби ҳам академик, ҳам касб-хунар таълим муассасаларининг тадқиқот мавзусига айланди ва ҳар ҳолда битта докторлик диссертацияси ушбу услубга бағишланган.

Рангли расмлар орқали ноталарни ўргатиш услуги бўйича бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик ўсиб бормоқда. Ҳозирги пайтда ушбу услуб бўйича ўқитиш Эстония, Италия, Япония, Ирландия ва Латвияда олиб борилмоқда. Ўқув қўлланмалари Финляндиядан ташқари яна Япония, Эстония ва Италияда ҳам тайёрландилар ва чоп этилдилар.

Буларнинг барчаси рангли расмлардаги нота саводхонлиги услубининг одамлар, шу жумладан алоҳида эҳтиёжлари бор шахслар учун мусикани ўрганишни осонлаштирган ва уларга мусикадан завқланишлари учун йўл берган ижтимоий инновация эканлигини таъкидлашга имкон беради.

Мачико Ямада,
тилшунослик фанлари доктори

49. ФИНЧА ҲИКОЯЛАР АЙТИШ УСЛУБИ

Ҳикоялар айтиш услуги – бу бирдамлик ҳиссини уйғотишга ёрдам берувчи муҳим фин ижтимоий инновациясидир. У фақатгина бир неча қўл остидаги воситаларни талаб қилади. Лекин, албаттаки ёнингизда ҳам катта ёшдагилар, ҳам болаларга нисбатан бўлган тўғри муносабат ва ҳар бир инсоннинг ёши, жинси, маданияти, маълумоти ёки қобилиятларидаги чекланишларидан қатъий назар, бошқаларга айтиб бериш учун бирон-бир шахсий ва муҳим бўлган воқеасининг мавжудлигига ишонч бўлиши керак.

«Ҳикоялар айтиш» услуги 1980 йилларда болалар психологлари фаолияти доирасида ўйлаб топилган эди. Болаларнинг ҳикояларини тинглар ва ёзиб олар эканман, мен болаларни ҳолат ривожланишини ҳар қандай тахмин қилиш ёки йўлловчи саволларсиз ҳам тинглаш мумкинлигини аниқладим. Ушбу услуб оғзаки ҳикояларнинг бошқа усулларидан фарқ қилувчи тўртта босқичдан иборат эди: 1. Ҳикояни эътирозларсиз тинглаш. 2. Ҳикояни ёзиб олиш. 3. Уни ўқиш. 4. Ҳикоячи хоҳишига қўра эҳтимолий хатоликларни тузатиш.

Ҳикояни ёзиб олувчига фақатгина қоғоз ва қалам керак. Кейин у ҳикоячига ўзининг нимани эшитишни хоҳлашини тушунтиради: «Ўзинг хоҳлаган ҳикояни айтиб бер. Сен уни қандай айтиб берсанг, мен уни сўзма-сўз ёзиб оламан. Эртақ тайёр бўлганда, мен

уни сенга ўқиб бераман ва агарда сен хоҳласанг унга ўзгартиришлар киритишинг мумкин».

«Ҳикоялар айтиш» услубидан фойдаланишда суҳбатнинг мавзуси ва бориши олдиндан келишиб олинмайди. Ҳикоя баҳоланмайди. Нима ҳақида ва қандай сўзлаб беришни ҳикоячининг ўзи ҳал қилади. Шунингдек, нима ҳақида гапиришни истамаслигини ҳам ўзи ҳал қилади.

«Ҳикоялар айтиш» услуби, бу ҳикояни ёзиб олаётган тингловчининг ҳикоячининг ички суҳбатида иштирок этадиган томонларнинг ўзаро муносабатидир. Ушбу услуб ҳар бир кишида таниш ва барчага маълум бўлган маълумотлардан ташқари, бошқа яна ҳеч кимда бўлмаган ўз тажрибаси ва атрофдаги олам ҳақидаги йиғилган маълумоти ҳам мавжуддир. Ҳикояни сўзлаб берувчига баҳо берилмайдиган вақтларда, у шунингдек ўз фикр ва тажрибаларини ҳам баён этади.

Тадқиқотлар «Ҳикоялар айтиш» услуби ёрдамида одамларнинг ўзаро муносабат жараёнлари кўпроқ демократик тарзда бўлишини кўрсатди. Осойишта ва камтар кишилар ўзларини дадил тарзда ифодалашга ўрганадилар, сергаплар эса тинглашни ўрганадилар. Тадқиқотда иштирок этувчилар бир-бирларининг янги қирраларини кашф этадилар. Ҳар бир ҳикоя қилиш бошқаларидан фарқ қилади, ҳар бир ҳикоячининг ўз луғати бор, ҳатто кичик болалар ҳам ўз сўзлари ва ҳикоя қилиш усулларида фойдаланадилар.

Ҳикоя қилиш услуби ўқиш ва ёзишни ўрганишга кўмаклашади, унинг тингланаётган ва тушунилаётган эканлигига ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради. Услубдан ҳам жуфтликда, ҳам гуруҳда фойдаланиш мумкин. Ҳикоялар ортидан ҳикоялар сўзлаб бериш мумкин. Шунингдек, гуруҳ ичида битта воқеани ҳам ўйлаб топиш ҳам мумкин. Ҳикояни график ёки мусикий шаклда сўзлаб бериш мумкин, лекин барча тўрт босқичнинг мавжуд бўлиши ва ҳикояни тинглаш шартларини қониқтириши энг асосийсидир.

Ушбу услуб турли мамлакат вакилларига бошқа маданият ва анъаналарни яхшироқ ўрганишга кўмаклашади. Ёзишмалар бўйича дўстларнинг ҳамкорлиги ва ўз эртақларини финлар, Шимолий Европадаги бошқа мамлакатлар, Эстония, Палестина, Жанубий Африка, Намибия, Замбия, Кения ва Уганда аҳолиси ўртасида сўзлаб беришлари бунга мисол тариқасидадир.

«Ҳикоялар айтиш» услуги турли ёш гуруҳларига мослаштирилган ва 30 йилдан кўпроқ вақт давомида одамларнинг уйлари, болалар маслаҳатхонаси, мактаб, кутубхона, касалхона, мурувват уйлари ва санъат кўргазмаларида; болалар ўртасида, ишчи мажлислари, таълим олиш ва терапия, халқаро савия ва бирдамлик ҳиссини шакллантиришда фойдаланилади. Услубдан фойдаланиш ҳолатларидан қатъий назар, билдирилган фикрлар доимо ижобий эди.

Моника Риихеля,

Ижтимоий фанлар доктори, психолог

САЛОМАТЛИК

50. САЛОМАТЛИК МАРКАЗЛАРИ

Аҳолининг соғлигини сақлаш қонуни Финляндияда 1972 йилнинг 1 апрелида кучга кирди. Қонуннинг кучга киришидан аввал пухта тайёргарлик ишлари бажарилди. 1960 йиллардаги катта ёшдаги фин аҳолиси саломатлигининг яхшиланиб бориш жараёни тўхтаб қолган эди. Ўрта ёшдаги эркаклар орасидаги ўлим даражасининг юрак-томир касалликлари туфайли юкори эканлиги хавотирга солаётган эди. Бир йилда мингдан ортиқ инсон йўл-транспорт ҳодисалари туфайли нобуд бўлар эди. Ишлаб чиқаришда жуда кўп бахтсиз ҳодисалар рўй берар эди. Руҳий шифохоналар катта ва доимо беморлар билан лиқ тўла эди. Онкология касалликлари тобора кўпроқ рўйхатга олинар эди. Мамлакатнинг меҳнатга лаёқатли аҳолиси ўртасидаги нафақага чиқиш сабабларида, таянч-ҳаракат тизими касалликларининг улуши йилдан йилга ортиб бормоқда эди. 1950 ва 1960 йилларда марказий туман касалхоналарининг кенг тармоғи қуриб битирилган эди. Касалхоналарга соғлиқни сақлаш учун бюджетдан ажратилган маблағларнинг 90 фоизи сарфланар эди. Касалликлар профилактикаси, амбулатор даволаш ва парвариш қилиш томон бурилиш зарурияти туғилган эди.

Саломатлик маркази ушбу муаммога финчасига ечим бўлди. Дастлабки соғлиқни сақлашнинг авваллари бир-бирдан айрилган ҳолда фаолият юритган функционал унсурлари, битта яхлит маъмурий бирликка бирлаштирилди. Тиббиёт ҳамширалари, муниципалитет шифокорлари ва мактаб стоматологлари муниципалитет хизматчиларига айландилар. Янги инфраструктуранинг қурилишига ҳам шунчалик тез киришилди. Сўзлашиш тилида, саломатлик маркази номи билан кўпинча янги бино назарда тутилар эди. Саломатлик марказлари расмий равишда муниципалитет тузилмалари, ёки улар унча катта бўлмаган ҳолда бир неча муниципалитетнинг барча аҳолисига хизмат кўрсатувчи дастлабки соғлиқни сақлаш тизимини ифодалар эди. Давлат томонидан янги тизимни кенгайтиришда кучли услубий қўллаб-қувватлаш берилётган эди. Янги лавозим ва янги бинолар учун

давлат органлари билан мувофиқлаштирув керак эди ва давлат томонидан, аҳолига хизмат кўрсатишдаги ҳаражатларнинг сезиларли қисмини қоплаган субсидиялар ажратилди. Аввалига манбалар Шарқий ва Шимолий Финляндияда тўпланган эди. Ўша ердаги аҳолининг соғлиги даражаси энг ёмон аҳволда эди. Хусусий секторда, ҳаттоки йирик иш берувчиларда ҳам соғликни сақлаш хизматларига эга бўлиш минимал даражада эди. Менинг ўзим ҳам иш фаолиятимни 1978 йилда Турку шаҳрида, саломатлик марказида шифокор сифатида бошлаганман. Аҳолиси сони 165 мингга бўлган шаҳарда 9 нафар саломатлик маркази шифокори бор эди, яъни 18 мингга одамга битта шифокор тўғри келарди. Бундан ташқари, мактаб ва маслаҳатхоналарда шаҳар бюджетидан маош олувчи шифокорлар ишлар эди.

Дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш фаолияти, расмий равишда аҳолининг соғлигини сақлаш деб юритиларди. Аҳолининг соғлигини сақлаш бўйича хизматларнинг ривожланиш жараёни 1970 ва 1980 йиллар давомида фаол тарзда кечиб борди. Шунингдек, 1990 йилларнинг бошига қадар шаҳарларда ҳам етарли миқдорда иш жойлари яратилди ва моддий-техник базалар ривожлантирилди. Мисол учун, 1960 йилларда Пори шаҳрида, соғликни сақлаш тўғрисидаги қонун қабул қилинган вақтгача атиги учта муниципалитет шифокори лавозими ва аҳолининг энг муҳтож қатламларига ёрдам бериш учун алоҳида битта санитар шифокор лавозими мавжуд эди. 1990 йилда Порида 40та саломатлик маркази шифокори лавозими бор эди. Шулардан ҳар учинчиси бўш турган эди!

Саломатлик марказларининг хизматлар доираси, бизнинг мамлакатимизда қарор қабул қилувчи шахслар томонидан зарур равишда эътибор берилмайдиган энг катта масалалардан биридир. «Сен саломатлик марказига бордингми?» деган савол «Сен шифокор қабулига бордингми?» маъносида тушунилади. Саломатлик маркази шифокорининг беморларни қабул қилиш вақтидаги фаолиятининг кенглиги масаласи, саломатлик марказларининг фаолият олиб бориш давомидаги энг кўп мунозараларга сабаб бўлганлардандир. Аҳолини шифокор қабулига осон ва тез етиб бориш қизиқтиради. Дастлабки даврда, шифокорнинг қабули бемор учун 3 марка турар эди. Кейинчаликда тўловдан умуман воз кечишди. Ундан сўнг

шифокор қабули яна пуллик бўлди. Баъзи муниципалитетлар ўз қарорлари бўйича шифокор қабулини бепул қилиб қўйдилар. Шуниси равшанки, аҳолининг асосий қисми саломатлик марказлари тизимининг иш берувчанлигини айнан шифокор қабулига киришнинг осонлиги бўйича баҳо беради. Ҳисоб-китоб йўлларида келиб чиққан ҳолда, саломатлик марказлари манбаларининг 10-15 фоизи шифокорлар қабулларини ташкил қилишга сарфланади. Агарда муниципалитетдаги барча ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатишлар (шу жумладан стационар даволаш ва ижтимоий фаолият) инobatга олинса, у ҳолда саломатлик марказларидаги шифокорлар қабулларининг хиссаси 4 % атрофида бўлади.

Саломат марказларида яна қандай хизматлар мавжуд?

Ушбу саволга турли хил усулларда жавоб қайтариш мумкин. Мен ўз тавсифимда энг таниш ва тушунарли бўлган тушунчаларни изоҳлаб ўтаман. Саломатлик марказлари вазифаларининг ҳаммасини ҳам санаб ўтмайман. Маслаҳатхона хизматлари саломатлик марказлари фаолиятида аҳамиятли ўрин эгаллайди. Бир ёшгача бўлган болалар, шулардан учтасида шифокор ҳам иштирок этадиган тўққизта тиббий кўрикдан ўтиши керак. Бир ёшдан олти ёшгача бўлган болалар, шулардан иккитасида шифокор ҳам иштирок этадиган олти тиббий кўрикдан ўтиши керак. Ҳомилдорлик давридаги аёллар маслаҳатхонаси фаолиятини ташкиллаштириш ҳам турли хилдаги хизматларнинг кенг жамланмаси билан фарқ қилади. Маслаҳатхоналарнинг оилани режалаштириш ва касалликларнинг олдини олиш бўйича фаолияти ҳам муҳим ўрин тутаети. Соғлиқни сақлашнинг мактаб ва талабалар бўйича йўналиши тегишли ёш гуруҳларини қамраб олган. Вакцинация тиббий профилактика бўйича хизматлар жамланмасининг таркибий қисмидир. Шунингдек, кекса ёшдаги аҳоли учун ҳам ўз маслаҳатхона хизматлари мавжуд. Бундан ташқари, саломатлик марказлари ишлаб чиқаришда ҳам соғлиқни сақлаш хизматларини таклиф қилади. Бошқа турли тоифадаги маслаҳатхона хизматлари ва санитария-тушунтириш ишлари ҳам саломатлик марказларининг вазифалари доирасига кираети. Стоматология хизмати ҳам профилактика, ҳам даволаш фаолиятини қамраб олган алоҳида йўналишдир. Мен томонимдан юқорида эслаб ўтилган Пори шаҳрида, 1950 йилларнинг охирида фаолиятлари энг аввало мактаб ўқувчиларига йўналтирилган иккита

шаҳар стоматологи бор эди. 1990 йилда Пори шаҳрида 30та стоматолог ва яна 30та стоматология хизматида банд бўлган мутахассис ҳам мавжуд эди. Бачадон найи саратони бўйича скрининг (Папаниколау бўйича мазок олиш) ва кўкрак безлари саратони бўйича скрининг саломатлик марказлари вазифаларига киради. Скрининг ўтказиш бўйича хизматлар одатда хусусий етказиб берувчилардан харид қилинади.

Саломатлик марказлари фаолиятларининг бошқа қисми махсус хизматлар (логопед, психолог, диетолог, ижтимоий хизматчи ва ҳоказолар), касалларга уйларида қараш, уйларда стационар даволашни ташкил қилиш, кундузги хизмат кўрсатиш маркази, реабилитация ишлари ва тез ва шошилиш ёрдам кўрсатишнинг стационар бўлими («касалхона»), реабилитация бўйича техника воситалари маркази, юқумлик касалликлар бўйича парвариш қилиш, профилактика ва даволаш воситалари билан таъминлаш маркази, турли мақсадлар бўйича маълумотнома ва хулосалар тақдим қилиш, дори-дармонлар билан реабилитация, физиотерапия, ижтимоий ёрдам (кекса одамларга қараш, гиёҳвандларга кўмаклашиш, ногиронлар учун хизматлар ва бошқалар), шифокорлар хизматлари ва яна бошқа тиббий хизматларни ўз ичига олади. Бу ерда мен саломатлик марказлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг фақатгина бир қисмини санаб чиқдим. Саломатлик маркази ўзида соғлиқ фабрикасини ифодалайди деса бўлади. Ўрта тоифадаги тиббиёт ходимларининг вазифаларига беморларни олдиндан рўйхатга олиш бўйича қабул қилиш, навбатчилик, рецептлар муддатларини узайтириш, телефон кўнғирокларини қабул қилиш ва ҳоказолар киради. Шифокорлар ва ўрта тоифадаги тиббиёт ходимларининг фаолиятларига мисол учун, саломатлик марказлари масъулиятида бўлган, лекин ушбу хизматларни ташкил қилиш тез ва шошилиш тиббий ёрдам, ҳамда санитария траспортлари сингари касалхона округларининг тузилиш бўлинмаларига ўтказиб берилган лаборатория ва рентген каби диагностика хизматлари кўмаклашади.

Фин саломатлик маркази ўзини ягона тузилма сифатида кўрсатади. Табиийки, саломатлик маркази олдида муаммолар ҳам бор. Бир томондан, ижтимоий кўмаклашиш хизмати ва махсус тиббий хизматлар билан бирлашиш, яъни тик ва ётиқ интеграция. Бошқа томондан эса, хусусий тиббиёт марказлари билан янги

вазиятнинг шарт-шароитларида, беморнинг тиббий хизматларни етказиб берувчиларни танлаш ҳукуқи борлигида рақобатлашишдир. Шунга қарамай, саломатлик марказининг фин соғлиқни сақлаш тизимидаги пойдевор тоши сифатидаги тутган ўрни эътибор ва қўллаб-қувватлашни талаб қилади - саломатлик марказининг ўзи аҳамиятли бўлгани учун эмас, балки Финляндия аҳолисининг саломатлиги ва ижтимоий фаровонлиги учун.

Аки Линден,

*Бошқарув бўйича директор, Хельсинки шаҳри ва Уусима
ҳудудининг касалхона округи (HUS)*

51. АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР МАСЛАҲАТХОНАЛАРИ

Ҳали юз йил аввал ҳам туғиш хавфли бўлган эди. Финляндияда 170 туғруқдан биттаси ўлим ҳолати билан яқунланар, 100 боладан 3таси ўлик туғилар эди. Бола тирик туғилган вақтида хавф-хатар шу билан тугамас эди. Гўдакларнинг нобуд бўлиш кўрсаткичи ҳам юқори эди – 100та боладан 15таси 1 йил яшамасдан вафот этарди. XX асрнинг бошларидаги бадавлат Урьяла округидаги фермер оиласида туғилган тўққиз фарзанддан биттаси ўлик ҳолда туғилган, учтаси бир йил яшамасдан вафот этган ва яна биттаси уч ёшида кўкйўталдан ўлган эди. Тирик қолган фарзандларнинг энг кичиги, кейинчалик тиббиёт ҳамшираси бўлди.

Илк аёллар ва болалар маслаҳатхоналари 1890 йилларда Парижда очилган эди. Уларнинг мақсади туғруқларни хавфсизлантириш ва гўдаклар овқатланишини яхшилашдан иборат эди. Бу каби маслаҳатхонани Финляндияда ташкил қилиш фикри маршал Маннергейм номидаги Болаларни ҳимоя қилиш иттифоқи томонидан берилди. Германияда педиатр касби бўйича ўқиб келган Арво Юлппё, 1920 йилда Иттифокнинг болалар касалхонасини бошқаришга таклиф қилинди. Арво Юлппё таклифни қабул қилди ва ҳамширалар учун оналарга гўдаклар ва ёш болалар парвариши бўйича маслаҳатлар беришни ўз ичига олган қўшимча тайёргарликни ташкил қилди. Худди шу каби, фақат швед тилида бўлган курслар бошқа хайрия жамғармаси - SamfundetFolkhälsan – томонидан аввалига амалиёт шаклида, 1927 йилдан бошлаб эса ўқув

курслари шаклида ташкил қилинди. 1931 йилда давлат ҳамшираларни тайёрлаш масъулиятини ўз зиммасига олди ва айти дамда дояларни ишга олиш, муниципалитетларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланган илк ҳаракати эди.

Илк болалар маслаҳатхонаси 1922 йилда, аёлларники эса 1926 йилда очилди. Фаолият секинлик билан, асосан жамоат ташкилотлари ҳисобидан ривожланар эди. Бундан сўнг муниципалитетлар ҳам маслаҳатхоналар ташкил қилишни бошладилар. 1944 йилдаги муниципалитетларнинг аёллар ва болалар маслаҳатхоналари тўғрисидаги қонун, барча муниципалитетларда бепул маслаҳатхоналар ташкил қилишни талаб қилди. Ўша вақтда аёлларнинг туғруқ вақтидаги ўлим кўрсаткичи 2500 туғруққа бир ўлим, гўдакларнинг нобуд бўлиши эса юзта чақалокқа бир ўлимга тушиб қолди. 1960 йилларда Финляндияга ташриф буюрган шифокорлар, болалар орасидаги ўлим кўрсаткичларига хайрон қолишарди – юзта чақалокқа атиги 2та. Айти вақтда, шифокорларнинг умумий аҳоли сонига бўлган нисбати Европада охиридан учинчиси эди. Бунинг сири, маслаҳатхоналарнинг кўпчилик ишларига жавобгар бўлган ва зарурият туғилганда муниципалитетдаги маҳаллий шифокорларга ҳам маслаҳатлар берадиган ҳамшира ва дояларнинг фаолиятида эди. Улар уйма-уй юриб, оилаларнинг яшаш шароитларини жуда яхши ўрганиб олдилар.

Маслаҳатхоналардаги гимнастика курсларида аёлларни туғруққа 1940 йилларнинг охиридаёқ тайёрлашар эди. 1960 йилларда рухий тайёргарлик олиб борилар, 1970 йилларда эса оталар ҳам туғруққа тайёргарликка жалб қилинар эди. Ҳомиладорликнинг кечиши энг эскилари қон босими, шишганлик, гемоглобин миқдори, пешобдаги оксил миқдори ва қондаги шакар миқдорини ўлчашдан иборат бўлган кўп сонли тадқиқотлар ёрдамида кузатилар эди. Ҳозирги кунда диагностика сил касаллиги белгиларини топишдан бошлаб то қондаги антижисмларни, ОИТС ва ҳомиланинг ривожланишидаги оғишларни аниқлашгача кенгайди. Ҳомиладорликнинг кўнгилдагидек кечишига овқатланиш бўйича билим бериш, шунингдек чекишдан воз кечиш бўйича тавсиялар қўмаклашади.

Аёллар маслаҳатхоналари хизматларидан деярли барча оналар фойдаланар эди, лекин 1950 йилларнинг охирига боргандагина болалар маслаҳатхоналарида ҳам ҳамшираларнинг етарли сони ишлай бошлади. Оналарга маслаҳатлар бериш ва болаларнинг ўсиши ва ривожланиши устидан кузатиб туришдан ташқари, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш энг муҳим вазифа эди. Болаларни эмлаш мажбурий бўлмаса ҳам, болаларнинг 95 фоизи мактаб ёшига етганларига қадар, рўйхатда бўлган барча касалликларга қарши эмланган эди. Ижтимоий тармоқлардаги баъзи эмлашларнинг таваккалчилиги (қисман ўйлаб чиқарилган) бўйича мунозаралар, вакцинацияда қатнашиш улушини сезилмас миқдордагина камайтирди.

2015 йилда Финляндиядаги гўдаклар ўлими 0,17 фоизни, дунёдаги энг паст кўрсаткични ташкил қилди. Аёлларнинг туғиш вақтидаги ўлими 20 мингта туғруққа биттани ташкил қилди. Жамоа фаровонлигининг яхшиланиши ушбу ижобий мойилликка ўз таъсирини кўрсатган бўлса ҳам, маслаҳатхоналарнинг бепул ва барча учун мўлжалланган хизматлари ҳам эътибордан холи эмас. Касалликлар скрининги ва санитария бўйича билим бериш фаолияти малакали тиббиёт ходимларининг вазифасидир. Бутун аҳоли яшаш жойи ва маълумот даражасидан қатъий назар, маслаҳатхоналарнинг хизматларидан фойдаланади.

Марьюкка Мякеля,

*Тадқиқотчи-профессор, Соғликни сақлаш ва ижтимоий фаровонлик
миллий институти*

52 ТАЛАБАЛАР СОҒЛИГИНИ САҚЛАШ ЖАМҒАРМАСИ

Талабалар соғлигини сақлаш жамғармаси олий ўқув юртлари талабаларига умумий амалиёт шифокорлари, психолог ва стоматологларнинг хизматларини таклиф қилади ва Финляндияда яшовчи ҳар бир талаба ушбу хизматлардан фойдаланиши мумкин. Финляндия соғликни сақлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу талабаларнинг ўз соғликни сақлаш хизмати борлигидадир.

Тиббий хизматлар талабаларнинг ўқиш жойлари бўйича берилади. Ижтимоий ёрдам ва нафақалар бошқармаси, талабаларнинг ўзлари, таълим муассасалари жойлашган шаҳарлар ва шунингдек, Таълим вазирлиги томонидан молиялаштирилладиган жамғарма Финляндия соғлиқни сақлаш тизимининг ажралмас бўлагидир.

Жамғарманинг мақсади, талабаларнинг самарали таълим жараёнлари учун зарур бўлган соғлиқларини профилактика ва даволаш чоралари билан сақлаш ва яхшилашдан иборатдир. Талабалар учун мустақил соғлиқни сақлаш хизматларини ташкил қилиш қарори ёшлар ўртасидаги тиббиёт хизматлари бўйича, аввало рухий саломатлик, оғиз бўшлиғи ва репродуктив органлар саломатлигига алоқадор бўлган ўзига хос заруриятларга таянади. Талабаларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги заруриятларини тушуниш жамғарма фаолиятининг асоси бўлиб хизмат қилади. Талабаларнинг жамғарма фаолиятига фаол равишда қўшаётган хиссалари ҳам қарорлар қабул қилишда, ҳам унинг фаолиятини баҳолаш ва уни мукамаллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

Жамғарма 1954 йилда Талабалар иттифоқи ташаббусига асосан яратилган эди. Жамғармани ташкил қилишга талабалар соғлигини сақлаш тизимини ривожлантиришга бўлган қизиқиш сабабчи бўлди. Сил касаллигига қарши курашиш ассоциациясининг, 1932 йилда талабаларнинг ўпқаларини текширишни бошлаган вақтини жамғарма фаолиятининг бошланган вақти, деб ҳисобласа бўлади. 1945 йилда Талабалар иттифоқи, талабалар соғлигини сақлаш келгусида, уруш тугаганидан сўнг қандай ташкил қилиниши тўғрисида қарор қилиши керак бўлган қўмитани ташкил қилди. Талабалар иттифоқи ўша йилнинг ўзидаёқ талабалар соғлигини сақлаш хизматини яратиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

1946 йилда Талабалар иттифоқи қошида, сил касаллигини оммавий тарзда скрининг қилиш ва беморларни қабул қилиш билан шуғулланувчи талабалар соғлигини сақлаш бўлими ўз ишини бошлади. Бўлим фаолиятини доктор Йота Тингвалд Ханникайнен (GötaTingvaldHannikainen) бошқарар эди. Айни вақтда Жинсий йўллар орқали ўтувчи касалликларга қарши курашиш Ассоциациясининг молиявий ёрдами орқали, талабаларни

захмкасаллиги бўйича скрининг қилиш бошланди. Талабалар соғлигини сақлаш хизмати фаолиятининг илк йилларида бошлатилган ушбу лойиҳалар, фаолиятнинг бошланишидан айнан ёшларнинг заруриятларига йўналтирилганлиги бўйича хусусиятларни яхши намоёиш этади.

1947 йилда Парламент бўлимнинг фаолиятини молиялаштириш мақсадида талабаларнинг шифокорларда мажбурий кўриниши бўйича қарор қабул қилди ва талабалар зиммасига семестр давомида бир маротаба соғлиқни сақлаш хизматлари учун маблағ киритиш мажбуриятини юкледи. Кейинчалик, бўлимнинг фаолияти унинг негизида ташкил қилинган жамғармага ўтказилди ва молиялаштириш манбаларига Финляндиянинг Ўйин автоматлари ассоциацияси қўшилди. Бино ва хоналар эса университетлар томонидан ажратиладиган бўлди. 1955 йилда жамғарма фаолияти учун маблағлар, илк маротаба давлат бюджетидagi ҳаражатларнинг алоҳида моддаси сифатида кўрсатиб ўтилди. Жамғарманинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида, 1956 йилда жамғарма учун молиялаштириш манбалари ва бинолар топиш билан шуғулланувчи Талабалар саломатлиги жамияти ташкил қилинди.

1970 йилларда талабалар саломатлиги масалаларини муниципалитетларнинг соғлиқни сақлаш тизимлари масъулиятига ўтказиш бўйича жиддий кўриб чиқишларга қарамасдан, талабаларнинг саломатлиги ҳозирги кунга қадар ҳам жамғарманинг асосий вазифаси бўлиб келмоқда. Талабалар соғлигини сақлаш жамғармасининг тизимга олий касб-ҳунар таълим муассасалари талабаларини ҳам қўшиш бўйича таклифи, олий касб-ҳунар таълим муассасалари тизимининг ташкил қилиниши биланоқ муҳокама қилинишни бошлади. Узоқ мулоҳазалардан сўнг, 2011-2014 йилларда амалга оширилган уч йиллик тажрибавий лойиҳа бошлатилди. Ушбу уч йиллик пилот лойиҳа якунлари бўйича олинган натижалар кўнгилни тўқ қилмоқда. Жамғарма томонидан қўлланилаётган иш услуби, олий касб-ҳунар таълим муассасалари талабаларига ҳам мос келар экан. 2016 йилнинг декабр ойида Жамғарма бошқаруви, мамлакатда олиб борилаётган аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизимидаги ислохотлар доирасида, Жамғарма хизматларини 2019 ўқув йилидан эътиборан олий касб-ҳунар таълим

муассасалари талабаларини ҳам қамраб олган ҳолда кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Талабалар соғлигини сақлаш жамғармаси аввалгидек ҳам битта оддий сабаб бўйича талабалар соғлигини сақлаш хизматларини таклиф қилувчи ташкилот бўлиб қолмоқда: бунинг учун шакл-шубҳасиз асослар мавжуддир.

Веса Вуоренкоски,

2004-2005 йилларда Жамғарма бошқаруви аъзоси

53. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА МЕҲНАТ ВА СОҒЛИКНИ САҚЛАШ

Финляндия ҳали Швециянинг ҳукмронлиги остида бўлган вақтидаги, хунармандлар гильдиясининг хунармандчилик устахоналарида 14 ёшга тўлмаган болаларнинг меҳнат қилиши маън этилганлиги тўғрисидаги 1770 йилдаги қоидалари, меҳнатни ҳимоя қилишни ташкиллаштиришга илк мисол бўлиб хизмат қилади. Бироқ, вақт ўтган сайин адолатли меҳнат бандлиги ғояси ҳам кишлоқ хўжалигида, ҳам фаол равишда ривожланаётган саноатлашган ишлаб чиқаришда унутилиб борди. Швеция киролининг катта ер эгалари зиммасига ўз ёлланма ишчилари бўйича жавобгарликни юклатувчи ёлланма ишчилар тўғрисидаги 1805 йилдаги фармойиши, ушбу йўналишдаги алоҳида ташаббуслар сифатида кўрсатиб ўтилиши мумкин. 1889 йилда барча ишчи тоифаларининг меҳнاتини ҳимоя қилиш шартлари, айниқса аёллар ва болалар иш кунининг давомийлик меъёрларини белгиловчи қатор фармойишлар қабул қилинди.

Ишчи кучини қимматбаҳо миллий манба сифатида кўришни бошладилар ва ушбу ҳолат профессор Э.Г. Палменнинг табақалар ассамблеясидаги ишчи кучи ва унинг аҳамияти бўйича айтиб ўтган: «миллий капитал, ҳаттоки энг қиммат миллий капитал ҳам – бу бизнинг ишлаб чиқарувчи кучларимизнинг жисмоний ва моддий ривожланишидир» - обрўли фикрида ўз аксини топган. Финляндиянинг 1919 йилдаги биринчи конституциясининг 6-боб 2-параграфида: «Финляндия аҳолисининг ишчи кучи давлатнинг алоҳида ҳимояси остидадир» - деб худди шундай ҳолатда берилган

ва конституциянинг барча келгусидаги тахрирларида ҳам ишчи кучини ҳимоя қилиш айти шу йўсинда белгиланган

1920 ва 1930 йилларда ёш мустақил давлатнинг меъерий-қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш бўйича фаол ишлар олиб борилаётган ва бошқа қонунлар қаторида меҳнат инспекцияси тўғрисидаги қонун, иш жойидаги бахтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш тўғрисидаги қонун, меҳнат шартномаси тўғрисидаги қонун ва касб касалликлари тўғрисидаги қонунлар ҳам қабул қилинди. Ишлаб чиқаришдаги саломатлик ва хавфсизликни ҳимоя қилишга тенгҳуқуқлилиқни амалга оширишдаги муҳим восита сифатида ҳам қаралаётган эди. Меҳнат алоқаларида қатнашиш имконияти аёллар ўртасида мустақиллик ва эркинликни таъминлашнинг аҳамиятли воситаси эди. Янги қонунчилик ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқларнинг соғлигини сақлашни яхшилашга кўмаклашди ва дунёдаги биринчилар қаторида, меҳнат қонунчилиги таркибига аҳолининг эмизикли оналар каби тоифасини киритди.

Қонунчилик базаси ва белгиланган меъёрлар тахминан ҳар 25-30 йилда, меҳнат алоқалари ривожланишининг вужудга келган янги масалалари ва воқелиқларига мос келиш учун янгиланиб туради. Қонунчиликнинг энг кенг миқёсда янгиланиши 1970 йилларда амалга оширилди. Ўша вақтда иш жойида меҳнатни ҳимоя қилиш, меҳнат инспекцияси ва меҳнатни ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштирувчи қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунчиликни амалга ошириш, иш жойида қарорлар қабул қилишдаги корпоратив демократия меъёрлари билан белгиланган умумий иштирок омилларини ҳам ўз ичига олди. Шу билан айти бир вақтда ҳаммани безор қилган «ишчининг масъулиятсизлик оқибатидаги айби фалсафаси» ҳам тарихда қолиб кетди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларга аввалига меҳнат муҳитидаги таваккалчилик омилларининг оқибатлари сифатида, кейинчалик эса яна иш жойида хавфсиз шароитларни таъминлашни бошқаришдаги хатолар сифатида қарашни бошладилар. 1977 йилда дунё миқёсида ҳозирги кунгача ягона бўлган, иш жойидаги соғлиқни сақлаш тўғрисидаги алоҳида қарор қабул қилинди.

Финляндия меҳнат инспекторлари ва меҳнат инспекциясининг ажойиб иш берувчанлиги бўйича Европадаги энг юқори бўлган кўрсаткичлари билан ажралиб туради. Иш жойлари даражасида 60

мингдан ортиқ меҳнатни ҳимоя қилиш бошқарувчилари, меҳнатни ҳимоя қилиш бўйича вакил ёки уларнинг ўринбосарлари ва меҳнатни ҳимоя қилиш комиссияси аъзолари ишлаб келмоқда. Меҳнатни ҳимоя қилиш фаолияти илмий-тадқиқот ишлари ва барча манфаатдор томонларни ўқитиш орқали қўллаб-қувватланади ва ушбу илмий-тадқиқот ишлари ва таълим фаолиятининг даражаси Европадаги энг юқорилардан биридир.

Иш жойларидаги бахтсиз ҳодисалар кўрсаткичи, меҳнатни ҳимоя қилиш тизимининг анъанавий ва энг муҳим, ҳаттоки ягона бўлган иш берувчанлик мезонидир. Меҳнатни ҳимоя қилиш тизимининг 1970 йилларда ўтказилган ислоҳотидан сўнг, Финляндия ишлаб чиқаришдаги ўлим ҳолатларига олиб келган бахтсиз ҳодисалар даражасини 85 фоиздан кўпроқ камайтиришга муваффақ бўлди ва ҳозирги кунда Финляндия ушбу кўрсаткич бўйича Европа Иттифоқи мамлакатлари орасидаги бешинчи ўринни эгалламоқда. Агарда услублар ва статистик рўйхат камрови инобатга олинса, балки ундан ҳам юқори ўриндадир. Мальта, Люксембург, Буюк Британия ва Голландия ушбу рўйхатда пешқадамлар.

Ишлаб чиқаришдаги соғлиқни сақлаш фаолияти кирол Кустаа Вааса замонида бошланган: армия ва флотда аскарларнинг жароҳатлари ва касалликларини даволаш билан шуғулланувчи табиблар ишлар эди. Сўнгра, швед киролининг 1805 йил 15 майдаги фармойишида (2-модда, 4-параграф), деҳқонларнинг зиммасига ўз ёлланма ишчиларининг яхши овқатланиш ва касалликларини (жароҳат ёки касалликлар ишчининг айби натижасида юз берган ҳолатлар бундан мустасно) даволаш бўйича ҳаражатларни қоплаш масъулиятлари юклатилди. Аслини олганда давлат, соғлиқни сақлашни ривожлантиришда илк қадамни ташлаганлардан эди. Давлат ҳарбий пиёда ва денгиз кучлари аскарларига тиббий хизмат кўрсатиш учун табибларни ёллар эди. XVIII асрнинг ўрталарида Суоменлинна қалъаси курувчилари ва XIX асрнинг ўрталарида Саймен канали курувчилари учун, давлат ҳазинаси ҳисобидан тиббий хизмат кўрсатиш ташкил қилинган эди.

Саноат инқилобининг бошланиш вақтигача бўлган даврда, илк sanoat корхоналари 1850 йиллардан бошлаб ўз ишчилари учун ҳам профилактика хизматлари, ҳам даволашни ўз ичига олган тиббий хизмат кўрсатишни амалга ошириш билан шуғулланар эди.

Корхонада фин тиббий хизмат кўрсатиш услуги ва амалиётини шакллантириш шундай босқичма-босқич равишда амалга оширилаётган эди ва ушбу услуб ўз ходимлари учун тиббий хизматларни ташкил қилган илк корхоналардан бирининг шарафига «Кюми корхонаси услуги» деб номланди.

Иккинчи Жаҳон Урушидан сўнг, аграр Финляндиянинг sanoат ривожланишига Европадаги энг тез суръатларда ўтаётган вақтида, «Кюми корхонаси услуги» деярли барча йирик корхоналар, шунингдек, давлат сектори ва кооператив ҳаракатларидаги иш жойларига киритилди. 1963 йилда касаллик бўйича суғурта қилиш қонунига, таклиф қилинаётган тиббий хизматларни касаллик ҳолати бўйича суғурта бадаллари ҳисобидан қоплаш механизми ҳам киритилди. Тахминан ўша вақтда, марказий касаба уюшмалари ташкилотлари ишлаб чиқаришдаги тиббий хизматлар тўғрисидаги, ўнлаб йиллар давомида ишчиларнинг иш ҳақи миқдори бўйича сиёсий шартноманинг таркибий қисми бўлиб қолган шартномани имзоладилар.

Ишлаб чиқаришдаги тиббий хизматлар тўғрисидаги қарорнинг 1978 йилдаги таҳрири, меҳнат тиббиёти тизимидаги энг аҳамиятли ўзгариш бўлди. 1978 йилдаги қонунчилик ўзгаришлари, дунё кўламида энг илғор ва халқаро миқёсда кучли эътибор объекти бўлиб қолди. Ушбу қонун фаолият соҳаси, касби, меҳнат алоқаларининг сифати, ташкилот ёки корxonанинг катталиги ёки жойлашган жойидан қатъий назар, иш берувчининг ўз ходимлари учун тиббий хизматларни ўз ҳисобидан ташкиллаштириш масъулиятини белгилар эди. Шунингдек, муниципалитетларнинг саломатлик марказларида фрилансер ва хусусий тадбиркорларга ҳам меҳнат тиббий хизматларини олиш ҳуқуқи бириктириб қўйилди. Тиббий хизмат кўрсатишнинг таркиби ишлаб чиқаришдаги соғлиққа зиён етказувчи таъсирлар ва жароҳатланиш профилактикаси, ишчиларнинг соғлиги ва иш қобилиятини кучайтириш, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ва даволаш, шунингдек, ҳозирги кундаги кексайиб бораётган ва меҳнат қобилиятида муаммоларга дуч келаётган персонални қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан оқилона қарор бўлган реабилитация хизматларини олиш учун йўлланма бериш ҳам кенг равишда белгилаб қўйилган эди.

Ҳаражатларнинг устидан назорат қилиш ва айни вақтда хизматларнинг таркиби бўйича тавсияларни таклиф қилиш учун, Нафақа ва ижтимоий нафақалар бошқармаси (KELA) томонидан бошқариладиган, лекин уни молиялаштириш меҳнат бозори иштирокчиларининг бевосита ўзлари томонидан олиб бориладиган компенсациялар тизими яратилди. Бундай тизим иш берувчи учун ҳам рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Янгиланган қонунчилик фин меҳнат тиббиёти тизими даражасининг дунёдаги энг юқори поғоналардан бирига кўтарилишига, иш билан банд аҳолининг 90 фоизи ва энг аввало қишлоқ жойлардаги тадбиркорларнинг 50 фоизини қамраб олишга кўмаклашди.

Хизмат кўрсатиш таркиби қонунчилик бўйича белгиланади, ҳаражатлар назорат остида тугилади. Хизмат кўрсатиш таркибини ривожлантириш жараёни, қонунчиликка қўшимчалар ва компенсациялар ҳисоблаб бериш учун шарт-шароитлар рўйхатини мунтазам равишда киритиш йўли орқали олиб борилади. Масалан, иш жойидаги тиббий хизматлар ва меҳнатга лаёқат бўйича илғор амалий ёндашувларни киритиш, шунингдек, ҳаракатланиш қобилиятини қисман йўқотиш ҳолларида меҳнат ҳаётига қайтиш ва меҳнат жараёнига кўникишга кўмаклашиш.

Фин меҳнат тиббиёти тизими кўпгина мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар учун модел бўлиб қолди. Халқаро меҳнат ташкилотининг ишлаб чиқаришдаги тиббий хизмат кўрсатиш бўйича шартномасининг асосий қисми, Финляндиянинг иш жойида тиббий хизматларни кўрсатиш соҳасидаги ўрнаги асосида тайёрланган эди. Фин меҳнат тиббиёти тизими Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг стратегия ва тавсиялари учун стимул бўлиб хизмат қилди. БМТнинг барча ташкилотлари ходимларига тиббий хизмат кўрсатиш кўпинча фин ёндашуви бўйича йўналтирилган. Афсуски, Европа Иттифоқининг йўриқномалари фин меҳнат тиббиёти тизимининг ривожланишига кўмаклашмади: Финляндия меҳнат тиббиёти соҳасидаги ЕИ йўриқномасини ишлаб чиқиш бўйича ташаббусни бир-икки маротаба илгари сурди, лекин ушбу ташаббус Европа Иттифоқидаги барча аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланишга эга бўлмади.

Меҳнат ҳаётини глобаллаштириш ва интернационаллаштириш, тадбиркорлик, меҳнат ҳаёти ва меҳнат алоқаларининг парчаланиши,

мисол учун, янги материал ва технологиялардан фойдаланишдаги саломатлик учун янги хавф-хатар ва таваккалчиликлар, шунингдек, иш вақтининг янгича ташкил қилиниши, ишчи кучининг тобора ўсиб бораётган турфалиги, кексайиб бораётган ва қисман ҳаракатлари чекланган меҳнат манбалари ва хизмат кўрсатиш тизимларининг тузилишга оид ислохотлари меҳнатни ҳимоя қилиш ва меҳнат тиббиёти учун янги масалалар бўлиб қолдилар.

Йорма Рантанен,

Меҳнат тиббиёти Институтининг фахрли бош директори

54. ЎЛИМГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ ЙТҲ СОНИНИ ИККИ БАРОБАР КАМАЙТИРИШ

Йўл ҳаракати хавфсизлигининг паст даражаси узок вақт давомида жамиятнинг катта муаммоси бўлиб келган. Оммавий ахборот воситаларини кўпроқ йирик авиаҳалокатлар ва алоҳида йўл транспорт ҳодисалари қизиқтиради. Финляндияда ушбу соҳада маълум даражада тадқиқотлар 1960 йилларга қадар олиб борилган, лекин амалга оширилган аниқ чоралар (қонунчилик даражасида, жамиятдаги очиқ мулоқот ёки билим бериш кўринишида) кам бўлган.

Сиёсатчилар статистика бўйича 1960 йилларнинг охирларида, йўллардаги ҳолатнинг ёмонлашиб бориши давом этаётгани аниқланганда ва Финляндияни бошқа Европа мамлакатлари орасидаги ола қарға деб аташганидан кейингина ўйланиб қолдилар. 1972 йилнинг баҳорида ҳукумат транспорт масалалари бўйича парламент комиссияси ва унинг қошидаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича махсус бўлимни ташкил қилди. Ўша вақтларда йўлларда йилига 1200 нафарга яқин одам ҳалок бўлар эди.

Ҳамма нарса шундан бошланди. Йўлдаги ягона бахтсиз ҳодиса, амалдор шахснинг фаоллиги, сиёсатчиларнинг яхши томонларни тўплаши ва ҳаттоки президент Кекконеннинг янги йил табриги туфайли эмас. Ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўшди. Лекин энг муҳими, бу Йўл ҳаракатини ташкиллаштириш бошқармасида ҳукмрон бўлган ўзаро ҳаракатларнинг кайфияти ва даражаси эди.

Мен ҳам минглаб инсонларни қайғу, ўлим, азоб ва ҳаражатлардан кутқариб қолган ушбу жараёнда қатнашганимдан фахрланаман.

Авваламбор тезлик чегаралари белгилаб қўйилди. Ўша вақтдаги кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар иттифоқининг раиси менинг хонамга югуриб кириб, агарда тезлик чегаралари қабул қилинса, у ҳолда пойтахтимиз янги сутсиз қолиши ҳақида бақирганини яхши эслайман. Сутни ҳозирги кунга қадар бутун Финляндия бўйича эрталабки нонушта вақтида янгилигича истеъмол қилишади, бироқ пойтахт жанобларининг шункорлигини чегаралаш керак эди ва шундай қилинди ҳам.

Тезликни чегаралашни қабул қилишга илк нефт инқирози мадад бўлди. Бироқ янада каттароқ кураш хавфсизлик камаридан мажбурий фойдаланишда бошланди. Бошқа мамлакатлардаги хавфсизлик камаридан фойдаланиш тажрибаси яхши таассурот қолдирган бўлсада, парламентда янгилик умумий қаршилиққа дучор бўлди. Мени «либерал бўлмаган» ниятларим сабабли ҳаттоки судга ҳам чақирирдилар. Ва ниҳоят, мен муҳолифларимни хавфсизлик камаридан фойдаланмагани учун кўпгина жароҳат ва синиқларга эга бўлган йўл-транспорт ҳодисалари қурбонлари билан танишиш учун касалхонага олиб боришга қарор қилдим. Бундан фойда чикди ва қонун лойиҳаси парламентдаги эшитишлардан муаммосиз ўтиб олди.

Йўл-транспорт ҳодисаларидаги ўлим ҳолатлари сони тезда камайиб боришни бошлади. Натижаларга қуйидаги чоралар орқали эришишга муваффақ бўлинди:

- 1 Алоҳида йўллар учун тезликни чегаралаш чораларини қабул қилиш (энг муҳим чора)
- 2 Автомобилнинг олдинги ўриндиқларида хавфсизлик камаридан мажбурий фойдаланиш
- 3 Мотоциклларнинг шлемлардан мажбурий фойдаланиши (мопедлар ҳайдовчилари учун шлемлардан фойдаланиш 10 йилдан сўнг мажбурий бўлди)
- 4 Чорраҳаларни тартибга солиш

5 Шаҳар чизиғидан ташқарида 600 километрдан ортиқ велосипед йўлаклари қурилган эди, турли хилдаги транспорт воситалари оқимлари ажратилди

6 Шаҳарлардаги йўл ҳаракатини ташкил қилишдаги ўзгаришлар. Агарда бир-бирларидан фарқлари мавжуд бўлса, у ҳолда йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ўнлаб мартаба ортиши пайқаб қолинди.

7 Темир йўл ўтказмаларини текшириш кучайтирилди.

Агарда авваллари биринчи ўринда инсон омили, иккинчи ўринда йўллар ва учинчи ўринда транспорт воситасининг аҳволи йўл-транспорт ҳодисаларининг вужудга келиш сабаблари бўлиб ҳисобланган бўлса, эндиликда йўллардаги бахтсиз ҳодисаларнинг энг муҳим сабаби сифатида йўл ҳаракатини ташкиллаштиришга қаралди. Шунинг учун ҳам урғу алоҳида олинган ҳайдовчилар, велосипед ҳайдовчилари ёки пиёдаларни айблашга эмас, балки йўл ҳаракатининг ўзини қайтадан ташкил қилишга қаратилди.

Шунингдек, эътибор мактаб ва реклама компанияларининг ушбу муаммонинг ҳал қилинишидаги тутган ўрни, транспорт воситаларининг ёмон аҳволи, йўллар аҳволининг ёмонлашгани, маст ва чарчаган ҳайдовчиларнинг тутган ўрнига ҳам қаратилди. Ушбу иш ўз меваларини берди. Беш йил ичида ўлим ҳолатлари 600 кишигача, икки мартаба камайди. Вақт ўтган сайин йўл ҳаракатини ташкиллаштириш масаласига бўлган қизиқиш сўниб қолди ва йўллардаги қурбонлар сони яна ошишни бошлади. Тўлиқ давранинг қайтарилиши ва сиёсатчилар, ОАВ ва жамиятнинг ушбу муаммони ҳал қилиш кераклигини тушуниб етганига қадар бир неча йил ўтди.

Яна айтиш керакки, ўша ҳаракатлар қайтарилди: йўл ҳаракатини ташкиллаштириш бўйича парламент комиссияси қайтадан тузилди, йўл ҳаракати хавфсизлигининг бир неча муҳим масалалари ажратиб олинди, бир қатор эски ва янги ғоялар киритилди. Натижада, йўллардаги ўлим ҳолатлари миқдори камайишни бошлади ва ушбу тенденция бир неча йиллар давом этди. Кейинчалик статистика машиналар сони ва ҳаракат тиғизлигининг уч баробардан кўпроқ ошганига қарамай барқарорлашди. 2016 йилда йўл-транспорт ҳодисаларида 2,4 минг нафардан кўпроқ инсон ҳалок бўлди.

Пекка Тарьянне,

1972-1975 йилларда Йўл ҳаракати Вазир

55. «ШИМОЛИЙ КАРЕЛИЯ» ЛОЙИҲАСИ

Урушлардан кейин яшаш даражаси тез яхшиланиб борди. Юқумли касалликларни юктириб олиш хавфи анчагина камайди. Биринчи ўринга сурункали касалликлар, айниқса юрак-томир тизими касалликлари ва онкология касалликлари чиқиб қолди. 1970 йилларнинг бошларида Финляндиядаги юрак касалликлари оқибатидаги ўлим даражаси дунёдаги энг юқориси эди. Айниқса меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркеклар ўртасида ўлим даражасининг юқорилиги, бутун аҳоли саломатлигининг ёмонлигини англатар эди.

Айниқса Шимолий Карелия губерниясидаги юрак касалликлари бўйича кузатилган ҳолат энг жиддийси эди. 1971 йилнинг январида Йёэнсуу шаҳрида, турли хил ташкилотлар вакиллари ҳукумат вакилларига аҳволни яхшилаш учун тезкор чоралар кўриш тўғрисидаги илтимос билан мурожаатнома имзоладилар. Ушбу мурожаатнома тайёргарлик ишининг бошланиши эди ва натижада «Шимолий Карелия» лойиҳаси бошлатилди.

Лойиҳанинг бошланиш вақтига қадар, юрак-томир тизими касалликлари саноати ривожланган мамлакатлардаги ўлим ҳолатларининг энг кенг тарқалган сабабларидан эди. Ўша пайтда юрак томирлари касалликларининг профилактикаси учун керакли маълумотлар жуда кам эди ва асосий эътибор даволаш ва реабилитация ишларига қаратилар эди. Бироқ, ўша вақтларда ҳам қатор тадқиқотлар натижалари касалликнинг олдини олиш мумкинлигига ишора қилар эди. Касалликнинг кўпайишига эпидемия тарқалиши вақтидаги каби бактерия ва вируслар эмас, балки яшаш тарзи ва одатларга алоқадор бўлган хавф омиллари сабабчи эканлиги аён бўлди. Натижада, аҳоли саломатлигининг ҳолатидаги ҳақиқий ўзгаришлар фақатгина профилактика фаолияти орқали амалга ошириш мумкинлиги бўйича хулосага келинди. Шу тариқа, Шимолий Карелияда аҳоли ўртасидаги хавф омилларининг тарқалишини камайтириш бўйича мисли кўрилмаган фаолият бошланди.

Мавжуд бўлган маълумотлар аниқланган хавф омилларининг фин аҳолиси, айниқса Шимолий Карелияда яшовчи эркеклар орасида кенг тарқалганлигига ишора қилар эди. Қондаги холестериннинг юқори даражаси, кўп миқдорда тўйинган мой ва тузни истеъмол

қилишни назарда тутган овқатланиш одатлари билан изоҳланар эди. Сабзавотларни истеъмол қилиш даражаси паст, бошқа томондан эса сариёғ, ёғ ва ёғли сутни истеъмол қилиш даражаси юқори эди. Эркакларнинг кўпчилиги чекар эди.

Лойиҳанинг стратегиясида бутун аҳоли миқёсида олиб бориладиган яшаш тарзини ўзгартириш, мисол учун, овқатланиш одатларини ўзгартириш ва чекишни ташлаш муҳим ўрин тутар эди. Бутун аҳоли миқёсидаги профилактика ишлари стратегияси шундай пайдо бўлди. Бундан мақсад фақатгина даволаш-профилактика муассасалари беморлари ёки аҳолининг юқори хавфлик гуруҳларига эмас, балки бутун аҳолига кенг равишда таъсир ўтказиш эди. Бундай ёндашув 1970 йилларнинг бошлари учун тамомила янгилик эди. Лойиҳанинг амалий фаолияти энг аввало яшаш тарзини (айниқса чекиш ва овқатланиш одатлари) ўзгартиришни кўзлаган эди ва кишлоқ аҳолисининг кучли қаршилигига дуч келди. Бутун аҳоли миқёсида фаолият олиб бориш дегани, лойиҳанинг ўзи аҳоли миқёсида аралашувлар олиб бормаганлигини, балки бу ишларни аҳоли билан ишлайдиган ташкилот ва муассасалар олиб боришини аниқлар эди. Лойиҳанинг вазифаси фаолият воситалари билан таъминлаш, ўргатиш, туртки бериш, фаолиятни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва баҳо бериш, ҳамда фаолиятга янги ташкилот ва муассасаларни жалб қилишдан иборат эди.

Беш йиллик лойиҳа 1972 йилнинг баҳорида ўтказилган кенг умумий аҳоли тадқиқоти билан бошланди ва 1977 йилнинг баҳорида ўтказилган янги тадқиқот билан якунланди. Бундан сўнг, тўпланган билим ва тажрибалардан умуммиллий миқёсда фаол фойдаланишни бошладилар. Лойиҳа 1997 йилга қадар ҳам Шимолий Карелияда давом этди, фақат бу сафар миллий лойиҳанинг кўргазмали қисми сифатида. 1997 йилда, лойиҳа бошланишидан 25 йил кейин лойиҳа ўз олдига қўйилган вазифаларни бажарибгина қолмай, балки ортиғи билан бажарганлиги тўғрисидаги хулосага келинди.

«Шимолий Карелия» лойиҳасининг мақсади ҳам миллий миқёсда, ҳам халқаро миқёсдаги тадқиқотларда фойдаланиш мумкин бўлган турли хилдаги ва ишончли маълумотларни тўплашдан иборат эди.

Назорат тадқиқоти лойиҳа томонидан мўлжалга олинган хавф омилларининг тарқалиши сезиларли даражада камайганини кўрсатиб

берди. Чекувчи эркакларнинг сони ҳам сезиларли даражада камайди. Истеъмол қилинаётган ёғларнинг сифати ва миқдори ҳам анчагина ўзгарди. Масалан, 1972 йилда аҳолининг 80 фоиздан кўпроқ қисми сариёғдан бутербродлар тайёрлашда фойдаланар эди, 1997 йилда эса 10 фоиздан камроқ қисми фойдаланар эди. Ушбу ўзгаришлар туфайли қондаги холестерин миқдори ҳам сезиларли даражада, деярли 20 фоизга камайди ва қон босимининг сезиларли даражада пасайиши ҳам кузатилди.

Хавф омиллари даражасининг камайиши туфайли, юрак касалликлари натижасидаги ўлим даражаси тезда пасайди. Шимолий Карелияда меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркаклар ўртасидаги юрак-томир касалликларидан вафот этиш даражаси бирдан тушиб кетди ва ушбу тенденция Шимолий Карелияда ва бутун Финляндияда лойиҳанинг биринчи босқичи якунланганидан кейин ҳам сақланиб қолди. «Шимолий Карелия» лойиҳасининг тажрибаси, мисол учун кенг омма учун мўлжалланган телекўрсатувлар, миллий лойиҳа ва дастурлар каби турли йўналишларда амалий қўлланилди. «Шимолий Карелия» лойиҳаси, аҳоли ўртасида кенг тарқалган касалликларнинг профилактикаси ҳақиқий эканлиги бўйича тан олинган мисоли бўлиб қолди.

«Шимолий Карелия» лойиҳасининг самарадорлигига баҳо бериш учун яратилган тизимдан, кейинчалик Финляндиянинг саломатлик ва ижтимоий фаровонлик миллий институти (ТНЛ) томонидан бошқарилаётган мамлакат саломатлигининг ҳолатини мониторинг қилиш тизими шаклланди. 2007 йилда ўтказилган аҳоли саломатлигининг мониторинги, аҳоли ўртасида тамаки чекишнинг камайиши ва овқатланиш одатларининг ўзгариши инсонлар орасидаги хавф омилларининг камайишига қандай таъсир ўтказганини кўрсатиб берди. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркаклар ўртасидаги юрак касалликлари оқибатидаги ўлим даражаси, лойиҳанинг бошланиш вақтидаги кўрсаткичлардан 80 фоизга камайиб кетди. Шунингдек, эркакларнинг онкология касалликлари оқибатида вафот этиши ҳам камайди. Финляндиянинг меҳнатга лаёқатли аҳолиси ўртасидаги умумий ўлим даражаси ҳам 50 фоиздан ортиқроққа тушиб кетди ва аҳоли ўртасидаги саломатликнинг субъектив ҳолати ўсди. Финларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги

деярли 10 йилга узайди ва ушбу йиллар асосан соғлом ва тўлиқ ҳаёт кечириш йилларидир.

Лойиха юрак-томир касалликлари профилактикасини қандай олиб бориш мумкин ва қандай олиб бориш кераклиги бўйича халқаро микёсда аҳамиятга эга бўлган ўрнак бўлиб қолди. Ҳозирги кунда, юрак-томир ва сурункали касалликларининг ривожланаётган мамлакатларда ҳам касалликларнинг асосий қисми ва ўлим ҳолатларининг етакчи сабаби бўлган вақтда (дунёдаги ўлим сонининг 60 фоиздан кўп), «Шимолий Карелия» лойихаси ва Финляндия томонидан профилактика ишлари бўйича тўпланган тажриба алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

«Шимолий Карелия» лойихаси ва унинг натижаларига бўлган халқаро қизиқиш жуда юқоридир. Унинг натижаларидан ҳам илмий мақсадларда, ҳам турли хил ташкилотлар, шу жумладан Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан, турли мамлакатларда ўхшаш дастурларни олиб боришда фойдаланилади.

2011 йилда Нью-Йоркда, БМТ Бош Ассамблеясининг юқумли бўлмаган сурункали касалликларнинг профилактикаси ва улар билан курашишга бағишланган юқори даражадаги учрашув ўтказилди. Учрашувда масала фақатгина аҳоли саломатлигининг ҳолати бўйича эмас, балки барча мамлакатларда, айниқса ривожланаётган мамлакатлардаги улкан ижтимоий-иқтисодий зарар тўғрисида эканлиги белгилаб ўтилди. Учрашувда берилган тавсияларда «Шимолий Карелия» лойихаси ва Финляндиянинг тажрибаси ўз аксини топди. Бундай касалликлар билан курашиш ва аҳолининг саломатлигини яхшилаш мақсадларига эришиш мумкиндир ва аҳоли ўртасидаги соғлом яшаш тарзини шакллантиришга йўналтирилган профилактика фаолияти, иқтисодий жиҳатдан энг самарали чора ва жамиятнинг барқарор ривожланиши гаровидир.

Пекка Пуска,

Финляндиянинг саломатлик ва ижтимоий фаровонлик миллий институти(THL)нинг Фахрли бош директори

56. «ШИЗОФРЕНИЯ» ЛОЙИҲАСИ

Финляндиядаги руҳий хасталиклар шифохоналаридаги жойларга 1980 йилда ҳар минг кишига 4,2 киши тўғри келар эди. Бундан кўпроқ кўрсаткич фақатгина Ирландияда мавжуд эди. Бундан икки йил аввал, унинг ёрдамида беморларни амбулатор шароитларда даволашга имкон яратиш учун ўтказилган руҳий шифохоналар бўйича қонуннинг ислохоти сезиларли натижаларга олиб келмади. 1979 йилда Руҳий хасталиклар шифохоналари иттифоқи шизофренияни даволаш бўйича миллий дастурни яратиш фикрини илгари сурди. Ушбу ташхис касалхоналар беморларининг ярмидан кўпига қўйилган эди, уларнинг кўпчилиги фаол даволаш ва реабилитация чоралари қўрилмаган ҳолда стационарда қолар эди.

Финляндия Соғлиқни сақлаш бошқармаси ушбу ташаббусга асосланган ҳолда 1980 йилнинг кузида шизофренияни тадқиқ қилиш, шунингдек касалликни даволаш ва беморларнинг реабилитация қилиш ишлари бўйича иш режаси тузиш учун эксперт гуруҳини ташкил қилди. Ишчи гуруҳ дарҳол амалга оширилиши мумкин бўлган фаол ривожланиш дастурини ташкил этишни тавсия қилди. Ишчи гуруҳнинг хулосаси 1981 йилнинг баҳорига келиб тайёр бўлди ва бундан сўнг Финляндия соғлиқни сақлаш бошқармаси, Шифохоналар иттифоқи ва Руҳий хасталиклар шифохоналари иттифоқи ҳамкорлигида уни амалга ошириш иши бошланди. Ишчи гуруҳ томонидан қабул қилинган қарор ноёб эди – Финляндияда ҳам, шизофрения билан касалланиш ҳолатлари рўйхатга олинган бошқа бирон-бир мамлакатда ҳам ҳали ҳеч қачон бундай қамровдаги биронта дастур амалга оширилмаган эди.

Шизофренияни даволаш бўйича миллий лойиҳа 1981 йилдан то 1987 йилгача олиб борилди, 1992 йилда олинган натижалар бўйича мониторинг қўшилди. Лойиҳанинг мақсади шизофрения билан касалланган ҳам эски, ҳам янги беморлар сонини ўн йил давомида икки маротаба қисқартиришдан иборат эди. Беморларни жараён давомида оила аъзолари катнашган ва беморнинг яқинлари жалб қилинган ҳолда даволаш ва реабилитация қилишнинг янги фаол услубларини ривожлантиришга ушбу муаммоларни ҳал этишнинг энг муҳим усули сифатида қаралар эди. Учинчи мақсад касалларни уйда парвариш қилишни ҳам сифат, ҳам миқдор бўйича

ривожлантиришдан иборат эди. Шунингдек, касалларнинг маълумотларига асосланган тадқиқотлар ёрдамида, ушбу мақсадларни амалга ошириш устидан ҳудудлар бўйича кузатувлар ҳам олиб борилар эди.

Лойиҳани амалга оширишда ходимлари лойиҳанинг мақсади, амалга оширилиши ва мониторинги тўғрисида маъруза қилинган семинарларда қатнашиб юрган мамлакатимизнинг барча ҳудудий руҳий касалликлар шифохоналари қатнашди. Шизофрения билан касалланган янги беморларни даволашни ривожлантириш учун кичикроқ лойиҳаларни ўтказиш, шунингдек, узоқ вақт давомида даволанган беморларни даволаш ва реабилитация қилиш лойиҳани амалга оширишнинг асосий шакли бўлиб хизмат қилар эди. Лойиҳада жами бўлиб мамлакатимизнинг ҳудудий руҳий касалликлар шифохоналарининг учдан икки қисми қатнашди, яъни 21тадан 14таси.

Асосий лойиҳа бўйича ишларни амалга ошириш учун керакли шарт-шароитлар, аввалроқ ишлаб чиқилган янги иш услублари туфайли яратилган эди. Турку шаҳридан бўлган профессор Юрьё Аланен ўз ҳамкасблари билан шизофрения билан янги касалланган беморларга мўлжалланган, яқка тартибдаги ва беморнинг оиласи жалб қилинган ҳолдаги психотерапия бўйича ишлаш услубиятини ишлаб чиқди. Шу билан бирга, ушбу услубият давлат соғлиқни сақлаш тизими доирасида ҳам фойдаланиш учун мос келар эди.

Профессор Аланен янги шизофрения ҳолатларини даволаш услубиятини ривожлантириш бўйича лойиҳанинг бошқарувчиси бўлди. Талабларга жавоб берувчи даволашнинг янги усули бутун мамлакат бўйича тарқалиб кетди. Энг аввало, беморнинг даволанишини олиб борувчи мутахассислар томонидан, беморнинг ўзи ва оила аъзолари ёки бошқа яқин кишилари билан биргаликда, даволаш курсининг бошланиши ва даволаш ҳаракатларидаги заруриятлар муҳокама қилинадиган консилиум ёки учрашувлар машхурликка эришди. Ушбу усул Шимолий Европадаги бошқа мамлакатларда ҳам қўлланила бошлади ва даволашнинг янгича услубига бўлган қизиқиш бошқа мамлакатларда ҳам юзага чиқишни бошлади.

Шунингдек, профессор Эрик Э. Анттиненнинг ўз ҳамкасблари билан биргаликда «TampereenSopimusvuori» жамоат ташкилоти

фаолияти доирасида ишлаб чиққан сурункали касаллар билан ўтказиладиган реабилитация ишлари услуби ҳам кенг эътиборни жалб қилди. Профессор Анттинен лойиҳанинг илмий бошқарувчиси сифатида иш олиб борар эди. «TampereenSopimusvuogi»нинг реабилитация курсидан, натижада руҳий касалликлар шифохоналаридан соғайган ҳолда чиқиб кетган сурункали касалларнинг кўпчилик қисми ўтиб бўлган.

Лойиҳа устида иш олиб боровчи гуруҳ, «Шизофрения ва дастлабки соғлиқни сақлаш» мавзусида ҳисобот тайёрлаш учун янги маҳсус ишчи гуруҳини тузди. Ушбу гуруҳ касалликнинг профилактикасига тегишли масалаларни ўрганиш билан ҳам шуғулланар эди.

Лойиҳа доирасидаги фаолият 15та турли нашрларда ёритиб борилар эди. Якуний ҳисобот ривожланиш дастурининг натижаларига асосланган ва ўнта асосий мавзуга ажратилган тавсияларга бағишланган эди: превентив чоралар, даволаш, реабилитация, парвариш тизими, сифатли манбалар, дастлабки соғлиқни сақлаш хизматларини олиш ҳуқуқи, малака ошириш, кўникмаларни такомиллаштириш, тадқиқот ишлари ва қонунчилик.

1985 йилда чоп этилган оралик ҳисоботида, узоқ вақт давомида даволанувчи беморларнинг реабилитацияси, лойиҳанинг бошланғич давридаёқ ижобий натижаларга олиб келганлиги айтиб ўтилган. Шунингдек, шифохоналардаги даволанишда шизофрениянинг нисбатан енгил шакли билан касалланган ва касалхонадан ташқаридаги мустақил ҳаётга қайтиш учун тезда реабилитация қилиниши мумкин бўлган кўпгина беморларнинг борлиги ҳам аниқланди. Янги беморлар сонини камайтириш анчагина кўпроқ вақт ва иш олиб боришнинг умуман янги услубларини талаб қилар эди. Лойиҳа доирасидаги фаолият тиббиёт ходимлари учун мотивация манбаси бўлиб ҳам хизмат қилди ва касалхоналардаги муҳитни яхшироқ томонга ўзгартирди.

Лойиҳанинг миқдор бўйича мақсадлари режаларга асосан бажарилди. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, 1982 йилдан то 1992 йилгача бўлган даврда шизофрения бўйича узоқ муддатли даволаш курсини ўтаётган янги беморлар сони 60 фоизга, узоқ муддатли даволаш курсини ўтаётган эски беморлар сони эса 67 фоизга камайди. Руҳий касалликлар шифохоналаридаги ётоқ

жойлари сони 51 фоизга камайди. Янги иш услубларини ишлаб чиқиш давом этмоқда эди. Шунингдек, беморларга қараш иши ҳам ривожланаётган эди: 1982 йилда 10 000 аҳолига 2,7 тиббиёт ходими тўғри келган бўлса, 1992 йилда эса бу кўрсаткич 5,1 ходимни ташкил қилди. Янги иш услублари ривожланиб борар ва шизофрения билан касалланган инсонларнинг яшашлари учун реабилитация марказлари, уй ва хонадонларнинг сони ўсиб борар эди.

Ушбу соҳадаги ривожланиш 1990 йилларнинг бошларидаги иқтисодий инқироз вақтида тўхтаб қолди. Шифохоналардаги жойлар сони аввалдагидек камайиб борар, лекин амбулатор даволаш ва парвариш қилиш услубларининг ривожланиши тўхтади, молиялаштириш камайтирилган эди. Лекин, 2000-йилдан сўнг аҳвол яна қайтадан барқарорлашишни бошлади. Руҳий касалликлар шифохоналаридаги жойлар сони 5 мингтани ташкил этмоқда ва уларнинг сонини 2-3 мингтагача пасайтириш мақсад қилиб олинмоқда. 2010 йиллардаги психиатрия хизматларидаги аҳвол 1970-1980 йиллардагисидан бутунлай фарқ қилган. Руҳий касалликлар шифохоналарининг тутган ўз ўрни бор, лекин амбулатор даволанишнинг кадри анчагина ошди.

Шизофренияни даволаш лойиҳаси томонидан сингдирилган яқка тартибдаги ва инсонпарвар ёндашув анъаналари, ҳанузгача бизнинг мамлакатимизда бир томондан ўзининг кучли ва доимий ривожланадиган кўринишида, иккинчи томондан заифлашган ҳолатида яшамоқда. Даволашдаги ёндашув беморнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни йўқотиб қўйиши ва кўпроқ доридармон билан даволашга ўтиб кетишининг қисман хавфи мавжуддир.

Юрьё Аланен,
Фахрий психиатрия профессори

57. ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Ўзини ўзи ўлдиришлар глобал муаммони касб этади. Ҳисоб-китобларга қараганда, ўз жонига қасд қилишлар ҳар йили 800 минг инсоннинг умрини олиб кетади ва ўз жонига қасд қилишнинг ўлим

билан тугаган ҳар бирига ўнтагача муваффақиятсиз ҳаракат тўғри келади. Ўзини ўзи ўлдириш ва ўз жонига қасд қилиш ўз жонига қасд қилувчи, унинг оиласи, дўстлари ва жамиятга йиллар давомида нуқулмайдиган даҳшатли таассурот қолдиради.

1970 йилларда Финляндиянинг эркак жинсидаги аҳолиси ўртасидаги ўз жонига қасд қилишнинг баланд даражасига эътибор қаратилди. 14 ёшдан катта бўлган фин эркаклари ўртасидаги ўз жонига қасд қилиш натижасидаги ўлим даражаси 100 минг кишига 60 кишини ташкил қиларди. Бундай диққат-эътибор 1974 йилда ўз жонига қасд қилиш бўйича қўмита ташкил қилишга, ҳамда ўз жонига қасд қилишларнинг олдини олиш бўйича дунёдаги илк миллий дастурни ишлаб чиқишга олиб келди. Лойиҳани амалга ошириш учун 1987 йилда юз берган ҳар бир ўз жонига қасд қилиш ҳолати бўйича бошланғич маълумотлар тўпланди. 1997та ҳолатнинг ҳар бири бўйича батафсил маълумотлар, профессор Йоуко Лённквист (Jouko Lönnqvist) бошчилигида ўз жонига қасд қилганларнинг яқинлари, ҳамда уларни даволаш ва парвариш қилишда қатнашган мутахассислар билан ўтказилган суҳбатлар давомида, шунингдек, соғлиқни сақлаш хизматлари, ижтимоий ёрдам хизматлари ва полициянинг ахборот базаларидаги ўлган одам тўғрисидаги маълумотларни ўрганган ҳолда тўплаб борилди.

1992 йилда, барча манфаатдор томонларнинг иштирокидаги кенг қамровдаги музокаралар ва тайёргарлик ишларидан сўнг, амалга оширилиши кўп томонлама ҳамкорлик орқали 1992 йилдан 2002 йилгача давом этган ўз жонига қасд қилишлар профилактикаси бўйича давлат стратегияси чоп этилди. Дастурни амалга оширишда кўролли кучлар, таълим бошқармаси ва оммавий ахборот воситалари каби турли хилдаги бошқарув секторлари иштирок этди. Профилактика дастурида ўз жонига қасд қилишларнинг негизда ётган психологик ва жамоат омиллари, ўз жонига қасд қилишларнинг олдини оловчи умумий аҳоли бўйича тадбир ва омилларга катта эътибор берилган эди. Ўз жонига қасд қилувчиларнинг хизматлари, кундалик ҳаёти ва маданий томонлари дастурнинг объектлари эди. Ўз жонига қасд қилишга ҳаракат қилган шахсларнинг реабилитацияси, ўзини ўзи ўлдирган инсоннинг яқинларини қўллаб-қувватлаш ва тушкунлик ҳолатидан мустақил равишда чиқиб кетиш бўйича чоралар дастурда алоҳида ўрин тутар

эди. Дастурда маҳаллий микёсдаги турли хил фаолият йўналишлари ва соҳалари мутахассисларининг ҳудудий дастур мувофиқлаштирувчилари ёрдами орқали иштирок этишлари кўзда тутилган эди. Маҳаллий микёсда, дастур бажарувчиларнинг ҳаракатларини бирлаштириш орқали амалга оширилар эди. Дастурнинг бюджети дастурнинг давлат микёсидаги мувофиқлаштирилишини таъминловчи мутахассисларнинг унча катта бўлмаган гуруҳининг хизматларига пул тўлашга етар эди, лекин маҳаллий микёсда дастур чораларини амалга ошириш унинг бажарувчилари ҳисобидан қопланар эди. Шу туфайли дастурнинг бюджети анчагина кичик ва 1,6 миллион евродан ошмаган эди.

Дастурни амалга ошириш давомида нотижорат ташкилотларининг профилактика ишлари кўлами кенгайди ва Фин рухий саломатлик жамиятининг кризис марказлари тармоғи бутун мамлакат бўйича тарқалиб кетди. Ҳозирги кунда 22та кризис маркази, турли хилдаги мураккаб ҳаётий ахволларга тушиб қолган инсонларга бепул ва қулай маслаҳатлар билан мадад бермоқда. Ўз жонига қасд қилишларнинг одини олиш, дори-дармон парадигмасидан четда ишлаётган ушбу марказларнинг мақсадларидан биридир.

Дастур таъсир кўрсатиш ва иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан қойилмақом натижаларга эришди. Дастурни амалга ошириш давомида ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичлари 15 фоизга камайди ва ундан сўнг, эркак жинсидаги аҳоли ўртасидаги ўз жонига қасд қилишнинг камайиб бориш тенденцияси давом этди. 2015 йилга келиб ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичлари, бутун 1990 йиллар давомидаги ўз жонига қасд қилишнинг энг юқори кўрсаткичлари рўйхатга олинган 1990 йилнинг кўрсаткичларига нисбатан икки баробар камайди. Финляндия тарихидаги ўз жонига қасд қилиш кўрсаткичлари ҳали ҳеч қачон ҳозирдагидек паст бўлмаган эди. Финляндия Европа микёсидаги статистик кўрсаткичлар бўйича етакчи мамлакатлар гуруҳидан ўртамиёналар қаторига тушиб қолди.

Ўз жонига қасд қилиш рухий касалликлар билан чамбарчас боғлиқдир, лекин ижтимоий муаммоларга ҳам боғлиқ томони бор. Финляндиядаги ўзини ўзи ўлдиришларнинг кўрсаткичи аҳолининг энг заиф ижтимоий-иқтисодий гуруҳлари ичида юқоридир. Ўзини ўзи ўлдиришлар турли хил ижтимоий-иқтисодий гуруҳларнинг

кутилаётган умр давомийлиги ўртасидаги фарқнинг 10 фоизини изохлаб беради. Лойиҳанинг 2014 йилга келиб яқунланганидан сўнг, эркаклар орасидаги ўз жонига қасд қилиш, бахтсиз ҳодиса ва зўравонлик натижасидаги ўлим кўрсаткичлари айнан энг кам маълумотга ва энг кам даромадга эга бўлган гуруҳларда энг тез равишда камайиб борди ва ушбу ҳолат турли хил ижтимоий-иктисодий гуруҳлар ўртасидаги ўлим кўрсаткичларини бироз тенглаштиришга имкон берди. Спиртли ичимликлардан заҳарланиш натижасидаги ўлим кўрсаткичлари ҳам ҳудди шу тариқа энг тез равишда аҳолининг энг кам таъминланган гуруҳлари ўртасида камайиб борди.

Аҳолининг ижтимоий-иктисодий жиҳатдан энг заиф бўлган қатламлари учун ўз гуруҳи ичида кучли яққаланиб қолиш ўзига хос хусусиятдир. Яққаланиб қолиш ўз жонига қасд қилишлар билан чамбарчас боғлиқдир. Иш ёки ўқиш жойига эга бўлмаган ёшларнинг ўртасидаги ўз жонига қасд қилиш натижасидаги ўлим кўрсаткичи, бошқа балоғатга етган ёшларникидан деярли 20 баробар юқоридир. Шундай қилиб, ижтимоий яққаланиб қолиш профилактикасини ўзини ўзи ўлдириш профилактикаси билан тенглаштириш мумкин.

Ўз жонига қасд қилишларнинг камайиши билан бир вақтда антидепрессантларнинг истеъмол қилиниши ўсиб борди, лекин маҳаллий миқёсда олиб борилган таҳлил антидепрессантлар савдосининг ҳажми ва ўз жонига қасд қилишлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатмади. Спиртли ичимликлар истеъмол қилинишининг камайиши ижобий интилишларга шак-шубҳасиз ўз таъсирини кўрсатди, чунки хорижда олиб борилган тадқиқотларда спиртли ичимликларнинг арзонлиги ва ўз жонига қасд қилишлар ўртасидаги боғлиқлик кўрсатиб берилган эди.

Ўз жонига қасд қилишларнинг олдини олиш ҳозиргача ҳам Финляндия учун долзарб мавзудир. Спиртли ичимликлар ва ўз жонига қасд қилиш учун ишлатиладиган воситаларга етишишни чеклаш, ўз жонига қасд қилишга олиб бориш хавфи бўлган ҳолатларни аниқлаш бўйича аҳоли ва мутахассислар ўртасидаги кўникмаларни ривожлантириш, ушбу мавзуда очиқ мунозараларни олиб бориш, оммавий ахборот воситаларида ўз жонига қасд қилишлар бўйича ишончли статистика маълумотларини чоп этиш бўйича ишларни олиб бориш давом этмоқда.

Финляндиядаги спиртли ичимликларнинг чекланиши, ханузгача ўз жонига қасд қилишларнинг профилактикасидаги асосий ижтимоий-сиёсий чора бўлиб қолмоқда. Аҳоли ўртасида ўқ-отар қуролларни чеклаш, ёш эркаклар орасидаги ғайри ихтиёрий ўзини ўзи ўлдиришларнинг камайишига кўмаклашган бўлар эди. Тенгсизлик ва ижтимоий яккаланиб қолиш профилактикаси ҳам ўзини ўзи ўлдиришлар сонини ўз томонидан камайтиришга имкон беради.

Урушлар ва қуролли можаролар рухий ҳолатга салбий таъсир кўрсатади ва рухий жароҳат олган қочоқ ва ноиложликдан кўчганлар, ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш бўйича мақсадли гуруҳга айландилар. Ижтимоий сиёсатдан ташқари яна мигрантларга нисбатан олиб борилаётган сиёсат ҳам ўз жонига қасд қилишларнинг олдини олиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Вақтинчалик истиқомат қилиш ҳуқуқини қонунчиликка қайтариш, Финляндия миграция органлари томонидан истиқомат қилишга рад жавобини олган кўпчилик инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам берар эди.

Кристиан Валбек,

Фин рухий саломатлик жамиятининг ривожланиш масалалари бўйича бошқарувчиси

58. ЖИНСИЙ ЙЎЛ ОРҚАЛИ ЮҚАДИГАН ИНФЕКЦИЯЛАР ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ

Финляндиядаги таносил касалликларининг тарқалиши Европа кўрсаткичларидан фарқ қилмайди. Шарқий томонидаги кўшниси Россия билан таққослаганда, Финляндиядаги ҳолат унчалик ҳам кескин эмас – Россияда захм ва сўзак касалликларининг тарқалиш кўрсаткичлари Финляндияга нисбатан юз маротаба кўпроқдир. 2016 йилда Финляндиядаги ОИВ-инфекциясининг тарқалиш кўрсаткичлари, Германия билан тенг ҳолатда Ғарбий Европадаги энг паст кўрсаткичлардан эди (1 миллион одамга 33 ҳолат). Ушбу ҳолатларнинг ярмидан кўпи чет элликларда аниқланди. Шимолий

Европанинг қолган мамлакатларида ушбу кўрсаткич икки мартаба юқори, Россиядаги кўрсаткичлар ушбу сонни ўн мартаба, Эстонияда эса 20 мартаба ошган эди. Рўйхатга олишни бошлаш давридан то 2017 йилгача, 20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ОИВ-инфекциясини юктириб олиш бўйича жами бўлиб 68та ҳолат аниқланган ва шуларнинг ичида Финляндия фуқароларида фақатгина 28та ҳолат аниқланган эди. Умуман олганда Финляндияда, шу жумладан ёшлар ўртасида ҳам ОИВ-инфекциясининг юқишини олдини олиш бўйича яхши натижаларга эришилган.

Финляндияда жинсий йўл орқали юкадиган инфекциялар ва ОИВ-инфекциясининг олдини олиш учун масъулиятни зиммаларига олган қилиб тарбия қилинмоқда. 1970 йилдан бошлаб жинсий тарбия мактабларнинг ўқув режаларидаги мажбурий предмет бўлиб қолди, 1972 йилдан бошлаб эса, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш бўйича хизматлар, ўша вақтда қабул қилинган қарорга асосан мамлакатдаги поликлиникаларда кўрсатила бошлади. Мактабларда ўқувчиларнинг жинсий тарбиясида фаол қатнашишни бошлаган ҳамширалар ишлашни бошладилар. Презервативлардан фойдаланиш 1960 йилларнинг охирларидаёқ, ёшларнинг ярмиси илк жинсий алоқаларида презервативлардан фойдаланишни бошлаганларида одатий ҳол тусига кириб қолди. ОИТСнинг тарқалишига қадар Финляндия, дунёдаги презервативлардан фойдаланиш оммавий ҳолат бўлиб қолган мамлакатларнинг ичида Япониядан кейин иккинчиси эди. 2010 йилларда ёшларнинг 70 фоиздан 80 фоизгача бўлган қисми илк жинсий алоқаларида контрацептив воситаларидан фойдаланишар эди.

Бошланғич босқичда жинсий тарбия ва жинсий саломатлик соҳасидаги хизматларнинг сифати унчалик яхши эмас эди, лекин малака оширилиши, ҳамда йўл-йўриқ ва муносибатларни эркинлаштириш туфайли фаолият жиддий ва профессионал даражага эришди. Мониторинг тадқиқотларига биноан, 1970 йиллардан то 2010 йилларгача бўлган даврда ёшларнинг жинсий ҳаёт соҳасидаги билим савияси ва контрацептив воситалардан фойдаланиш даражаси сезиларли тарзда ортиб борди. Бунинг натижасида исталмаган ҳомиладорлик ҳолатлари ва абортлар сони, жинсий йўл орқали

юкадиган инфекциялар билан касалланишлар сингари сезиларли даражада камайди.

Ушбу ҳолатнинг ёмон томонга қараб кетмаганининг сабаби, Финляндияда наркотикларни томир орқали юбориш ҳеч қачон қўшни мамлакатлардагидек машхур бўлмагани туфайлидир. Охириги йилларда ушбу муаммога жуда ҳам жиддий аҳамият берилди ва инфекция юқиши бўйича янги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида янги игналар тарқатилди.

Финляндия бошқа Шимолий Европа мамлакатлари қаторида, қолган кўпчилик Европа мамлакатларидан биздаги гендер тенглигининг жуда ҳам ривожланганлиги ва икки хил маънолик тўғрисида бошқа сўз ҳам бориши мумкин эмаслиги билан фарқ қилади. Аёллар аҳволининг яхшиланиши таносил касалликлари билан касалланиш ҳолатларининг камайишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Ёш қизлар ҳам ёш йигитлар каби презервативлардан тортинмасдан фойдаланишади ва хавфсиз жинсий алоқа бўйича ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни билишади. Яхши шериклардан вафодорликни тобора кўпроқ кутишмоқда ва бу туфайли таносил касалликларнинг тарқалиши билан янада самарали курашиш имконияти пайдо бўлди.

Келажак жинсий эҳтиёжларнинг хавфсиз виртуал алоқа шуҳратининг ошишига қай даражада сабабчи бўлишини кўрсатади. Ушбу ҳолат ёлғиз инсонлар сонининг кўпайиши билан жинсий ҳаётга алоқали муаммоларнинг ҳақиқатан ҳам ечими бўлиши мумкин. Одамлар ўз жинсий эҳтиёжларини қондиришга имконият йўқлигига тобора камроқ кўникмоқдалар. Финляндия эса, ахборот технологияларининг ривожланиши бўйича пешқадам сифатида, Европада ушбу соҳа бўйича илк қадамни ташлаган бўлиши мумкин эди.

Осмо Контула,

тадқиқотчи-профессор, Фин оила федерацияси

59. ТАМАКИГА ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИК ВА ТАМАКИ КОМПАНИЯЛАРИГА ҚАРШИ СУД ДАЪВОЛАРИ

Финляндияда тамаки чекишнинг тарқалганлиги 1978 йилдан бошлаб мунтазам равишда камайиб бормоқда. Финляндияда

чекишнинг тарқалишини камайтириш борасида амалга оширилаётган фаолият, пойдевор тоши тамакига қарши қонунчилик бўлган кенг миқёсдаги тамакига қарши сиёсатга асослангандир. Бундан ташқари, нарх сиёсати, кенг равишдаги ўзаро ҳамкорлик, мониторинг ва тадқиқот ишлари ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Чекишнинг тарқалиши бўйича мунтазам мониторинг маълумотлари ва узоқ муддатли тадқиқот лойиҳалари, чекишга қарши фаолиятнинг ривожланиши учун ўта муҳим асосни ташкил қилади.

Финляндияда тамаки маҳсулотларининг хавfli эканлигини 1960 йилларнинг бошларида, парламентнинг ҳукумат зиммасига зудлик билан чекиш оқибатидаги зарарларни камайтириш чораларини кўриш мажбуриятини юклаган вақтда тўлиқ англадилар. Финляндия чекишнинг тарқалишини камайтириш бўйича қонуний чораларни қабул қилишни бошлаган, дунёдаги биринчи мамлакатлардан биридир.

1976 йилда қабул қилинган, ўша вақтнинг чекиш бўйича энг илғор қонунига асосан тамаки маҳсулотларининг рекламаси тақиқланган, уларнинг устида чекишнинг зарарли эканлиги ҳақида огоҳлантирувчи белгининг бўлиши шарт, 16 ёшгача бўлган болаларга тамаки маҳсулотларини сотиш тақиқланган, шунингдек, мактабларда, жамоат транспорти ва жамоат биноларида ҳам чекиш тақиқланган эди.

Кейинги йилларда тамакига қарши қонунчилик ичига жуда кўп ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, масалан:

- тамаки маҳсулотларининг билвосита рекламаси 1995 йилдан бошлаб тақиқланди;
- чайналадиган тамаки савдоси 1995 йилдан бошлаб тақиқланди;
- иш жойларида чекиш 1995 йилдан бошлаб тақиқланди;
- тамаки маҳсулотларини сотиш учун рухсат берилган энг кичик ёш 18 ёшгача кўтарилди;
- 2009 йилда бар ва ресторанларда чекиш маън қилинди;
- 2009 йилдан бошлаб тамаки маҳсулотларини сотиш фақатгина рухсатга эга бўлганларга рухсат берилди;
- қонунчилик даражасида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишдан тамомила воз кечиш мақсад сифатида белгилаб қўйилди;

- 2012 йилда тамаки маҳсулотларини очик кўрсатиш ва намойиш этишни тақиқловчи ўзгартириш кучга кирди;

2016 йилда тамакига қарши қонунчиликда тубдан ўзгартиришлар амалга оширилди. Ўша вақтда узук-юлуқ ва бир неча бор ўзгартирилган тамакига қарши қонунчилик янги қонун билан алмаштирилди. Шу билан бир вақтда, қонун Европа Иттифоқининг тамаки маҳсулотлари бўйича йўриқномаси билан мувофиқлаштирилди ва ўзгартиришлар бўйича жамиятнинг эҳтиёжлари ҳам эътиборга олинди.

Финляндия – тамаки ва таркибида никотин бўлган маҳсулотларни истеъмол қилишни қонунчилик доирасида якуний мақсад қилиб белгилаб олган дунёдаги илк ва ҳалигача ҳам ягона бўлган мамлакатдир. Мақсад 2030 йилга келиб, тамаки ва бошқа таркибида никотин бўлган маҳсулотларни истеъмол қилувчилар сони, мамлакатнинг катта ёшдаги аҳолисининг 5 фоизидан ошмаслигига эришишдир.

2016 йилда киритилган асосий ўзгартиришлар:

- Мақсад бошқа турдаги никотинга эга маҳсулотлардан ҳам воз кечишни назарда тутати;

- Сигарет кутилари устидаги график тасвирлар;

- Тамаки ва таркибида никотин бўлган маҳсулотларда ароматизатор ва таъм қўшимчаларидан фойдаланиш (масалан, шоколад, қулупнай, ваниль), ментол 2020 йилдан бошлаб тақиқ остига тушади;

- Қонунчиликда электрон сигареталар ҳам тамаки маҳсулотлари билан тенглаштирилган ҳолда кўриб чиқилади (масалан, сотиш рухсат берилган энг кичик ёш – 18 ёшдан бошлаб; 18 ёшгача сақлаш тақиқи; ичида чекишга рухсат берилмаган бинода чекиш тақиқи; реклама ва намойиш тақиқи; рухсатсиз сотиш тақиқи; мамлакатга олиб кириш бўйича тақиқ ва чеклов)

- Шахсий автомобилда чекиш тақиқи, агарда ичида 15 ёшга тўлмаган бола бўлса;

- Чайналадиган ва ҳидланадиган тамакини олиб кириш тақиқи (жисмоний шахс олиб киргандаги чеклов – 24 соат ичида 1 килограммдан ошмаслиги);

- Тамаки маҳсулотлари ва таркибида никотин бўлган суюқликларни ЕИ ташқарисидан олиб кириш (масалан, Россиядан) Финляндиянинг ташқарисидан 24 соатдан кўпроқ бўлишни назарда тутди;

- Электрон сигареталар ва таркибида никотин бўлган суюқликларни онлайн тарзда сотиш тақиқи;

- Уй-жой бошқармаларида хусусий хонадонларнинг балконларида чекишни тақиқлаш имконияти пайдо бўлди (тутуннинг бир балкондан иккинчисига бориши маън қилиш учун етарлидир; соғлик учун хавфли эканлигини далил қилишга ҳожат йўқ).

Финляндия маҳсулотлари истеъмол қилиниши сабабли ривожланаётган касалликлар учун тамаки компанияларини жавобгарликка тортишга ҳаракат қилган Европадаги илк мамлакат бўлди. Финляндиядаги илк суд иши 1988 йилда бошланди ва 2001 йилгача давом этди.

Жавобгарлар сифатида Oy Rettig Ab ва Suomen Tupakka – BAT Nordic Oy компаниялари қатнашди. Даъвогар сифатида 16 ёшдан чекишни бошлаган ва даъво аризаси бўйича, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарганлар ўз маҳсулотларини зарарсиз деб тайёрлаган ва сотганликлари сабабли ўз соғлигига етган зарар учун товон пули тўлашни талаб қилган нафақахўр Пентти Калеви Ахо (Pentti Kalevi Aho) эди. Бундан ташқари, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларининг соғлик учун бўлган зиёни тўғрисидаги маълумотларни яширдилар, истеъмолчиларни алдадилар ва учинчи шахсларнинг истеъмолчиларга бундай зарарлар ҳақидаги маълумотларни етказишига тўсқинлик қилдилар. Шунга қарамасдан, Хельсинки шаҳридаги шаҳар суди, апелляция суди ва олий суд даъвони рад этди.

2005 йилнинг март ойида «енгил» номини олган сигаретларга тегишли даъво аризаси рад қилинди. Даъвогарларнинг таъкидлашларига кўра, Amer Oy ва Suomen Tupakka – BAT Nordic Oy компаниялари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ёрдамида, ўз истеъмолчиларида никотинга боғланиб қолиш хиссини пайдо қилишга ҳаракат қилганлар. Жавобгар-компаниялар ўз сигареталарини реклама қилиш давомида, ҳали 1950 йиллардан

бошлабок ўз махсулотларидаги боғлиқлиқ қолиш хусусиятларининг мавжудлигини яширишган ва тортишишган. 2008 йилнинг октябр ойида, Хельсинки шаҳрининг шахар суди «енгил сигареталар» бўйича даъво аризасини рад қилди ва даъвони рад қилиш апелляция суди томонидан 2010 йилнинг май ойида тасдиқланди.

Суд ишларининг тамаки махсулотлари ишлаб чиқарувчи компаниялар нуктаи назари бўйича ижобий ҳал қилинишига қарамасдан, улар сиёсатчилар, амалдор шахслар ва фуқароларни тамакининг хавфлилиги ва тамаки махсулотлари ишлаб чиқарувчи компанияларнинг ҳаракат услублари тўғрисида хабардор қилдилар.

Мерви Хара,

*Ижрочи директор, АШН жамоат ташиқилоти
(Саломатлик йўлида чекишга қарши)*

60. ФИН ТИШЛАРИНИНГ СОҒЛОМЛИГИНИНГ ЮЗ ЙИЛЛИК ТАРИХИ

Финляндия стоматология ютуқлари нуктаи назаридан кўпгина халқаро мутахассислар учун ўрнак сифатидадир. Ҳозирги минг йиллик бошларида, мамлакатда бутун аҳолининг оғиз бўшлиғи саломатлигига алоқадор бўлган ва илгарилари кузатилмаган ўзгаришлар юз берди. 2005 йилда кучга кирган даволаш сифатининг кафолати, оғиз бўшлиғи саломатлигини маъмурий жиҳатдан соғлиқни сақлашнинг бошқа йўналишлари билан бир қаторга қўйиб қўйди.

Тишлар саломатлиги парваришининг фин тизими ўз тарихида ривожланишнинг уч босқичидан ўтган. Ўтган асрнинг биринчи ярмидаги биринчи босқич қонли ва шафқатсиз бўлиб ўтди. Ушбу босқич учун симптоматик даволаш ўзига хосдир. Тишларнинг муаммолари уларнинг пайдо бўлиши давомида ва энг аввало омбур ёрдамида ҳал этилар эди. Мактаб стоматологиясининг ривожланиши натижасида, Финляндия 1950 йилларда тишларни пломба қилиш замонида ўтди. Ўша вақтларда тиш шифокорлари тишлардаги тешиқларни улар ривожланган сари пломба қилишга ҳаракат қилишар эди. Лекин, ушбу иш услуби тез орада ўз фойдасизлигини кўрсатди: тиш шифокорлари тишларни кариеснинг ривожланиш тезлиги қадар тез пломба қилишга улгурмаётган эди! Ва 1970

йилларда, аҳоли соғлигини сақлаш қонунига биноан, аста-секинлик билан тишлар саломатлиги бўйича профилактика ва мунтазам парвариш босқичига ўтилди. Саломатликнинг умумий аҳволи ва оғиз бўшлиғи саломатлигининг ўзаро таъсири ва аҳамияти чуқур равишда тушунилаётган бир вақтда, фин тишлар саломатлигини парвариш қилиш тизими стоматология замонида ўтган деб ҳисобланиши мумкин. Ҳозирги кундаги умумий тиббий хизмат кўрсатиш тизимининг таркибий қисми сифатида мавжуд бўлган тишларни даволаш ва уларни парвариш қилиш хизматлари, ўзида ушбу ривожланиш босқичига тарихий ўтиш поғонасини акс этади.

Бугунги аҳволга олиб борган йўл узок эди. 1964 йилда кучга кирган тиббий суғурта тўғрисидаги қонун тишлар саломатлигини қамраб олмаган эди. Худди шу ҳолатнинг аҳоли соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонун билан ҳам юз беришига бир баҳя қолди. Аҳолининг соғлигини сақлаш бўйича фаолият, аввалига болалар ва ёшлар учун кўзланган эди ва аҳолининг ушбу тоифалари билан ишлаш ўз самарадорлигини кўрсатди. Аҳолининг соғлигини сақлаш тўғрисидаги 1972 йилда қабул қилинган қонунга биноан, 17 ёшгача бўлган барча болалар тишларнинг мунтазам ва бепул даволаниши ҳуқуқларига эга бўлдилар. Ҳозирги кунда Финляндиянинг ҳар бир фуқароси, 18 ёшга тўлганга қадар бепул стоматологик ёрдам олиш ҳуқуқига ҳалигача ҳам эга.

Аҳолининг соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиш пайтида, ҳар бир ўн икки ёшли финда қариез билан касалланган ўртача еттита тиш бор эди. Ҳозирги кунда ўша кўрсаткич 1,1ни ташкил қилади ва Европадаги энг паст кўрсаткичлардан биридир. Бундай кўрсаткичга етишишга оғиз бўшлиғини таркибида фтор бўлган суюқлик билан мунтазам равишда чайиш ва ксилитолдан фойдаланиш қаторида, мактаб стоматологияси ва санитарияга амал қилиш дастурининг ўзаро ҳаракати имкон берди. Ҳозирги кунда болаларнинг кўпчилик қисми соғлом ёки яхши қаралган тишларга эгадир. Болаларнинг тишлар саломатлиги бўйича кўпгина муаммолари тўпланиб бораётган озчилик қисми муаммо бўлиб қолмоқда. Бундай болалар ҳам стоматологлар, ҳам соғликни сақлаш соҳасидаги бошқа мутахассисларнинг доимий мижозлари бўлиб қолмоқдалар.

Давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда бўлган амбулатор-поликлиника тармоғидаги стоматологга мурожаат қилиш имконияти, вақт ўтган сайин катта ёшдаги аҳоли учун ҳам амал қилинди. Шунингдек, авваламбор шаҳарларда фаолият юритувчи ва уларда мамлакатдаги стоматологларнинг деярли ярми ишловчи хусусий стоматологик кабинет ва клиникалар ҳам тиббий суғурта томонидан қопланадиган стоматологик ёрдамни таклиф қилишмоқда. Болалар ва ёшларда соғлом ва тузалган тишларнинг сони ортди. Бироқ, бепул стоматологик хизматлар туганидан сўнг, айниқса ёрдам учун мунтазам равишда мурожаат қилмайдиган ёшлардаги тишлар бўйича муаммолар анчагина тез пайдо бўлишни бошлайди. Катта ёшдаги аҳоли ўртасидаги кариеснинг тарқалиши сезиларли даражада камайди. Милк касалликлари стоматология хизматлари учун аввалдагидек катта муаммо бўлиб қолмоқда: бундай касалликлар аҳолининг ярмидан кўп қисмида кузатилади.

Тишларнинг йўқлиги муаммоси ҳам анчагина камайди. Ушбу муаммо энг кўп кекса ёшдаги аҳолида кузатилади, ҳолбуки 55 ёшгача бўлган кишиларнинг 1 фоизигина тишсизликдан азият чекади. Замонавий инсон, ўтган асрнинг биринчи ярмида туғилган фин аҳолиси ўртасида юз бергани каби, тишлардан батамом айрилиб қолишга мубтало эмас.

Замонавий стоматологик ёрдамнинг юксак даражаси юқори технологиялар, махсус материал ва малакали мутахассислардан фойдаланишни назарда тутди. Фин стоматологи ҳозирги кунда оптик ҳисоблаш ускунаси ёрдамида, муаммоли тишдан маълумотни рақамлаштирилган ҳолда ечиб олиш ва тиш учун пломба ёки қопламани қисқа вақт ичида тайёрлаб бериши мумкин бўлган, компьютерлаштирилган токарлик министанокка ўтказиши мумкин. Мутахассисларнинг ихтиёрида бўлган Terveysportti номли миллий интернет-портали ва унинг Dental Mammoth номли халқаро аналог, фин стоматологларига клиник қарорлар қабул қилиш вақтида маслаҳатлар ва энг замонавий ахборотларни, исталган вақтда беришга тайёрдир. Стоматологлар ўз иш вақтларининг анчагина қисмини, оғиз бўшлиғининг ўта мураккаб касалликларини аниқлаш ва даволашга сарфлашга мажбурлар. Тиш бўйича замонавий гигиеначилар оғиз бўшлиғи саломатлигини шакллантириш ва сақлаш услубларига эгаллик қилишар, оғиз бўшлиғи саломатлигининг

ахволини малакали баҳолашни билишар, ҳамда тишларни кўздан кечиришади. Улар рентгенографик тадқиқотлар, кариес ва милк касалликлари профилактикаси ва эртаги аралашувларни, шунингдек, яна кўпгина вазифаларни бажарадилар. Ҳозирги кунда бундай мутахассисларга бўлган талаб жуда ҳам юқоридир.

Аҳолининг кексайиб бориши ўзи билан сезиларли даражадаги муаммоларни олиб келади. Кўпгина касалликларга эга ва турли хилдаги дори-дармон воситаларини қабул қилувчи кекса кишилар, стоматологик хизмат кўрсатишга борган сари кўпроқ муҳтож бўлмоқда. Ёрдам кўрсатиш ҳам кекса кишининг уйида, ҳам даволаш масканида керак бўлиб қолиши мумкин. Бу эса, мутахассислар ва даволаш ускуналарида мобиллик мавжуд бўлишини кўзда тутаяди. Оғиз бўшлигининг гигиенаси кекса кишининг умумий гигиенасининг ажралмас қисми бўлиши керак. Агарда у мустақил равишда гигиенага амал қилолмаса, у ҳолда ушбу вазифани бирон-бир бошқа киши албатта ўз зиммасига олиши керак. Оғиз – бу завқ, сезги ва ҳисларнинг турфалиги манбаидир. Оғиз бўшлиғига алоқадор бўлган асосий эҳтиёжлар кексайган сари йўқолмайди ҳам, камаймайди ҳам.

Оғиз бўшлиғи саломатлиги борган сайин саломатликнинг умумий ҳолати ва ҳаёт сифатининг бўлаги сифатида тушунилмоқда. Оғиз бўшлиғи саломатлигига тегишли энг кенг тарқалган таваккалчилик омиллари хулқ-атворга боғлиқдир. Мисол учун, овқатланиш одатлари, гигиенага амал қилмаслик ва тамаки чекиш каби ушбу таваккалчилик омилларидан кўпчилиги, шунингдек юрак-томир касалликларининг ривожланиши, диабет, турли хилдаги янги шишлар ва аҳоли саломатлигининг бошқа муаммоларини келтириб чиқариш бўйича ҳам таваккалчилик омиллари бўлмоқда. Ушбу таваккалчилик омиллари ҳаёт тарзи билан боғлиқдир ва тегишли ҳаёт тарзини шакллантириш ҳаётга аҳамиятга эгадир. Тишлар муаммоси стоматолог қабулида осонгина ҳал қилинмайди. Уларни одатий ҳаётда ва миллий миқёсда ҳал этиш керак. Энг кўп тарқалган оғиз бўшлиғи касалликларининг ривожланиш сабаблари, шунингдек уларни профилактика қилиш воситалари яхшигина маълум ва хоҳиш бўлган тақдирдагина, ушбу касалликларнинг олдини олиш мумкин.

Хейкки Муртомаа,

Хельсинки шаҳри университетининг оғиз бўшлиғи саломатлигини сақлаш бўлимининг фахрли профессори

ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

61. ИЖТИМОЙ УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИЛИШИ

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг, Финляндияда уй-жойлар етишмаслиги кузатилди. Аҳволни жамоат тузилмасининг ижтимоий ўзгаришлари натижасида юзага келган, мамлакат вилоятларидан шаҳарларга кўчиб келиш тенденцияси жиддийлаштирди. Айтилган вақтда, банкларнинг уй-жой харид қилиш учун кредит бериш имкониятлари анча чекланган эди. 1949 йилда ушбу муаммонинг ҳал қилиниши ва ижтимоий уй-жойларнинг қурилиши учун АRAVA тизими ташкил қилинган эди.

Банклар таваккалчиликнинг юқори даражасига эга бўлган кредитларни бериши мумкин эмаслиги туфайли, ушбу дастурнинг асосий вазифаси сифатида кредитларнинг ажратилишини таъминлаш белгиланди. Давлат бундай кредитларни ажратишни бошлаган вақтида кредит муассасалари ҳам ижтимоий уй-жойни кредитлашга анча қизиқиб қолди.

1950 ва 1960 йилларда, АRAVA хусусий уй-жойларни кредитлаш ва қуришни маъқул қўрар эди. Тижорий ва сиёсий сабабларга кўра, 1970 йиллардан бошлаб ижара уй-жойларини ҳам қўшишга қарор қилинган бўлса ҳам, хусусий уй-жойлар қурилишининг улуши юқори эди, айниқса 1970 йилларнинг биринчи ярмида.

Тизимнинг асосий ғояси шундан иборат эдики, халқ хонадонни харид қилувчиларнинг банклар кредитларни ажратганидан сўнг тўлаб бориши мумкин бўлган бадаллари тўловчилар учун оғирлик қилмайдиган, фоизи юқори бўлмаган кредитларга муҳтож эди. Ушбу тизимнинг ижтимоий жиҳати шундан иборат эдики, ҳам ўрта даражада таъминланган, ҳам ўртадан паст даражадаги даромадга эга бўлган одамлар, унинг ёрдамида хонадон сохиблари бўлиши мумкин эди. Харид қилинувчи хонадонлар фоизи анчагина тез ортиб борди, 1990 йилга келиб 70 фоизга етди ва шундан сўнг 65 фоизгача тушиб қолди. Шундай қилиб, тизим юз минглаб финларга ўз ижтимоий аҳволларини яхшилаш учун имкон берди. Бу эса, таълим соҳаси

тизими билан бир қаторда, тенгҳуқуқли жамиятни яратиш мақсадида олиб бориладиган сиёсатнинг энг муҳим омилларида биридир.

Тизимнинг уй-жой ва сиёсий мақсадларидан ташқари яна битта мақсади бор эди: фуқароларга уй-жойларни харид қилиш учун омонатларини сақлаш тизимини ривожлантириш орқали кўмаклашиш эди. Ушбу жиҳат миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва банк тизимининг мустаҳкамланишини таъминлаш борасидаги энг муҳими деб ҳисобланар эди. Молиявий-кредит институтларининг хусусий уй-жойларни харид қилиш бўйича кредитлаш имкониятлари яхшиланганидан сўнг ва айни вақтда, хонадонларни ижарага олиш бўйича юқори талаб ҳам сақланиб қолган вақтда, ARAVA тизимининг фаолият йўналиши ижарага бериладиган уй-жойларни куриш томон бурилди. Шу билан бир вақтда, ижара уй-жойларининг курилишида аҳолининг алоҳида гуруҳлари, мисол учун талабалар, кекса кишилар, ҳамда аҳолининг бошқа алоҳида турдаги гуруҳлари учун асосий урғу берилди. 1990 йилларнинг охирида, хусусий уй-жойлар курилишидан тамоман воз кечишга қарор қилинди.

ARAVA тизимининг фаолияти, фақатгина давлат томонидан фоизлари катта бўлмаган кредитларни ажратишга йўналтирилган эмас эди. Фаолиятнинг яна бошқа, аҳамияти кам бўлмаган шакллари сифатида, курилаётган уйларнинг меъморчилиги, ҳамда курилаётган туманларнинг қулайлигига диққатни жалб қилиш мақсадидаги курилиш ишларининг сифати ва харажат даражаларининг кафолатини таъминлаш эди. Янги туманларни шундай куриш режалаштирилган эдики, улар ўз ижтимоий тузилмалари бўйича турфа хилларда бўлишлари керак эди. Ўша туманлар имкон сари эркин молиялаштириш ҳисобидан курилар эди. Янги уйлар ўз турлари бўйича хилма-хил бўлишлари керак эди. Кўп қаватли уйлар жуда юксак эмас, одатда 3-4 қават билан кифояланар эди.

Сифатдан ташқари яна молиявий харажатлар ҳам эътиборга олинар эди ва улар иложи борича паст бўлиши керак эди. 1970 йиллардан бошлаб, мақсадли равишда курилиш корхоналари учун пудратли курилиш бўйича конкурс ўтказилар эди.

1970 йиллардан бошлаб, ARAVA тизимида мавжуд иншоотларни қониқарли даражада тутиш ва улардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Шунингдек, қурилган уйлардаги

электр энергиясининг тежалишига ҳам эътибор берила бошлади. ARAVA уйларининг деразаларида уч қаватли ойналардан 1973 йилдан бошлаб, эркин молиялаштириш ҳисобидан қурилган уйлардан анча эртароқ фойдаланилмоқда.

Молиявий бозор 1980 йилларнинг охирларига келиб сустрлашганда, тизимнинг фаолиятига сезиларли ўзгартиришлар киритилди. Буларнинг энг муҳимлари қаторида давлат уй-жой жамғармасининг (жамғарма зарур депозитларни молиявий бозор ва капитал бозорларидан олади) ташкил қилиниши ва фоизларни тўлашни кейинчалик молиявий қўллаб-қувватлашга эга бўлган кредитлаш тизимига (давлат қурилиш ташкилотларига бозор кредитларининг фоизларини тўлаш бўйича молиявий ёрдам беради) ўтиш бўлди.

1949 йилдан то 2005 йилгача бўлган даврда ARAVA тизими ёрдамида бир миллиондан ортиқ хонадонлар қурилган. 2015 йилгача қуриб битирилган уй-жойларнинг 35 фоизи ARAVA тизимига мансубдир. Капитал таъмирланган хонадонларнинг умумий сони 380 мингтага етган. ARAVA тизими хонадонларининг 445 мингтаси хусусий, 540 мингтаси ижарада ва 45 мингтаси уй-жой кооперативлари мулкидир. Ижарага бериладиган хонадонларнинг 60 фоизи, муниципалитетларнинг тўлиқ ёки қисман мулклари эди. Қолган хонадонларнинг кўпчилиги турли хилдаги жамиятларнинг мулкидир ва уларнинг бир қисми кекса кишилар, талабалар ва бошқа қийин аҳволда қолган одамларнинг яшаш шароитларини яхшилаш билан шуғулланади. Бундай фаолиятнинг аҳамияти ханузгача ортиб бормоқда.

Умуман олганда, ARAVA тизими уй-жой сиёсати ва миллий сиёсатнинг ривожланиши нуктаи назаридан ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Мартти Луянен,

Атроф-муҳит вазирлигининг фахрли бош директори

62. ХАРОБА УЙЛАРГА – ЙЎҚ!

Хельсинки шаҳри 1550 йилда ташкил қилинган, лекин кўп сонли ёнгинлар туфайли 1809 йилдан кейингина қайтадан қурилган. Эски

кўрғонлар ҳисобга олинмаса, Хельсинкида шаҳарнинг бадавлат кишилари учун алоҳида туманлар қурилмаган эди. Масалан, шаҳарнинг қоқ марказидаги Круунунхака ва Улланлинна туманларида, уйлардаги қиммат хонадонлар қаторида унча катта бўлмаган, уларга кириш жойи кўпинча ҳовли томонида жойлашган хонадонлар ҳам доимо ижарага берилар эди.

Кўпинча хорижий меҳмонлар хароба уйларнинг Хельсинкида қаерда жойлашганлиги ҳақида сўрайдилар. Уларнинг мавжуд эмаслиги бўйича жавобга ишонқирамай қарайдилар.

Хароба уйларнинг йўқлигига изох бўлувчи умумий иктисодий ривожланишга алоқадор сабаблар бўлиб, бошқалар қаторида даромадлардаги унча сезилмайдиган фарқлар, ривожланган давлат ва аҳоли ичидаги чет элликларнинг нисбатан камлиги хизмат қилади. Лекин, ушбу масалада Хельсинки шаҳрининг уй-жой сиёсати ҳам алоҳида ўринга эга.

Биринчидан, Финляндиядаги шаҳарлар муниципалитет сиёсати ва солиққа тортиш бўйича Европадаги бирон-бир бошқа мамлакатлардагидан кўра анчагина кўпроқ ваколатларга эга. Иккинчидан, Хельсинки шаҳри қисман тарихий сабаблар, қисман онгли равишда олиб борилаётган сиёсат туфайли, ўзи эгаллаб турган майдоннинг энг катта қисми, деярли 70 фоизига эгадир. Финляндиядаги режалаштиришни ҳам муниципалитетлар олиб боради. Шундай қилиб, Хельсинки шаҳри анчагина қаттиққўл уй-жой сиёсатини олиб бориши мумкин.

Охириги 50 йил мобайнидаги Хельсинки шаҳрининг уй-жой сиёсати айниқса ёрқин ижтимоий тусга эга эди. Шунчаликки, ҳатто кўшни шаҳарлардаги солиққа тортиш даражаси охириги йилларда пойтахтга нисбатан сезиларли даражада ўсиб кетди.

Хельсинки шаҳридаги янги уй-жой кварталларини режалаштириш давомида деярли ҳар доим, хонадонларнинг барча аҳоли қатламларининг молиявий имкониятларига мос келишидан келиб чиққан ҳолда истисноларсиз ҳаракат юритадилар. Бадавлатлар ва кам таъминланганлар ёнма-ён яшайдилар, уларнинг хонадонлари бир-биридан кўриниши билан ҳам, сифати билан ҳам фарқ қилмайди.

Ҳақиқатда, Хельсинки шаҳридаги хонадонлар масаласи сиёсатига ҳам давлатнинг молиялаштириши, ҳам шу каби бошқарув

ўз таъсирини кўрсатди. Хельсинки шаҳри узоқ вақт давомида бой шаҳар бўлган ва хонадонлар қурилишидаги давлатнинг молиявий ёрдами муҳим ўрин эгалламоқда. XX асрдан бошлаб давлатнинг хонадонлар масаласига қўшган улуши мунтазам камайиб бормоқда эди. Айтиш мумкин, давлат шаҳарнинг Хельсинки шаҳридаги корхоналарни солиққа тортишдан келиб тушадиган даромад ҳажмларини анча камайтди. Шундай қилиб, муниципалитетлар «яхши солиқ тўловчилар»ни қўлга киритиш учун ўзаро мусобақалашига мажбурлар.

Хельсинки шаҳрида амал қилинаётган хонадонлар масаласининг ижтимоий сиёсат модели, янги юзага чиқаётган тўғонокларга дош бериши мумкин ёки мумкин эмаслигини келажак кўрсатади.

Ижтимоий турфа-хиллик омиллини эътиборга лойиқ ижтимоий инновация деб ҳисоблаш мумкин. Яшаш жойини ва яшаш шароитини танлашдаги тенгхуқуқлилиқнинг йўқлиги, мерос бўлиб қолувчи сиқиб чиқариш сиёсатига олиб боради. Ҳар ҳолда, Хельсинкида шу вақтгача бундан қочиб-қутулишга эришилмоқда эди.

Пекка Корпинен,

1991-2007 йилларда Хельсинки шаҳри хокимининг ўринбосари

63.УЙ-ЖОЙ БИРИНЧИ ЎРИНДА У ЖАМҒАРМАСИГА

Жамиятдаги одатий ҳаёт, уй-жой қилиш учун мос келадиган жой ва яшаш учун хавфсиз муҳитни англатади. Уй – бу ҳар бир инсоннинг ўз шахсий худудидир. Бу ҳимояланганлик дегани ва айтиш мумкин, жамоат томонидан маъқулланадиган ҳаёт тарзининг калитидир.

Агарда уларга хонадон берилса ва етарлича ёрдам кўрсатилса, қўпчилиқ бошпанасиз инсонлар мустақил ҳаёт кечиришлари мумкин. Инсон ўзини ўз уйидагидек ҳис қилиши учун, инсоний алоқалар ва ўз хоҳиши бўйича ўз ҳаётини қуриш учун ривожланадиган заминни шакллантириш шароитлари лозим. Ўз вақтида ва инсоннинг заруриятларига мутаносиб равишда кўрсатилган ёрдам, ўз уйини топиш масаласини ҳал этиш бўйича

муҳим омилдир. Бу ҳам уйсизликка қайтишнинг олдини олиш бўйича муҳим воситадир.

Бошпанаси йўқлар сонини камайтириш қимматга тушади. Бироқ, агарда ушбу муаммони ҳал қилиш билан шуғулланилмаса, у ҳолда уйсизлик туфайли келиб чиқувчи молиявий ва инсоний ҳаражатлар янада ортади. Уй-жойнинг йўқлиги муаммосини батамом ҳал қилиш арзон уй-жой қуриш ва эҳтиёжларга кўра кўмаклашиш шаклларини талаб этади.

Ҳамғармаси 1985 йилда, ўша вақтда мавжуд бўлган жиддий уйсизлик муаммосини ҳал қилиш учун ташкил қилинган. Ҳамғарма номидаги «Ҳ» ҳарфи, таржимаси «бир» сўзи бўлган «uksin» сўзини англатади. Бошпанасизлар одатда оиласизлар, кўпчилиги ажрашган ва ишсиз эркаклар эди. Кўпроқ оилаларга йўналтирилган уй-жой сиёсати уларни пайқамас ҳам эди. Ҳамғармаси уйсизликни йўқ қилиш бўйича аниқ ишларни бажаришни бошлади. Ҳамғарма қийин уй-жой аҳволида қолган инсонларга ижарага уй таклиф қилади. Ҳамғарманинг таъсисчи аъзолари Финляндия руҳий саломатлик ассоциацияси, Фин Қизил Хоч жамияти, Черков бошқаруви, Финляндия қурилиш саноати иттифоқи, қурувчилар касаба уюшмаси, Финляндия муниципалитетлари иттифоқи, шунингдек, Хельсинки, Эспоо, Вантаа, Тампере ва Турку шаҳарларидир. Томонларнинг бундай кенг қамровли ҳамкорлигидаги фаолият 25 йилдан бери давом этмоқда ва ушбу фаолият ёлғиз ва бошпанасиз инсонларни ўраб олган стереотипларга йўл-йўлакай барҳам беришга ҳам имкон яратмоқда.

Ҳамғарма бир хоналик хонадонларни харид қилади ва ижарага беради. Шунингдек, ижарага бериш учун кўп хонадонли уйларни қуриш билан ҳам шуғулланади. Хонадонлар шаҳарнинг турли жойларидаги оддий хонадонлар ўртоқликларида жойлашган. Ижарага бериш учун қурилаётган кўп хонадонли уйларни режалаштиришдаги жойлашиш ва хизматларнинг қулайлиги ҳам муҳим мезонлардир. Шу тариқа, ҳамғарма жамиятга киришиб кетишга кўмаклашади.

Ҳамғармасининг бош мақсади, хонадонларни ижара шартлари асосида доимий яшаш учун таклиф қилишдан иборатдир. Ҳамғарманинг фаолияти давлат кредитлари, Финляндия Ўйин автоматлари ассоциациясининг кредитлари, Ижтимоий соҳа ва

соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларга кўмаклашиш марказининг (STEA) субсидиялари, шунингдек, ўз маблағлари ҳисобидан олиб борилади.

Хонадонларда яшовчиларга берилаётган қўллаб-қувватлаш ва хизмат кўрсатиш чоралари муниципалитетлар, черков қавмлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади. Маҳаллий миқёсдаги қалин ўзаро муносабатлар туфайли давлат муассасалари ва кўнгилли ташкилотларнинг ҳиссаларидан самарали фойдаланиш таъминланади. Қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш бўйича таклиф қилинадиган хизматларни мувофиқлаштириш, турар-жой бўйича барқарор ечимларни топишга имкон беради.

Финляндияда 1987 йилда тахминан 20 мингта бошпанасиз киши бор эди. 2016 йилнинг охирида уларнинг сони 6,7 минг атрофида эди. Ушбу рақам кризис марказларида яшовчиларни ҳам, ўз қариндошлари ва танишлариникида яшовчиларни ҳам ўз ичига олган. 2017 йилнинг бошида Ҳ жамғармасининг 56та муниципалитетларда деярли 17 мингта хонадони бор эди.

Ҳ жамғармаси арзон уй-жойлар қурилишидан ташқари яна турар-жой хизматларини ривожлантиришда ҳам фаол қатнашади. Шунингдек, жамғарма амалий фаолият ва ҳақ тўланадиган иш вариантларини таклиф қилиш орқали ўз мижозларини иш билан таъминлашга ҳам кўмаклашади. Бундан ташқари, жамғарма «Биринчи навбатда уй-жой» омилини қўллаб-қувватлаш бўйича тармоқ лойиҳанинг бош марказидир. «Биринчи навбатда уй-жой» омилининг ғояси оддийдир – бошпанасиз инсон энг аввало уйга муҳтождир ва ундан кейингина одатий ҳаётга қайта кириштиш чоралари амалга оширилиши мумкиндир.

Шунингдек, жамғарма бошпанасизлар билан ишловчи Европа миллий ташкилотлар федерациясининг (FEANTSA) фаолиятида ҳам фаол иштирок этади. 2016 йилда Ҳ жамғармаси ва FEANTSA Федерацияси томонидан мувофиқлаштириладиган, Европада бошпанасизларга кўмаклашиш ишларини такомиллаштириш бўйича ахборот-таълим платформасини ифодалайдиган «Биринчи навбатда уй-жой»нинг Европадаги маркази ташкил қилинди. Ушбу ҳамкорлик қилувчи ташкилотлар платформаси, «Биринчи навбатда уй-жой» омилига асосланган бошпанасизларга ёрдам бериш услубиятини тарқатишда кўмаклашиш ва янги ёндашувларни ишлаб чиқиш билан

шуғулланади. Ҳамкорлик тармоғининг фаолияти таълим ва тадқиқот ишларини ташкиллаштириш, ҳамда турли даражаларда лобби ишларини амалга оширишдан иборатдир.

Юха Каакинен,

У жамғармасининг ижрочи директори

64. ТАЛАБАЛАР УЙ-ЖОЙИ

Финляндиянинг университетларга эга бўлган барча шаҳарларида талабалар хонадонларини қуриш, таъмирлаш, ҳамда қониқарли аҳволда тутиш вазифасига эга жамғарма ёки компания фаолият юритади. Финляндияда 2015 йилда 65 минг нафар талаба яшайдиган 30 мингта хонадон бор эди. Тадқиқот ва сўровлар натижасига кўра, ҳозирги кунда Финляндияда уқув муассасаларига эга бўлган ва унча катта бўлмаган муниципалитетларда талабалар учун етарли миқдорда хонадонлар мавжуддир ва айни вақтда, катта шаҳарларда етишмовчилик кузатилмоқда. Ижтимоий ҳаракатчанликнинг аҳамиятга молик тўсиқлари йўқ қилинган эди, чунки энди ҳеч ким арзон ижара тўловилик хонадоннинг йўқлиги сабабли университетдаги жойидан воз кечишга мажбур эмас эди.

Талабалар хонадонлари билан шуғулланувчи ассоциацияларнинг кўпчилик қисми, давлат 1966 йилдан бошлаб талабалар хонадонларини қуришни молиялаштиришни бошлаганидан сўнг, 1960 йилларнинг охирларидан то 1970 йилларнинг бошларигача бўлган даврда ташкил қилинган эди. Талабалар ташкилотлари жамғармалар каби ҳаракат қилувчи, ўхшаш ассоциацияларни ташкил қилдилар, шаҳарлар акционерлик жамиятлари шаклидаги ассоциацияларни ташкил қилдилар. Ассоциациялар бошқарувига ўз фаолиятларидан қатъий назар ҳам талабалар ва яшовчилар вакиллари, ҳам шаҳар вакиллари кирардилар.

Талабалар хонадонлари муаммосини ечиш, фин жамиятидаги шунга ўхшаш муаммолар қандай ечилаётганлиги ҳақидаги одатий мисолдир. Оз бўлган бюджетга қарамай, 30 йилдан кўпроқ вақт олдин мамлакатнинг турли шаҳарларида хонадонлар қурилиши бошланди. Уйлар давлат кредити ҳисобидан муниципалитетлар ажратган майдонларда босқичма-босқич, битталаб қурилар эди.

Ҳозирда эса, 40 йил ўтганидан сўнг ишлар тамомланди. Кредитлар аввалгидек тўлаб борилмоқда, эскироқ уйлар яхши таъмирлаб бўлинган, лекин талабалар хонадонлари билан бўлган ҳолат мунтазам равишда яхши томонга қараб кетмоқда. Талабалар хонадонларини қуришнинг бошланиши билан боғлиқ ҳолда, талабалар ташкилотлари ва уй-жой бирлашмалари ўртасида хонадонларни қуриш, ҳамда улардан фойдаланишнинг умумий омиллари бўйича келишув тузилди. Ушбу омиллар ҳозирги кунга қадар ҳам амал қилмоқда ва кўпгина қабул қилинган қарорлар, қолган Европа мамлакатларида амалиётда бўлганларидан фарқ қилади.

Ҳар бир шаҳарда биттадан талабалар ассоциацияси ташкил қилинган эди. Ушбу ташкилот янги уй-жой қуриш ва талабаларнинг эски хонадонларини қониқарли даражада тутиш билан шуғулланади. Ушбу масалалар ўқув муассасаларининг ваколатига кирмайди.

Талабалар хонадонлари ўқув муассасаларининг измида бўлмагани ва уларнинг қурилишида давлат кредитидан фойдаланганлиги сабабли барча талабалар, ўзлари таълим олаётган ўқув муассасасидан қатъий назар, асосий мактабни битирганларидан сўнг уларда таълим олиш вақтида яшаш ҳуқуқига эга. Кўпчилик Европа мамлакатларида, талабалар хонадонлари фақатгина олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган. Шунингдек, Европа мамлакатларида оилали талабалар ўзлари учун одатда бошқа уй-жой излайдилар. Финляндияда эса талабалар хонадонларининг учдан бир қисми оилали талабалар учун бўлган хонадонлардир.

Агарда бир неча истиснолар инобатга олинмаса, Финляндияда талабалар шаҳарчалари қурилмайди. Хонадонларнинг одатий уй-жой туманларида жойлашиши умумий хоҳиш эди. Фин талабалар хонадонлари умумий ётоқхоналар эмас, улар талабаларга ижарага берилувчи оддий хонадонлардир. Одатда, улар бир неча талабанинг биргаликда яшашлари ёки оиланинг яшаши учун мос келадиган, икки ёки уч хонали хонадонлардир.

Финляндияда ўқув муассасалари яқинида арзон ва хавфсиз уй-жой қурилиши бўйича мақсадларга эришилган эди. Талабалар хонадонлари билан шуғулланувчи ташкилотлар, ўқув муассасаларининг хорижий талабаларни жалб қилиш сиёсатини ҳам қойилмақом даражада уддаладилар. 2016 йилда барча талабалар

хонадонларини ижарага олганларнинг 17 фоизи чет эллик талабалар эди. Интернационаллаштириш – талабалар хонадонларида ҳам одатий ҳолатдир.

Улла-Мари Карху,

*2000-2008 йилларда «Талабалар уй-жойи» жамғармасининг ижрочи
директори*

65. 24-СОАТ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИГАН ХОНАДОНЛАР

Юзлаб тадбирларда мен тингловчиларга, Финляндиядаги хизмат кўрсатиладиган хонадонларда яшовчиларнинг энг катта гуруҳига ким кириши тўғрисидаги саволни берар эдим. Ушбу тушунча барча қулайликларга эга бўлган ва яшовчиларга кечаю-кундуз персонал томонидан хизмат кўрсатиладиган ёки кузатиб туриладиган хонадонлар ифодаланadi. Ҳеч ким тўғри жавоб беролмади. Кўпчилик жавоб тариқасида кекса инсонларни, баъзан ҳаттоки қамоқдаги маҳбусларни ҳам келтирди.

Тўғри жавоб: бу биз, оилали одамлар. Уйланган эркакнинг турмуш ўртоғи доимо қўнғироқ қилади ва бошлайди: қачон уйга келасан, музлатгич бўм-бўш, мушукнинг овқати йўқ, ким билан пиво ичасан, кечагидек кўп ичмагин. Назорат қаттиқ, лекин эрталабги нонуштада уни бир соатдан бери ўчоқда кутиб турган тайёр каша кутмоқда. Хизмат кўрсатиш аъло даражададир. Ёлғиз кишиларчи? Ким уларга қарайди?

Финляндия кекса ва ёлғиз инсонларга ғамхўрлик қилувчи муассасалар сони бўйича, дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллар эди. 1980 йилларда уларнинг ўрнига амбулатор тизими келди. Кекса инсонлар сонининг ошиши ва аҳолининг кексайиб бориши давомида, аввалига қариялар уйлари, сўнгра васийлик уйлари, кейинчалик эса яхлит уйлар қурилиши бошланди. Бора-бора ушбу муассасалардаги яшовчилар учун кундузги вақтда ҳам хизмат кўрсатиш йўлга қуйилди. Ва ниҳоят, хизмат кўрсатиш кечаю-кундуз амалга ошириладиган бўлди.

65 ёшга тўлмаганлар жамият томонидан умуман унутилган эдилар. Рухий касалликлар шифохоналари сонини қисқартириш туфайли, уларнинг сони 2000тадан 6000тагача тушиб қолди,

беморлар такрорий ижарага берилувчи ва қоникарсиз аҳволдаги умумий ётоқхоналарга, шунингдек, ғамхўрлик уйлари ва реабилитация уйларига ўтказилган эди. Ушбу ўзгаришлар ривожланишидаги нуқсонларга эга одамларга ҳам таъсир ўтказди. Ичкиликбозликдан азият чекаётган одамлар ҳам, озодликка чиққан маҳбуслар сингари қоникарсиз аҳволдаги тор ётоқхоналарга жойлаштирилди.

1970 йилларда, Швециядан 20 йил кечроқ, такрорий ижара амалиётига талабалар хонадонларининг қурилиши туфайли барҳам берилди. Бундай шароитларда руҳий касаллар, ривожланишидаги нуқсонларга эга инсонлар, кексалик склерозига чалинган кексалар, ҳамда неврологик фаолиятларидаги бузилишларга эга бўлган инсонлар яшашга мажбур эди. Бундай одамлар минглаб миқдордадир.

1988 йилда қабул қилинган ва ривожланишида нуқсонларга эга инсонларга хизмат кўрсатиш тўғрисидаги қонунга биноан, ушбу инсонлар гуруҳининг яшаш шароитлари 1992 йилга келиб яхшиланиши керак эди. Қонун амалга киритилди, лекин ўзгартиришлар кўриш ва эшитиш қобилияти, ҳамда таянч-ҳаракат тизимининг ёмон эканлиги сабабли ногиронликка эга бўлган одамларгагина таъсир қилди. Ногиронлар ишлари билан шуғулланувчи ташкилотлар томонидан, бундай одамлар учун бир неча мингта бир хоналик алоҳида хонадонлар қуриб берилди. Бироқ, ногиронларга алоқадор қонун ва фармойишлар, руҳий касаллар ва ривожланишидаги нуқсонларга эга бўлган инсонлар бўйича амал қилинмади. Шу сабабли, уларнинг яшаш шароитлари уларнинг ижтимоий мавқеи сингари, ўша даражада қолди. Ёшлигида касал бўлганлар, ёшлар ҳаёти учун шарт-шароит яратиб бериш учун эмас, балки кексаларга мадад беришга мўлжалланган қариллик ва меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақанигина оладилар Хизмат кўрсатиладиган хонадонларни уч йирик гуруҳга ажратиш мумкин:

- 1 Ёлғизлар қисми: руҳий касалликларга эга бўлган инсонларнинг алоҳида яшаётган, уй юмушларини мустақил эплотмаётган 10 фоизга яқин қисми;

2 Хизмат кўрсатиладиган хонадонларнинг тармоғи ёрдамида, руҳий касалликлар шифохоналарида яшовчи минглаб беморларни олиб чиқиш ва катта маблағларни сарфламаган ҳолда, уларга қолган одамлар каби яшашга имкон бериш мумкин бўлар эди;

3 70000 нафарга яқин фин ўз кекса қариндошлариникида яшамоқда. Улар қаторида амалдорлар, талабалар, шунингдек ўз кекса ота-онасига қараётган бўйдоқ фарзандлар ҳам бор. Лекин, энг кўп қисмини уйланмаган эркаклар (85%) ва турмушга чиқмаган аёллар (15%) ташкил қилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар, бутун гуруҳни камраб оладиган тўлақонли тадқиқот олиб борилмаган эди. Антти Мяки ўз ота-онасиникида яшаётган ва ривожланишида нуқсонга эга бўлган 3500та вояга етганлар тўғрисида докторлик диссертациясини тайёрлади. Диссертациянинг номи ҳам кўп нарсани англатмоқда: «Мен ўз фарзандларимдан кўра бир кун кўпроқ яшашни истар эдим». Ушбу гуруҳга мансубларнинг кўпчилиги янада мустақил ҳаётга эга бўлишни, масалан, хизмат кўрсатилувчи хонадонларда яшашни хоҳлар эди. Лекин, улар одатий юмушларни мустақил равишда бажаришга қодир эмаслар, пансионат ёки шифохонада яшашни эса, табиийки истамайдилар.

Ҳисоб-китобларга қараганда, камида 2000та хизмат кўрсатилувчи хонадон руҳий касаллар учун, айни шунча миқдорда ривожланишида нуқсонларга эга инсонлар учун, хонадонларнинг бир қисмини неврологик фаолиятларидаги бузилишларга эга инсонлар, ичкиликбозликдан азият чекаётганлар ва қамокхонадан чиқиб келганлар учун қуриш мақсадга мувофиқдир. Бундай хонадонларни курмасдан Финляндиянинг уй-жой масаласига ечим топишнинг иложи йўқдир. Уларнинг қурилишини қисман даволаш муассасаларини молиялаштириш маблағларини тежаш ҳисобидан амалга ошириш мумкиндир. Қолаверса, муаммо қурилишнинг ўзидагина эмас, балки бу масала бўйича қарорларнинг ханузгача ҳам хусусий уй-жойлар, кўпинча хизмат кўрсатувчи сифатсиз хонадонлар қурилишига сармоя киритишни маъқул кўрадиган 500та муниципалитетларда қабул қилинишидадир. Асосий шарт бўлиб

хонадоннинг аҳволи бўлиши керак, хизмат жисмоний шахс томонидан ҳам кўрсатилиши мумкин.

Финляндия Ўйин автоматлари ассоциацияси, «Ү» жамғармаси, «АСПА» Хонадон хизматларини кўрсатиш жамғармаси ва бошқа турдаги жамғармалар, мисол учун Хельсинкидаги «Нурмикоти» жамғармаси, Тампередаги «Сопимусвуори», Хямеенлиннадаги Маҳсус уй-жой жамғармаси, ҳамда маҳсус парвариш қилиш бўйича ташкилотлар ва Финляндиядаги ногиронлик масалалари билан шуғулланувчи кўпгина бошқа ташкилотлар хизмат кўрсатилувчи хонадонлар тармоғини қуриш билан шуғуллана бошладилар.

Ҳозирги кунда, 65 ёшга тўлмаганларнинг чорак қисмигина ўз эҳтиёжларига қониқмоқда. Ушбу муаммонинг ечими янада тезроқ суръатларга мухтождир.

Илкка Тайпале,

1971-1975, 2000-2007 йилларда Парламент депутаты

66. ФИНЛЯНДИЯДАГИ ЛЎЛИЛАРНИНГ АҲВОЛИ

Лўлилар Финляндияга XVIII асрнинг охирларида, Швеция ва Россиядан келдилар. Бутун Европадаги каби, Финляндияда ҳам уларга салбий муносабатда бўлинар эди. Лўлиларнинг аҳоли ичига тўлиқ сингиб кетиши ҳали 1900 йилларнинг бошлариданок Финляндиянинг мақсади бўлган эди. Лўлилар Қиш уруши ва 1941-1944 йиллардаги совет-фин уруши вақтида фронтда жанг қилганлар.

1953 йилда лўлилар масаласини ўрганиш, хусусан уларни жамиятнинг одатий яшаш тарзига ўргатиш, уларнинг меҳнат фаолиятини бошлатиш ва таълим олиш бўйича уларнинг мажбуриятларини бажариш доирасидаги вазифалар юклатилган Лўлилар масалалари бўйича Қўмита ташкил қилинди. 1956 йилда ҳукумат лўлиларнинг яшашларидаги ижтимоий шароитларнинг ривожланишини кузатиш, ҳамда парламентга зарур таклифларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш мақсадида Маслаҳат комиссиясини таъсис қилди. Маслаҳат комиссияси лўлилар аҳволини яхшилаш бўйича энг аҳамиятли ташкилотдир.

1960 йилларнинг радикализи кам маълумотли лўлиларнинг ҳаётдаги йўқотишларига зарба берди ва озчиликлар, камбағаллар,

касаллар ва камситилганларнинг жарчиси бўлди. Шу муносабат билан Ноябрь ҳаракатини эслатиб ўтиш керак. 1967 йилда жамоатчилик учун муҳим мақола бўлган «Мажбурий ёрдамчилар» чоп этилди ва унда биринчи бор жамиятнинг кам маълумотли қатламлари, шу жумладан лўлилар тўғрисида ҳам очиқчасига сўз борди.

Шунингдек, 1967 йилда парламентга йўналтирилган «Лўлилар муаммоларини ҳал этиш ва амалда чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича субсидиялар тўғрисида»ги петиция 1960 йиллардаги радикализмнинг тимсоли бўлди. Бу лўлиларнинг «имтиёзлари»га рияз қилиш ва ушбу жараёнда қатнашиш бўйича «озчилик ҳуқуқи» аниқ кўрсатилган илк таклиф эди. Айтиш мумкин ўша вақтда лўлилар Маслаҳат комиссияси таркибида ўз вакилига эга бўлдилар.

Лўлиларнинг аҳволи масаласи уй-жой масаласида аниқ шаклга эга бўлди. 1975 йилда уй-жой тўғрисидаги вақтинчалик қонун ва унга киритилган махсус молиялаштириш дастури қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади, 1980 йилга келиб лўлиларнинг яшаш шароитларини бошқа аҳолининг аҳволи билан бир хил даражага етказишдан иборат эди. Кейинчалик, қонуннинг амал қилиш муддати яна бир йилга узайтирилди. Ушбу қонун унга бошқа озчиликларга нисбатан алоҳида мақом бериш орқали имтиёзлар берадиган, этник гуруҳнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган қонун намунаси бўлди. Бошқа сўз билан айтганда, ушбу қонун ижобий камситишнинг мисоли бўлди. Лўлиларнинг яшаш шароитлари сезиларли даражада яхшиланган бўлсада, тажриба қийин аҳволда қолган барча лўлиларнинг яшаш шароитларини махсус қонун орқали ўзгартиришнинг иложи йўқлигини кўрсатди. Ушбу қонунда белгиланган мақсадларга тўлиқ эришилмади. Лўлиларнинг уй-жой ҳолатини яхшилашнинг янада самарали усули – бу ижарага бериладиган хонадонларнинг қўшимча қурилишидир.

1980 йилларда белгиланган Лўлилар ишлари бўйича янгиланган Маслаҳат комиссиясининг вазифаларидан бири, лўлиларнинг ўзларига тегишли масалаларга янада кўпроқ таъсир қилишлари учун шароит яратиб бериш эди. Фикрлаш тарзидаги бундай ўзгариш 1992 йилда Финляндиянинг асосий ҳуқуқлар Қўмитаси томонидан тайёрланган ҳисоботда яққол кўзга ташланган эди. Унда барча

фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ўз тили ва маданиятидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга эканликлари таъкидланган.

1995 йилда асосий ҳуқуқларга тегишли қонун кучга кирди. Бундан буён камситиш таъқиқланди: ҳеч ким бирон бир сабабсиз жинси, тили ва дини, келиб чиқиши, айтган фикри, эътиқоди ёки инсон соғлигининг аҳволи асосида камситишга ҳақли эмас эди. Келиб чиқиши дейилганда ҳам миллий ва этник келиб чиқиши, ҳам жамиятдаги тутган ўрни назарда тутилади. «Келиб чиқиши» сўзи ирқ ва тана рангини ўз ичига олади деб кўрилади.

Қонунда айтилишича: «Саамлар туб халқ сифатида, лўлилар ва қолган гуруҳлар каби ўз тили ва маданиятини сақлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эга». Қонунда фақатгина саамлар ва лўлилар эсга олинган бўлсада, қонун Финляндияда яшовчи барча этник озчиликларга ҳам тегишлидир. Она тили шахснинг шакллантирилишида муҳим омил ҳисобланади. Она тилини ўқитиш тўғрисидаги қонунга биноан, она тиллари саам тили, лўлилар тили ёки имо-ишора тили, ёки мамлакатда яшовчи иммигрантлар сўзлашадиган бошқа бирон-бир тил бўлган ўқувчилар, ҳафтасига камида икки соатга тенг миқдорда ўз она тилида таълим олиш ҳуқуқига эгалар. 1996 йилда Финляндия Тил тадқиқотлари институти қошида, лўлилар тилини ўрганиш ва ривожлантириш билан шуғулланувчи Лўлилар тилини ўрганиш Кўмитаси тузилди. Болаларни болалар боғчасида тарбиялаш тўғрисидаги қонунда, лўлилар тили ва маданиятини лўлиларнинг ўзлари билан биргаликда кўллаб-қувватлаш ҳақида айтилган. Ушбу қонун бошланғич мактаблар, гимназиялар ва катта ёшдагилар учун мактабларга ҳам тегишлидир.

Бугунги кунда лўлилар барча фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларига бўйсунадилар. Финляндияда яшовчи лўлилар бир вақтнинг ўзида ҳам финлар, ҳам лўлилардир. Уларнинг ўзлари ҳам шундай ҳисоблайдилар. Фин лўлиларининг деярли чорак қисми Швецияда истиқомат қилади, шунинг учун улар ушбу икки мамлакат орасида кўп саёҳат қиладилар. Уларнинг кўпчилик қисми шаҳарларда истиқомат қилади ва кўплари ўз хонадонларига эга. Уларнинг кўпчилиги лютеран черковига мансуб. Гарчи қонунчилик холис бўлсада, жамоатчиликнинг муносабатлари кўпинча эски қарашлар билан тавсифланади. Лўлилар мамлакатнинг бошқа

аҳолиси каби олий маълумотга эга бўлмаганликлари сабабли, улар иқтисодий ва ижтимоий жихатдан заиф аҳволдалар. Ўн минг фин лўлиларида қарийб ярми иш жойига эга эмас ва иш берувчиларнинг уларга бўлган муносабатлари туфайли ишга кириш қийиндир.

Охирги йилларда ёш лўлиларнинг маълумот даражаси сезиларли даражада ўсди. Маориф бошқарувида лўлилар таълими бўйича бўлим ишлаб келмоқда ва университетда лўли тили ва маданияти ўқитилмоқда. 2012 йилда Фин адабиёти жамияти томонидан нашр қилинган «Фин лўлилари тарихи» китоби чоп этилди. Лўлилар муסיқаси фаол ҳаёт кечирмоқда. Romani Mirits радио дастурини лўли-бошловчи олиб бормоқда. Финляндия мустақиллигини нишонлаш бўйича президент қабулига, лўлилар диаспораси вакиллари 1990 йилларнинг ўрталаридан бери мунтазам равишда тақлиф қилинмоқда.

Кюости Суонойя,

доцент, 2004-2006 йилларда «Romano missio» жамиятининг раиси

67. УЙ-ЖОЙ БОШҚАРУВЛАРИ

Кўп қаватли уйларга эгалик қилиш ва бошқаришни қандай қилиб самарали ташкиллаштириш мумкин? Ушбу савол дунёдаги кўпчилик мамлакатларга тегишлидир. Умумий бинолар ва бино иншоотларининг (томлар, деворлар, кириш қисми, лифт, ҳамда сув-оқава тизими ва электр жиҳозлари) узлуксиз ишлаши ва хизмат кўрсатилишини таъминлаш алоҳида масала касб этади. Аксарият мамлакатларда бундай ҳолатлардаги юридик ечим сифатида кондоминиум моделидан фойдаланилади. Ушбу модел хусусий мулк сифатида хонадонларга эгалик қилиш тамойилига асосланади ва ундаги умумий хона ва иншоотлар хонадон соҳибларининг умумий мулки сифатида, яъни умумий мулк унсурлари бўлиб қолади.

Кондоминиум моделининг муаммоси, ҳиссаларга биргаликда эгалик қилувчилар (истиқомат қилувчилар) томонидан уй-жойдаги умумий хоналарни биргаликда ташкил қилинган таъмирлаш ва сақлашни бу иш учун махсус тарзда яратилган ишчи гуруҳсиз амалга оширишдир. Табиийки, бундай қарор ўзидан маъмурий қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шубҳасиз, кондоминиум ва шерикчилик моделларини бирлаштириш янада яхшироқ ечимдир. Бироқ, бу моделнинг ҳам ўз камчиликлари мавжуд. Умумий иншоот ва хоналар бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳар доим ҳам аниқ ва тез жараён эмас. Умумий хона ва иншоотларни таъмирлаш учун кредит олиш амалда жуда қийиндир. Кўпчилик ҳолларда кредит олиш уй-жой эгаларининг барчасидан кредитни қайтариш бўйича кафиллик олишни назарда тутди. Бошқача қилиб айтганда, кредит олиш учун мулк эгаларининг барчасидан имзо талаб қилинади. Буни амалга ошириш кўпчилик ҳолларда жуда қийиндир. Лекин бу қисмда ҳам, ривожланган мамлакатларда қонунчилик орқали бириктирилган ва амалда қўлланилиши мумкин бўлган ечимлардан фойдаланилади.

Финляндияда ушбу муаммо 1920 йиллардан бошлаб, қаторли ва кўп хонадонли турар-жой уйларининг эгалик модели орқали ҳал қилинмоқда. Модел иншоотларнинг хонадонлар акциядор жамиятига қарашли эканлигига асосланади ва ундаги акциялар маълум хонадонларга мўлжалланган тарзда бўлинади. Эгалик қилишнинг ушбу модели бўйича алоҳида қонун тайёрланган эди. Хонадонлар акциядор жамиятидаги мулкка эгалик қилиш, маълум бир хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш тарзида бўлиб чиқилган акцияларга эга бўлишга асосланади. Ҳар бир хонадоннинг ушбу хонадон бўйича кредит олишга гаров бўлиши мумкин бўлган ўз акциялар пакети мавжуддир.

Қарорлар қабул қилишдаги олий орган бўлиб, бир йилда камида бир маротаба тўпланадиган акциядорлар йиғилиши ҳисобланади. Акциядорлар йиғилиши қолган нарсалар қаторида ойлик истиқомат ва коммунал тўловлар миқдори ҳам кўрсатилган бюджетни тасдиқлайди. Йиғилишда йирик таъмирлаш ишларига алоқадор қарорлар ҳам қабул қилинади. Қарорлар одатда кўпчилик тамойили бўйича қабул қилинади.

Йиғилиш ўзи томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини, хонадонлар жамиятининг маъмурий бошқарувини, уй-жойдан тўғри фойдаланиш ва бошқа тадбирларнинг бажарилишини таъминлайдиган бошқарувни сайлайди. Бошқарув бухгалтерия ишлари ва маблағларни сарф қилишни тўғри ташкил қилиш учун ҳам жавобгардир. Кўпгина уй-жой бошқарувларида бошқарув томонидан сайланадиган бошқарувчи ҳам бор.

Бошқарувчи коммунал хизматларини тўлаб бориш ва ўртоқликнинг бухгалтерияси устидан назоратни амалга оширади.

Бошқарувчилар коида сифатида ушбу хизматларни таклиф қилувчи идоралар қошида ишлайдилар. Одатда бошқарувчи бухгалтер ва кўп ҳолларда, биноларни таъмирлаш ва сақлаш бўйича ихтисосга эга бўлган техник масалалар бўйича бошқарувчи ёрдам беради.

Кириш қисмини тозалаш ва таъмирлаш ишларини бажариш каби бошқа хизматлар, четдаги ташкилотлардан буюртма қилинади. Айни шу нарса катта таъмирлаш ишларини режалаштириш ва турли хилдаги хизматларни бажариш бўйича тендер ўтказишни тайёрлашга ҳам тегишлидир.

Хонадонларга тегишли бўлган акциялардан хонадонни харид қилиш ёки таъмирлаш учун кредит олишда фойдаланиш мумкин. Ўртоқлик таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун кредит олиши ҳам мумкин. Бу эса, жуда қулай шартлар бўйича кредит олишга имкон беради.

Кредит бўйича фоизлар ўртоқлик томонидан ойма-ой равишда, уларнинг миқдори ўртоқлик бошқарувининг маоши, таъмирлаш ишлари ва марказий иситиш тизимининг ҳаражатларини қоплашга етарли бўлган коммунал тўловлар билан биргаликда тўлаб борилади. Агарда хонадон эгаси коммунал тўловлар ва ўртоқлик томонидан олиб борилаётган таъмирлаш ишлари бўйича тўловларни амалга оширмаса, у ҳолда ўртоқлик ушбу хонадонни керакли муддатга ўз фойдаланишига олиши ва ундан келиб тушадиган ижара ҳақи ҳисобидан, тўланмай қолган маблағни шу йўл билан қоплаши мумкин. Ушбу ҳолатда мулк эгаси мулкка эгалик ҳуқуқини йўқотмайди.

Ушбу тизим кўпгина афзалликларга эга. Биринчидан, қарорларни қабул қилишдаги ваколатларнинг тақсимланиши аниқ ва кўчмас мулкнинг эгаси ягона бўлмоқда. Иккинчидан, кредитнинг олиниши ҳам ўртоқликдаги, ҳам хонадонлардаги таъмирлашга имкон яратмоқда. Қарорлар қабул қилишнинг аниқ жараёни натижасида, уй-жой умумий хоналар ва иншоотлар сингари яхши аҳволда тутилмоқда. Ушбу ҳолатда хонадоннинг нархи пасайиб кетмайди ва яшашнинг қулайлиги юқори даражада қолади.

Акцияларнинг эгаси сифатида ҳам жисмоний, ҳам юридик шахс бўлиши мумкин. Жисмоний шахс хонадонда ўзи ҳам яшаши мумкин, уни ижарага ҳам бериши мумкин. Юридик шахслар сифатида фирма, муниципалитет ёки ташкилотлар бўлиши мумкин. Шундай қилиб, хонадонлар акциядорлик жамияти модели, хусусий ва ижарадаги хонадонларни айти бир уйга бирлаштиришга имкон беради ва ижтимоий яққаланиб қолишнинг олдини олади.

Мартти Луйянен,

Атроф-муҳит вазирлигининг фахрли бош директори

68. МЕҲНАТ НАФАҚАЛАРИ ТИЗИМИ

Меҳнат нафақасига бўлган эҳтиёж фин инновацияси эмасдир: барча ривожланган мамлакатларда даромадларнинг кўп қисми иш ҳақига асосланади. Инсон маълум бир ёшга етганда ёки соғлиги ёмонлашганда ва энди ишлашнинг иложи бўлмаган вақтда, меҳнат нафақасини тўлаш бошланади. Меҳнат нафақаси иш ҳақини йўқотиш ҳолатидан суғурта қилишдир.

Нафақа тизимлари доирасидаги асосий ечимлар (суғурта (ёки меҳнат) нафақаси ёки нафақанинг ихтиёрий қисми) ёки молиявий-техник тафовутлар (таксимлаш тизими ёки нафақа режаси) ҳам, уларнинг турли оралик вариантлари сингари фин инновациялари эмасдир.

Меҳнат нафақалари ва меҳнат бозори ўртасидаги мураккаб ўзаро муносабатлар тизими ҳам фин топилмаси эмасдир. Кўпгина мамлакатларда нафақа тизимлари ҳам Финляндиядагидек ривожланиш босқичларидан ўтди: аввалига меҳнат бозорини ёш авлод учун бўшатиш мақсадида эрта нафақалар тизимидан фойдаланиш имконияти пайқаб олинди, кейинчалик эса ушбу нафақа модели келтириб чиқарувчи кийинчиликлар сезилиб қолди.

Меҳнат нафақасига тегишли кўп сонли схемаларни ягона амалий ечимга бирлаштириш усулини Фин инновацияси деб ҳисоблаш мумкин. Унинг ёрдамида ушбу яхлит ечимнинг жамиятдаги ҳар қандай вазиятга мос келиши ва ўзгаришлардан қатъий назар, унинг асосий тушунчасининг ўзгармаслигини, жамиятда юз бераётган ўзгаришлар эса барча жамият қатламларига бир хил даражада таъсир

қилишини тартибга соладиган қарор қабул қилиш модели ҳам фин ихтиросидир.

Биз нафақани иш ҳақи ўрнига оламиз. Нафақанинг миқдори иш ҳақининг миқдорига боғлиқ ва иш ҳақининг 60 фоизи атрофидадир. Ушбу кафолат барчага тааллуқли бўлиши керак, шунинг учун ушбу тамойил қонунда белгилаб ўтилган ва ҳамма учун амал қилинади. Шунингдек, қонунчилик иш жойи ўзгарганда ҳам нафақанинг сақланиб қолишини кафолатлайди. Нафақа тизими шу тарзда Европа Иттифоқининг тўртта асосий эркинликларидан бири бўлган меҳнат ҳаракатини қўллаб-қувватлайди.

Агарда нафақада кафолат сифатида истеъмол нархларига мос келадиган индексация бўлмаса, у ҳолда нафақа инфляция ошганда самарасиз бўлиб қолади ва ўз вазифасини бажара олмайди. Шунинг учун инфляцияга мос келадиган ёки ундан ҳам ошадиган индексация керак. Инфляция ундан суғурта қилса бўладиган хавф эмасдир, шунинг учун инфляция натижасидаги ҳаражатлар бўйича жавобгарлик, индексацияни кафолатлайдиган умумий тақсимлаш тизими зиммасидадир.

Қисман, аммо сезиларли бўлган олдиндан молиялаштириш, турли авлодларнинг нафақаларидаги фарқларни бартараф этади. Натижада, бу миллий иқтисодиёт доирасида сезиларли маблағларнинг шаклланишига олиб келди (180 миллиард евро, яъни ЯММнинг 85 фоизи). Маблағлар туфайли тўловлар бўйича фойзлар нафақа ҳаражатларига нисбатан анча секинроқ ва камроқ ўсмоқда.

Финляндияда нафақа масалалари билан бир қатор ташкилотлар шуғулланади: нафақа бўйича суғурта жамиятлари, нафақа жамғармаси ва нафақа кассалари. Фойда нафақа ташкилотига боғлиқ бўлмаган вазиятда, жамғармадан олинмайдиган фойда ва тўловларнинг барча нафақа ташкилотлари ўртасида тақсимланиши ва жамғармага жойлаштирилиши шарт бўлган усул керакдир. Ушбу жараён пухта тадқиқ қилиш ва ҳаражатларни аниқ тақсимлаш билан биргаликда олиб борилади.

Монополиянинг йўқлиги ҳам маълум даражадаги рақобатни яратишга имкон беради. Қонунчиликда белгиланган нафақани таъминлашдаги рақобат билан иш дунёсидаги рақобатни солиштириш мумкин эмас. Бироқ, сармоя киритиш соҳасида хизмат кўрсатишнинг ҳам сифат, ҳам самарадорлиги бўйича монополиянинг

йўқлиги, рақобат учун одатдаги давлат нафақа тизимларидаги амалиётлардагидан кўра яхшироқ шарт-шароитларни яратиб беради.

Марказсизлаштириш туфайли миллий иктисодиёт доирасидаги капиталнинг катта миқдори, катталиги жиҳатидан хавф келтирувчи таҳликали жамғармаларгача ўсиб бормайди. Монополиянинг йўқлиги суғурталанган мижоз нуктаи назари бўйича нафақа жамғармалари билан амалиётларни мураккаблаштирмайди. Бу ерда охирги муассаса тамойили амал қилади - мижоз учун битта нафақа муассасаси билан иш олиб бориш етарлидир.

Нафақа таъминоти тизими ижтимоий соҳадаги фин инновацияларининг энг ёркин мисолидир. Бу турли хил даврларда жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш учун, биргаликдаги ҳаракат орқали ривожланаётган бир неча унсурлардан ташкил топган яхлит бир бутундир.

Кари Пуро,

*1991-2006 йилларда «Ilmarinen» нафақани суғурталаши
жамғармасининг ижрочи директори*

69. БОЛАЛАР МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМИ

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Финляндия камбағал, кўп жиҳатдан вайрон бўлган мамлакат эди. Аёллар иш жойларида эркакларни қисман ўрнини эгаллаган ва ўзлари пул топаётган эди. Одатда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган мамлакатимиз, 1960 йилларда ёшлар шаҳарга ўқиш ва ишлаш учун жўнаб кетганида, Европадаги урбанизациянинг энг тез жараёнини бошидан кечирди. Бу меҳнат бозоридаги аёлларнинг иштирок этиши зарурлигини янада кучайтирди. Ўша пайтларда болаларга қарашнинг ривожланган тизими ҳали йўқ эди.

1973 йилда муниципалитетларга болаларга қарашни ташкиллаштириш мажбурияти, давлатга эса ушбу фаолиятни субсидиялаш орқали қўллаб-қувватлаш мажбуриятини юклаган, болаларга қараш тўғрисидаги қонун кучга кирди. Қонунни ишлаб чиқиш жараёни давомида, мамлакатда болаларни муассасаларга жойлаштириш мавзусидаги кизғин мунозаралар олиб борилган эди. Улар давомида ўнг қанотдагилар, тарбияни уй шароитида олишнинг

ахамиятли эканлигини таъкидлаган ҳолда қонунга қарши чиқдилар. Чап қанотдагилар эса аксинча, меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятга ишора қилдилар. Ушбу қонун ижтимоий инновация бўлиб қолган, оилавий болалар боғчаси тарбиячиси касбини келтириб чиқарди. Оилавий болалар боғчаси тарбиячиси ўз болалари ва бошқа ота-оналарнинг болаларига қараш билан шуғулланар эди. Гуруҳ жами бешта боладан иборат эди. Бу иш учун улар маош (уни ота-оналар ва муниципалитет тўлар эди) олишар ва нафақалари йиғилиб борар эди. Иш учун тегишли маълумот талаб қилинар эди.

1980 йилларнинг бошларида болаларга қараш тизимининг ривожланиши, жамиятдаги вазиятнинг талаб қилганидек етарли даражада самарали эмас эди. Болаларга қараш бўйича ота-оналарга бериладиган иш таътили 9 ойгача узайтирилди. Собиқ аграр партия бўлган центристлар партияси, уйда болаларга қараш учун нафақа тўлаш бўйича қонунни ишлаб чиқди. Қонун мактабгача ёшда бўлган болаларга уйда қараш учун ота-оналарнинг бирига нафақа тўлашни назарда тутди. Чап қанотдагилар ушбу қонунга қарши чиқдилар. Улар қонуннинг аёллар учун тузоқ бўлиб қолишидан хавфсирадилар. Аёллар меҳнат ҳаётидан четда қолиб кетишлари, шу тарзда меҳнат бозоридаги энг ёмон аҳволда қолишлари ва кейинчалик, ўз нафақа тўловлари бўйича ютқазиб қўйишлари мумкин эди. 1984 йилда яна бир ижтимоий инновацияни келтириб чиқарган сиёсий келишувга эришилди – 1990 йилга қадар бир неча босқичда кучга кирган, мактабгача ёшдаги болаларга қараш қонун қабул қилинди.

Мактаб ёшигача болаларга қараш тўғрисидаги қонун, ота-оналарга декрет (ўша вақтда 11 ой давом этарди) таътилидан сўнг муниципалитет ёки оилавий болалар боғчасидаги жойни олиш, ёки ўз хоҳишлари бўйича ишлатишлари мумкин бўлган болаларга уйда қараш учун нафақа олишни танлаш ҳуқуқини берди. Танлаш ҳуқуқи 3 ёшдан кичик болаларга эга бўлган оилаларга берилар эди. Болаларга қараш тўғрисидаги қонуннинг мақсади, энг кичик болаларнинг парваришини таъминлашдан иборат эди. Бу муниципалитетлар учун болаларга қараш бўйича хизматлар сонининг сезиларли даражада ортиб кетишини аниқлар эди, аммо бунга давлатнинг молиялаштириши орқали эришилди.

1990 йилларнинг ўрталарида, Финляндиянинг иқтисодиёти Европа Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотига аъзо бўлган

мамлакатлар бошидан кечирган энг кучли иктисодий инкироздан сўнг яна ўсишни бошлаган вақтда, болаларга қараш масаласи яна долзарб бўлиб қолди. Ўша вақтда парламентда қизиқарли воқеани кузатиш мумкин эди – барча партияларнинг аёллари бирлашдилар ва биргаликдаги ҳаракатлар орқали болаларга қараш ҳуқуқи 1996 йилдан бошлаб барча мактабгача ёшдаги болаларга қўлланилишига эришдилар. Бу бошқа инновациянинг келиб чиқишига асос бўлди: барча оилаларнинг ихтиёри бўйича ўз болаларини муниципалитетнинг болалар боғчаларига жўнатиш ҳуқуқига. Муниципалитетлар болаларга кундузги қарашни ташкил қилишга мажбурлар. Буни амалга ошириш учун хусусий болалар боғчалари хизматларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ҳозирги пайтда Финляндиядаги болалар боғчаларидаги болалар сони Европа Иттифоқидаги ўртача даражадан камроқ – ярмидан салгина кўпроқ (2016 йилда 54%). Уч ёшга тўлмаган болаларнинг деярли ярми уйда тарбияланади. Оилавий болалар боғчаларига аввалдагидек мактабгача ёшдаги болаларнинг 10 фоизи боради. Ҳозирги кунда болалар мактабга бориш вақтидан бир йил аввал тайёрлов синфига боришлари мумкин. Мактабгача таълим 2015 йилда Таълим Бошқаруви ваколатига топширилди. Бепул мактабгача таълим кўпгина сиёсий партияларнинг вазифалари каторидадир.

Ваппу Тайпале,

1982-1984 йилларда Ижтимоий масалалар ва соғлиқни сақлаш бўйича вазир,

1992-2008 йилларда «Stakes»(Ижтимоий хизмат ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги илмий-тадқиқот маркази) Бош директори

70. БОЛАЛАРГА УЙДА ҚАРАШ УЧУН НАФАҚА

Болаларга уйда қараш бўйича нафақа оилавий сиёсатнинг бир қисмидир ва уч ёшдан кичик болаларга ўз уйларида қаровчи ва муниципалитет боғчаларидаги жой олиш ҳуқуқидан фойдаланмаётган ота-оналарга мўлжаллангандир. Болаларга уйда қараш бўйича нафақа бериш тизимини мен биринчи бор 1950 йилларнинг охирида таклиф қилган эдим. Яъни, ушбу янгиликни ҳаётга тадбиқ этиш учун ўттиз йил керак бўлди!

Ҳамма нарса мен ўқишимни тугатган, ишлаётган ва уч болаимиз билан маълум муддат давомида уйда қолишни хоҳлаб қолган вақтимда бошланди. Болалар психологининг фарзанднинг тўғри ривожланиши учун бошланғич даврда қаида икки йил (уч йил бўлса ундан ҳам яхши) давомида бир киши томонидан парвариш қилиниши кераклиги бўйича фикри бунга туртки бўлди. Боғчаларда ўша вақтда одатий бўлиб қолган ходимларнинг алмашиши болалар учун номувофиқ эди. 1950 йилларда болаларга уйларимизда қараш учун биронтасини топишимиз амримахол бўлиб қолди. Бошқа томондан эса, аёллар ўша вақтда умумий ишчи кучининг 40 фоизини ташкил қилар, Швециядаги бу кўрсаткич эса 26 фоизни ташкил қилар эди.

Бирок, ҳақиқат шунда эдики, она ўз болаларига уйда қараш учун қолган вақтларда, оиланинг даромади дарҳол қамайиб кетар ва сотиб олиш қобилияти тушиб қолар эди. Фарзандлар болалар боғчасига борганда эса, она меҳнат қилиш ва маош олишни давом этар эди. Оила болалар боғчаси учун имкон қадар тўлов қилар, лекин тўлов ҳақиқий ҳаражатларнинг фақатгина бир қисми эди. Меҳнат қилаётган онанинг нафақаси ҳам йиғилиб бора эди. Айни вақтда уйда болалари билан ўтириб қолган аёл эса, бундан ҳам куруқ қолар эди. Менинг фикримча, ёш оилалар ўзларининг энг қадрли инсонларига қараш сабабли тенгсиз аҳволга тушиб қолдилар.

Ўзим журналист бўлганим учун, мен ушбу жамоатчиликдаги адолатсизлик ҳақида ёзишни бошладим. Мен ушбу мавзуда ҳаттоки аҳоли сиёсати масалалари бўйича ташкилотнинг бошқарувида ҳам сўзга чиққанман. Улар ушбу масалага қизиқиб қолдилар, чунки ўша вақтларда мамлакатдаги туғилиш кўрсаткичлари кескин қамайиб бормоқда эди. Мен ушбу саволни ўзим аъзо бўлган ва ўша вақтларда оналар маоши деб ном олган, болаларга уйда қараш бўйича нафақани 1962 йилдаги ўз дастурига киритган Центристлар партиясига ҳам берганман. Биз оилавий сиёсат масалалари бўйича ишчи гуруҳ туздик ва қонун лойиҳасини ишлаб чиқдик.

Мен Совет Иттифоқидаги инқилобдан кейин ташкил қилинган болаларга қараш тизими билан танишиб чиқдим. Кичик болаларнинг оналари жамиятни қуриш учун ишга, болалар эса давлат болалар боғчаларига борардилар. Биз эса, болаларни уйда тарбиялашнинг тарафдорлари сифатида, оилаларда болаларга қараш шакллари

ичидан танлашга имкон бўлиши ва жамият тенгликни таъминлаш мақсадида, болаларни уйда парвариш қилишни ҳам молиявий жиҳатдан таъминлаши керак деб ҳисоблар эдик. Уйдаги парвариш ушбу масалани кўриб чиқиш билан шуғулланувчи давлат кўмитасида қўллаб-қувватланди, лекин ушбу янгиликка қарши чиққанлар ғояни ҳукумат музокараларида рад этишди. Центристлар партияси ҳукуматда озчилик бўлган 1976 йилда, тажриба тариқасида нафақаларнинг тарқатилиши бошланди.

Янгилик дарҳол маъқулланади деб тахмин қилса бўлар эди, лекин ҳаммаси ўзгача ўтди. Энг ашаддий қаршилик кўрсатганлар, нафақалар тўлови айнан меҳнат қилувчи оналар учун мўлжалланган бўлиши керак деб ҳисоблайдиган социал-демократлар партияси эди. Центристлар партияси шусиз ҳам уйда ўтирган қишлоқ ҳудудларида яшовчи аёлларга нафақа беришни бошлашни хоҳламоқда деб ҳисобланар эди. Статистика бўйича эса, хўжалик юритувчи аёлларда болаларнинг умумий туғилган 60 мингта бола ичидан атиги бир неча мингтаси туғилгани кўрсатилган.

Қонунчиликка қарши чиққанлар орасида, болаларга уйда қараш бўйича нафақа аёллар карьерасининг ривожланишига тўсқинлик қилади деб ҳисоблайдиган олима аёллар ташкилотлари ҳам бор эди. Йиллаб давом этган баҳс-мунозараларни икки йирик партия олиб борди. Ҳам депутатларнинг ўзлари, ҳам ҳукумат аъзолари. Мен ҳам, шу қаторда ўз ҳамкасбим, вазир Ваппу Тайпале билан мунозаралар олиб бордим. Болаларга уйда қараш бўйича нафақа 1986 йилда тасдиқланди. У уч ёшгача бўлган болаларга, ота-оналар нафақасидан кейин тўланар эди. Нафақани оиладаги 6 ёшдан кичик бўлган бошқа болалар ҳам олар парча эди. 1990 йилда барча уч ёшга тўлмаган болалар, болалар боғчасига бориш бўйича субъектив ҳуқуққа эга бўлди. Ушбу қарор ушбу масала бўйича сиёсий ярашувни кафолатлар эди. Болалар психологларининг фикрига кўра, айнан уч ёшдан катта бўлган болалар, ўзларининг ривожланишлари учун болалар боғчаларига боришлари керак эди, лекин бу ҳам яхши бошланиш эди. Вақт ўтган сайин ўз иш жойларига қайтган аёллар сони ҳам ошди, шундан келиб чиққан ҳолда болалар боғчасига борадиган болалар сони ҳам ошди. Болаларга уйда қараш учун нафақа олувчи аёлларнинг сони аста-секин камайиб бораётган бўлсада, 2016 йилда бундай нафақа 110 мингта ота-онага тўланган эди.

Уч ёшгача бола учун нафақа миқдори 338 еврони (2017й.) ташкил қилади. Шу оиладаги 6 ёшгача бўлган бошқа болаларга камроқ маблағ тўланади.

Аёлларнинг меҳнат карьералари, уларнинг бир неча йил давомида уйларида болаларга қарашга мажбурлиги туфайли зарар кўриши бўйича фикрлар мавжуддир. Шунинг учун, болани муниципалитетнинг болалар боғчасига жўнатиш кераклиги тавсия қилинади. Ҳозирги кунда болалар боғчаларимиз «тўлган». Шунга қарамай, болага уйда қараш бўйича нафақани сақлаб қолиш асослидир. Болали оилалар ва оналарнинг яшаш шароитлари, ҳамда болаларни парвариш қилиш ва тарбиялаш тамойиллари турличадир. Болага уйда қараш бўйича нафақа, бизнинг мамлакатимиздаги кўпгина аёллар учун фарзандларни энг нозик ривожланиш даврларида уй шароитида ўстириш ва тарбиялаш учун иқтисодий имкониятдир. Ижтимоий нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, болалар психологларининг фикрига кўра болалар уч ёшларида ўз тенгдошлари билан «гурӯх» фаолиятини олиб бориш учун тайёр бўладилар.

Марьятга Вянянен,

1982-1983 йилларда Ижтимоий масалалар бўйича вазир

71. БОЛАГА ҚАРАШ УЧУН ОТАЛАРГА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

Британия аёллар ташкилотлари бир неча йиллар аввал «I'd rather be a mother in Finland» (Мен яхшиси Финляндияда она бўлар эдим) номли компанияни олиб бордилар. Худди шу муваффақият билан «I'd rather be a father in Finland» (Мен яхшиси Финляндияда ота бўлар эдим) шиори остида ҳам компанияни олиб бориш мумкин эди.

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар орасида ота-оналарга бериладиган имтиёزلарни солиштирганда, Шимолий Европа мамлакатлари ёш оталар учун алоҳида имтиёزلарни бериш орқали ушбу ўринларда етакчи эканликлари равшан бўлади. Европанинг бошқа мамлакатларида истиқомат қилувчи оталар учун, болага қараш бўйича оталик нафақаси ва оталик таътили олиш жуда мураккабдир.

1970 йилларда, ёш оталарни турли хилдаги курсларга жалб қилишга ҳаракат қилишганда, оталикка нисбатан алоҳида эътибор берилди бошланди. Ўша вақтларда эркакларга ортиқ оила боқувчиси ёки фарзандларнинг отаси каби муносабатда бўлмасдан, балки уларни фаол оталар деб ҳисоблашар эди. 1980 йилларда туғруқ жараёнида оталарнинг қатнашиши янгилик бўлди. Оталарни болалар маслаҳатхоналари ва поликлиникаларга ҳам жалб қилишга ҳаракат қилишарди.

Финляндияда оталар болаларга қараш бўйича таътил олиш ҳуқуқига 1978 йилдаёқ эга бўлдилар. Ушбу янгилик 10 йил давом этган мунозаралардан кейин юзага келди ва икки жинснинг янги мафқурасини ривожлантиришга туртки бўлди. 1985 йилда оналар нафақаси, унинг бир қисмини онанинг розилиги бўйича ота ҳам олиши мумкин бўлган ота-оналар нафақасига алмаштирилди. 1990 йилларда бутун ота-оналар нафақалари тизими ўз мазмунини жихатидан ўзгаришларни бошдан кечирди ва оталар фойдасига ўзгартирилди. Оталар учун олти иш куни давомида тўланадиган «ўз» ота-она нафақаси тўғрисидаги қонун 1991 йилнинг бошида кучга кирди. 1993 йилдаги оғир иқтисодий инқироз вақтида, оталик нафақасини тўлаш муддатлари қисқартирилди, бироқ фарзанд туғилгани учун оталик таътилидан фойдаланиш эндиликда оталик нафақасини тўлаш муддатларини қисқартирмас эди. 1997 йилдан бошлаб, оталик таътилидан фойдаланиш фақатгина фарзанд туғилган вақтдагина эмас, балки исталган бошқа вақтда ҳам мумкин бўлиб қолди.

Финляндияда ота-оналар нафақаси 263 иш куни давомида тўланиб борилади. Илк 105 иш куни учун нафақани боланинг онаси олади. Ушбу давр декрет таътили деб аталади. Кейинги 158 кун ота-оналар таътилини ташкил этади ва унинг давомида нафақа боланинг ё онасига, ё отасига тўланади.

Бундан ташқари ота, болага қараш нафақасини кўпи билан 54 иш куни давомида олиши мумкин. Ушбу давр болага қараш учун оталар таътили деб аталади ва боланинг 2 ёшга тўлганига қадар ундан фойдаланиш мумкин. Боланинг онаси билан бир вақтда 3 хафтадан ортиқ таътил ўтказиб бўлмайди. Одатда бу бола туғилганидан кейин дарҳол ўтади.

Болага қараш бўйича таътилдан фойдаланувчи эркакларнинг сони аста-секин ўсиб боришни давом этмоқда. Таътилнинг уч ҳафталик қисмидан эркакларнинг деярли 80 фоизи, тўлиқ таътилдан эса учдан бир қисми фойдаланмоқда. Ота-оналар ўртасида болага қараш бўйича ота-оналар таътилини янги, янада радикал қайта тақсимланиши Финляндияда тўхтамаётган мунозаралар мавзуси бўлиб қолмоқда.

Таътил олиш ҳуқуқидан асосан ўрта даражадаги даромадга эга эркаклар, ижтимоий, ҳамда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги, ишлаб чиқариш ва саноатда машғул бўлган мутахассислар фойдаланишади. Хусусий секторда меҳнат қилувчи эркаклар, давлат секторидakilарга нисбатан қисқароқ таътил олганлар. Таътилдан фойдаланиш ижтимоий ва соғлиқни сақлаш соҳасининг ходимлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишчилари орасида энг кўп тарқалган.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, тўланадиган нафақаларнинг миқдори даромад нуқтаи назаридан етарли даражада эмаслиги, шунингдек, таътилнинг меҳнат карьерасига салбий таъсир қилиши эркакларнинг узоқ муддатли таътилдан ҳар доим ҳам фойдаланмасликларининг асосий сабаблари эди. Ушбу сабаблар оталарнинг ўзлари томонидан таъкидланган.

Мен Пааво Липпоненнинг ҳуқуматида адлия вазири бўлиб хизмат қилган вақтимда (Пааво Липпоненнинг ўзи ҳам Финляндия бош вазири бўлган вақтида болага қараш таътилидан фойдаланган), ушбу имкониятдан икки бора фойдаланишдан бахтли эдим. Мен иккала қизим туғилганидан кейин бир ҳафталик таътилда бўлганман. Қолган 18 кунни, болага қараш нуқтаи назаридан ёзги таътил билан бирлаштириш бизнинг ҳолатимизда мақсадга мувофиқроқ эди. Мен ўз ишимга ҳеч қандай салбий таъсирни сезмадим. Лекин, шу жумладан ота-оналар тенгҳуқуқлигига етишиш нуқтаи назаридан ҳам ижобий таассуротлар етарли эди.

Йоханнес Коскинен,

1999-2005 йилларда Адлия вазири,

2011 йилдан ҳозирги кунга қадар Конституциявий қонунчилик

Қўмитасининг раиси,

2015 йилдан ҳозирги кунга қадар Европа ривожланиш ва тараққиёт

банкнинг бошқаруви аъзоси

72. ОНАЛИК ПАКЕТИ

Фин оналик пакети ўзида муҳим ижтимоий инновацияни намоиш этади ва ҳалигача ҳам миқдор ва таркиби жиҳатидан ўзига хослигини сақлаб келмоқда. Бошқа кўпгина мамлакатлар ҳам оналар учун кийим-кечак тўпламларини бериш амалиётидан фойдаланилади, лекин улар одатда алоҳида кийимлардан иборат бўлади. 1990 йилларда Австриянинг Вена шаҳри округида, оналарга ичида бир неча кийим ва жуда кўп реклама материалларидан иборат бўлган тўпламлар беришни бошладилар. Словенияда ҳам Финляндиянинг ўрнаги бўйича оналик пакети шакллантирилди, лекин у ўз прототипидек у даражада кенг ва турли-туман эмас. Худди шундай янгилик Лотин Америкасида ҳам, масалан Уругвайда киритилди.

Финляндия ижтимоий масалалари вазирлигининг катта шифокори Раакел Ялас (Raakel Jalas), фин оналик пакетининг отаси сифатида шубҳасиз тан олинади. 1937 йилга келиб, айти шу вақтда Финляндияда ушбу ижтимоий хизматнинг амалга оширилиши бошланган ва ўша вақтда уни фақатгина кам таъминланган оилалар олиши мумкин бўлган, оналарга фарзанд туғилганда ёрдам бериш ғояси ўз-ўзидан янгилик эмас эди. Моддий ёрдам бошқа мамлакатларда ҳам берилар, шу жумладан Финляндияда ҳам фарзанд туғилганда ҳар доим ёрдамнинг пуллик шаклини танлаш (ҳеч бўлмаса тамойил бўйича) мумкин эди. 1940 йилларда юзага келган қийин иқтисодий аҳвол ва унинг давомида деярли барча товарларнинг камёб бўлиб қолганлиги, уларнинг баъзиларини ҳаттоки катта пул эвазига ҳам топишга имкониятнинг йўқлиги, фарзанд туғилганда оналик пакети шаклида ёрдам беришнинг ривожланишига тўртки бўлди. Ўша пайтда «Давлатнинг фин оналарига совғаси» айти муддао бўлди.

Бошланғич йилларда ижтимоий ёрдам бериш бўйича муниципалитет комиссиялари, ариза берувчига бола туғилиши сабабли оналик пакетини қандай шаклда беришга қарор қилардилар. Оналик пакетларининг учта тури мавжуд эди. Биринчиси ҳам она, ҳам бола учун мўлжалланган товарларни, иккинчиси фақат бола учун товарларни (шу жумладан киндик бандажи ва конверт-адёл) ва учинчиси фақатгина она учун мўлжалланган товарларни, мисол учун

кўрпа-тўшак қопламалари, сочиклар ва тикувчилик тўпламини ўз ичига олар эди. Инқирозли йилларда оналик пакети ичига кўпгина қоғоз маҳсулотлари кирар эди. Оналик пакетлари учун кийим-кечак хайр-эҳсон ҳисобидан, шу жумладан чет элдан, мисол учун кўрпа-тўшак қопламалари АҚШдан келар эди. Совғалар ҳаттоки Рим Папасидан ҳам фин чақалоқлари учун кофточа ва курткacha кўринишида келар эди.

1949 йилда оналик пакетини олиш ҳуқуқи, молиявий аҳволдан қатъий назар барча аёлларга берилди. Оналик пакети ҳуқуқига 1977 йилдагина эга бўлган, руҳий касалликлар шифохоналари ёки камокхоналарда бўлган вақтларида фарзанд кўрган аёллар бундан мустасно эди.

Аввалига болалар кийимларининг барчаси трикотаждан тайёрланар ва кийимларни бурма қилиб тайёрлаш одатий ҳол эди. 1950 йилларда болалар кийимлари тўпламига ички кийим ва слайдерлар қўшилди. 1960 йилларда чепчик, спальник ва бир маротабали тагликлар янгилик бўлди. 1970 йилларда трикотаждан тикилган кийимлар ўрнига слайдерлар ва рангли пахмоқ стрейчдан тикилган кийимлар келди. Ўша пайтгача оналик пакети ичига кирувчи болалар кийим-кечаги, оналарнинг ўзлари томонидан безак бериладиган ва тикиб чиқиладиган оқ бўялмаган пахтадан тайёрланар эди. 1980 йилларда оналик пакети ичига пайпоқлар, спальник/комбинезон ва тугмасиз яктакча кирди. Ўша пайтда оналик пакетининг ранг-баранглигига эътибор беришни бошладилар; унғача ҳар бир кийимнинг сифатли қилиб тайёрланганлиги етарли эди. Охирги ўн йилликлар давомида толстовкалар, кундалик кийимлар, кўп марталик тагликлар, боди, колготкалар ва кишки комбинезонларни ўз ичига олган ҳолда кўпгина расм бўлган янгиликлар пайдо бўлди.

Оналик пакети ҳар доим кийим-кечакдан ташқари чақалокни парвариш қилиш учун яна бошқа нарсаларни ҳам ўз ичига олар эди. Эҳтимол, ҳали ваннахоналар даврининг кириб келишидан аввал, унинг ичида болалар чўмилтирилган, ёки болаларнинг кийимлари ювилган, кўпинча у ҳам, бу ҳам қилинган сирли тоғоралар одамлар учун энг эсда қоларли бўлиб қолгандир. Сирли тоғора оналик пакети ичидан 1970 йилларда ғойиб бўлди. Оилани режалаштириш ва юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида оналик пакетлари

ичига кўшилган презервативлар, ўз вақтида жамиятдаги мунозараларга сабаб бўлди. Аналик пакетини шакллантириш давомида оталар ҳам эсдан чиқарилгани йўқ. Шунинг учун, ўз вақтида «оналик пакети» номини ўзгартириш ҳам таклиф қилинган эди. 1980 йиллардан бошлаб, оналик пакетидан фойдаланиш кўлланмаси «Бизнинг фарзандимиз бўлади» (аввалдагидек «Она учун» эмас) деб номланади.

1980 йилларда, оналик пакети билан Ижтимоий ҳимоя бўйича миллий бошқарма шуғулланган вақтда, эътибор умумий эстетикадан ташқари кўпроқ боланинг руҳий саломатлигини қўллаб-қувватлашга қаратила бошлади. Китоб бозорида энг кичиклар учун мос келадиган расми китобчалар топилмаганидан сўнг, «Кичкинтойимиз учун китобча» номли китобча оналик пакети учун алоҳида равишда ишлаб чиқилди. Аналик пакети ичига сариқ рангдаги газламадан тайёрланган, унинг бир томонида жилмайиб, иккинчи томонида эса хўмрайиб турган чехра тасвирланган шақилдоқ кўринишидаги кичкинтойнинг биринчи ўйинчоғи ҳам киритилган эди. Китобча ҳам, шақилдоқ ҳам узоқ вақт давомида кичкинтойлар учун энг сеvimли ўйинчоқ бўлиб қолди.

Дефицит вақтлари фақатгина хотира бўлиб қолганига қарамай, оналик пакети ўз аҳамиятини йўқотмади. Айниқса уни илк фарзандини кутаётган оилалар кадрлашади, чунки унинг ичига болани парвариш қилишдаги энг муҳим нарсалар киритилган. Ҳаттоки оналик пакети солинган кути ҳам узоқ вақт давомида чақалоқнинг биринчи қаравотчаси сифатида қўлланилиши мумкин ва узоқ вақт давомида кўпгина оилаларда ундан нарсаларни сақлашда фойдаланилади. Илк фарзанди дунёга келган оилаларнинг жуда кўпчилиги қисми моддий ёрдамни эмас, балки айнан оналик пакетини танлайдилар. Дўконда бундай катта тўпламни бу пулларга ҳеч қачон харид қилиб бўлмайди. Аналик пакети концепцияси, авваламбор ота-оналарнинг фикр ва хоҳишларига асосан мунтазам равишда ривожланиб бормоқда.

Аналик пакети фин жамиятининг ривожланишида бурилиш нуқтаси аҳамиятига эга эди. Ҳомиладорликнинг тўртинчи ойининг якунига қадар поликлиника ёки аёллар маслаҳатхонасидаги шифокорнинг қабулида бўлиш, оналик пакетини олиш шarti бўлиб хизмат қилади. Амалда барча ҳомиладор аёллар соғлиқни сақлаш

хизматларининг кузатуви остига тушади. 1950 йилдан бошлаб оналар ва болаларнинг ўлим кўрсаткичлари шу даражада тушиб кетдики, натижада Финляндияда кўпгина йиллар давомида ушбу кўрсаткич бўйича дунёдаги етакчилар учлиги ичидадир. Оналик пакетининг жозибадорлигисиз бунга етишиш амримаҳол бўлар эди.

Сирпа Таскинен,

Фалсафа фанлари доктори, Финляндиянинг ижтимоий ва соғлиқни сақлаш соҳаларини тадқиқ қилиш ва ривожлантириш Миллий марказининг (Stakes) фахрли бўлим бошлиғи

73. МАКТАБДАГИ БЕПУЛ ОВҚАТЛАНИШ

Финляндиядаги бошланғич ўрта мактаб, ҳамда гимназия ва касб-хунар таълим муассасаларининг ўқувчилари ўқув куни вақтида тушликка иссиқ овқат олиш имконига эга. Ушбу анъана чуқур илдизларга эга – у юз йилдан кўпроқ олдин қонун томонидан белгилангандир. Ҳозирги кунда мактаб тушликлари таълим дастури ва ўқувчиларга ғамхўрлик қилишнинг асосий тамойилларидан биридир.

Мактаб тушликларининг ўқув жараёнидаги аҳамияти XVII асрда, қишлоқ худудида таълим олаётган ўғил болаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тўплами билан ёрдам берилган даврларда қайд этилди. Лотин тилини ўрганиш вақтида ҳам тушликларга аҳамият берилган. Иссиқ овқат масаласи 1896 йилдаги Халқ мактаблари йиғилишида илк бора расмий равишда тақдим қилинди. Мактаб тушликлари 1913 йилда давлат томонидан молиялаштирилди.

1930 йилларда янги қонун тайёрланди. Мактаб кенгашининг «Ўқувчиларнинг овқатланиш масалалари» нашриётида эса мактаб тушликларининг кераклигига ҳеч кимнинг шубҳаси йўқ эди. 1943 йилда Финляндияда, дунёда биринчи бўлиб ўқувчилар учун мактаб тушликларини кафолатлайдиган қонун қабул қилинди. Ўқувчилар дарс соатларидан ташқари, мактаб ошхонаси учун маҳсулотларни етиштириш ва йиғиштириш бўйича маълум миқдордаги соатларни ишлаб беришлари керак эди. Беш йил давомида халқ мактабларининг барча ўқувчилари, мактаб тушликларини ҳар куни олишлари кераклиги бўйича мақсад қўйилган эди. 1948 йилдан

бошлаб, барча мактаб ёшидаги ўқувчилар учун бепул овқатланиш берилишни бошлади.

Ҳозирги кунда ҳар куни 900 000га яқин бола бепул мактаб тушлиги олади. XX асрда қонунчилик бир неча бор ўзгартирилди ва ушбу анъананинг шаклланишида ўз ўрнига эга бўлди. Мактаб тушликлари ва алоҳида парҳезга эҳтиёжи бор ўқувчиларнинг саломатлигига бўлган эътибор, ўқувчилар ва уларнинг фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрликнинг бир қисмидир.

Мактабдаги овқатланиш тизими ўқувчилар томонидан ҳар ўқиш кунда бепул ва мутаносиб тарзда тайёрланган иссиқ овқатни олишларини кафолатлайди ва шу тарзда ўқувчилар саломатлиги ва бутун мактаб коллективининг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилади. Мактабдаги овқатланиш ва алоҳида парҳездаги ўқувчиларнинг саломатлигини назорат қилиш, ўқувчиларнинг саломатлиги ва фаровонлиги бўйича ғамхўрликнинг ажралмас қисмидир.

Мактабдаги овқатланиш турли хилда ва мувозанатлаштирилган бўлади. Мактабдаги овқатланиш турини танлашда ўқувчиларнинг ёши, саломатлиги, бўйи ва ривожланиши эътиборга олинади. Тушлик тўлиқ ва овқатланишнинг барча эҳтиёжларига жавоб беради, ҳамда кун давомидаги қўшимча қувват манбаига айланади. Овқат танловида соғлом, фойдали, турли-туман ва мазали таомларга, шунингдек қулай ва озода хоналар ва тинч муҳитга алоҳида эътибор берилади. Ўқувчиларнинг ўзлари ҳам тушлик тайёрлашда иштирок этишлари мумкин. Масалан, кичик синфдаги ўқувчиларга ёрдам бериш вақтида ёки амалиёт давомидаги ходимларнинг меҳнати билан танишиш пайтида. Ўқувчиларнинг тушликни тайёрлашдаги иштироки, мактаб тушликларининг аҳамиятини сақлаш давомида эътиборга лойиқ.

Мактаб тушликлари фин пазандачилик маданиятининг ажралмас бир бўлагидир. Мактаб тушликлари одатда анъанавий фин таомларини ўз ичига олади. Мактаб тушлиги иссиқ таом, салат, қиймаланган янги сабзавот ёки мева, ёғ суртилган нон ва ичимликдан ташкил топган. Менюни тайёрлаш давомида миллий, мавсумий ва маҳаллий маҳсулотлар эътиборга олинади. Меню ўқувчилар ва мактаб ходимлари билан биргаликда ишлаб чиқилади. Тематик кунлар ташкил қилинади, фин байрамлари вақтидаги

менюларда ўша даврларга хос бўлган таомларни эътиборга олишга ҳаракат қилинади. Турли хил маданиятларнинг ошхоналари ҳам эсдан чиқарилмайди. Агарда болалар эрта тонгдан мактаб тадбирларига ёки узайтирилган кунлик гуруҳларга катнашсалар, уларга енгил нонушталар ҳам таклиф қилинади.

Мактаб тушлиги мактабдаги таълим-тарбия ишларининг ҳам аҳамиятли қисмидир. Эртаги даврларда шаклланган овқатланиш одатлари, ҳаётнинг охирига қадар соғлиқка ижобий таъсир кўрсатиши мумкиндир. XXI асрнинг бошларида, болалардаги ортиқча вазнга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Ушбу тенденцияни тўхтатиш зарур, бу муаммога маориф ва мактаб томонидан қабул қилинадиган қарорлар орқали таъсир ўтказиш мумкиндир. Кун тартиби, овқатланиш ва ҳаракатлардан бир-бирлари билан уйғунликда фойдаланиш зарур ва шу йўл орқали мактабдаги болалар, таълим жараёни, ҳамда умуман олганда фин болаларининг кундалик ҳаётларининг фаровонлигига кўмаклашиш мумкин. Мактабдаги бепул овқатланиш таълим тизимидаги ютуқларнинг айниқса энг муҳим шартларидан биридир.

Кирси Линдроос,

*2003-2007 йилларда Финляндиянинг маориф масалалари бўйича
миллий кенгашининг Бош директори*

74. УРУШ НОГИРОНЛАРИГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ

Аҳолисининг умумий сони 4 миллион бўлган Финляндияда, Иккинчи жаҳон урушидан кейин 100 мингга яқин уруш ногиронлари мавжуд эди. 1939-1945 йиллардаги урушлар давомида 200 мингтага яқин инсон яраланган эди. Улардан 96 минг нафарига, уруш ҳаракатлари давомида олинган жароҳат ва мажруҳликлар тўғрисидаги қонунга асосан, уруш ҳаракатлари натижасидаги етказилган умрбод жароҳатлар учун товон пули тўлаб берилди.

Биринчи ўринда давлат ҳукумати жанг майдонларида ҳалок бўлган ўша 94 мингта аскарнинг қариндош ва яқинларига кўмаклашиши, Советлар Иттифоқига бой берилган худудлардан кўчишга мажбур бўлган ўша 500 минг нафар кўчманчиларни

жойлаштириши, ҳамда репарацияларни тўлаши керак эди. Уруш ногиронларига ғамхўрлик қилиш иккинчи даражали эди. Уруш ногиронларини даволаш ва реабилитация қилиш иккинчи ўринда қолди. Ўша вақтда юзага келган эҳтиёжлар, касалхона ва поликлиника муассасалари тармоғининг имкониятларидан бир неча баробар кўп эди.

Советлар Иттифоқининг 1944 йилнинг сентябр ойида тузилган тинчлик шартномасидаги қўйилган талаблари айниқса жуда оғир эди. Ҳукумат келажакдаги рўй бериши мумкин бўлган оккупация ва бошқа босимдан қутилиш мақсадида, собиқ душманнинг истаги бўйича ўрнатилган талабларни аниқ бажариши керак эди. Ушбу сиёсий ва иқтисодий аҳволда давлатнинг уруш ногиронларига ғамхўрлик қилиш бўйича имкониятлари деярли йўқ эди. 1940 йилда Уруш ногиронлари биродарлиги ташкил қилинди ва у иттифокка аъзо бўлганларга ёрдам бериш вазифасини ўз зиммасига олди. Бунинг учун тегишли қонунчилик керак эди. Парвариш, реабилитация ва диспансеризация қилиш тизимларини қайтадан ташкил қилиш лозим эди. Бунинг учун керакли муассасаларни яратиш ёки харид қилиш керак эди.

Уларнинг фаолияти ва қурилишини йиғим ва эҳсонлар ёки ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳисобидан молиялаштириш керак эди.

Уруш ногиронлари биродарлиги, давлатнинг келажакда касалхона фаолияти билан боғлиқ ҳаражатларнинг бир қисмини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиши бўйича ваъдасини олган ҳолда, оғир ярадорлар учун касалхонани қуриш ва молиялаштириш вазифасини ўз зиммасига олди. Каунила шаҳридаги шифохона 1946 йилда ўз фаолиятини бошлади ва ҳозирги кунга қадар ҳам Иттифок ва Вантаа шахрининг молиявий кўмаклашиши туфайли фаолият юритмоқда.

Финляндияда ташкил қилинган ва қонунчилик билан мустақамланган уруш ногиронларини даволаш ва реабилитация қилиш тизими халқаро миқёсда қадрланади. Ҳали қонунчилик томонидан тасдиқланмай (Уруш ногиронлари тўғрисидаги қонун 1948 йилда қабул қилинган) туриб, ўз аъзоларига ғамхўрлик қилиш фаолиятини ташкилотнинг ўзи режалаштирганлиги, бошлаганлиги ва қисман молиялаштирганлиги, шунингдек ушбу фаолиятнинг

ханузгача ҳам тўхтамасдан давом этаётганлиги ягона бўлган ҳолатдир. Уруш ногиронларига ғамхўрлик қилиш сиёсати, кўп маънода фин ижтимоий сиёсатининг ўтмишдоши бўлиб қолди.

Финлар Қиш уруши (1939-1940), Давом уруши (1941-1944) ва Лапландия урушини (1944-1945) ҳимоя тарикасидаги урушлар деб ҳисоблайдилар, шунинг учун ҳам бу урушларнинг қурбонларини ҳурмат қиладилар ва уларга эҳтиром кўрсатадилар. Финляндиядаги ногиронларнинг аҳволи Қиш урушигача жуда ёмон эди, лекин уруш ногиронларига бўлган ҳамдардлик муносабати, урушда бўлмаган ногирон фуқароларга бўлган муносабатни ҳам ўзгартирди. Уларга тегишли бўлган ва ногиронларга ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги қонун ҳам урушдан кейин (1948 йилда) қайта кўриб чиқилди. Уруш ногиронлари биродарлигининг кашшофлик иши, фин ногиронлари тарихининг энг муҳим қисми бўлиб қолди.

Биродарлик Қиш урушидан кейин бошқа ташкилотлар билан биргаликда уруш ногиронлари учун касб-хунарга қайтиш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил қилди, шунингдек иш топишга ёрдамлашар эди. Реабилитация қилиш ва малака оширишдаги биродарликнинг шиори бўлиб – “биз ишга қайтамыз, бўшашиш – бу захар, бизнинг ишимиз кераклидир” деган гап хизмат қилди. Ногиронларнинг шифохонадан бошлаб то тузалишлари ва иш жойларигача бўлган йўллари, фин жамиятидаги энг муҳим омон қолиш тарихидир. Бу урушдан кейинги даврда жамиятимизнинг тикланиши, ишчи кучига бўлган талаб ва ўша пайтдаги ижтимоий суғурталашнинг паст даражаси натижасида юзага келган мўжиза эди. Авваллари оғир жароҳатли ногиронлар иш жойларига фақатгина истисно тарикасида олинар эди. Уруш ногиронлари бошқа одамларнинг раҳм-шафқатига таянишни истамадилар. Улар ўз ҳаракатчанликлари туфайли, бошқа одамлар билан тенг ишлаган ҳолда айни ютуқларга эришдилар. Урушдан кейинги йилларда улар ҳозирги кундаги фаровон давлатимизнинг асосини, жамиятнинг қолган аъзолари билан биргаликда қурдилар.

Ногиронлар биродарлиги оддий ногиронлар, оддий аскарлар томонидан ташкил қилинди. Лекин, улар маршал Г.Маннергейм томонидан сезиларли даражада қўллаб-қувватландилар. Ёшлар ўз аҳволлари ва келажагининг мўртлигини ҳис қилишар, лекин

уларнинг барчасини жанг майдонларида вужудга келган биродарлик туйғуси бирлаштирар эди.

Биродарлик жамияти ўз аъзоларига турли хилдаги хизматлар кўрсатар, фаолиятнинг янги моделларини ишлаб чиқиш, ҳамда уларни амалга ошириш билан шуғулланар эди. Кейинчалик, ушбу фаолиятни олиб бориш бўйича қисман жавобгарлик, бошидан бошлаб ҳам ушбу масалалар билан шуғулланиши керак бўлган давлатнинг зиммасига юклатилди. Фаолиятнинг ривожланиш йўналиши, ҳозирги кундаги муниципалитетларнинг аҳолига ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш ваколатларини жамоат ташиқлотлари ва хусусий фирмаларга бераётган вақтидаги «учинчи сектор»нинг фаолиятига нисбатан тескариси эди.

Давлатда ногиронларнинг узок муддатли парвариш қилиниши бўйича режалар бўлмаган вақтда, Биродарликнинг ўзи ушбу муаммога ечим топишга мажбур бўлди. Кауниладаги шифохона таянч-ҳаракат тизими бўйича ногиронлар учун махсус ташкил қилинган эди. Шунингдек, бош мияси шикастланган ногиронлар учун иккита шифохона ва уруш даврида сил касаллигини бошидан кечирган уруш фахрийлари учун профессионал реабилитация маркази ташкил қилинган эди. Биродарлик 1950 йилларда, танасининг бирор-бир аъзоси кесиб ташланганлар учун ўз реабилитация марказини ташкил қилди. Протезлар ёрдамида ҳаракат қилиш ва улардан фойдаланиш, реабилитация услубиятларида кейинроқ қўлланилди. Ҳозирги кунда уларнинг ёрдамида кекса ёшдаги ногиронларнинг ҳаракат қилиш ва кундалик вазибаларини бажариш қобилиятларига ёрдам берилмоқда.

Биродарликнинг фаолиятига на сиёсатдаги, на жамоатчиликдаги келишмовчиликлар ҳалақит бераолди. Биродарликка сиёсий қарашлари ёки ижтимоий келиб чиқишларидан қатъий назар, барча ногиронлар кирар эди. Кейинчалик, Биродарлик енгилроқ жароҳатларга эга бўлган ногиронларни ҳам ўз аъзолари қаторига олишни бошлади. Улар жиддийроқ жароҳатларга эга бўлган ўз биродарларига ёрдам беришлари мумкин эди. Кейинроқ, ногиронларнинг турмуш ўртоқлари ва бевалари ҳам Биродарликка аъзо бўлиб кириши мумкин бўлди. Биродарлик ҳисси ҳозирги кунга қадар ҳам кучли бўлиб қолмоқда. Биродарлик ўртоқлик кучининг аҳамиятини таъкидлайдиган ягона ташкилотдир.

Финляндияда 2017 йил январ ойи ҳолатига 2,5 минг нафар уруш ногирони бор эди. Уларнинг ўртача ёши 93 ёш бўлишига қарамасдан, уларнинг 70 фоиздан кўп қисми халигача ҳам ўз уйларида мустақил ҳаёт кечирмоқдалар. Биродарликнинг ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалари, уйда хизмат кўрсатишни таъминлаш ва зарурат туғилганда даволанишга тезкор равишда йўналтиришдир.

Ҳозирги кунда Уруш ногиронлари Биродарлиги учинчи секторнинг фаол вакилидир. Биродарлик томонидан алоҳида эътибор ногиронлар ва уларнинг турмуш ўртоқларига кундалик турмушда қўмаклашиш, уйларида ёрдамлашишни ташкил қилиш, ҳамда уй-жойни таъмирлашга қаратилган. Биродарлик ёрдамчилар топиш лойиҳаси орқали, тахминан 2 мингта уруш ногиронлари ва уларнинг турмуш ўртоқлари учун уйда қўмаклашишни ташкил қилади. Ёрдамчилар фахрийларни парвариш қилишда қўмаклашишар, ҳовлидаги ишларни бажаришар, турли ташкилотларда маиший масалаларни ҳал этишда ёрдам беришар эди. Ижтимоий алоқа ушбу фаолиятнинг муҳим қисмидир. Ҳозирги кунда ушбу фаолиятга 250 нафарга яқин ишсиз жалб қилинган.

Велли-Матти Хуйттинен,
Кауниаладаги уруш фахрийлари
шифохонасининг Фахрли директори

75. «АБИЛИС» ЖАМҒАРМАСИ

«Абилис» жамғармаси ривожланаётган мамлакатлардаги ногиронлар ва уларнинг ташкилотларига қўмаклашади. Жамиятнинг ўз-ўзидан ҳайрон қолишга арзигулик томони йўқдир, лекин унинг фаолияти билан яқинроқ танишилса, унинг бошқалардан нақадар фарқли эканлиги аён бўлади.

1970 йилларнинг бошларида, талабалар томонидан менинг иштирокимда «Kynnys ry» номли ногиронларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш ташкилоти ташкил қилинган эди. Унинг ташкил бўлиши билан деярли бир вақтда, мен ногирон талабалар ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳаракат билан танишиш учун Америкага кетдим. Ушбу тажриба менга жуда қаттиқ таъсир қилди: мен имкониятлари чегараланган инсонларнинг ўзлари билан фахрланишлари ва ногиронликларидан уялмасликларини кўрдим.

Мен учун бу жуда кучли қувват манбаи бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам мен халқаро фаолиятни, маҳаллий миқёсдаги амалий фаолият каторида доимо жуда муҳим деб ҳисоблайман.

1980 йилда Халқаро ногиронлар ташкилоти (Disabled People's International) ташкил қилинди ва мен унинг фаолиятида фаол қатнашдим. Мен 1990 йилда жамият раисининг ўринбосари этиб сайландим, 1994 йилда эса раиси этиб сайландим. Мен кўпгина мамлакатларга бордим ва шундай ташкилотлар билан танишдим.

Халқаро ҳамкорлик билан шуғулланувчи фин ногиронлари ташкилотлари бирлашдилар ва «Fidida» Ногиронлар ҳамкорлигини ривожлантириш ташкилотини ташкил қилдилар. Ташкилотнинг ўзи ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан, ногиронларга қўмаклашувчи лойиҳалар ишлаб чиқилар ва амалга оширилар эди.

Финляндияда ҳукумат ташкилотларнинг лойиҳаларини Ташқи ишлар вазирлиги орқали тасдиқланган ҳаражатларнинг 80 фоизини (ҳозирги кунда ногиронларга қўмаклашиш лойиҳалари ҳаражатларининг 92,5 фоизи) тўлаб бериш йўли билан қўллаб-қувватлар эди. Тизим яхши эди, лекин жуда суёт ва самарасиз эди. Мен ривожланаётган мамлакатлардаги ногиронлар жамиятларининг, бошланғич босқичда «Kunnys ry» каби молиявий қийинчиликлар билан қандай курашганликларини кузатдим. «Kunnys ry» жамиятининг биринчи бюджетининг миқдори 30, иккинчисиники эса 300 фин маркаси эди. Кичик пул миқдорлари ҳам муҳим ўрин тутиши мумкин. Мен нобоп вақтда ва жуда осон олинган пулларнинг бир неча ташкилотларни барбод қилганининг гувоҳи бўлганман. Европа ташкилотлари ривожланаётган мамлакатларга пул тўла халталар билан келишар, кетишар ва улардан кейин мавжудликларидан из ҳам қолмас эди. Фақатгина коррупция қолар.

1990 йилларнинг ўрталарида, Пертти Паасио халқаро соҳадаги ҳамкорликнинг аҳволи бўйича тадқиқот олиб борди ва тадқиқотнинг тавсияларидан бири бўлиб, молиялаштиришнинг янги манбаларини очиш хизмат қилди. Ушбу ғоя мени қизиқтириб қолди, мен авваллари ҳам ногиронлар жамиятлари фаолиятларини қандай янада самаралироқ ташкил қилиш мумкинлиги тўғрисида бош котираар эдим. Мен ташкилотларга тўғридан-тўғри қўмаклашадиган ва молиялаштиришни Ташқи ишлар вазирлигидан оладиган жамғарма ташкил қилиш ғоясини ишлаб чиқдим. Ўша вақтда ривожланаётган

мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича вазир Пекка Хаависто жавобгар эди. У фикрни маъқуллаганидан сўнг, мен унинг ўринбосари бўлган Кирсти Линтонен билан учрашдим ва у менга: «Қулоқ сол, Калле, агарда сен бундай жамғарма ташкил қилсанг, ТИВ уни қўллайди, фақат жамғарманинг устав фондини ўзинг топишинг керак» - деб айтди.

Пуллар қандай топилгани ҳақида бу ерда сўзлашни хоҳламайман. Аммо бу нарса кўп вақт, қувват, дўстларим ва мен билан дўстона бўлган ташкилотлар билан учрашишларимни талаб қилди. Пуллар топилди, «Абилис» жамғармаси эса 1998 йилда ташкил қилинди.

«Абилис» жамғармаси хусусий маблағлар ҳисобидан ташкил қилинган эди. Унинг бошқарувига асосан ногиронлар ташкилотларининг фаоллари бўлган ногиронларнинг ўзлари қиради. Имкониятлари чекланган инсонларга ногиронларнинг ўзлари томонидан ёрдам берилиши, жамғарма фаолиятининг асосий маъносини ташкил қилади. Ташкилий-ҳуқуқий шакл сифатида жамғарма шакли афзал кўрилди, чунки унга ҳеч ким эгалик қилолмайди ва маблағлардан фақатгина уставда кўрсатилган мақсадлар учунгина фойдаланиш мумкин. Нодемократик деб туюлиши мумкин бўлган ушбу тизим, жамғарма фаолиятининг ривожланаётган мамлакатлар ногиронларига кўмаклашишининг кафолатидир. Жамғарма ўз фаолиятида улардан энг асосийси, ривожланаётган мамлакатларда ногиронларнинг муаммолари билан шуғулланувчи ташкилотларга оз миқдорда молиявий ёрдам бериш бўлган маълум бир мезонларга амал қилади. Молиявий ёрдамнинг миқдори кўпи билан 10000 еврони ташкил қилади. Янада каттароқ маблағлар фаолиятлари бизга таниш бўлган ва йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун имкониятлари мавжуд ташкилотларга тўланади. Одатда, биз бир маротабалик маблағлар тўлаймиз. Аёллар фаолияти, инсон ҳуқуқларини яхшилаш, турли хилдаги таълим курсларини олиб бориш, ҳамда даромад келтирувчи лойиҳаларни амалга ошириш фаолиятларини афзал кўраемиз.

Жамғарма жуда оддий ҳаракат қилади: ривожланаётган мамлакатдаги ногиронлар ташкилоти жамғарма билан алоқага чиқади, молиялаштиришни олиш учун сўровнома олади, уни тўлдиради ва «Абилис» жамғармасига юборади. Жамғарма

аризанинг фирибгарлик эмаслигини текшириб чиқади. Бошқарув девонхонанинг таклифига биноан ижобий қарор қабул қилади ва лойиҳанинг молиялаштирилиши бошланади. Аввалига лойиҳага маблағнинг 50 фоизи ажратилади, биринчи оралиқ ҳисоботидан кейин яна 40 фоизи, қолган 10 фоизи эса якуний ҳисобот берилганидан сўнг тўлаб берилади.

Ҳаммаси осондек туюлади, лекин сўровчиларнинг энг паст даражада фаолият юритувчи ташкилотлар эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, баъзи бир қийинчиликларга дуч келиш мумкин. Тажриба ва маълумотнинг йўқлиги, ривожланмаган инфратузилмалар билан бир қаторда лойиҳани амалга оширишда қийинчиликлар туғдириши мумкин. «Абилис» жамғармаси дўстона грант берувчидир ва биз ташкилотларга бюрократик масалаларни ҳал этишда кўмаклашишга ҳаракат қиламиз. Бизнинг қўлланма ва эслатмаларимиз кўпгина тилларга таржима қилиб бўлинган.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, кўрсатилган ёрдам белгиланган объектларга, муайян тадбирларга етиб борди. Бизнинг маблағларимиз ёш ногирон аёллар учун иккита сигир харид қилишга, унча катта бўлмаган қишлоқдаги кичик товуқхонага, инсон ҳуқуқлари бўйича курслар ўтказишга, интернет-кафе ва яна кўпгина бошқа нарсаларга ҳаражат қилинди. Буларнинг барчаси алоҳида ногиронлар ва уларга вакиллик қилувчи ташкилотлар учун аҳамиятлидир. Бизнинг сиёсатимиз бўйича, биз фақатгина ногиронларнинг ўзлари аралашган лойиҳаларни молиялаштираемиз. Шубҳасиз, кўп сонли бошқа ташкилотларнинг, ногиронларга кўмаклашишга йўналтирилган лойиҳалари ҳам мавжуддир, лекин улар лойиҳани режалаштириш ва амалга оширишда қатнашмайдилар.

2016 йилдаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш 2,75 миллион еврони ташкил қилди ва бир йил олдин унинг миқдори 2,9 миллион еврони ташкил қиларди. Келгуси йиллардаги бюджет ва молиялаштириш катта гумон остидадир. Келгуси йиллардаги молиялаштиришнинг ноаниқлигига, фин ҳукумати томонидан ривожланаётган мамлакатларга кўмаклашиш бўйича ажратиладиган маблағларнинг қисқариши, ҳамда ривожланаётган мамлакатларга берилаётган ёрдамга нисбатан жамиятда ўсиб бораётган танқидлар сабабчи бўлмоқда.

«Абилис» молиялаштиришнинг қисқаришига қарамай ўз фаол фаолиятини давом этмоқда, ҳар йили 250гача лойиҳани молиялаштирмоқда ва шу жумладан Финляндиянинг ташқарисида ҳам молиялаштириш манбаларини излаш билан шуғулланмоқда. Молиялаштиришнинг энг кўп қисми Эфиопия, Танзания, Уганда каби Африка мамлакатлари, шунингдек Непал, Қирғизистон, Тожикистон ва Вьетнам каби Осиё мамлакатларидаги лойиҳаларга ажратилмоқда. Охириги йилларда «Абилис» Мьянма, Украина ва Сомали каби қийин замонларни бошидан кечираётган мамлакатларга муваффақиятли равишда ёрдам юборган эди.

Ушбу мамлакатлардаги бизнинг ишончли ҳамкорларимиз, молиялаштириш бўйича аризанинг ортида ким турганлиги ва лойиҳаларни амалга оширишни ким назорат қилаётганлигини текширадилар. Маблағларни мақсадга мувофиқ ишлатмаслик ҳолатлари жуда ҳам кам учрайди. Айни вақтда биз лойиҳаларнинг аниқ натижалари бўйича кўпроқ маълумотларга эга бўлмоқдамиз. Лойиҳа қатнашчиларининг амалий имкониятларининг кучайиши ва жамият аъзолари ўртасидаги ногиронларга бўлган муносабатнинг ўзгариши, «Абилис» томонидан молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг алоҳида натижаларидан энг каттасидир. Авваллари жамият томонидан рад этилган ногиронлар, эндиликда ўз жойларидаги ривожланиш жараёнларида бошқалар билан бир қаторда қатнашиш ва уларга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлдилар. Ҳар йили 20 мингтадан ортиқ ногиронлар фаолиятда қатнашиш, таълим олиш, ўз аҳволини яхшилаш имкониятига эга бўладилар. Уларнинг кўпчилиги қисми иш жойи ва даромад олишга эга бўлади. Бу камбағаллик шароитларида бўлганлар учун биринчи ўриндаги вазифадир. Шунингдек, ногиронлиги бор инсонни, ўз уйига пул олиб келишга қодир бўлганида қандай қадрланишларидир.

Калле Кёнккёля,

*«Абилис» жамғармасининг раиси,
1983-1986 йилларда Парламент депутаты*

76. ЯҚИНЛАРГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ УЧУН НАФАҚА

Ўз яқинлари ва туғишганларини даволаш ва уларга ғамхўрлик қилишни таъминлашда, яқинлар ва қариндошлар доимо муҳим ўрин тутганлар. Жамият авваллари тўлиқ оила ва қариндошлар зиммасида

ётган мажбуриятларни ўз жавобгарлигига олган бўлсада, яқинларга парвариш қилишдаги қариндошларнинг аҳамияти ҳеч ҳам камайгани йўқ. Аксинча, одамлар зарур бўлган ёрдам ва ғамхўрликнинг сезиларли қисмини ўз яқинлари ва қариндошларидан оладилар. Ушбу норасмий ғамхўрликда, унинг инсоний боғланиб қолиш ва унга алоқали туйғулар туфайли кучли меъёрий асос мавжуддир. Қариндошнинг қариндошга бераётган ёрдами мутахассисларнинг ёрдамидан тубдан фарқ қилади: аждодлар ва жинсларнинг ички маданий меъёрлари ғамхўрликнинг бир қисми сифатидадир. Яқинларига ғамхўрлик қилиш, негизда ҳис-туйғу ва боғланиб қолиш орқали яратилган мажбурият ётган, инсонлар орасидаги алоҳида шахсий алоқаларга асосланади. Яқин муносабатлар ғамхўрлик қилишнинг энг муҳим сабаби ва ўзгармас шартидир. Муносабатлар зарурият туфайли пайдо бўлмайди, улар унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд.

Охирги кунларда уйда кекса, касал ёки ногирон инсонга ғамхўрлик қилувчи одамлар тўғрисида жуда кўп гапирилмоқда. Қариндошларга ғамхўрлик қилишга инсонларни уйда парвариш қилиш фаолиятига қўмаклашиш имконияти ва ҳаражатлар нуқтани назаридан қаралганда, уйда парвариш қилиш уйдаги интенсив даволаш, қариялар ёки ногиронлар уйига жўнатиш, ёки касалхона ётоғидаги даволашнинг ўрнига келиш вазиятларидаги фойдали танлов сифатида қаралмоқда.

Яқинларга ғамхўрлик қилиш тизими бўйича мунозаралар 1980 йилларнинг бошларида, кекса ёшдагилар ва ногиронларга уйда қарашни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонун (Ижтимоий ҳимоя тўғрисидаги қонун 710/1982) тасдиқланган вақтда бошланди. Яқинларга ғамхўрлик қилиш 1990 йилларда, иқтисодий инкироз сабабли шифохоналарда ҳам беморларга қараш қисқартирилган ва яқинларга уйда қараш қўллаб-қувватланган, ҳамда қариялар уйларида яшаш хизматлари қўшилган вақтда жамоат эътиборининг марказига тушиб қолди. Яқинларга ғамхўрлик қилиш бўйича нафақа 1993 йилдан бошлаб, ижтимоий хизматлар тўғрисидаги қонун (710/1982) ва яқинларга ғамхўрлик қилиш учун нафақа тайинлаш тўғрисидаги фармойишда (318/1993) кўрсатиб ўтилган, қонунчилик томонидан тасдиқланган ижтимоий хизмат бўлмб қолди. 2006

йилнинг бошида яқинларга ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги қонун (937/2005) кучга кирди.

Ўз яқин кишисига ғамхўрлик қилишга кўмаклашиш, ўз ичида парвариш қилиш бўйича хизматлар, гонорар ва яқин кишилар томонидан олиб бориладиган дам олиш ва ғамхўрлик қилиш хизматларини мужассам қилган ягона тўпламдир. Гонорар парвариш қилиш ва ёнида бўлиш заруриятининг талаб даражасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Гонорарнинг энг кам миқдори ойига 393 еврони ташкил қилади. Агарда ўз яқинига ғамхўрлик қилувчи киши, парваришнинг ўта оғир босқичи вақтида ишини вақтинча ташлашга мажбур бўлса, у ҳолда 784 еврони ташкил этади. Ўз яқинини парвариш қилаётган кишида, бир ойда камида икки кун дам олиш ҳуқуқи мавжуд. Яқин кишига қараш кечаю-кундуз парваришни талаб қилганда, уни парвариш қилувчи кишида бир ойда уч кун дам олиш ҳуқуқи мавжуддир.

Яқинларга ғамхўрлик қилиш бўйича нафақа, инсоннинг сусайган ҳаракат қилиш қобилияти, касаллик, жароҳат ёки бошқа шунга ўхшаш сабаб туфайли қаров ёки парваришга муҳтож бўлган, унинг қариндошлари ёки яқин кишиси унга қараш ва ғамхўрлик қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган, унинг соғлиги ва ҳаракат қилиш қобилиятлари парвариш қилиш талабларига жавоб берадиган, яқинларга қараш соғлиқни сақлашнинг бошқа хизматлари қаторида яқинининг ўзини яхши ҳис қилиши ва хавфсизлиги учун етарли бўлган, парваришга муҳтож бўлган яқин киши яшайдиган уйнинг санитария мезонлари ва бошқа мезонлар бўйича уйда қарашга мос келган, тўланаётган нафақага эса беморга фойда келтирувчи сифатида қаралган вақтларда берилади.

Ўз яқинларига ғамхўрлик қилиш фаолиятида иштирок этувчи одамлар сони, ғамхўрлик қилиш бўйича нафақаларнинг сонидан кўпроқдир. Финляндияда ўз яқинларига ғамхўрлик қилувчи одамларнинг сонини аниқлаш жуда мушкулдир, чунки бунган тегишли бўлган рўйхат йўқдир. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, уларнинг сони 60 ёшдан ошганлар орасидаги 150 000 нафардан, то барча ёш тоифалари орасидаги 300 000 нафаргача ўзгариб туради.

Ғамхўрлик қилиш бўйича тўланадиган нафақа, бутун хизмат кўрсатиш тизимига қўшимча қийматни таъминлаган ва кекса инсонларга ғамхўрлик қилиш тизимининг бир қисми бўлиб қолган

1980 йилларнинг муҳим тизимли инновацияси эди. Яқин кишига ғамхўрлик қилишни ташкиллаштириш имкониятининг ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича расмий тизимга қўшилиши, ҳам алоҳида шахс, ҳам жамиятга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қайтадан куриб чиқиш орқали таъсир кўрсатади.

Ўз қариндошлари ва яқинларига ғамхўрлик қилиш, ҳозирги кунда ривожланиш бўйича тадқиқотлар ва ишлар мавзусидир ва биз бундан беҳад хурсандмиз. Турли хилдаги лойиҳалар ёрдамида ўз яқинларини қўллаб-қувватлаётган оилаларга яқка тартибда қўмаклашишнинг турли хил услубиятлари ишлаб чиқилмоқда. Яқинларга ғамхўрлик қилишга қўмаклашишнинг хилма-хиллиги муниципалитетлар, ташкилотлар, черков қавмлари ва хизматларни таклиф қилувчи хусусий фирмалар ўртасидаги кенг қўламлиқ ҳамкорликни англатади.

Пяйви Воутилайнен,

Ижтимоий ва соғлиқни сақлаш масалалари вазирлигининг

Ижтимоий масалалар бўйича маслаҳатчиси,

Рейя Хейнола, Кексалар билан ишлаш бўйича марказий

иттифоқнинг дастури бошқарувчиси

77. КАМБАҒАЛЛИК БИЛАН КУРАШ

Финляндия узоқ вақт давомида камбағал ва ажралиб қолган мамлакат эди. Аҳолининг турмуш даражасини илк ўрганиб чиқиш, яъни 1830 йилларда Фин иқтисодиёт жамияти томонидан тайёрланган ҳисобот, мамлакатнинг қитъа қисмидаги барча қишлоқ аҳолисининг дарахт пўстлоғи билан аралаштирилган нонни истеъмол қилаётганини кўрсатди. Қашшоқлик Финляндиянинг қишлоқ ҳудудида яшовчи учун бутун умрлик тақдирни англатар эди. Пекка Хаатаненнинг (Pekka Haatanen) таъкидлаганидек: «Бешиқдан гадойликка, ёшлиқдан ёлланма ишчиликка, уйлангандан сўнг уйсиз ва ерсиз қашшоқликка, кейин эса қариллик ва касаллик юки билан яна черков эшиги тагига. Хўмрайган кун шу тариқа ўтди».

Камбағалларга ғамхўрлик қилиш илк даврларда черковнинг зиммасида эди. Черков қавмлари қашшоқларга қўмаклашишни таъминлаш учун, шу жумладан черков деворлари ёки миноралари

тагида ўрнатилган, одатда уруш ногиронларини тимсол қилувчи ёғоч ҳайкалчалар ёрдамида пул йиғишар эди. Қашшоқларга ғамхўрлик қилиш муниципалитетлар зиммасига 1879 йилда ўтди. Пул йиғиш учун ясалган ёғоч ҳайкалчалар, вақт ўтган сайин йўқ бўлиб кетишиди ёки яроқсиз ҳолга келишиди ва улардан фойдаланиш тўхтатилди. Кейинчалик фақатгина битта ҳайкалчанинг топилгани, ўша вақтдаги жамиятда бўлган муносабатларга яхши таъриф беради.

Муниципалитетлар ўз қашшоқлик билан курашиш сиёсатларида ўртacha камбағалликка, яъни кам таъминланган одамлар ва даромадга эга бўлмаган кишилар, ўз ҳаёт тарзларини маҳаллий аҳолининг қолган тоифалари билан бир қаторда қандай олиб боришларига ҳам эътибор беришарди. Муниципалитетлар XIX аср мобайнида ва XX асрнинг бошларида, камбағал оилалар учун сигирларни олиб бериш ёки ижарага бериш орқали ёрдам беришар эди. Камбағал оилалар жамоатга тегишли сигирлар ёрдамида, кишлоқ ҳудудидаги одатий ҳаёт тарзини давом этиш, фермерлик бўйича кўникма ва билимларни олиш, хаттоки сарийёғ ва пишлоқ сотиш орқали озгина бўлса ҳам даромад олиш имкониятига эга бўлардилар. Кейинчалик, қашшоқлик билан курашиш сиёсатининг воситалари бўлиб, кичик фермерчилик ва ёлланма ишчилар бозорининг ривожланиши хизмат қилди.

1970 йилларда ва айниқса 1980 йилларда, Финляндия аҳолисининг камбағал қатламлари учун умумий фаровонлик давлати моделини қуриш, бу тозалikka риоя қилиш ва сил касаллиги билан курашиш учун антибиотиклардан фойдаланиш сингари бир хил маънога эга эди. Яшаш даражаси бутун жамиятда кўтарилди, лекин кам таъминланганлар яхши таъминланганлардан кўра кўпроқ нарсага эга бўлдилар: даромадлар ўртасидаги фарқ анча камайди. Даромадларнинг умумий тақсимланиши ва хизматларнинг ҳаммага тегишлилиги, 1990 йилларнинг бошига келиб камбағаллик муаммосини бутунлай бартараф этди. Камбағаллик фақатгина аҳолининг маргинал қатламларининг муаммоси бўлиб қолди.

Камбағаллик билан курашишда ишсизлик, касаллик ва кексалик каби турли хилдаги ижтимоий хавф-хатарлардан ижтимоий суғурта қилишни кенг қўламда ривожлантиришнинг бошланиши, камбағалликни бартараф этишдаги ижтимоий инновация бўлиб хизмат қилди. Иккинчи ечим сифатида, Американинг инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларида йўлга қўйилгани сингари, қайта

тақсимланган даромадларнинг бир қисмини фақатгина аҳолининг камбағал қатламларига йўналтириш бўлар эди.

Финляндиянинг камбағалликка қарши курашидаги иккинчи муҳим омил, бу гендер тенглигига кўмаклашувчи оилавий сиёсат ва меҳнат сиёсатидир. Ота-оналар учун имтиёзлар ва айниқса, давлат мактабгача таълим муассасаларининг ривожланиши, меҳнат фаолиятига аёлларнинг қатнашишига кўмаклашишни таъминлади. Оналарда ҳам тўлиқ иш куни давомида меҳнат қилиш имкониятининг пайдо бўлиши, Финляндиянинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолди. Кам таъминланган ва болалари бор оилалар ҳам, оилада битта боқувчи ўрнига иккитаси пайдо бўлганда камбағалликдан қутулишга муваффақ бўлдилар.

Фин фаровон давлати моделининг камбағаллик билан курашиш имкониятлари аввалига 1990 йилларнинг бошларида, яна бир бора 2008 йилдан кейин қийин синовлардан ўтди. Иқтисодий тушқунлик ишсизлик даражасининг назоратсиз ўсишига ва фин аҳолисининг катта қисмининг, даромадлари яшаш даражасидан тушиб кетганлиги сабабли ижтимоий ҳимояга мурожаат қилишига олиб келди. Ишсизлик нафақаси ва асосий таъминот нафақасини олувчилар сони мунтазам ортиб борди. Имтиёзлар қайси бир маънода камайитрилган эди, лекин тизимнинг асосий табиати ўзгармай қолди. Камбағаллик билан курашда Финляндия аввалгидек умумий ижтимоий ҳимоя тамойилига таянади.

Фин умумий фаровонлик давлати қашшоқликнинг ўсишига қарши тура олди. Қийин ҳаётий аҳволларда ёрдам беришдаги фин ижтимоий кўмаклашиш тизими, бошқа мамлакатлар билан таққослаганда яхши ўринда турмоқда. 1990 йиллардаги иқтисодий тушқунликдан кейин, бепул озик-овқат тўпламлари олиш учун навбатлар одатий ҳаётнинг бир қисми бўлиб қолди. Халқаро иқтисодий инқироз туфайли ушбу навбатлар яна кўпайди. Ушбу навбатлар ижтимоий ҳимоя тизимидаги бўшлиқлар, лекин айтилган вақтда учинчи секторнинг қашшоқлик муаммоси билан курашишдаги фаоллиги тўғрисида баён қилади.

Финляндияда қашшоқлик билан курашиш учун, иқтисодий тушқунлик йилларидаги қийинчиликларга ҳам дош бера олган кучли қонунчилик асоси ташкил қилинган. 1990 йилларда, инсоннинг асосий эркинликларининг конституциявий ислохотларидан кейин,

Финляндия Конституциясининг 19 параграфиди бундай дейилган эди: «Инсонга муносиб ҳаёт кечириш учун етарли маблағ топишга муваффақ бўлолмаганларнинг барчаси, мажбурий ижтимоий таъминот ва ғамхўрлик олиш ҳуқуқига эга». Асосий таъминот нафақалари Финляндиядаги жуда кучли инсон ҳуқуқига айланди. Асосий таъминот нафақаларини тайинлаш бўйича маҳаллий даражада қарор қабул қилиш ваколатлари, 1980 йилларда нафақа учун мезонларнинг яхлитлаштирилганидан кейин қисқартирилди. Асосий таъминот нафақаларини тайинлаш ва тўлаб бериш ваколатлари, навбатдаги ислохот натижасида 2017 йилнинг бошларида Ижтимоий ёрдам ва нафақалар Бошқармасига (Kela) ўтказилди.

Фин умумий фаровонлик давлати асосий таъминот нафақаси туфайли, муносиб ҳаёт кечириш учун деярли истисноларсиз шароитлар яратиб бериш имкониятига эга. Финляндияда ҳатто ўртача камбағаллик даражаси ҳам ЕИ мамлакатларидаги ўртача кўрсаткичлардан пастроқдир.

Шунга қарамай, мамлакатнинг барча фуқаролари учун тенг имкониятлар яратиш Фин умумий фаровонлик давлатининг вазифаси бўлиб қолмоқда. Асосий таъминот нафақаси тўлаш даврининг узайтирилгани сингари, ишсиз юриш даври ҳам узайтирилди. Ёшлар учун, айниқса таълим олмаганлар учун иш топиш мушкулдир.

Финляндияда асосий таъминот нафақасини тўлаш бўйича 2017 йилда бошланган тажриба, камбағаллик билан курашдаги янги инновация бўлди. Тажрибанинг мақсади ғарб мамлакатларини ташвишга солаётган қашшоқликнинг сабабларига етиб бориш, яъни сурункали равишда ишсиз бўлган ва меҳнат бозоридан ажралиб қолган одамларнинг, меҳнат ҳаётига қандай кириб бориши ва яшашлари учун қисман бўлса ҳам даромад топишлари мумкинлигини аниқлашдан иборатдир.

Хейкки Хиламо,

Хельсинки университетининг ижтимоий сиёсат профессори

78. ЁЛҒИЗ ЯШАШ – ЯНГИ ГЛОБАЛ ТРЕНД

Дунёда иккита катта демографик тенденция кузатилмоқда: аҳолининг қариши ва бир кишидан иборат уй хўжалиқларининг кўпайиши. Дунё бўйича одамлар якка яшашни афзал кўрмоқдалар.

Ушбу ҳодисанинг сабаблари номаълумдир ва жамиятшунослар бу тўғрисида ханузгача тахминлар илгари сурмоқда. Якка бўлиб яшаш тенденцияси, айниқса скандинавия мамлакатлари ва Сингапурда жуда кўп намоён бўлмоқда ва Финляндия етакчи мамлакатлар каторидадир.

Финляндияда 2,56 миллионта уй хўжаликлари мавжуд, уларнинг бир миллионгадан (41%) ортиқ қисми бир кишидан иборатдир. Кўпинча якка ҳолда яшовчилар, бу кекса бевалар деб ўйланади, лекин бу ундай эмас. Ушбу тоифадагиларнинг энг кўп қисми 35 ёшдан 64 ёшгача бўлган, шулардан кўпчилиги эркак (42%) бўлган инсонлар, учдан бир қисми 65 ёшдан катталар ва чорак қисми 35 ёшгача бўлганлардир. Агарда 65 ёшдан катта бўлган аҳоли гуруҳларига батафсил равишда назар ташланса, у ҳолда якка ҳолда яшовчиларнинг нисбатан улуши энг юқори бўлади, уларнинг деярли учдан икки қисми ёлғиз яшамоқда. Хельсинкининг пойтахт округидаги уй хўжаликларининг ярим қисми бир кишидан иборатдир. Фин узоқ муддатли даволаш ва парвариш қилиш муассасаларида асосан ёлғизлар ётмоқда.

Ёлғиз яшаш маълум маънода муаммо бўлмаса ҳам, ёлғиз яшовчи инсоннинг иқтисодий, ижтимоий, тиббий, амалий тузилишга эга бўлган, ҳамда инсонлар билан ўзаро муносабат ва хизматларни олиш бўйича анча қийинчиликлари мавжуддир.

2010 йилда фин уй хўжаликларининг 13,1 фоизи, Европа Иттифокининг қашшоқлик чегаралари бўйича мезонларига асосан, қашшоқлик чегарасидан пастда эди. Бу Европа Иттифоқидаги охиридан олтинчи ўриндир. Айнан шу мезонларга асосан, мамлакатимизда бир кишидан иборат бўлган 31,5 % камбағал уй хўжаликлари мавжуд ва Финляндия ушбу кўрсаткич бўйича Болгариядан кейин иккинчи ўринда эди.

Соғлиқ аҳволларидаги фарқлар бўйича сўз борса, аҳолининг бошқа тоифларига нисбатан ёлғиз яшовчи инсонларнинг соғлиқ ахволи ёмонроқ ва ўлим даражаси юқорироқдир. Рухий касалликлардан азият чекувчи, ногиронлик ва сурункали касалликларга эга бўлган кўпгина одамлар ёшлик даврларидан бери ёлғиз яшамоқдалар. Ўз кекса ота-оналари билан яшовчи одамлар алоҳида гуруҳни ташкил қиладилар. Уларнинг сони 70 мингтага

якин. Ота-онасининг вафотидан сўнг бундай одамлар ёлғизликда қолади.

2010 йилда асосий таъминот нафақаларини олувчиларнинг 71 фоизи ёлғиз яшаётган инсонлар эди. Ёлғиз яшаётган одамлар уй-жой олиш учун навбатда турганларнинг энг катта гуруҳини ташкил қилади, чунки йирик шаҳарларда ижара ҳақи арзон бўлган кичик хонадонларнинг улуши жуда пастдир.

Хизматларнинг кўп қисми ёлғиз яшовчи инсонлардан кўра кўпроқ оилалар учун мўлжаллангандир. Уйларда олиб бориладиган хизматлар сонининг қисқариши, ёлғизликда яшовчи нафақахўрларнинг ҳаётига таъсир қилиши мумкин. Бундай ҳаёт тарзига ёлғизлик ҳисси, ижтимоий ажралиб қолиш ва жинсий муаммолар алоқадор бўлиши мумкин.

Ёлғиз яшовчи инсонлар улушининг шиддат билан ўсиб бориши, жамиятни шакллантириш ва уй-жойни режалаштириш тушунчасини ўзгартиришни талаб этади. Финляндиянинг нисбатан муваффақиятли ва мустаҳкам бўлган оилавий сиёсати, қонунчилик томонидан белгиланган кўп сонли тадбирлар туфайли амалга оширилади. Айни вақтда, ушбу қонунчиликнинг оиласиз одамлар аҳволига бўлган таъсирига баҳо берилмаган. Фин тенгҳуқуқлилиқ сиёсати ҳеч ким ўз ёши, жинси, ирқи, дини ёки жинсий мойиллигидан қатъий назар ҳимоясиз аҳволда қолмаслигини талаб қилади. Оилали ва оиласиз инсонлар ўртасида тенгҳуқуқлилиқ ёндашуви ўйлаб кўрилмаган. Эҳтимол, оилавий қонунчиликни ушбу нуқтаи назардан кўриб чиқишга баҳона бордир.

Ҳамғармаси ёлғиз яшовчи одамлар учун уй бериш ва қуриш учун бир неча ўн йил муқаддам ташкил қилинган эди. Valli гу номли кекса инсонлар ва яқинларга хизмат Ассоциацияси ва Ҳамғармаси томонидан, ёлғиз яшовчи инсонларнинг аҳволи бўйича жамоат мунозаралари бошланди. Бундан мақсад, Финляндия томонидан ушбу мунозараларнинг халқаро миқёсга олиб чиқарилишидир. Бир кишидан иборат уй хўжаликлари – бу Европа Иттифоқи ва БМТнинг эътиборини тортиш керак бўлган халқаро ҳодисадир.

Илкка Тайпале,

*1971-1975, 2000-2007 йилларда парламент депутаты,
Ванну Тайпале, 1982-1984 йилларда Ижтимоий масалалар ва
соғлиқни сақлаш бўйича вазир.*

*1992-2008 йилларда «Stakes» (Ижтимоий ва соғлиқни сақлаш
соҳаларини тадқиқ қилиш ва ривожлантириш Миллий маркази) Бош
директори*

79. ҚАРЗЛАРНИ УЗИШ ВА КАФОЛАТ ЖАМҒАРМАСИ

Инжилда: «Ораларингда доимо камбағаллар бўлади» - деб айтилган эди. У ҳолда, евангелик-лютеран черковини 1980 йилларнинг охирларида собиқ маҳбуслар, спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддаларга рўжў қўйганлар, руҳий касаллар каби энг қашшоқларга ёрдам бериш усулларини ишлаб чиқишга нима мажбур қилди? Бу бозор шароитлари кўтарилган давр эди, ҳамманинг ишлари яхшига ўхшар эди. Аммо аҳвол ундай эмас эди: ўз тақдирига ташлаб қўйилганлар батамом унутилган эди. Қайси банк собиқ маҳбуснинг ўз миждози бўлишини хоҳлар эди?

Черков одамларнинг банкдан кредит олиш ва шу йўл билан барча мажбуриятларини тўлаб бериш имкониятини яратадиган кафилликларни бериш билан шуғулланувчи Кафолат жамғармасини ташкил қилиш бўйича лойиҳани тақдим қилди. Битта қарзни тўлаш бошқа бир неча қарзларни тўлашдан кўра осонроқдир. Кредит фоизи мажбурий ундириш фоизидан камроқ эди. Черков томонидан берилган лойиҳага омад кулиб боқди: жамғарманинг таъсисчилари бўлишга Финляндия руҳий касаллари жамияти, «А-клиника» Жамғармаси ва Жиноий санкциялар ассоциацияси рози бўлди. Жамғарма устави қисқа вақт ичида маъқулланди.

Бундан кейин омад юз ўгирди. Черков жамғарма томонидан кафилликларни тўлаш бўйича капиталнинг «Бирдамлик» маблағ тўплаш кампанияси ҳисобидан йиғилиб боришига қарор қилди. Финлар ушбу фикрни қўллаб-қувватладилар. Авваллари маблағ йиғиш билан шуғулланган одамлар келгусидаги ҳамкорликдан бош тортишди, ҳомийлар эса йўқолди. Ҳеч ким жиноятчи ва ўғриларнинг қарзларини узиш учун пул беришни хоҳламади. Иқтисодий инкироз бошланаётганди, ёрдамга муҳтож бошқа одамлар ҳам бор эди. 1991 йилдаги йиғимлар аввалги йилларга қараганда сезиларли даражада кам эди.

Бироқ, Кафолат жамғармаси 1992 йилнинг баҳорида ўз фаолиятини бошлади. Ўқиган ходимлар қарзларни қандай узиш мумкинлиги бўйича маслаҳатлар, жамғарма эса бунинг учун кредитлар берар эди. Жамғарманинг фаолият кўлами кенг бўлмаса ҳам, унга эътибор беришди. Қарзларни қайта тузиш тўғрисидаги

1993 йилдаги қонун айниқса кредит кафиллари ва болалик оилаларга жуда кўп муаммоларни келтириб чиқарди. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий сиёсат вазирлиги Кафолат жамғармасидан кафилликни фақатгина юқорида санаб ўтилган муаммоли гуруҳлар эмас, балки жамиятнинг бошқа аъзоларига ҳам олиши имконияти берилган тарзда ўз фаолиятини кенгайтиришни сўради. Шундай йўл билан, қарзи бўлмаганлар орасида қарзни тўлаш бўйича муаммоларнинг тарқалишига йўл қўйилмади. Таклиф қабул қилинди ва фаолият сезиларли даражада ўсди. Жамғарманинг кафиллик бериш бўйича фаолияти қарзларни қайта тузишнинг самарали усулидир. Бизнинг жамиятимиз туфайли 30 000тага яқин фин қарзлар бўйича муаммоларини ҳал этди. Жами бир миллиард евро миқдоридagi қарзлар бизнинг кафилликларимиз ёрдамида қайта тузилди.

Финларнинг қарзлари 2002 йилдан бошлаб икки баробар кўпайди. Уй-жой бўйича кредит қарзлари аҳолининг 25 ёшдан 34 ёшгача бўлган гуруҳида айниқса юқоридир: ўртача 120 минг евро атрофида. Лекин, қарзларнинг келиб чиқиш сабаблари ўзгарди ва энг кўп муаммо, ҳозирги кунда уларни атиги смс-хабар юбориш орқали олиш мумкин бўлган, қисқа муддатли истеъмол кредитлар сабабли пайдо бўлган. Қисқа муддатли кредитлар олиш учун аризалар сони мисли кўрилмаган тезликда ортиб бормоқда. 2016 йилда умумий миқдори 94,5 миллион евродан ортиқ бўлган, тахминан 400 мингта қисқа муддатли кредит берилган эди. Қисқа муддатли кредитнинг ўртача миқдори 246 евро ва қайтариш муддати 34 кунни ташкил қилади. Бундай кредитлар бўйича йиллик фоиз деярли минг фоизни ташкил қилади. Ҳозирда деярли 400 мингта финда фоиз тўловлари бўйича кечикишлар қайд этилган. Қисқа муддатли истеъмол кредитлари бозорини тартибга солиш мақсадида, парламентга кўриб чиқиш учун фоиз миқдори ва комиссиянинг энг юқори даражасини чегаралайдиган қонунчилик лойиҳаси тақдим қилинди.

Кафолат жамғармаси мамлакатимизнинг ижтимоий таъминот бўйича янги усулларини ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Бизнинг ташаббусимиз орқали қўллаб кўрилган кредитлаш тизими, ҳозирги вақтда қонун томонидан белгилангандир. Кафолат жамғармасининг ўзи ҳам унча катта бўлмаган ижтимоий кредитларни бериш билан шуғулланади. Биз қарз бўйича муаммоларни ҳал этиш дастурини ишлаб чиқдик ва у туфайли

10 000дан кўпроқ фукаро, ҳаддан ташқари баланд қарзларини тўлаш бўйича муаммоларни ҳал этди. 1995 йилда биз телефон орқали бепул маслаҳатлар беришни бошладик. Биз ишлаб чиққан Реппо иловаси ёрдамида ўз маблағларнинг сарфланишини назорат қилиш мумкин. Эндиликда биз, қарзни тўлашдаги қийинчиликларга олиб келувчи, мисол учун, ҳаддан ташқари баланд хонадон кредитлари ёки уларни тўлаш бўйича ҳаддан ташқари узоқ муддатлари каби омилларнинг ҳам олдини олишимиз мумкин.

Эҳтимол, бундай фаолият бошқа бирон-бир мамлакатда мавжуд эмас, лекин натижалар маълумдир. Уставимизда таъкидланганидек, адолатнинг бошқа томони – мўътадилликдир.

Леена Вейккола,

1991-2012 йилларда Кафолат Жамғармасининг бошқарувчиси

80. ИЖТИМОЙ КРЕДИТЛАШ

Финляндияда қарзни қайтариш одатда ор-номус ишидир. 1990 йилларда Финляндияни ларзага келтирган иктисодий тушқунлик аҳоли учун катта муаммоларни келтириб чиқарди. Кичик бизнес томонидан самарасиз бўлиб қолган валюта кредитлари олинган бўлиши, ёки уй-жой бўйича тўланмаган кредитлари бор одамларни ишсизлик ваҳимага тушириши мумкин эди. Хонадон нархларининг кескин равишда арзонлашиши, бир вақтнинг ўзида қарзнинг тўланмаган қисми уни тўлаш имкониятларидан баланд бўлиб қолгани боис, кўчмас мулкни қутилмаганда йўқотиб қўйишга олиб келар эди. Харид қилиш қобилиятларини истеъмол кредитлари билан ямашга ҳаракат қилинди, лекин бу кўпинча одамларнинг қарз илмоғига тушиб қолишига олиб келар эди.

1993 йилда жисмоний шахсларга кўмаклашиш учун, қарздорликларни тўлаш тартиби тўғрисидаги қонун қабул қилинди, лекин у кўпинча узоқ муддатли суд жараёнларига олиб келди. Кафолат жамғармаси ҳам ўз томонидан, қарздорларга қарзларни қайта тузиш бўйича кредитлар бериш вақтида кафил бўлиш орқали ёрдам берар эди.

2003 йилда жуда ҳам кам даромадга эга ва кам таъминланган одамлар учун, муниципалитетларга ихтиёрий бўлган ва ижтимоий

таъминот соҳасига кирадиган ижтимоий кредитлар тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Қарзларни тўлаш тартиблари тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан сўнг, иқтисодий инқирозни бартараф этиш натижасида қарзларни қайта тузиш схемаларига бўлган эҳтиёж аста-секин пасаяди деб тахмин қилинган эди, аммо истеъмол кредитлари ва тезкор кредитлар, ҳамда ишсизлик хусусий уй хўжаликлари учун қийинчиликлар сабаблари бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолларда қарздорликни тўлашга кўмаклашишнинг турли хилдаги схемаларидан аввалдагидек фойдаланиш керак.

Ҳам мактабгача тарбия, ҳам мактаб таълими давомида молиявий билимга катта эътибор беришга эҳтиёж мавжуддир, чунки пул тўлаш давомида нақд пуллардан фойдаланишни кредит картаси орқали тўлаш имконияти сиқиб чиқарганлиги ва муаммоларсиз берилаётган тезкор кредитлар, ёш авлодга ўз молиявий имкониятлари тўғрисидаги нотўғри тушунчаларни бериши мумкин.

Ижтимоий кредитлаш муниципалитетлар учун ихтиёрийдир ва 2017 йилда Финляндияда 30тага яқин муниципалитет шундай кредитларни берар эди. Ижтимоий кредитлаш пойтахт округидаги йирик муниципалитетларда мустаҳкам асосга эга ва ушбу туманлардаги яшаш баҳоси мамлакатда энг юқоридир.

Ижтимоий кредитлашнинг мақсади, мижозга ўз молиявий масалаларини мустақил равишда ҳал этишга кўмаклашишдан иборатдир. 1999-2003 йилларда Хельсинки шаҳрида, ижтимоий кредитлар бериш бўйича пилот лойиҳа амалга оширилган эди. Фаолият қонунчилик асосларига 2003 йилда, ижтимоий кредитлаш соҳасида қонун қабул қилинган вақтда эга бўлди. 1999 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда Хельсинки шаҳрида, умумий қиймати 18,3 миллион еврога ташкил қилган ижтимоий кредитлар берилган эди.

Кредитлашнинг зарар келтиришига кам таъминланган мижознинг ўлими, қарздорликнинг суд приставлари орқали ундирилиши ёки мижозга берилган қарздорлик бўйича тўловларнинг қайта тузилиши таъсир қилади. Аммо бундай ҳолатлар жуда ҳам кам. Қарздорлар орасида кредитни тўлаб бориш даврида вафот этган мижозларнинг улуши 0,9 фоиз, яна 3 фоизининг мулки ҳатлаб қўйилган ва 0,5 фоизига кредитни қайтариш бўйича қайта тузиш режаси берилган.

Хельсинки шахрида ижтимоий кредит бериш, мижознинг тўлов қобилиятига эга эканлиги исботининг борлигини назарда тутати. Кредит миқдори 500 евродан 15 минг еврогача бўлиб, 5-7 йилга берилади. Шунингдек, мижоз 12 ойлик еврибор (Европа банклари рақобат ставкаси) ставкаси бўйича ҳисобланган кредит фоизини ҳам тўлайди. Кредит бўйича бошқа тўловлар олинмайди. Молиявий ва кредит масалалари бўйича маслаҳатчи, мижозга аризани расмийлаштиришда кўмаклашади. Ижтимоий кредит алоҳида шахс ёки оиланинг қайта кредитлаш, арзон нархда уй-жой харид қилиш ёки кичик таъмирлашни амалга ошириш, меҳнат учун керакли кичик ускуна харид қилиш, тўлов муддати кечиккан қарзлар, ижара тўловлари ёки бошқа турдаги кичик миқдорли қарзларни тўлаш (лекин давлат соғлиқни сақлаш муассасаларидаги тиббий хизмат харажатларини эмас) каби муаммоларини мустақил равишда ҳал этишга кўмаклашиш учун берилади.

Ижтимоий кредит деб, ёмон кредит тарихи сабабли таълим кредити учун давлатнинг қафиллигини олишга муваффақ бўлолмаган талабаларга, таълим мақсадлари бўйича бериладиган ижтимоий кредитга ҳам айтилади. Сўровчининг бундан аввалги кредитлар бўйича қарздорлиги ёки тўлов муддати кечикишлари, ёки кредит лимитининг ошиб кетиши, ёки сўровчининг аниқ яшаш манзили почта қутисидоғина (талаб қилингунга қадар) бўлса, банк кредитни давлатнинг қафиллиги бўлишига қарамай бермайди.

Таълим мақсадлари учун ижтимоий кредит ўқув оиди учун 400 евро ҳисобиди берилади. Таълим олишнинг профессионал ўқув муассасасида ва Финляндия ҳудудида ўтиши шартдир. Кредит таълим олиш жараёни одатдагидан кўра кўпроқ вақт олганда ҳам берилиши мумкин, фақатгина мутахассисликка эга бўлишга келажакда ҳаётни мустақил давом эттириш имконияти деб қаралган ҳолатларда. Агарда илгари олинган кредитлар бўйича қарздорлик 15 минг евродан кўп бўлса, у ҳолда кредит берилмайди.

Ижтимоий кредит олиш учун берилган аризани қабул қилгандан сўнг, сўровчининг асосий таъминот бўйича нафақа олиш ҳуқуқлари тасдиқланиши керак. Мақсад шундан иборатки, асосий таъминот нафақаси ёки ижтимоий кредит олиш хоҳишини сўровчининг ўзи танлаши керак. Ижтимоий кредитни олганлар, ижтимоий кредит уларнинг яшаш аҳволига ижобий таъсир қилганини исботлашди.

Ижтимоий кредит уни олганларга ўз мулкларининг хатловга олиниси ва ундан кейин пайдо бўладиган асосий таъминот нафақасини олиш заруриятидан қутилиб қолишга имкон яратди. Инсоннинг давлат хизматларига тобелиги камайди ва у ўз молиявий маблағларини режалаштириш ва ҳаражат қилишдаги ўрнини фаоллаштирди. Қарздорликларни қайтаришдаги кераксиз устама ва жарималардан халос бўлиш, шунингдек, қарзларни кафолатлаш ва ижтимоий ажралиб қолишдан ҳам қутулишга эришилди. Инсоннинг муаммоларни мустақил равишда ҳал этиш имконияти келажакка ишонч беради ва рухий хотиржамликни бағишлайди. Инсоннинг муаммоларни мустақил ҳал қилаолиш имконияти келажакка ишонч туғдиради ва маънавий хотиржамлик бахш этади.

Марианне Рикама,

1993-2010 йилларда Хельсинки шаҳри Ижтимоий таъминот бошқармасининг кредит ва молиявий масалалари бўйича маслаҳат бериш бўлими бошлиғи

81. СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР МОНОПОЛИЯСИ

Финляндиядаги давлатнинг спиртли ичимликлар монополияси 1932 йилда, умумдавлат референдуми натижасида, 1919 йилдан бери амалда бўлган спиртли ичимликларни тақиқлаш тўғрисидаги қонунни бекор қилишга қарор қилинган вақтда ташкил қилинди. Бу каби монополиялар Шимолий Европадаги бошқа мамлакатларда (Даниядан ташқари) ҳам, шунингдек, Американинг баъзи штатларида ва Канада провинцияларида қўлланилади.

Давлатнинг спиртли ичимликлар монополияси, спиртли ичимликлар савдосининг чекланиши улар келтирадиган зарарнинг самарали равишда камайишига олиб келиши ғоясига асосланади. Унинг ёрдамида спиртли ичимликлар истеъмолини сезиларли даражада камайтиришга ва натижада, спиртли ичимликларнинг аҳоли саломатлиги, инсоний муносабатлар ва умумий интизомга бўлган салбий таъсирини пасайтиришга муваффақ бўлинди. Ушбу фикр илмий адабиётлар билан ҳам қўллаб-қувватланмоқда, гарчи бошқа фикрлар ҳам доимо пайдо бўлаётган бўлса ҳам. Спиртли ичимликлар савдосини чеклашдан ташқари, солиққа тортиш, яъни

нархларга ўтказиладиган таъсир, спиртли ичимликлар истеъмолини тартибга солишнинг иккинчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Спиртли ичимликлар савдосини чеклаш ва нархларни тартибга солиш нафақат монополиялаштириш орқали мумкин, аммо монополия амалий нуқтаи назар бўйича самарали воситадир. Олдинги ўн йилликларда спиртли ичимликлар савдоси бўйича давлат монополияси учун яна бир сабаб шунга асосланганки, у хусусий шахсларнинг саломатлик учун зарарли бўлган маҳсулотларни сотишдан фойда олишини чеклаб қўйди.

Финляндияда спиртли ичимликларни тақиқлаш қонуни парламентнинг биринчи таркиби томонидан 1907 йилда қабул қилинди, лекин Финляндия 1919 йилда мустақил бўлганидан кейингина кучга кирди. Ушбу қонуннинг таъсири қарама-қарши эди: бир томондан у контрабанда ва уюшган жинойтчилик, шунингдек, қонунга нисбатан умумий бефарқликнинг ривожланишига туртки бўлди, бошқа томондан эса аҳоли соғлигининг яхшиланишига ёрдам берди. Саломатлик нуқтаи назаридан кўрсаткичлар паст даражада қолди. Эҳтимол, Финляндиядаги спиртли ичимликлар истеъмоли ҳали спиртли ичимликларни тақиқлаш қонуни кучга кирган вақтга қадар ҳам нисбатан паст бўлгани учундир.

Монополиянинг киритилишидан кейин ҳам спиртли ичимликларга етишиш аввалдагидек чекланган эди, чунки қишлоқ ҳудудларида спиртли ичимликлар дўкони йўқ эди. Иккинчи жаҳон уруши даврида, киши бошига бериладиган спиртли ичимликлар сони бўйича чеклаш тизими киритилди. Ушбу тизимдан 1950 йилларда воз кечилди, чунки тадқиқотлар натижасида у на истеъмолга, на салбий оқибатларга керакли таъсирни кўрсатмади.

Қонунчиликдаги навбатдаги сезиларли ўзгариш 1969 йилда, ўрта қувватли пивонинг савдосига рухсат берилган, «Алко» спиртли ичимликлар дўконлари эса қишлоқ ҳудудларида ҳам очилган вақтда рўй берди. Ушбу янгилик спиртли ичимликлар истеъмоли ва салбий оқибатлар сонининг кескин ортишига олиб келди ва ушбу ҳолат ислохотнинг муаллифларини ҳайратда қолдирди. Улар ўрта қувватдаги спиртли ичимликларга осон етишиш, қуввати кучли ичимликларнинг истеъмолини камайтириши ва ичкиликбозликнинг олдини олишига ишонишарди. Спиртли ичимликларнинг эркинлигига ўзгартириш киритиш, уни истеъмолга қилиш даражаси ва

спиртли ичимликлар истеъмоли натижасидаги салбий оқибатларнинг тарқалишига ҳақиқатдан ҳам таъсир кўрсатиши бўйича дарс олинди, лекин сиёсий сабаблар бўйича тақиқлаш тизимига қайтишнинг иложи йўқ эди.

Финляндиянинг Европа Иттифоқига 1995 йилда аъзо бўлиши ва алкоголь саноатининг кучли иқтисодий манфаатлари, ҳамда жамоатчилик фикрининг кучли тебранишларига қарамай, давлат монополияси Финляндияда ҳозирги кунгача ҳам амал қилмоқда. Европа Иттифоқи монополияни фуқаролар соғлигини сақлашдаги ҳаракатлари туфайли маъқуллади. Тизим аввалдагидек танкид қилинмоқда, масалан, ҳозир виноларнинг оддий озиқ-овқат дўконларида сотилиши бўйича мунозаралар кетмоқда.

2017 йилда ҳукумат томонидан, спиртли ичимликлар бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритиш бўйича таклиф парламентга кўриб чиқиш учун киритилди. Агарда таклиф қабул қилинса, у кучли пивони эркин савдога чиқиши орқали монополия ҳуқуқининг озроқ қисқаришига олиб келади. Қонунчиликдаги бундай ўзгариш спиртли ичимликлар истеъмоли ва спиртли ичимликлар истеъмоли натижасидаги зарарли оқибатларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин, лекин мамлакат ҳукумат иқтисодий фойда, бандликнинг ўсиши ва солиқ тушумларини олишни кутмоқда, масалан, фин сайёҳлари томонидан чет элдан келтириладиган пиво ҳажмининг пасайиши туфайли. Агарда таклиф ўтса, у ҳолда монополия остида жуда кучли пиво, винолар ва кучли спиртли ичимликлар қолади, яъни Финляндияда истеъмол қилинадиган спиртли ичимликлар ҳажмининг чорак қисми атрофида.

Финляндиядаги нарх сиёсатининг спиртли ичимликларни истеъмол қилиш ва зарарли оқибатлар даражасига бўлган таъсирининг кучли исботлари, Финляндия Эстониянинг Европа Иттифоқида қўшилганда спиртли ичимликлар нархини туширгандан кейин қўлга киритилди. Эстонияда спиртли ичимликлар Финляндияга қараганда анча арзон. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи спиртли ичимликлар харид қилиш учун хусусий шахсларга кўпроқ ҳуқуқ беришни ҳам талаб қилди. Ушбу янгилек спиртли ичимликлар истеъмолининг ўсишига, натижада зарарли оқибатларнинг кўпайишига олиб келди. Солиқ бўйича имтиёзлар

амалда бир қатор спиртли ичимликлар бўйича солиқларнинг ошиши билан қопланди.

Умумдават референдумларининг Финляндия мустақилликка эришганидан кейинги биринчи юз йиллик давомида факатгина икки маротаба: 1931 йилда тақиқлаш қонунини бекор қилиш ва 1994 йилда Финляндиянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиши бўйича ўтказилгани, фин сиёсатидаги спиртли ичимликлар монополияси ва спиртли ичимликлар истеъмоли бўйича масалаларнинг аҳамиятини кўрсатади.

Юсси Симпура,

Тадқиқотчи-профессор, Финляндиянинг соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фаровонлик миллий институти

82. НОЯБР ҲАРАКАТИ

Финляндия нафақат кучли назоратга эга мамлакат сифатида, балки кучли институционал анъаналарга эга мамлакат сифатида ҳам танилган. 1960 йилларда Финляндиядаги маҳбуслар сони Шимолий Европанинг бошқа мамлакатларига нисбатан 4 баробар кўп, умумий аҳоли сонининг 0,4 фоизи руҳий касалликлар шифохоналаримизда даволанган, яъни Ирландия ва Швециядан кейин, дунёдаги бошқа мамлакатларга нисбатан энг кўп, спиртли ичимликлардан маст бўлиш туфайли ҳибсга олинишлар Даниядаги кўрсаткичлардан ўн баробар кўп эди. Ҳарбий мажбуриятларни бажаришдан бош тортган Иегова гувоҳлари икки йил ва етти ой давомида лагерларда ўтирар, одамлар дайдилик сингари тўланмаган алиментлар учун ҳам меҳнат лагерларига жўнатилар, ҳушёрхоналар ўз фаолиятини амалга оширилаётган мажбурий ҳаракатлар ҳисобидан давом эттирар эди. Тартиб-интизом ҳамма жойда, ҳаттоки мактабларда ҳам кучли эди. Уйсизлик муаммоси яққол кўриниб турарди.

Турли мамлакатлар тадқиқотчилари, биринчи навбатда юқорида қайд этилган жамият гуруҳларига тааллуқли девиант ҳатти-ҳаракатлар социологияси бўйича тадқиқотларини чоп этарди. Шунингдек, Финляндияда Спиртли ичимликлар муаммолари тадқиқотлари жамғармаси ва Криминология тадқиқот маркази томонидан ўтказилган ваҳимали тадқиқотлар ҳам пайдо бўла

бошлади. 1966 йилда Хельсинки шаҳри университетининг талабалар ташкилоти махбуслар, руҳий касаллар, ишлашни хоҳламайдиганлар, дайдилар, уйсизлар, пианистлар ва ҳоказолар тўғрисидаги бешта тортишув сериясини ташкиллаштирди. Ўша вақтда памфлетлар Финляндияда ҳам кенг тарқалган эди. Жамиятшунослар, ҳуқуқшунослар, ёзувчилар ва шифокорлардан иборат бўлган гуруҳ, Ларс Д. Эрикссон томонидан нашр қилинган ва барча доираларда турли хилдаги муассасалар ва мажбурлашларга қарши қизғин мунозараларга сабабчи бўлган «Мажбурий ёрдамчилар» номли асарни ёзишди. Танқидга айниқса ўша пайтда амалда бўлган ижтимоий таъминот тизими ва назорат сиёсати учради. Ўша вақтда Шимолий Европа мамлакатларида махбуслар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи «Крум» ва «Крим» ташкилотлари ташкил қилиб бўлинган эди.

1967 йил 7 ноябрда Финляндияда давлат сиёсати устидан назорат қилувчи «Ноябр ҳаракати» номли уюшма ташкил қилинди. Унинг мақсади, юқорида кўрсатиб ўтилган гуруҳларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳамда жамиятда уларнинг аҳволини яхшилашдан иборат эди. Ташкилот фаолиятининг бошланиши шов-шувга сабаб бўлди – айни ўша вақтда Хельсинки кўчаларида 40 нафар бошпанасиз одам совуқдан ҳалок бўлди, чунки 500 ўринлик уйсизлар бошпанаси ёзда ёпилган эди. Жамоатчилик 1967 йилнинг 6 декабрида, Финляндия мустақиллигининг 50 йиллиги нишонланаётган вақтда янги ташкилот тўғрисида сўз юритди. Президент Кекконен бутун дунёдаги аслзодаларни президент саройига таклиф қилди, «Ноябр ҳаракати» эса барча уйсизларни талабалар уйига, пиво ва колбаса тановул қилиш учун таклиф қилди. Жами бўлиб 500 нафарга яқин одам тўпланди, дастурга норозилик сифатидаги маъруза ва қўшиқлар киритилган эди. Ушбу тадбир президентнинг қабулидан ҳам кенгроқ равишда ёритилди. Ушбу тадбирнинг учта ташкилотчиси бор эди. Улардан бири, кейинчалик Финляндиянинг бош вазири ва ундан кейин парламентнинг спикери бўлган Пааво Липпонен эди. Уйсизлар учун ташландиқ бўёқ омборхона биносида 1000 ўринлик бошпана эндигина очилган ва унда одамлар тобутга ўхшаш кутиларда ухлашар эди. Мустақиллик кунда «Ноябр ҳаракати» мамлакатимизнинг 50та адолатсизликлари рўйхатини ҳам чоп этди.

Шунингдек, ҳаракат намоёишлар ўтказиш, маълумотлар тўплаш, меморандумлар ёзиш, хатларни таҳрир қилиш, тадқиқотлар ўтказиш ва яширин кўмиталар тузиш билан шуғулланадиган ишчи гуруҳларини ташкил қилди. Лекин, вақт ўтган сари ҳақиқий жамоат кўмиталари ҳам ташкил қилинган ва уларнинг энг аҳамиятлиси ижтимоий таъминот асослари бўйича кўмита эди. Ушбу кўмиталарнинг аъзоларидан баъзилари, кейинчалик давлат ҳукумат органларида етакчи ўринларга эга бўлишди. Улар санъаткор ва сиёсатчиларни муассасаларга боришга таклиф қилишар, ҳамда сайловлар ўтказиш арафасида мунозараларни ташкил этишарди.

Ҳаракат аъзолари қаторида, назорат ва озодликни чеклаш объекти бўлган тоифаларнинг вакиллари ҳам бор эди, аммо унинг кўпчилик қисми ёш талабалардан иборат эди.

«Ноябр ҳаракати» ядро қуролига қарши ҳаракат, «Юзлар кўмитаси» бирлашган пацифист ташкилоти, гендер масалалари билан шуғулланувчи «Бирлашма 9», «Триконт» учинчи дунё мамлакатлари ҳаракати, ҳамда автомобил ҳайдашни танқид қилувчи, пиёда юриш ва велосипед ҳайдашни тавсия қилувчи «Кўпчилик» уюшмаси қаторида 1960 йиллардаги энг таниқлилардан бири эди.

1967-1971 йилларда фаолият юритган «Ноябр ҳаракати», шу каби ташкилотларни тузиш учун ёрдам беришга ҳам интилар эди. 1967 йилда лўлилар уюшмаси, 1970 йилда Финляндия ҳарбий хизматга чакирилувчилари уюшмаси, жинсий тенгҳуқуқлик учун курашувчи «СЕТА» ва психиатрик реабилитациядан ўтувчи одамларнинг «ПКЕ» жамияти, 1971 йилда Руҳий саломатлик иттифоқи, 1974 йилда эса Қуролсизлантириш иттифоқи ташкил қилнган эди. Кейинчалик, уйсизларнинг ўз ташкилотлари, «Доимий хонадонсиз» уюшмаси ва ёлғизлар учун уй-жой қуриш билан шуғулланувчи «Ҳ жамғармаси»га навбат келди.

«Ноябр ҳаракати» фаолиятини 1972 йилда тўхтатишга қарор қилинди. У ўз вазифасини бажарди. У туфайли бир неча ташкилот ташкил қилинди, у давлат фаолиятига таъсир кўрсатишга ва фикр юритишни ўзгартиришга муваффақ бўлди.

Илкка Тайпале,

1971-1975 ва 2000-2007 йилларда парламент депутати

83. УЧ ФОИЗ НАЗАРИЯСИ

Мен 1993 йилда, Ауланкодаги Полиция бошқармаси томонидан ўтказилаётган ва қотилликлар муаммосига бағишланган иккинчи семинарда қатнашиш вақтимга қадар, детективларни ҳисобламаган ҳолда, жиноятчилик бўйича барча фин адабиётини ўқиб чиқдим. Юсси Паюоя (Jussi Rajuoja) Финляндияда ҳар йили юз бераётган 160та қотилликни амалга оширган одамларнинг иккидан уч қисми, мамлакат эркак аҳолисининг 5 фоизлик гуруҳидан эканлигини пайқаб қолди. Ушбу гуруҳга мансуб эркаклар ҳаттоки иктисодий ўсиш вақтида ҳам иш тополмадилар. Агарда, ушбу сондан қотиллик содир қилмайдиган гуруҳлар (она тили шведча, биринчи ва иккинчи ижтимоий синф нафақахўрлари, ногирон-нафақахўрлар, руҳий касалликларга эга одамлар, ҳаракат қилиш қийинчиликларига эга одамлар) олиб ташланса, у ҳолда 40 000 кишидан иборат бўлган ва уларнинг асосий қисмини ё уйланмаганлар, ёки ажрашган ва ёлғизлар ташкил қилувчи, эркакларнинг 3 фоизи ҳосил бўлади.

Ушбу гуруҳга кимлар мансуб? Финляндиянинг барча уйсизлари (улардан 80% эркаклар) ва маҳбуслари (улардан 94% эркаклар), шартли равишда маҳкумлиқни ўтаётган одамлар, собиқ мактаб интернатларида яшовчилар, армиядан бўшатирилганлар, сурункали ишсизлар, пиянистлар ва гиёҳвандларнинг анча катта гуруҳи. Шунингдек, буларга қашшоқ ва ёки жанжалли оилаларда ўсганлар, ёки миясида минимал нуқсонларга, эътибор етишмаслиги ва гиперфаоллик муаммолари, дислексия, аклий ривожланиш нуқсонларига эга бўлган одамлар каби унча катта бўлмаган ва танилмаган одамлар гуруҳлари ҳам қиради.

Одамларнинг ушбу гуруҳи жамият учун анчагина муаммоларни келтириб чиқаради: жиноятчилик, касалликлар, улар билан полиция ва судлар, тиббиёт ходимлари ва ижтимоий ёрдам ходимлари ва бошқалар шуғулланади. Ички ишлар вазирлигининг талабномасига биноан, Финляндиянинг миллий хавфсизлигига таҳдид солувчи хавфлар таҳлили тайёрланганда шу нарса аён бўлдики, энг катта хавф компьютер жиноятчилари, парранда гриппи, ОИТС ёки иқлимнинг исиб кетиши эмас, балки жамиятдан ҳеч нарса кутмаётган (жамият ҳам улардан ҳеч нарса кутмайдиган), 20-40 ёшдаги ёлғиз ва камбағал эркаклар экан.

Улар билан ушбу мақсадларда фойдаланиш учун ёлланган 20 000 нафар ходим: педагоглар, ижтимоий ёрдам ходимлари, тиббий персонал, шифокор ва тез ёрдам ҳайдовчилари, полиция ва кўриқлаш хизмати, фаррош ва ўт ўчирувчилар, черков ишчилари ва алкоголизм билан кураш бўйича кўнгилчиларнинг бутун бир гуруҳи шуғулланади. Ҳеч нарса содир бўлмагандай туюлади. Кексарок кишилар қарийди ва вафот этади, кимдир қуйилади, лекин ёшлар ичидаги уч фоизнинг қатори яна тўлади.

Одамларнинг ушбу гуруҳи билан нима содир бўлади? Профессор Тапани Валконеннинг ҳисоблашича, бизнинг мамлакатимизда ўлимнинг тўртинчи тенденцияси пайдо бўлди. Илгари эркаклар урушда (урушда қатнашганларнинг олтидан биттаси ҳалок бўлган) ҳалок бўлар эди, кейинчалик одамларни 1950 йилга қадар сил касаллиги ҳалок қиларди. Ундан кейин эркакларнинг ўлим сабаблари бўлиб юрак-томир касалликлари қайд этилди. Энди эса, Валконен таъкидлаши бўйича, 45 ёшгача бўлган эркаклар шунчалик тез ўлмоқдаки, худди ўлим уларни белўрок билан эмас, балки газонокосилка билан ўргандек. Уларнинг ўлим сабаблари зўравонлик, бахтсиз ҳодиса, спиртли ичимликлардан заҳарланиш, ўз жонига қасд қилиш ва чекишдир. Фарқ шунда эдики, илк учта тенденция ҳолатларида ҳам бой, ҳам камбағал одамлар вафот этарди, шу сабабли жамият юқори ўлим кўрсаткичлари билан курашар эди. Фақатгина камбағаллар орасидаги ўлим умуман бошқача вазиятни юзага келтирди – ҳеч ким шахмат тахтасидан ташқаридаги пиёдага ғамхўрлик қилишни истамасди.

Уч фоиз назариясига биноан, Бисмарк ижтимоий сиёсатининг кучли чораларини ушбу қолдиқ гуруҳга йўналтириш, ушбу муаммонинг кўп томондан ҳал этилишига имкон яратади. Бизнинг рўпарамизда жуда кўп митти жамиятлар намуналари мавжуд: инсонларга яхши муомалада бўлсанг, улар ҳам сенга яхшилик билан жавоб қайтаради.

Финляндия то 1995 йилга қадар, дунёдаги уйсиз ва маҳбуслар сони камайган ягона мамлакат эди.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, бу ерда таърифланган одамлар гуруҳининг аҳволини сезиларли даражада яхшилаш чораларини кўришни англайди. Агарда камбағаллар ва

бойлар бир-бирларининг кўзларига қарай олмасалар, демак бу икки томонламадир.

Ҳуқуқни сақлаш органларининг фикрига кўра, қотилликлар сонини учдан бир қисмга қисқартириш мумкин. Ҳозирги кунда Финляндияда қотилликлар 1930 йилларга нисбатан уч барабар кам, лекин бошқа ривожланган мамлакатлардагидан уч барабар кўп содир этилмоқда.

Тегишли чоралар кўрилиши лозим. Масалан, уй-жой масаласини ҳал этиш учун катта бўлмаган хонадонлар ва кечаю-кундуз хизмат кўрсатиладиган хонадонлар қурилиши керак. Иккинчидан, соғлигининг аҳволи сабабли ишсиз бўлган одамларга нафақа тўлаш керак. Учинчидан, даромад даражасининг пастлиги сабабли камбағалликни камайтириш ва тўртинчидан, оммавий ҳордиқ ва бўш вақтдан унумли фойдаланишни ривожлантириш керак. Шунингдек, ёшлар билан ишлаш фаолиятини ҳам ривожлантириш керак. Кўриладиган чораларнинг қиймати, муаммолар келтириб чиқарадиган зарарлардан анчагина камроқдир. Иш давом этмоқда, чунки 2010 йилларнинг ўрталарига келиб, йил давомидаги қотилликлар сони 100тадан камроқни ташкил қилмоқда.

Илкка Тайпале,

1971-1975 ва 2000-2007 йилларда парламент депутаты

84. ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ ВА ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ

Таълим идеаллари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро қонунлар ва Финляндия конституциясига биноан барча одамлар қонун олдида тенгдир. Бироқ, ишни судга бериш учун инсоннинг имкониятлари бўлмаса ёки судда ўзини малакали адвокат ёрдамида ҳимоя қилолмаса, у ҳолда ушбу асосий ҳуқуқ бажарилмай қолади. Шу сабабли Финляндияда юридик ёрдам олиш имконияти, шунингдек, ўз сифати бўйича ҳаттоки халқаро микёсдаги барча таққослашларга ҳам дош бера оладиган, жиноятдан

жабр кўрганларга компенсация тўлаш тизимининг мавжудлиги ҳам жуда муҳимдир.

Юридик ёрдам бериш амалиёти XIX асрнинг охирларидаёқ, вазиятдан хабардор бўлган олий табақа вакиллари аҳолининг камбағалроқ қатламлари ўз ишларининг судда кўриб чиқилишини орзу ҳам қилолмаслигини адолатсизлик деб ҳисоблаган вақтда ривожланишни бошлади. Хельсинки шаҳри 1886 йилдан бошлаб юридик ёрдам беришни бошлади ва шу йилдан бери шаҳарда юридик ёрдам бериш бюроси ишлаб келмоқда. Юридик ёрдам бериш тўғрисидаги илк қонун 1973 йилда кучга кирди. 1998 йилда юридик ёрдам бериш фаолияти билан аввалгидек муниципалитетлар эмас, балки давлат шуғуллана бошлади. 2002 йилда эса юридик ёрдам бериш фаолияти ўрта синф вакилларини ҳам қамраб олди.

Ҳозирги кунда унча катта бўлмаган, ҳамда суғурта тўловлари суд ҳаражатларини коплайдиган ишлардан ташқари, исталган суд иши бўйича юридик ёрдамни олиш мумкин. Юридик хизмат деганда, суд ишларини олиб бориш жараёнида фойдаланишда, шахснинг (фирма ёки корхона эмас) давлат томонидан тўлиқ ёки қисман тўлаб бериладиган юристиконсулт хизматларидан фойдаланиши тушунилади. Ушбу хизматдан фойдаланишга имкон берувчи даромадлар миқдори бўйича батафсилроқ маълумотни, адлия вазирлиги сайти ёки юридик хизматлар кўрсатиш бюросидан олиш мумкин.

Баъзи ҳолатларда айб қўйилаётган шахсни судда ҳимоя қилиш, айбланувчининг даромад даражасидан қатъий назар давлат томонидан амалга оширилади. Оғир жиноятлар (масалан, зўравонлик ва жинсий жиноятлар) жабрланувчиси ўз даромадлари даражасидан қатъий назар, давлат ҳисобидан юристиконсулт ёки ёрдамчи хизматларидан фойдаланиши мумкин. Финляндияда бошқа турдаги жиноятлардан жабр кўрганлар учун, халқаро миқёсда ягона бўлган компенсация ва молиявий ёрдам беришнинг кенг қўламли тизими яратилган эди. Жиноят натижасида юзага келган зарарлар тўғрисидаги қонун 2006 йилда янгиланган эди. Оғир жиноятлардан (зўравонлик ва жинсий жиноятлар) жабр кўрганларнинг давлатдан етказилган моддий, ҳамда муҳим янгилик сифатидаги маънавий зарар учун компенсация олиш ҳуқуқлари яхшиланган эди.

Финляндиянинг юридик хизмат кўрсатиш ва компенсациялар тўлаш бўйича дунёда етакчи ўринларга эга бўлишига қарамай, тизим ҳалигача ҳам яхшиланишга муҳтождир. Қонундаги сўнгги ўзгаришлардан сўнг, парламентда ушбу янгиликнинг ўрта синфнинг ишни судга беришига имконият бермаслиги тўғрисидаги хавотирлар кузатилди, чунки юридик ёрдам иккинчи томоннинг жаримадан ошиб кетган ва одатда ишни ютқизган томон ҳисобидан тўланадиган ҳаражатларини қопламайди. Шу сабабли парламентда, юридик ёрдам бериш бўйича манбаларнинг етишмаслиги, юридик хизмат кўрсатилишининг ўрта синфга ҳам тарқалиши, ёрдам олувчиларнинг эса ўрта даромадга эга одамлар ҳисобидан чиқарилишини англатадиган, охир-оқибатда ҳеч қандай натижасиз ҳолатга олиб келиши бўйича хавотир билдирилди. Юрист ва оммавий сектор юристконсултлари ўртасида меҳнатнинг бўлиниши энг самарали бўлмагани ҳам танқидга учради.

Фуқароларнинг фикрлари ва суд сиёсати бўйича тадқиқот институти тадқиқотларининг натижалари, парламентдагиларнинг хавотирлари ўринли эканлигини тасдиқлади. Очиғини айтганда, тизим кўшимча молиялаштиришга муҳтождир. Сўнгги йилларда суд ишларини олиб бориш воситалари давлат бюджетининг жуда оз қисмини ташкил этди ва бу юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ўзлари учун тўлашлари керак бўлган жавобгарлик улушида сезиларли эди. Яқинда адвокатларнинг сиёсий бошпана сўраш бўйича ишларни кўриб чиқишдаги ҳуқуқлари чеклаб қўйилди.

Туйя Бракс,

2007-2011 йилларда Адлия вазири

85. СУДНИНГ ТОМОНЛАРНИ ЯРАШТИРИШИ

Томонларни яраштириш бўйича фаолиятнинг илдизлари, жамиятнинг маори, инуит ва америка ҳиндулари каби қабила тузилмаларида кузатилади. Шунингдек, яраштириш унсурлари марказий ўрин яқин кишилар ўртасидаги тинчлик, кечирим ва ҳамжиҳатликка ажратилган христианлик этикасида ҳам мавжуд. Адлия тизимидан қоникмаслик ва суд жараёнига кўпроқ инсонийлик фазилатларини бериш истаги, томонларни яраштириш фаолиятининг

ҳаракат кучи бўлиб хизмат қилди. Инсоннинг қобилиятлари ва унга низоларни ҳал қилиш ва ўз ишининг кўриб чиқилишига таъсир ўтказиш бўйича берилган имкониятлар, ижтимоий капитал ва маданий асоснинг бир қисмидир.

Томонларни яраштириш ғояси Финляндияга махбуслар, жиноят қурбонлари ва уларнинг оилалари билан черковнинг ишлаши орқали кириб келди. Фаолият 1983 йилда, Вантаа шаҳридаги Финляндия фанлар академияси томонидан молиялаштирилган пилот лойиҳа орқали бошланди. Жиноятчилик ва низо томонларини яраштириш модели, Вантаа шаҳридан Финляндиянинг бошқа шаҳарларига ҳам тез тарқалди. Кейинчалик Финляндияда мактаб ўқувчилари ва кўшнилари ўртасидаги низолар, оилавий жанжаллар, ишдаги можаролар ва одамларнинг ўзаро муносабатларидаги бошқа вазиятларни ҳал қилишда низоларни муқобил бартараф этиш усуллари қўлланила бошлади. Шунингдек, ҳозирги кунда суд институти ҳам, мисол учун, васийлик бўйича баҳсларни ҳал қилишда муқобил ҳал қилиш усулларидадан фойдаланади.

Финляндиядаги томонларни яраштириш амалиёти қонун томонидан тартибга солинадиган, назорат қилинадиган, ҳар иккала томоннинг ҳам ихтиёрий равишда иштирок этишини назарда тутадиган усуллар ва у инсоннинг асосий ҳуқуқлари, низоларни муқобил бартараф этиш қадриятлари ва тамойилларига асослангандир. Жиноят ва алоҳида можаровий вазиятлар содир бўлганда томонларни яраштириш тўғрисидаги қонун 2006 йилда кучга кирди. Қонунга биноан, тинчлик билан ҳал этиш бўйича бепул ҳуқуқий маслаҳатлар бутун мамлакат бўйича олиб борилиши керак. Бундай маслаҳат бериш хизматлари муниципалитет органлари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари томонидан кўрсатилиши мумкин. Яраштирувчи томоннинг яраштириш хизматларини кўрсатиш бўйича харажатлари давлат бюджети томонидан қопланади. Қонуннинг кучга кириш вақтидан бошлаб, давлатнинг томонларни яраштириш механизмини ташкиллаштириш ва фаолиятини олиб бориш бўйича йиллик харажатлари 6,3 миллион еврога ташкил қилади.

Томонларни яраштириш фаолиятига ташкилий-услубий ва назорат жиҳатидан қўмаклашиш, Финляндия ижтимоий масалалар ва соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади. Давлат

кенгаши томонидан ҳар уч йилда томонларни яраштириш масалалари бўйича маслаҳат кенгаши тузилади ва у томонларни яраштириш амалиётининг фаолият йўналишларини аниқлаб, ривожланиш жараёнини кузатиб боради. Яраштириш хизматларини ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш, ривожлантириш ва статистика маълумотларини тўплаш бўйича жавобгарлик Финляндия соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фаровонлик миллий институти (THL) зиммасига юклатилган. THL институти шунингдек, яраштириш жараёнида иштирок этувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш, томонларни яраштириш хизматларини олиб борувчи ташкилотларга услубий жиҳатдан кўмаклашиш, уларга яраштириш хизматларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш учун белгиланган давлат маблағларини ажратиш, ҳамда маблағларнинг ишлатилишини назорат қилиш бўйича жавобгардир. THL институти томонидан, томонларни яраштириш фаолиятини ривожлантириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган, мақсади томонларни яраштириш бўйича яхлит, юқори сифатли ва самарали хизматларни ривожлантиришдан иборат бўлган давлат дастурини амалга ошириш бошлатилди.

Томонларни яраштириш тўғрисидаги конунга биноан, яраштириш учун томонларининг берилган баҳо бўйича ярашишга имконияти мавжуд жинойтлар қабул қилинади ва айни вақтда, жинойтнинг оғирлик даражаси ва содир этиш услуби, гумонланувчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабат, ҳамда жинойтни содир қилишдаги бошқа томонлар жамланган ҳолда эътиборга олинади. Европа Иттифоқи парламентининг жинойтдан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Кўрсатмасига (2012/29/EU) биноан, жинойт томонларини яраштириш гумон қилинувчининг жинойтнинг асосий далилларини тасдиқлашини ва ярашиш жабрланувчининг манфаати учун амалга оширилишини англатади. Агарда низонинг кўриб чиқилиши амалий натижага олиб келиши мумкин ва низонинг камида битта томони жисмоний шахс бўлса, у ҳолда низо кўриб чиқиш учун қабул қилиниши мумкин. Барча томонларнинг ихтиёрий равишда, уларга босим ўтказилмаган ҳолда ярашиши, ярашишнинг асосий шартидир. Яраштириш жараёни томонларида исталган вақтда ушбу жараёндан чиқиб кетиш ҳуқуқи мавжуд. Томонларни яраштириш бу ҳуқуқни қўллаш

амалиёти эмасдир. У жиноятни кўриб чиқиш билан параллел равишда олиб борилиши ёки уни тўлдириши мумкин бўлган, суд жараёнидан ташқаридаги усулдир. Яраштириш давомида айбдорлик ёки айбсизлик аниқланмайди, жазо қўллаш ёки жазодан озод қилиш белгиланмайди, чунки жиноий иш бўйича қарор қабул қилиш полиция ва прокуратуранинг ваколатидадир.

Низоларни ҳал қилиш бўйича мутахассислар томонларни яраштириш бўйича ариза олинганидан сўнг, аниқ шу жиноят ёки бахсдаги муроसाга келиш имкониятларига баҳо беришади. Тайёргарлик кўрган ва махфийликни сақловчи, яраштириш бўйича кўнгилли мутахассислар, музокаралар ўтказишда томонларга яраштирувчилар сифатида хизмат қилишади. Финляндияда жами 1,1 минг нафар кўнгилли яраштирувчи меҳнат қилади.

Томонларни яраштириш тўғрисидаги қонуннинг кучга кириши биланок, ҳар йили кўриб чиқиш учун 3,5-4 минг атрофидаги ишлар келиб тушган. Сўнгги йилларда ушбу амалиётнинг машҳурлиги шунчалик ошиб кетганки, юридик кўриб чиқиш учун йилига 12,5-13 минг атрофидаги ишлар жўнатилмоқда. Ташаббус кўпчилик, ишларнинг тахминан 80 фоизи ҳолларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан чиқмоқда. Томонларни яраштириш имкониятларини кўриб чиқиш учун келган ишларнинг деярли 16 фоизи прокурор органлари томонидан жўнатилади. Томонларни яраштириш имкониятларини кўриб чиқиш учун келган ишларнинг деярли 70 фоизида томонларни яраштириш жараёни бошлатилади. Кўриб чиқиш учун жўнатилган барча ишларнинг ярмидан кўпи зўравонликка алоқадор жиноятларга тегишлидир. Бахсларга тегишли вазиятларда эса, ташаббус кўпчилик ҳолларда жисмоний шахс ёки адвокатдан келиб чиқади. Мунозараларнинг энг кенг тарқалган турлари бу қўшнилар ёки меросга даъвогарлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, уй ҳайвонлари бўйича бахслар, ҳамда болалар ва ўсмирлар ўртасидаги тажовуз вазиятларига алоқадордир. Томонларни яраштиришга муваффақ бўлинган ишлар бўйича жами ҳисобланган компенсациялар миқдори 1,7 миллион евро атрофидадир.

Томонларни яраштириш учун таклиф қилинган барча ишларнинг 36 фоизида 21 ёшгача бўлган ёшлар гумонланувчи сифатида қатнашмоқда. Гумонланувчилар сифатида кўриб

чиқишдаги 15 ёшгача бўлган ўсмирларнинг улуши 10 фоиздир. Келажакдаги мақсад – яраштириш учун ёшларнинг гумонланувчилар бўлиб қатнашаётган ишларини таклиф қилишни кўпайтиришдир. Жиноятларнинг олдини олиш бўйича миллий дастур ҳам, жавобгар сифатида ёшлар қатнашаётган жиноий ишларда яраштириш жараёнидан фаол фойдаланишга эътибор қаратади. Томонларни яраштириш имкониятининг аҳамияти, ёшлар ўртасидаги жиноятга қайта қўл уришнинг олдини олиш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир, шунинг учун ҳам ишнинг томонларни яраштиришга жўнатилиши ёш инсоннинг келгуси ҳаёти нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этиши мумкин. 15 ёшга тўлмаган ўсмирлар содир этилган жиноятлари учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, лекин барибир улар етказилган зарарни қоплашга мажбур. Томонларни яраштириш ёш инсонга содир этган жиноят натижасида ҳосил бўлган зарар бўйича моддий ва маънавий мажбуриятни ўз зиммасига олиш имконини бериши мумкин.

2015 йилда содир этилган жиноят ёки жанжал бўйича томонларни яраштириш доирасида кўриб чиқилган ҳар бир ишнинг ҳаражати, давлат бюджети учун ўртача 522 еврони ташкил қилди. Томонларни яраштириш жараёни доирасида кўриб чиқилган ишларнинг ҳаражатлари билан жиноятларни тузатиш тизими ҳаражатлари таққосланганда айтиш мумкинки, жиноий ишни кўриб чиқишнинг эрта босқичидаги томонларни яраштириш иқтисодий жиҳатдан маъқулроқдир. Масалан, ўта оғир жиноят бўйича тергов ишлари баҳоси 3 минг евро атрофида ва ишни жиноий ёки иқтисодий судда кўриб чиқиш баҳоси 5 минг евро атрофидадир.

Томонларни яраштириш жараёнининг якуний натижаси, томонларнинг ҳуқуқий ҳолатига жиноий ишнинг турли босқичларида таъсир кўрсатиши мумкин. Эришилган ярашиш тергов ишларини тўхтатиш, айбловни олиб ташлаш, жазо оғирлигини пасайтириш ёки жазо чораларини ўзгартиришга асос бўлиши мумкин. Ҳуқуқни сақлаш органлари, прокуратура ва суд ҳар бир ҳолатни алоҳида равишда кўриб чиқади ва жиноий ишнинг кўриб чиқилишида томонларни яраштириш ва эришилган келишувларнинг қандай ўрин тутиши бўйича мустақил тарзда қарор қабул қилади.

Ауне Флинк,

Тиббиёт фанлари доктори, доцент, Финляндия соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фаровонлик миллий институти (THL)

ИЖТИМОЙЙ ТЕХНИКА

86. ЛИНУКС

21 ёшли Линус Торвалдс 1990 йилда ўзининг «Уникс» операцион тизими ядросини ривожлантираётган вақтида, у ўзининг ушбу ҳаракати орқали энг йирик дастур таъминотчиси бўлган Майкрософтга қарши чиққанлиги ва электрон-ҳисоблаш техникаси ихлосмандлари учун саждагоҳ бўлишини ўйлаганлиги даргумондир.

Торвалдснинг илк «Линукс» намунасининг манба кодиди Интернетга, у ердан ҳар бир киши уни юклаб олиши ва ривожлантириши мумкин бўлган жойга очик равишда қўйишга қарор қилиши, «Линукс»нинг бу даража машҳур бўлишига олиб келди. Торвалдс «Линукс» фойдаланувчиларидан бадал тариқасида ўз изохларини ёзишни сўради.

Изохлар жуда кўп келди ва тез орада «Линукс»да дунёнинг 90та мамлакатидан минглаб кўнгиллилар Интернет орқали ишлади. Линус Торвалдснинг муҳим хиссасисиз, ушбу фойдаланувчилар тармоғида фаолиятнинг йўналиши ва мақсади бўлмаган бўларди.

«Линукс» техник инновация эмас, балки ижтимоийдир. Бир қарашда бебош, кўнгиллиликка асосланган «Линукс» ҳамжамияти, аъзоларининг турткиси ва вафодорлиги ҳақиқий бўлган самарали ва новаторлик жамиятига айланди.

«Линукс» ҳамжамияти ахборот технологиялари туфайли вужудга келган янги тармоқ ҳамжамиятларининг ёркин мисолидир. «Линукс»ни ривожлантиришда қатнашган одамларнинг кўпчилик қисми бир-бири билан ҳеч қачон учрашмаган, улар тармоқ орқали танишдир.

«Линукс» – бу очик манба кодига эга бўлган машҳур дастурдир. Очик манба кодига эга бўлган дастур Open Source Initiative (OSI) ташкилотининг дастур фойдаланиш учун бепул ва унинг манба коди барча хоҳловчилар учун бепул бўлиши кераклиги бўйича тамойили шартларини бажариши лозим. Бундан ташқари, ўзгартирилган дастурнинг бошқа дастур фойдаланувчилари томонидан эркин фойдаланиши мумкинлиги шарти билан, дастурни ҳар ким эркин ўзгартириши мумкин.

Дастурий таъминотни тижорий ишлаб чиқишдаги манба кодлари одатда жиддий равишда ҳимоя қилинадиган тижорат сиридир. Шунинг учун, манба кодидан ҳеч қандай бошқа усулда фойдаланишнинг, фойдаланувчилар томонидан эса дастурнинг сифати ва мукамаллигига баҳо беришнинг иложи йўқ эди.

«Линукс» каби дастурнинг манба кодидаги ҳар бир қатор билан кўп сонли одамлар танишади. Синов ўтказиш сифатнинг тижорий назоратига нисбатан янада самаралироқ усулдир ва «Линукс» дастури ўз ишончилиги ва тезлиги билан машҳурдир. Масалан, Хитой халқ армиясининг айнан «Линукс» дастуридан фойдаланишга қарор қилиши, кўп томондан фойдаланувчиларнинг ўз компьютерларининг нима қилаётганини, дастурнинг манба кодига қараб ўзлари аниқлаб олишига боғлиқдир.

«Линукс» ва бошқа очиқ дастурлар ривожланаётган мамлакатларда жуда кенг тарқалган. Тижорат дастурларининг лицензиялари қиммат туради, «Линукс» эса ривожланаётган мамлакатларда ҳалигача мавжуд бўлган эски компьютерларда ҳам ишлайди. Дастурнинг бирон-бир вазифаси бўлмаганда эса, уни жойида дастурлаш мумкин.

«Линукс»нинг бепул дастур бўлишига қарамай, унинг атрофида тижорий фаолият ва турли тоифадаги хизматлар пайдо бўлди. Мисол учун, IBM, Sun ва Novell ўз серверларида «Линукс» дастуридан фойдаланади ва унинг ривожланишига катта маблағлар киритган.

Шунингдек, кўпгина кодланган тизимларда, масалан, мобил телефонлари ва видеоманитофонларда ҳам «Линукс»дан фойдаланилади. Дунёдаги 50та энг тез компьютерларнинг деярли 70 фоизда, операцион тизим сифатида «Линукс»дан фойдаланилади.

Шахсий компьютерларда «Линукс»дан аввалдагидек жуда кам фойдаланилади, чунки уни ўрнатиш техника бўйича катта билим ва қобилиятларни талаб этади. Сўнгги йилларда ўрнатилиши унча қийин бўлмаган янги тўпламлар пайдо бўлди. Лекин, у ҳали умуман муаммосиз бўлолгани йўқ.

Сўнгги вақтларда «Линукс» ва бошқа очиқ дастурлар сиёсий масала ҳам бўлиб қолди. Давлат ҳукумати органлари ахборот тизимларининг битта ишлаб чиқарувчининг дастурларига жуда ҳам тобе эканлиги бўйича танқидлар билдирилди. Натижа – дуранг бўлди: очиқ дастурларга бўлган талаб ўсиб бормоқда, ўз навбатида

тижорий дастурларнинг мослиги эса, шу каторда очик дастурлар билан ҳам яхшиланиб бормокда.

Юрки Касви,

Техника фанлари доктори,

2003-2011 йилларда, 2015-ҳозирги кунга қадар парламент депутаты

87. МАТНЛИ ХАБАРЛАР

Бутун дунё бўйича деярли 2 миллиарддан ортик GSM тармоғи фойдаланувчилари бизнесга боғлиқ, хушчақчақ ёки ҳис ва кайфиятни акс эттирувчи матн хабарларидан фойдаланадилар. Матн хабарларининг қабул қилувчига тез вақт ичида етиб бориши ва қисқа эканлиги унинг энг асосий сифатидир. Матн хабари ўзининг самарали эканлигига қарамай, атрофдагиларга эътиборли бўлган боғланиш усулидир. Матн хабари одатда ҳеч кимга ҳалақит бермасдан чўнтакка тушади ва ушбу хабарга унга тўғри келадиган вақтда жавоб қайтариш мумкин.

Матн хабарининг ғояси бошқа кўплаб ихтиролар каби пайдо бўлди: муҳандислар топилган муаммони ҳал қилдилар. 1980 йилларнинг бошларида шиддат билан тарқалган пейджерлар, бошқа нарсалар қаторида матн хабарларини ҳам кўрсатиши мумкин эди. Матн хабари жўнатувчисининг алоқа марказига қўнғироқ қилиши ва ўз хабарини айтиб бериши керак эди. Оператор ўз ускуналари ёрдамида қабул қилувчининг алоқа воситасига (пейджер) жўнатиши керак эди. Ушбу хизмат ҳам фойдаланувчилар, ҳам операторлар учун қиммат ва нокулай эди, одамлар ўртасида машхур бўлиб кетмади.

NMT мобил тармоғининг шиддат билан машхур бўлаётганлиги туфайли, 1981 йилда Шимолий мамлакатлар телекоммуникация компаниялари томонидан Framtida Mobila Kommunikationer FMK (Келажакнинг мобил коммуникатори) номли ишчи гуруҳи ташкил қилинди ва унинг мақсади келажакнинг рақамли мобил алоқа технологияларини ривожлантириш эди. Энг асосий интилиш, ўша вақтда ушбу истиқбол фақатгина жилмайишга сабаб бўлган бўлса ҳам, чўнтак универсал мобил телефонини яратиш эди.

FMK ишчи гуруҳининг кичик гуруҳлари 1982, 1983 ёки 1984 йилларнинг ёзларида, Копенгагенда бир вақтнинг ўзида йиғилиш ўтказдилар. Почта ва телеграф бошқармасидан бўлган Юхани Тапиола, Сеппо Тийайнен ва мен ўз гуруҳларимизни кечги йиғилишларга тайёрлаётган эдик. Келажакнинг мобил алоқа тизимларининг хусусиятлари тўғрисида гап борар эди.

Юхани Тапиола матн хабарларини абонентни излаш орқали жўнатиш қийин эканлиги тўғрисида қайғураётган эди. Мен эса чўнтак телефонларига ишонар эдим. Сеппо Тийайнен бирон-бир ихтирони қандай қилиб амалга оширишни одатда тез ўйлаб топар эди. Бизнинг суҳбатларимиз ҳозирги кунда кўпчилик одамлар фойдаланаётган ғоянинг пайдо бўлишига олиб келди. Биз дунёда биринчи бўлиб, келажакдаги алоқа воситалари қисқа матн хабарларини бир мобил телефондан иккинчисига жўнатиш қобилиятини ўзида мужассам қилиши кераклиги тўғрисидаги фикрга келдик.

Аввалига биз келажакдаги мобил алоқа тизимининг қисқа матнларни жўнатиш муаммосини ҳал қилиши кераклиги тўғрисидаги қарорга келдик. Тапиола кичик ускунадаги тугмачалар сонининг матн ёзишни чегаралаб қўйишини чўнтак калькулятори мисолида исботлаб берди. Тез орада мен уяли телефон тизимида абонентни излаш келажакда керак бўлмай қолишини таъкидладим. Мобил телефони бошқалар томонидан юборилган хабарларни кўрсатади.

Тез орада биз матн хабарлари учун янги фойдали қўллаш усулларини ўйлаб топдик. Биз «матн терувчи» терминини ҳам ўйлаб топдик. Ўша вақтда ҳеч қайси биримиз, ушбу ихтиронинг дунёдаги одамлар ҳаётига қандай кучли таъсир қилишини тушунмас эдик.

Тапиола матн хабарларини ўз ишчи гуруҳида, келажакдаги мобил алоқа тизими учун мажбурий талабларни ўз ичига олган хизматлар рўйхатига киритиши керак эди. Тийайнен тизимнинг зарур техник хусусиятлари муҳокама қилинадиган техник ишчи гуруҳида эди. Ҳақиқий техник иш FMK гуруҳида олиб борилган тайёргарлик ишлари асосида, кейинчалик Европа GSM ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилди.

Ихтиронинг негизида имкониятлар, техниканинг тезлик билан ривожланиши ва мос келган очиқ ривожланиш муҳити, ҳамда ишда

иштирок этган одамларнинг беминнат ҳиссаси ётар эди. 1970-1980 йилларда ахборотни тарқатиш обрўли ва шартли талаб ҳисобланар эди. Биз, матн хабарларини ихтиро қилганлар, ҳужжатларни масалан, патент олиш учун сақлаб қолишни ҳаёлимизга ҳам келтирмаганмиз.

Матти Макконен,

Телефон матн хабарининг ихтирочиси

88. IRC, ЁКИ ИНТЕРНЕТ-ЧАТ

IRC Оулу шахри Университетининг компьютер маълумотларини қайта ишлаш кафедрасида, 1988 йилнинг августида пайдо бўлди. Мен ўша вақтда Оулу университетининг электрон усқуналар кафедрасининг учинчи курсини бошлаган эдим. Ёзда компьютер маълумотларини қайта ишлаш кафедрасида ишлар эдим. Бошлигим Хейкки Путконен менга ВВСнинг OuluBox тизимини бошқаришни топширди. У орқали хоҳлаган одам, тармоқнинг бошқа фойдаланувчилари билан модем ёрдамида боғланиши ва бошқа фойдаланувчиларнинг ўқиши мумкин бўлган хабарларни юбориши мумкин эди. OuluBox тизимидан Оулу университети Интернетининг ички тармоғида фойдаланиш мумкин эди ва бу бир неча фойдаланувчининг OuluBox тизимида бир вақтнинг ўзида бўлишига имкон берар эди: иккитаси телефон тармоғи орқали ва университетнинг ички ахборот тармоғи орқали бир неча ўнтагача.

Мен IRCни авваламбор OuluBox тизимида онлайн сўзлашиш учун ўйлаб топганман. IRCнинг яратилишига Юкка Пихли томонидан ўйлаб топилган MUT (multi-user talk) тизими ҳам таъсир қилди. Ушбу тизимдан IRC пайдо бўлишигача бўлган бир қанча вақт давомида, OuluBox тизимида онлайн сўзлашиш дастури сифатида фойдаланилди.

IRC энг бошидан бошлаб, янги серверларнинг IRCнинг умумий тармоғига боғланишларига имконият берувчи тизим эди. Фойдаланувчилар исталган серверга уланар ва серверлар хабарларни бир фойдаланувчидан иккинчисига юборар эди. Шундай қилиб, IRC тармоғи тенг ҳуқуқли серверлардан ташкил топган эди. Марказлашган бошқаришсиз кечадиган ҳақиқий тақсимлаш имконияти, IRCнинг жуда машхур бўлиб кетишининг техник сабаби

ва Интернетдаги бошқа хабарлашиш дастурларидан фарқи томонидир.

IRCдан фойдаланиш аввалига Финляндия бўйича тарқалди. IRC серверлари Оулу университетидан сўнг Хельсинки, Лаппеенранта ва Тампере техника олий ўқув юртлари ва Ювяскюля шаҳри университетига ўрнатилди. Финляндиядан сўнг IRC тизими аввал Денвер университети, кейин эса АҚШнинг Орегон штати университетига тарқалди. Ушбу университетлар Финляндия ташқарисида IRC тизимига уланганларнинг биринчилари эди. Бундан сўнг, бир йилдан ҳам кам муддатда, IRC тизими қолган барча китъаларга ёйилди. Ўша вақтда, очик манба коди моделидан фойдаланган ҳолда, ўнлаб одамлар IRC тизимининг ривожланишида иштирок этарди.

Аввалига IRC тизимидан фойдаланиш кўплаб университетларда (масалан, Оулу шаҳри университетининг электрон усқуналар кафедрасида) маън қилинган эди, чунки фойдаланувчилар университетдаги компьютерларни соатлар давомида банд қилишарди.

IRC технологияси дунё бўйича ўн минглаб одамларнинг ҳаётига таъсир ўтказди. Кўпчилик ўз муҳаббатини IRC орқали топди. Турли хил озчиликлар (масалан, жинсий, сиёсий ёки ижтимоий) IRC тизимида ўз мулоқот гуруҳларини ташкил қилдилар. Одамлар ушбу гуруҳларда, умумий қараш ва қизиқишларга эга бўлган бошқа одамлар билан эркин мулоқот олиб боришлари мумкин.

Мисол учун, Исроиллик оддий одамлар, 1991 йилда Форс кўрфазидаги уруш воқеалари тўғрисида бутун жаҳонга IRC орқали хабар беришарди.

Ҳозирги кунда дунё бўйича ва маҳаллий миқёсда ёйилган юзлаб IRC тармоқлари мавжуд, IRC фойдаланувчиларининг сони миллионлар билан ўлчанади.

Яркко Ойкаринен,
фалсафа фанлари доктори

89. МОЛОТОВ КОКТЕЙЛИ

1939 йилнинг кузида, Қиш урушининг бошланишига бир неча ҳафта қолганида, Финляндия Мудофаа вазирлиги «Алко»га (спиртли ичимликларни мамлакат ҳудудида сотиш монополиясига эга бўлган

Финляндия давлат корхонаси) бўш шиша идишларга буюртма берди. Ҳарбий ҳаракатларнинг бошланганидан сўнг янги буюртмалар туша бошлади. Спиртли ичимликлар дўкони омборхонаси бўйича жавобгар директор, муҳандис дипломига эга бўлган Матти Инкинен Мудофаа вазирининг ўринбосари, генерал-майор Ойва Олениусдан бўш шишаларнинг нима учун кераклиги тўғрисида қизиқди. У армиянинг, эҳтимол танклардан ҳимоя қилишнинг ягона фин воситаси бўлган, ичига ёнувчи аралашма солинган шишаларни фронт учун ишлаб чиққанлиги ҳақида жавоб қайтарди. Шишаларни армияда тўлдириш мураккаб ва секин жараён бўлса ҳам, улар самарали восита бўлиб чиқди.

Инкинен уруш бошланганлиги туфайли дўконларнинг ёпиқлиги, ишчиларнинг эса урушга кетганликлари сабабли «Алко» заводларидаги шиша тўлдириш тизимларининг ҳаракатсиз турганлигини билдирди. Спиртли ичимликлар дўкони армияга ёрдам бериши мумкин эди. Шундай қилиб, Раямяки шаҳридаги «Алко»нинг заводларида, Совет Иттифоқи Ташқи ишлар вазири номидан келиб чиққан, «Молотов Коктейли» деб аталган ёнувчан аралашмалар солинган шиша идишларни ишлаб чиқариш бошланди. Қуролли кучлар керосин билан таъминлашарди. Шиша идишни ўт олдириш учун бешта турли хил гугурт заводларидан келувчи, шамолда ўчмас гугуртлардан фойдаланиларди. Пори шаҳридаги гугурт заводи энг йирик гугурт етказиб берувчи эди.

Қиш урушининг бошларидаги танкга қарши қуролларнинг етишмаслиги, ёнувчан аралашмалар солинган шиша идишлар, қўл гранаталари боғламлари ва пионерлар томонидан тайёрланган қути миналар ҳисобидан копланар эди. Ўша пайтларда Мудофаа вазири бўлган Юхо Ниуканен, ўз хотираларида ушбу воситалар ёрдамида умумий танклар сонининг ярмидан кўп қисми йўқ қилинган ёки шикастланганлигини таъкидлаган. Лекин, «Молотов Коктейли»дан фойдаланиш катта жасоратни талаб қиларди. «Молотов Коктейли»нинг танк ичкарасига тушганидан кейин оқибат ўлим билан якунланар эди. Шишани синдиргандан сўнг гугуртлар аралашмани ёқиб юборар, нишонга тегизиш юз фоизлик бўлмаса ҳам, натижада бутун танк ёнишни бошлар эди.

Кейинчалик аралашма танкнинг юзасига суюқликнинг яхшироқ ёпишадиган қилиб мукаммаллаштирилди. Ўт олдириш механизми ҳам ўзгартирилган эди.

Раямяки заводларида Қиш уруши вақтида 542 194 шиша идиш ёнувчан аралашма билан тўлдирилган эди. Ушбу фаолиятга 87 нафар аёл ва 5 нафар эркак жалб қилинган эди. Фаолият шунга олиб келдики, Раямяки заводларига бомбалар ташлана бошлади. Ахир, илк ишлаб чиқарилган ёнувчан аралашмали шиша идишлар, «Алко-Раямяки» деган ёзувли қопқоқлар билан ёпилган эди.

Йорма Симпура «Алко»нинг тарихига бағишланган «Эркин алкоголь даври» китобида, вақт ўтган сайин советларнинг радио бўйича олиб борилган пропагандасидаги: «Қани кўрайликчи, Раямякида яна қанча ёнувчан аралашмали шишалар ишлаб чиқарилар экан» - деган истеҳзоли гапларни эшитиш одатдаги ҳолат бўлиб қолганини сўзлаб берди. Илк бомбардимонлардан сўнг, ишлаб чиқариш манзили ёзилган қопқоқлардан фойдаланиш тўхтатилди ва Москва Радиоси: «Яқинда тўхтайти дегандимку...» - деб қувонди.

Хейкки Коски,

*1982-1994 йилда «Алко» Бош директори, 1975 йилда Ички ишлар
вазири*

КУНДАЛИК ҲАЁТДАГИ ҚУВОНЧ

90. ШАНБАЛИК

Шанбаликлар доимо ишлаб чиқаришнинг муҳим услуби ва фин жамиятидаги ижтимоий мулоқот шакли бўлиб келган. Шанбаликлар одатда анчагина кўп жисмоний кучни талаб қилувчи, бирон-бир йирик вазифани бажариш учун тўпланар эди. Шанбаликларда кўни-кўшнилар, дўстлар ва қариндошлар катта ҳажмдаги ишларни биргаликда бажариш учун йиғилишар эди.

Шанбаликнинг энг асосий сифати – бу ишнинг ихтиёрий равишда бажарилиши ва унга ҳақ тўланмаслигидир. Шанбаликлар бепул амалга ошириладиган ва унга жавобан ҳеч қандай хизматлар талаб қилинмайдиган ихтиёрий меҳнат ёрдамидир.

Шанбаликдаги ишчилар одатда миннатдорчилик тариқасида мазали таом ва ичкилик олишади. Иш тугаганидан сўнг одатда сауна тайёрланар, ҳамда тез-тез рақслар ташкил қилинар эди. Шу йўл билан, вақтни биргаликда ўтказиш ва хурсандчилик шанбаликларнинг ажралмас қисми эди. Шанбаликлар иш унумининг ошишига, лекин биринчи навбатда ҳамжиҳатлик руҳини кўтаришга муҳим таъсир ўтказар эди.

Шанбаликлар ҳаётнинг деярли барча соҳаларида ташкил қилинар эди. Лекин, одатда уларни ҳосилни йиғиштириб олиш, пичан ўриш ва картошка йиғиштириш каби кишлоқ хўжалиги ишлари учун ташкил қилишар эди. Шунингдек, қурилиш ишларида ҳам, мисол учун, ёғоч ходаларини ташиш, деворлар қуриш ва том ёпиш ёки сувдан қайикни кўтариш ва сувга туширишда шанбаликлар ташкил этиларди. Қурилиш ишлари биринчи навбатда эркаклар шанбаликлари эди. Ҳосилни йиғиштириб олишда, масалан, зиғирни йиғиштириш ёки буғдойни янчишда эркаклар ҳам, аёллар ҳам қатнашар эди. Аммо юнгни тараш ва ип йиғириш, фақатгина аёллар шанбаликлари эди. Жавобан кўрсатиладиган хизматлар тўғридан-тўғри белгиланмаган бўлса ҳам, улар жуда кенг тарқалган эди. Айтиш мумкинки, шанбаликлар жамоатдаги ҳар бир аъзонинг, шанбаликдан унинг ҳам бирон-бир пайтда ёрдам олиши мумкинлигига сукут сақлаган ҳолда рози бўлишига асосланади.

Шундай қилиб, шанбаликлар бир киши ёки оила учун жуда қийин ва бажарилмай қолиши мумкин бўлган ишни бажаришнинг унумдор услуби эди. Масалан, ҳосилни йиғиштириб олиш ёки пичан ўриш қисқа муддат ичида бажарилиши керак ва шанбаликлар ўша пайтдаги шошилини ишни етарли даражада тез бажаришга имкон яратар эди. Финляндияда ёмон об-ҳаво шароити сабабли, пичан ўримини икки ҳафта ичида тез-тез бажаришга тўғри келади.

Шунингдек, шанбаликларга ўхшаш ёшлар кечалари ҳам ўтказилар эди. Унда қизлар тикиш-бичиш ишлари билан шуғулланар, ёш йигитлар эса меҳмонга келишарди. Финляндиянинг турли жойларида ушбу кечалар ҳар хил номланади: Карелияда улар «ойтсиа» (ётоқлар) деб номланар, Шимолий Финляндияда эса - «кёккя».

Финляндиянинг шимолий-шарқий қисмида, меҳнат ёрдамнинг бошқа шакли ҳам маълум. Муайян қишлоқ уйлари бир-бирларига узоқ яйловлардаги пичан ўрими, ҳосил йиғиштириш ва буғдойни янчишда мунтазам равишда ёрдам беришарди. Бу каби яхши ташкил этилган иш иттифоқлари, турли қишлоқлардаги қардош уйлар орасида тузилар эди. Шунингдек, оилавий ва бошқа базмларни ўтказишни ташкиллаштириш ҳам шанбаликларга ўхшаш биргаликдаги меҳнат шакли эди. Ўша вақтда уйлар бир-бирларига ҳам иш, ҳам озиқ-овқат билан кўмаклашишар эди.

Ҳозирги кундаги шаҳар ҳаёти шароитларида, шанбаликлар билан бир қаторда турли хил кўнгилли ташаббуслар ҳам пайдо бўлди. Масалан, Хельсинкида «Ҳар куни бир дона ташланган чикиндини териб ол» (Litter Movement) ҳаракати пайдо бўлди. Унинг иштирокчилари Хельсинки кўчалари ва паркларидаги ахлатларни тозалашда ихтиёрий равишда қатнашишади. Ҳаракатнинг ғоясидан руҳланиб кетган ҳаракат аъзолари, парклар ҳудудларининг 600 нафар «чўкинтирган ота-она»сидан иборат бўлган кўшин туздилар ва Хельсинки шаҳрининг маъмурияти, уларга чикиндиларни йиғиштириш асбобларини бепул тарқатди. Бундан ташқари, ҳаракат қатнашчилари ҳар йили кино ва байрамларга таклифномалар олишади. Шунингдек, шаҳар ҳаракат қатнашчиларига парклар ва йўл чеккаларида экиш учун гулларнинг пиёзларини ҳам етказиб туради.

Шунингдек, Финлар турли хил оммавий тадбирлар ва байрамларни ўтказишдаги ихтиёрий ишларда ҳам кўп қатнашишади. Масалан, 2017 йилнинг март ойида, чанги пойгаси бўйича Лахти шаҳридаги Жаҳон кубогини ўтказиш вақтида 2,7 минг кўнгилли жалб қилинган эди ва улар рағбатлантириш сифатида ушбу спорт тадбирига бағишланган махсус униформага эга бўлдилар. Одамлар кўнгилли жамоат ишларида қатнашганлик учун олинган бундай белгиларни фахр билан кийиб юришади ва ўнлаб йиллар давомида сақлашади.

Рейно Хиерппе,

Давлат иқтисодий тадқиқотлар марказининг Фахрли директори

91. САУНА

Фин саунаси, одамзотнинг ўз хоҳиши билан борадиган Ердаги энг иссиқ жойдир. Ҳисоб-китобларга қараганда, Финляндияда 3 миллионга яқин сауна мавжуд. Яъни, барча финлар Финляндиядаги сауналарга бир вақтнинг ўзида сиғиши мумкин. Бошида сауналар кишлоқ ҳаётининг бир қисми эди, лекин сауналар анча вақт олдин шаҳарларда ҳам тарқалди. Аввалига умумий сауналар сифатида, кейинчалик эса хусусий уйларда ҳам пайдо бўлди. Ҳозирги кунда сауналар ҳаттоки бир хонали кичик хонадонларда ҳам қурилмоқда.

Дунёда сауна ҳар қандай нарсадан ҳам кўпроқ Финляндия билан боғлиқдир. «Сауна» сўзи фин тилидан келиб чиққан бўлиб, ҳозирги кунда дунёнинг юздан ортиқ турли тилларида фойдаланилмоқда. Финлар саунани ўйлаб топмаган бўлсалар ҳам, уларнинг саунага бўлган муносабати доимо алоҳида ўрин тутар эди. Сауна билан доимо афсона ва эътиқодлар боғлиқ эди. Сауна муқаддас жой ҳисобланган ва кўпчилик инсонлар ҳалигача ҳам унга нисбатан маълум даражада ҳурмат билан муносабатда бўладилар. Машҳур мақолда айтилишича: «Инсон саунада ўзини черковдагидек тутиши керак».

Сауна ҳам санъат, ҳам фан каби барча фин маданиятининг соҳаларида кўриниб туради. Масалан, саунанинг физиологик даволаш таъсири тўғрисида йигирмага яқин докторлик диссертацияси ва юзлаб бошқа мақолалар ёзилган. Сауна «Калевала»

миллий эпосида 10 маротабадан кўпроқ эслаб ўтилган ва барча машхур фин ёзувчилари саунага таъриф бериб ўтган. Сауна фин тасвирий санъатида тасвирланган ва мусикада эшитилиб туради. Кўп йиллар давомида миллий телевидение каналида, иккита теледастур бошловчисининг номдор кишиларни саунага таклиф қиладиган машхур теледастури кўрсатилар эди. Кўплаб вазирлар ва ўнлаб депутатлар одатда фақатгина сочикқа ўралган ҳолда ушбу дастурда чиқишган. Шунингдек, Финляндиянинг амалдаги президенти Саули Ниинистё ва ундан олдинги Тарья Халонен ҳам, президентлик фаолиятининг бошланғич босқичида ушбу дастурда иштирок этганлар.

Қишлоқ саунаси ва йирик компанияларнинг меҳмонбоп сауналари бир-биридан фарқ қилса ҳам, саунага ташриф буюриш удуми юзлаб йиллар давомида ўзгармай қолган. Жараён иссиқ ва салқин кетма-кетлигидан иборатдир. Аввалига, ўчоқ устидаги оловли тошлар билан 80-100 С° даражасидаги буғхонада 10-15 дақиқа ўтирамиз. Буғни ўчоқнинг тошлари устига сув сепиб кўшишади. Саунадаги намлик даражасининг ортиши иссиқнинг сезилиш даражасини ҳам кўтаради. Сауна хизматчилари қайин шоҳларидан ясалган супургилардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Буғда ўтиргандан сўнг салқин ёки душ тагида ўтириб, қорда сузиб ёки устида ётиб салқинланади. «Иссиқдан - совуққа» жараёни одатда ҳеч бўлмаса икки маротаба, лекин баъзан ҳаттоки ўнлаб маротаба такрорланади. Сауна қабул қилгандан сўнг ювинишади.

Фин саунага ташриф буюришни ўртача 4,5 ойлик ёшидан бошлайди ва одатда ҳафтасига 1,5 маротаба бориб туради. Авваллари сауна ҳаётнинг кўпгина босқичларида муҳим бўлган: саунада фарзанд туғишар, овқат ва кийим тайёрлашар, беморларни даволашар ва ўликларни охириги йўлга тайёрлашар эди. Бугунги кунда эса, финлар саунада биринчи навбатда дам олишади. Президент Урхо Кекконен саунани жуда яхши кўрар эди. У ўзининг саунага нисбатан муносабатини билдириш орқали, кўплаб финларнинг ҳис-туйғуларини ифода этган: «Мен саунада жисмоний жиҳатдан бўшашаман ва руҳий жиҳатдан тикланаман. Саунанинг юмшоқ муҳити муросага келиш ҳиссини осонгина яратади. Саунаси ҳаёт мен учун чидаб бўлмас даражада бўларди».

Лассе Винникка,

Фин Сауна ишқибозлари жамиятининг фахрли президенти

92. ҚОР БОБО (ЙОУЛУПУККИ)

Рождество арафасида болалари бор кўп сонли оилаларда кизил пўстин кийган оқ соқолли меҳрибон бобони интизорлик билан кутишади. Совғалар тарқатувчиси сифатидаги фин Қор Бобоси анчагина янги ҳолатдир. Қор Бобонинг финча (Joulupukki) номида, ундан аввалгисининг ҳайвоний келиб чиқиш хотираси сақланиб қолган: серка – унумдорликни англатувчи ҳайвон ва айни вақтда ёвузликни акс эттирувчи мавжудотдир. Кўхна замонлардаги байрамларда кўпинча совға олиб келмайдиган, балки аксинча, эгаларидан инъомлар талаб қиладиган шохдор серкалар иштирок этишарди. Янги йил байрамларида «серка изларини» Европанинг кўп мамлакатларида учратиш мумкин.

Ёрқин, карнавал серкалари 1900 йиллардаёқ Финляндияда сайр қилиб юрар эди. Шарқий ва Шимолий-Шарқий Финляндияда 1 ноябрдаги ҳосил байрамида, хўжайинлар ишчилар (kekki) билан ҳисоб-китоб қилаётган вақтда, барча авлиёларнинг вакили сифатида доимо серка иштирок этарди. Серка болаларни тумшуғи билан ишқаланиб кўрқитар, совғалар олмаса ўчоқни бузиши билан таҳдид қилар эди. Ғарбий Финляндия қавмларида, Туомас кунда қишлоқлар оралаб ўтиндан ясалган Туомас юрар ва унга ниқоб таққан ёшлар тўдаси ҳамроҳлик қилар эди. Юришда қатнашаётганлар кулоқсиз болакайларнинг қаерда яшаётганлигини сўраб олар ва совғалар талаб қилар эди. Рождество меҳмони Рождество арафасида келар эди. Унинг юзида қайин пўстлоғидан ясалган ниқоб тақилган бўлар ва у шохдор ва соқолли серкани эслатар эди. Ёшлар меҳмонни бир уйдан иккинчисига кузатиб юришар, унинг ўткир ҳазил ва мутойибаларини таъкидлаб рақсга тушишар, овқатланар ва ичишар эди. Совғаларни оилага бирон-бир бошқа киши олиб келар эди ва очик эшик орқали ичкарига отар эди.

Хяме вилоятидаги ёшлар Рождествонинг иккинчи кунда кўнгилахушлик қилиш ва Тахвананинг меҳмонга келиб-келмаганини билиш учун жўнашарди. Кейинчалик у серка Тапани деб аталди ва у кўрқинчли кўринишга эга эди: тесқари қилиб кийилган пўстинда, думи ўрнига қора сақичга бурканган супурги ва ёғоч шохлик.

Фин Карелиясида, Чўқинтиришдан аввалги Рождество ва Янги йил байрамлари вақтида қишлоқлар оралаб Смутта, ёки Ротакко юрар эди. У танилиб қолмаслик мақсадида ўз овози ва гапириш тарзини ўзгартирарди. Меҳмон уйга келганда барча жанжал ва низолар барҳам топарди, чунки меҳмон ҳам тинчланиб қолар эди. Хяме ва Жанубий-Ғарбий Финляндиянинг бошқа қишлоқларида, эски янги йилдан кейинги Чўқинтиришдан сўнг (Кнут Куни) серка Кнут меҳмон бўларди. Агарда Кнутга пиво ёки уй шаробини олиб келишмаса, у бочка қопқоғини олиб кетарди.

Афсонага қараганда, Авлиё Николай 300-йилларда Жанубий-Шарқий Туркиянинг Мюря номли жойида епископ бўлган экан. Уни шарқ ва ғарбдаги черков доираларида ҳурмат қилишар эди. Николай айниқса денгизчи, балиқчи, ороллар аҳолиси ва савдогарларга ҳомийлик қиларди. У ўрта асрларда шимолий мамлакатлардаги барча авлиёларнинг бошлиғи бўлди. Финляндияда эса 1100-йилдан кейин. Николай халқ қаҳрамони ва халқ меросининг сақловчисига айланди: финлар учун – кушлар ҳимоячиси, Шимол хўжайини, Ўрмон илоҳи. Жаҳонда Авлиё Николайни ҳамма Санта Клаус, ёки Америка Қор Бобосининг аждоди, муваффақият ва фаровонлик гарови сифатида танийди.

Авлиё Николаусни доимо қизил ридога ўранган ҳолатда тасвирлашган. 6 декабрдаги туғилган кунда у болаларга конфет ва ширинликлар тарқатаётган ҳолатда тасвирланган. Николай Голландиянинг протестантлари билан биргаликда, денгиз орқали Янги Голландияга (кейинчалик Нью Йорк) етиб келди. Вақт ўтган сайин уни бутун Америка бўйича Санта Клаус номи билан таниб қолишди. Санта Рождество савдолари ва совғаларнинг ҳомийси, юлдузли осмон бўйлаб буғулар чанасида учаётган эртак персонажи эди. У Рождество совғаларини мўри орқали тушиб, болаларнинг пайпоқлари ичига солиб кетарди. Эски Англиянинг Father Christmas Қор Бобоси, протестант Германиясидаги Weihnachtsmann ва рус Қор Бобоси Авлиё Николайдан келиб чиққан. Ушбу гуруҳга фин «Joulupukki»сини ҳам киритиш мумкин.

Шарқий Лапландияда Корватунтури жойлашган. Бунинг маъноси - «Ўрмонсиз тоғ чўққисидаги қулоқ» ва шу йўл билан қулоқнинг болалар ўзларини қандай тутишларини эшитиб туришига имо қилади. 1920 йиллардаги болалар радио-дастурларининг машҳур

бошловчиси Маркус амаки (Маркус Раутио) албаттаки бу номни ўзи ўйлаб топгани йўқ, лекин, ҳар ҳолда Корвантунтурида фин Қор Бобосининг яшаши тўғрисидаги фикрни тасдиқлади. Халқ ўқуви ҳам Рождество байрамларини ўтказиш анъаналарини тарқатишга ўз хиссасини қўшди. Қор Бобо аввалдагидек тескари қилиб кийилган кўй пўстинида юрса ҳам, ўзи учун турмуш ўртоғи - ёрдамчини ҳам топди, шохлардан айрилди. Эртақлар ва халқ афсоналаридан келган гномларни Қор Бобо учун ёрдамчилар сифатида тайинлашди. Улар болаларнинг хулқ-атворини кузатиш учун жуда мос келишади, чунки гномлар доимо инсонлар ахлоқини химоя қилиб келишган.

Америкалик Хаддон Сундблом 1930 йилларда, Рождество байрамлари давомидаги Кока-Кола рекламасида, Санта Клаус персонажини семиз, хушчақчақ ва қизил пўстин кийган кўринишда тасвирлаган. Унинг отаси Аланд оролларида эди. Кока-Кола савдо белгисининг ривожланишида Финляндия ҳам қатнашган деб ҳисобласа ҳам бўлади. Ҳозирги кунда Финляндиядаги Қор Бобо, халқ анъаналари бўйича оқ безакли қизил кийим кияди ва ушбу либос Қор Бобонинг деярли расмий кийими бўлиб қолди. Қор Боболар учун малака ошириш бўйича профессионал курслар ташкил қилинади. Уларда профессионал реклама ва болалар билан ўзини тутиш кўникмалари ўргатилади. Бесўнақай, картон никоб тақиб олган, ранг ва услуб бўйича мос тушмаган кийим кийган ва спиртли ичимлик ҳиди анқиб турган Қор Бобони ёмонлаш одат бўлиб қолган, лекин эшикни тақиллатувчи ушбу меҳмон ўзининг барча камчиликлари билан биргаликда, финларнинг эски эътиқодларига сифат сертификатига эга бўлган расмий Қор Бобога нисбатан кўпроқ мос келади.

Барчанинг фикрига кўра совғалар тарқатувчиси, узок Шимолдаги махфий жойда яшаши керак. Санта Клаус ёки Joulupukki Шимолий Қутбда, Канадада, Норвегияда, Швецияда ёки Финляндиядаги Рованиеми шаҳрида яшаши ёки яшамаслиги тўғрисидаги савол йиллар давомида истаклар ёзилган отриткаларни жунатувчи болалар, ҳамда шимолий мамлакатлардаги тадбиркорларнинг эътиборини тортади. Финлар ҳақиқий Қор Бобо – Joulupukki Корвантунтурида яшаши ва туристлар учун Лапландиянинг ҳақиқий Рождество эртаги эканлигига аминлар. Бунга бошқа кўпгина мамлакатларда ҳам ишонишади. Қор, қаҳратон

киш, буғулар, шимол ёғдуси – бу совғалар ва сюрпризларга эга бўлган, унинг бош қаҳрамони танишишнинг ғарибоналиги ва илиқлигини, болалар кўркувлари ва келажакка бўлган умидни ўзида жамлаган сирли эртақ учун гўзал безакдир.

Юха Ниркко,

Фин адабиёт жамияти қошидаги фольклор архиви тадқиқотчиси

93. РОЖДЕСТВО ЙЎЛАКЧАСИ

Хельсинки шаҳрида болалар учун Рождество байрамини ўтказиш фикри, йигирма йилдан кўпроқ вақт аввал икки кишининг миясига келиб қолди. Биз ўзимизнинг ғоямизни ҳеч қандай расмий кўллаб-қувватлашсиз, фақатгина алоҳида шахс ва жамоалардан иборат ташаббускорларни жалб қилиш ҳисобидан амалга оширишни режалаштирдик. Биз учун керакли бўлгани, фақатгина бу ғоянинг амалга ошишига 101 фоиз ишониш ва уни ташкиллаштириш ишига тўлиқ киришиб кетиш эди.

Биз ўз режамизни реклама қилишни бошладик: аввалига маълумот дўстлар, кўшнилари, ишдаги ҳамкасблар орасида тарқалди, кейинчалик эса Хельсинки шаҳрининг ҳукумати, Музейлар бошқармаси, черков вакиллари, турли хилдаги ташкилот ва таълим муассасаларигача етиб борди. Бунга деярли бир йил вақт сарфланди. Болали оилалар учун нотижорат байрами ўтказиш фикри фойдали ва ўз вақтида режалаштирилган деб ҳисобланди. Тадбирни ташкиллаштиришга кўплаб одамлар ва ташкилотлар ваъда берди.

Байрам бир кунликдир ва рождестводан аввалги сўнги Якшанба кунини ўтказилади. Биз байрамни кўчада, табиат гўзаллиги қошида ўтказишни хоҳлаган эдик ва бу бизнинг ёшлигимизни эслатган бўлар эди. Бундай байрамни ўтказиш учун Хельсинкидаги энг қулай жой, ўзининг такрорланмас муҳитига эга бўлган Сеурасаари ороли бўлиб чиқди. Пулимиз умуман йўқ эди ва Хельсинки шаҳрининг маъмурияти охир-оқибатда бизга транспортни ташкиллаштириш, материалларни харид қилиш ва бошқа эҳтиёжларимиз учун озрок маблағ ажратди.

Агарда биз байрамни ўтказиш вақтида реклама учун жой берганимизда, у ҳолда хомийлик ёрдами олишимиз деярли тайин

бўлар эди, лекин биз бундай ҳаракатдан воз кечишга қарор қилдик. Биз энг аввало кўмаклашишдан ҳосил бўладиган иқтисодий фойдани ҳисобламай туриб, балки ғоямизга ишонч билдирган ҳамкорларни топдик. Бизга пул эмас, балки материаллар, алоҳида соҳалардаги билим ва қобилиятлар, ҳамда ишчан қўллар керак эди. Шундай йўл орқали биз чиройли ёритиш, барча электр тизимлари, деворлардаги маълумотларни ташкиллаштириш, болаларни меҳмон қилиш учун бепул Рождество бўтқаси ва ширинликлари тайёрлаш, транспортни йўлга қўйиш ва яна жуда кўп жараёнларни бажаришни удаладик. Ахборот кўмаклашуви учун биз қойилмақом шерикларни топдик. Болалар эртақлари рассоми Майя Карма, эртақлардаги Рождество ўрмони расмини чизиб берди. Ушбу расм болалар ўйин майдонлари, болалар боғчалари ва болалар учун мактабдан ташқари таълим муассасаларида илиб қўйилган эди.

Рождество йўлакчаси ўз меҳмонлари учун нималарни таклиф қилади? Булар кўшиқ ва ўйинлар, эртақлар ва отларда сайр қилишлар, фокуслар ва турли хил трюклар, театрнинг сахна асарлари, сомондан ясалган лабиринт ва албатта, Қор Бобо ва Қор Қиз. Биз болаларнинг байрамда фаол қатнашишларини истар эдик. Болалардан ўз қўллари билан ясалган арча ўйинчоқлари, шунингдек, рождество бўтқаси учун ликопча ва қошиқ олиб келиш илтимос қилинди. Болалар дастурнинг кўплаб кўринишларида иштирок этиш имкониятига эга бўдилар. Рождество йўлакчасидаги барча нарсаларнинг бепул эканлиги, катта ёшдагиларни ҳайрат остида қолдирди.

Рождество йўлакчаси 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида ўтказиб келинмоқда. Дастурни ташкиллаштириш бўйича кўнгилиллар жавобгардир. Турли хилдаги рухсатларни бериш ва транспортни йўлга қўйишни ўз ичига олган ҳолда, инфратузилма бўйича Хельсинки шаҳрининг маъмурияти жавобгардир. Дастурга ҳар йили янги тадбирлар қўшиб борилади: ўрмон ҳайвонлари, гномлар, ўзининг сокинлик ва ёлғизлигига эга бўлган шамлар парки, малаклар ва рождество ширинликлари кўрғазмаси ва яна кўплаб бошқа нарсалар. Рождество тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказишда талабалар ва ўқувчилар фаол қатнашишади. Одатда Рождество йўлакчасида ўттизтага яқин станция бор ва уларни мувофиқлаштириш жуда силлиқ кечади, чунки ҳар бир станциянинг

ўз жавобгар кишиси бор. Тадбирда меҳмонларни табриклаш учун қатнашувчи Финляндия Президентининг рафиқаси, байрамнинг хомийси бўлиб хизмат қилади.

Тадбирларни очиқ ҳавода ўтказиш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Бахтимизга об-ҳаво бизнинг тарафимизда эди. Сўнгги йилларда Сеурсааридаги Рождество йўлакчаси, шу жумладан хорижий меҳмонларни ҳам ўз ичига олган ҳолда, 10 мингтадан 20 мингтагача иштирокчини тўплади. Эндиликда мамлакатнинг кўплаб бурчакларида ўз Рождество йўлакчалари ўтказилмоқда. Бу дегани, Рождество йўлакчасига талаб мавжуддир!

Рождество йўлакчаси ташаббускорлик, қатъият ва ишончнинг мўжиза яратиши мумкинлигини исботлади.

Марьялисa Кауппинен,
Рождество йўлакчаси асосчиси

94. ФИН ТАНГОСИ

Кўшиқчи Рейо Тайпаленинг таъкидлашича, танго – фин мадҳияси экан. Фин тангосининг пайдо бўлиши – бу Аргентина тангосининг 1940-1950 йилларнинг охирларидаги фин тангоси бўлиб қайта туғилишидир. Унинг кейинчалик ривожланиши ва мукамаллашиши – бу деярли 50 йилни ўз ичига олган жараёндир. Финляндияда 1890 йилларнинг охирларидан бошлаб, «ҳамишa-яшил» бўлган ва тангонинг Кубa йўналишидаги хабанера услубида ижро этилган La Paloma (1854) танилган эди. Аргентина тангоси 1910 йилларда Париждан Европа бўйича тарқалган. Танго оҳанги Финляндияда илк бора 1912 йилнинг ёзида жаранглади. Ўша пайти Санкт-Петербургда келган лўлилар гуруҳининг концерти ташкиллаштирилган эди. Кечанинг дастурида Аргентина, Бразилия ва Испания оҳанглари ижро этилган эди. 1905 йилда Финляндия El Choclo (Tulisuudelma 1905) ва Cumparsita (1917) билан танишди. El Choclo томошабинлар эътиборига 1913 йилда, оркестрнинг машғулотида намоён қилинган эди. “Cumparsita”нинг фин талқинидаги «Тропик тун», 1929 йилда Dallare оркестрининг иштирокида винилда чиқарилган эди. Илк фин тангосининг

ижодкори бўлиб, овозсиз кинога мусиқа ёзган Эмил Кауппи ҳисобланади.

Аввалига танго кўплаб ракс турларининг бири деб ҳисобланган. 1920, 1930 йилларда ракс оркестрлари Аргентина, немис, швед ва Литва танголанини ижро этишар эди. Баъзан тангонинг фин талқинлари ҳам ижро этилар эди: Мартти Яппиланинг «Ок опа» асари, Юхани Похьянмиеснинг «Куба серенадаси» асари, Георг Малмштейннинг «Хотира» асари ва Валто Тюнниланнинг «Кичик қалб» асари. Тангода асл фин мусикаси уруш йилларида жаранглай бошлади. 1941 йилдаги Арво Коскиманинг «Куз четани тагида» асари, 1942 йилдаги Роберт фон Ессеннинг «Кеч тушганда» асари ва Хелви Мякиненинг «Котка шахрининг атиргули» асари чинакам ютуқ эди. Тойво Кяръен ижодининг илдизлари уруш йилларига туташиб кетади. Ўша вақтларда у фронтда артиллерия офицери бўлиб хизмат қилган ҳолда танго мусикаларини яратган ва кейинги йигирма йил давомида бу ишда етакчиликни бой бермаган. Унинг ижоди маҳсулотларини афсонавий Хенри Дел ва Олави Вирта ижро этишган. Олави Вирта ўзининг лўлилар оҳанглари аънаналаридаги ижроси билан, ҳар бир тингловчини романтик муҳит билан камраб олган ва тез орада танго ижросининг тимсоли бўлиб қолган. Пентти Вихерлото, Каарло Валкама, Унто Мононен каби ва бошқа кўплаб танго мусикаси ижодкорлари ва ижрочилари унутилмайди.

Албатта, уруш даври фин тангосининг пайдо бўлиш сабабини тушунтириб бермайди. Ўша вақтлардаги, мисол учун «Узоқдаги дўст», «Узилган умидлар» ва «Карелия бўйнидаги кеча» каби машхур мусикаларда ўлимдан кўрқиш, келажакка ишончсизлик, яқинларни соғиниш ва ҳарбий ташвиқот мусиқа орқали фақатгина қисман узатилди. Муҳими шундаки, уруш йилларидаги куч ва илҳом ўз халқининг асосларидан изланган, онанинг кучоғидан олинганидек ўз халқининг меросларидан ҳимоя изланган. Тангонинг янги оҳангларида Аргентинанинг жўшқин хиргойилари эмас, балки аксинча – бўшаб қолган қишлоқларнинг сукунати эшитилар эди. Адабий танқидчилар ва тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, тангонинг янги матнлари ҳам фин халқ кўшиқлари, ҳам ўша даврлардаги адабиётнинг романтик орзуларини акс эттиради: қушлар овози остида орзу қилиш, йигит ёки қизнинг жингалак четан, чинор дарахти остида ғам чекиши, ўз қалбининг сирларини ишониб

топшириш учун нилуфар, куздаги анюта кўзлари ёки албатта кўк рангли бирон-бир бошқа гулни излаши. Юкки Аммонднинг фикрига кўра, фин тангосининг ғамгинлиги кўпинча финларнинг одамовилиги, хис-туйғуларни ифода этишдаги оғирлиги, уларнинг асоциаллиги билан изоҳланади. Аслида эса фин тангоси кечинмаларнинг финча усулини кўрсатишга ҳаракат қилади: финларнинг қайғу ва аламдаги сокин қайғуси, хушмуомалалиги, одоблилиги ва жонкуярлигини. 1940 ва 1950 йиллар даври мобайнида, Кертту Мустоненнинг қаламидан чиққан матнлар асосий фикрни ифода этар эди: Яхши кўр, азият чек ва унут (Даниель Катц).

Фин тангосининг мусикийлиги узокдан келган. Бир мақомдалик Аргентина тангосидан олинган ва бу рақсдаги нисбатан янги ҳодисадир. Мақом маълум бир шахвонийликни акс эттиради, аравакаш ва денгизчиларнинг бир-бирлари олдида ўзларини кўрсатаётган Буэнос-Айрес ва Монтевидео фоҳишахоналари ҳақидаги хотираларни эслатади. Фин тангосидаги мақом тинчрокдир: хабанера ва милонганинг жасоратли синкопалари юмшади, мусикий ҳамроҳлик мадҳия томон ўзгарди ва рақс уятчан қадам ташлаш бўлиб қолди. Жинсий фарқлар ҳар ҳолда сақланиб қолган: фин тангосида эркак бошлайди, аёл эса унинг ортидан итоаткорона кетади. Рақсдаги ушлаш, таранг тана ва рақс тушаётганлар таналарининг бир-бирига доимо тегиб туриши шахвоний муҳитни яратади. Шерикларнинг юрак уришлари яширин хабар жўнатади – дақиқада 140 зарба. Юрак одатда кучли ҳаяжон ёки оғирлик остида шундай ишлайди.

Танго оҳангларида гуноҳкорлик, айб туйғуси ва айни вақтда маълум бир ёруғ, ўзгача туйғулар доимо ҳис этилади. Оҳанг минор квинтетига ўралади. Калеваланинг руна ва қўшиқлари ҳам минорда ижро этилади, уларга ҳаётнинг ёруғ тароналарини григориан ва протестант черковларининг куйлари қўшиб боради. Айниқса, Унто Мононеннинг (1930-1968) кўплаб танголари азият чекиш ва кечирим сўрашлар маржонидан ташкил топган. Улар оҳангда эҳтиросларнинг яхлит ўрамига бирлашади. Масалан, барча даврларнинг энг сеvimли тангоси бўлган «Эртак мамлақати» тангоси, интуитив равишда «Эй Худо, кечир мени!» илтижосини ўз ичига олар эди. «Эртак мамлақати» бу фин ички руҳий сиқилишининг ярадор Малак киёфасидаги кучли ифодаланган талкинидир.

Тойво Кярки (1915-1992) томонидан яратилган машхур танголар эса аксинча, меҳр ва мулойимликни дилга солади. Тароналар асосида XIX асрнинг Шарқий Европа мусикаси ётади, айниқса Финляндиянинг мухторлиги даврида машхур бўлган рус романслари. Тангонинг «Тўлин ой», «Айрилиқ пайти гўзалдир», «Шунинг учун қайғураман» каби минор йўналишида, рус романсининг тангога ёруғлик, хотиржамлик, ўзгача хурсандчилик билан безак берувчи, бир қадах шампан шароби билан лўлиларнинг мулойим скрипкаси садоси остида, биллур кандил ёруғлигидаги осойишта кечани тасвирлаб берувчи оҳанглари тобора кўпрок эшитилмоқда. Рус мусикаси, шеърятти ва насрининг бадий бойлигидан Кяркидан ташқари бошқа фин бастакорлари ҳам фойдаланган: Пертт Вихерлуото, Лаури Яухийнен, Рейно Марккула. Масалан, «Қизил барглар» тангоси (Пентти Вихерлуото) бизни Антон Чеховнинг пьесалари оламига олиб ўтади.

Шундай қилиб, фин тангосининг кўп кирралиги ва бойлиги ҳаётни осонлаштиради ва умидларни вужудга келтиради. Шунинг учун фин тангоси – бу деярли миллат мадҳиясидир.

Пекка Яалканен,
Бастакор

95. ҲАР БИР ИНСОННИНГ ҲУҚУҚИ

Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи – бу Финляндияга кўҳна давлардан бери хос бўлган ва қисман қонунчиликка таянган, ер ёки сув ҳудудларидан мулкчилик шаклидан қатъий назар фойдаланиш ҳуқуқидир. Финляндия ва бошқа Шимолий мамлакатларда ҳар бир инсон ҳуқуқини барча жойларда жорий қилиш учун одатлардан тортиб то қонун қабул қилишгача бўлган яхши шарт-шароитлар мавжуд эди, чунки ушбу мамлакатларнинг умумий хусусияти, улардаги аҳоли зичлигининг нисбатан камлиги эди. Мисол учун, Бельгия ва Англия каби кўплаб Европа мамлакатларида эса аксинча, бировнинг ҳудудидан (еридан) эгасининг рухсатисиз ўтиб кетиш тақиқланади.

Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир инсон ҳуқуқи – бу ер майдонлари, ўрмонлар, сув хавзаларида мулкчилик шаклидан қатъий

назар эркин ҳаракатланиш ҳуқуқидир. Табиат қўйнида бўлиш, чанги учиш ёки велосипед ҳайдаш учун ҳеч қандай рухсатнома талаб қилинмайди.

Ҳар бир инсон ҳуқуқларига умумий белгилар хосдир. Ҳуқуқ ҳар бир инсон учун бепулдир, ҳуқуқдан фойдаланиш ўрнида ва зарар келтирмайдиган бўлиши керак. Бошқа қилиб айтганда, табиат қўйнида бўлиш табиатга зарар келтирмаслиги керак. Бироқ, эркин ҳаракат қилиш ўзгаларнинг ҳовлилари, далалари ва томорқалари бўйлаб сайр қилиш мумкинлигини англамайди. Қишда моточаналарда юриш фақатгина ер ёки ўрмон эгасининг рухсати билан мумкиндир. Чанги пойгалари, спорт ориентир олиш ва бошқа оммавий мусобақалар одатда ҳар бир инсон ҳуқуқига кирмайди, шунинг учун бундай оммавий тадбирларни ўтказиш ер эгасининг рухсатини талаб қилади.

Ички сув ҳавзаларида ҳаракат қилиш қонунга бўйсунди. Сувда ҳаракат қилиш ўз моҳияти бўйича исталган сув транспортида амалга оширилиши мумкин. Муз устида ҳаракат қилишга ҳам рухсат берилган. Баъзан дала ҳовли эгалари билан сув чанғиси ва сув скутери ишқибозлари ўртасида мунозаралар бўлиб туради. Соҳил бўйлаб сув транспортида учиш шовқин-сурон ва аҳоли учун ноқулайликлар келтириб чиқаради. Яқиндагина сув тўғрисидаги қонунга соҳил бўйи ҳудудларидаги ҳовли ва томорқаларни шовқиндан асрашни кучайтириш таклифи киритилди. Унга биноан, яшаш жойларида амал қилувчи тинчликни сақлаш бўйича қоидалар ён-атрофдаги соҳилларга ҳам амал қилади.

Бир-икки кун давомидаги вақтинчалик лагерлар ва чодирлик сайрлар кенг тарқалган ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Шунга қарамай, гулхан ёкиш учун ер эгасининг рухсати керак. Сайёҳнинг қатъий мажбурияти - бу табиатда тинчликни сақлаш ва тозалikka риоя қилишдан иборатдир. Табиат қўйнида трейлерда яшаш ер эгасининг рухсатини талаб этади, чунки бу транспорт воситасидан ва тўхташ жойидан фойдаланишга алоқадордир.

Резавор мевалар, қўзикорин ва гуллар териш – бу ҳар бир инсоннинг одатий ҳуқуқидир. Ушбу табиат инъомларини ҳаракат қилиш рухсат этилган барча жойларда териш мумкин. Ҳар йили Финляндияда 50 миллион килограммгача резавор мевалари терилади. Оилаларнинг ярмидан кўп қисми резавор мевалар териш

билан шуғулланади. Баъзи бир ўсимликлар табиатни асраш тўғрисидаги Қонуннинг ҳимояси остида ва уларни териш чеклангандир. Сув хавзаларидаги сувдан хўжалик эҳтиёжлари ва уй хайвонлари учун фойдаланишга русат берилган. Аксинча, ер ости ва сув ости қазилмаларидан фойдаланиш ҳар бир инсон ҳуқуқи эмасдир.

Балиқ овлаш ва муз остидан балиқ тутиш ҳар бир инсоннинг ўзгармас ҳуқуқидир ва ушбу ҳолат балиқчилик тўғрисидаги Қонунда белгилаб ўтилган. Финларнинг тахминан 40 фоизи, ёки 2 миллионтаси бир йилда ҳеч бўлмаса бир маротаба бирон-бир балиқ овлаш тадбирида қатнашади.

Финляндиядаги ҳар бир инсон ҳуқуқи, фуқаролар томонидан маъқулланган ва юридик асос билан мустаҳкамланмаган жамоатчилик қонунидир. Ушбу ҳуқуқлар фақатгина финлар учунгина амал қилмайди. Ушбу тарихдан келиб чиққан «ижтимоий янгилик» барча хорижий меҳмонларга ҳам амал қилади.

Юха Коркеаойа,

2003-2007 йилларда Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазири

96. ҲАР БИР КУН МУҲАББАТИ

Финлар – бу ўзига жуфт топишга интилувчи халқдир. Аҳолининг умумий сонидаги бўйдоқлар сони жуда паст даражада қолмоқда. 2015 йилда ўтказилган сўнгги FINSEX тадқиқотлари натижаларига кўра, мамлакатдаги балоғатга етган эркекларнинг 87 фоизи ва аёлларнинг 85 фоизи оилавий муносабатларга эга. Ушбу рақамларга биргаликда яшамайдиганлар, яъни ҳар хил манзилларда рўйхатда турганлар ҳам киритилган.

Аҳолининг фаровонлиги нуқтаи назаридан баҳо берилганда, тадқиқот натижалари бизнинг жамиятимиздаги ижтимоий ҳолат бўйича анча ижобий кўриниш акс эттирмоқда. Оилавий муносабатлар ҳаётдан хурсанд бўлиш ҳиссини сезиларли даражада кўпайтирган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, агарда шу туфайли одамларнинг ёлғизликни ҳис қилмасликлари мумкин бўлса, у ҳолда бутун ҳаёт ҳам одатда яхши деб баҳоланади. Оилавий муносабатлар ва муҳаббат ёлғизликнинг энг яхши давосидир.

Оилавий муносабатлар ҳаётдан бахтли бўлиш ҳиссига ўз ҳолича олиб келади, лекин ушбу ҳисга айниқса эр-хотин ўртасидаги ўзаро муҳаббатнинг ёрдами каттадир. Биргаликда яшайдиган барча жуфтликларнинг тахминан 80 фоизи шундай муҳаббатни ҳис қилади. 2015 йилнинг тадқиқотларига кўра, агарда жуфтлик ўз муносабатларида ўзаро муҳаббат билан яшаётган бўлса, у ҳолда бундай жуфтликлардаги одамларнинг 87 фоизи ўз муносабатларини деярли бахтли деб, 38 фоизи эса жуда бахтли деб ҳисоблашган.

Жуда кўп инсонларнинг ҳаётдаги ва оилавий муносабатлардаги бахтлилик ҳислари чамбарчас боғлиқдир. Агарда инсон ўз ҳаётида бахтли бўлса, у ҳолда унинг оилавий муносабатларини ҳам бахтли деб таъкидлаш мумкиндир. Ва аксинча, ҳаётда бахт бўлмаса, демак оилавий ҳаётга ҳам жуда бахтли деб баҳо бериб бўлмайди.

Тадқиқотларга кўра, бахтли ҳаёт ва оилавий муносабатлардаги бахт деярли айнан бир хил. Бу ҳақиқатдир, чунки яхши ва бахтли оилавий муносабатлар инсон учун жуда кучли ижтимоий ва руҳий манба беради. Шу туфайли бутун ҳаёт ҳам бахтли туюлади. Ҳаёт у ёки бу сабаблар орқали синов қилган пайтларда айнан оилавий муносабатлар мустаҳкам таянч бўлиши ва ушбу қийинчиликларни енгишга ёрдам бериши мумкин.

Оилавий муносабатлардаги бахтлилик ва қониқарли деб баҳоланадиган биргаликдаги жинсий ҳаёт ўртасидаги кучли боғлиқликнинг аниқланиши, FINSEX тадқиқотларининг энг муҳим натижаларидан бири бўлди. Барча сўровномага жавоб берган инсонларнинг тўртдан уч қисми ўз оилавий муносабатларини деярли бахтли деб ва ўзаро жинсий ҳаётларини, ҳар ҳолда деярли қониқарли деб ҳисоблашган. Бундай жавобни респондентларнинг бахтли оилавий муносабатлар нуктаи назаридан жинсий алоқанинг муҳим омил эканлиги тўғрисидаги фикрга эга бўлганлари беришди. Ўз оилавий муносабатларини жуда бахтли ва биргаликдаги жинсий ҳаётларини жуда қониқарли деб ҳисоблаган ўша 20 фоизнинг ишлари жуда яхши кетаётган эди. Ушбу икки нарса кўпинча ўзаро қўллаб-қувватлашга сабабчи бўлади.

Оилавий бахт ва жинсий ҳаётдан қониқишнинг бир-бирига боғлиқлиги одатий ҳодиса бўлиб қолди. Жуфтликларнинг ичида ўз оилавий ҳаётларини бахтли, лекин биргаликдаги жинсий ҳаётларини қониқарсиз деб ҳисоблайдиган 2 фоиз ҳам бор эди. Эр-хотин жинсий

алоқасиз ҳам бахтли бўлиши мумкин дейилганда, бу гап биргаликда яшовчи барча жуфтликларнинг айнан шу кичик қисмига алоқадордир.

Ўз табиатига кўра жинсий алоқа фақатгина қовушиш жараёнини англатмайди, лекин жуфтликларнинг ниҳоятда катта қисмида жинсий алоқа биринчи навбатда айнан қовушиш деб тушунилади. 2015 йилдаги тадқиқот натижаларига кўра, сўнгги бир йил мобайнида жинсий алоқалари бўлмаган жуфтликларда, жинсий алоқанинг бошқа шакллари ҳам камдан кам амалга оширилган.

Жинсий алоқанинг бўлмаслиги турмуш ўртоқлари орасида жисмоний яқинликнинг йўқлигини англатмайди. Лекин, агарда жуфтликда сўнгги йил давомида қовушиш бўлмаган бўлса, у ҳолда жисмоний яқинлик ҳам жуда кам бўлган. Масалан, қовушмаган жуфтликлардаги ҳар иккинчи эркак ва ҳар иккинчи аёл бир бирлари билан ўпишмаган. Фақатгина ҳар тўртинчиси ҳафта давомида ўз жуфти билан бир неча бор ўпишган.

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, биргаликда яшовчи жуфтликнинг жинсий муносабатлари жуфтликдаги муносабатлар сифатининг, шу жумладан жуфтликнинг нақадар ўзини бахтли деб ҳисоблашининг эҳтимоли энг муҳим. Бахтнинг калити кўпинча жуфтинг эҳтирослар жиҳатидан нақадар жозибали эканлигини кўрган ва англаган жойингда ётади. Шунга қарамай, олдинги муносабатлар ҳам инсоннинг кейинги муносабатларда ўзини аввалгисига нисбатан озгина бахтлироқ ҳис қилиши жиҳатидан ўз изларини қолдиради. Бахтли бўлиш ҳиссининг амалий таъсири шундаки, ҳақиқий жуфти билан бахтли ҳаёт кечириш шароитидаги бошқа муносабатларга кириш истаги анча камроқ бўлади.

Осмо Контула,

Тадқиқотчи-профессор, Финляндиянинг оила федерацияси

97. ҚИШКИ БАЛИҚ ОВИ

Тахминан 9500 йил муқаддам музлик Финляндиядан чекинди ва Саймаа-Пиелинен бассейни муздан халос бўлди. Ушбу ҳудудларга 8500 йил муқаддам келган фин-угор овчилари балиқ овининг муҳимлигини тушуна бошладилар. 4000 йил аввал улар балиқ ови

учун ёғоч ва суяклардан балиқ тутиш илгаклари ясашни бошладилар. Қадимги турар-жойлар жойлашган ерларда тошдан ясалган қармоқтошлар топилди ва улар одамларнинг ўша даврларда ҳам ўткирланган қармоқ таёғи учини оғирлик вазифасини бажарувчи тош ва тутқич билан бирлаштиришни билишини исботлади. Тахминан 5000 йиллик эртаги турар-жойларда яхши ўткирланган ва силлиқланган қармоқлар топилди. Қармоқ ипи вазифасини дарахт пўстлоғи ёки қичитқи ўтдан тўқилган ип, ҳайвон пайлари ва от ёли бажарар эди. Тош асри топилмаларидан бўлган, лос суякларидан ясалган муз ёриш қозикларининг учлари ҳам қишки балиқ ови амалининг далолатидир.

Қишки балиқ ови тарихининг илдизлари минглаб йиллар аввалга тақалади. Германн Кауффманн (Hermann Kauffmann) 1864-1866 йиллардаги ўзининг хотираларида, Тампере яқинидаги Хатанпя бўғозида қишки балиқ ови тўғрисида ёзиб қолдирган. Унинг сўзлаб беришича, қишнинг совуқ тонгида шаҳарлик усталарнинг шогирдлари ва бадавлат кишилар, ҳаяжонли балиқ ови илинжида у ерда тўпланишар ва бир маромдаги юмуш билан завқ олган ҳолда муз устида ўтиришар эди. Уларнинг барчаси қимирламай ўтирар ва балиқ ҳеч кимда тугилмаганидек туюлар эди. Сув ташиш каналари ўриндик бўлиб хизмат қиларди. Ушбу каналар яна бошқа фойдали вазифани ҳам бажарарди: кечга томон келган батраклар ўзларининг чарчаб қолган хўжайинларини шаҳарга қайтариб тортиб кетишар эди. Батраклардан муз устида туйнукларни қозик билан очиш учун ҳам фойдаланишар эди. Кауффманн қишки балиқ овини ижтимоий жиҳатдан баҳолаш ва унинг жамоат ҳаётидаги муҳим аҳамиятида адашди: «Зерикарли қиш кунларини ўтказишга қисман ёрдам берувчи, ҳозирги кундаги спортнинг ушбу соғлом, қувноқ ва фойдали тури унутилса керак. Давр ўзгарди ва биз ҳам ўзгардик».

Қишки балиқ овига қарши чиққанлар доимо мавжуд бўлган. 1902 йилда Финляндия ҳукумати қишки балиқ овининг қоидаларини чоп этди. Ушбу қоидаларга биноан, қишки балиқ ови балиқларга бериладиган зарар сабаби кўрсатилган ҳолда тақиқланди. Ўша вақтлардаги балиқ ови жараёнида қимирламайдиган илмоқли қармоқлардан фойдаланилар эди ва балиқ хўракни тортган заҳоти илмоққа маҳкам илиниб қолар эди. Амалдаги қоидаларга биноан, балиқ тугилгандан сўнг дарҳол ўлдирилиши шарт.

Муз остидан балиқ овлаш Иккинчи Жаҳон Урушидан аввал бутун Финляндия бўйича машҳур бўлиб кетди ва урушдан кейинги йилларда мисли кўрилмаган машҳурликка етишди. Қишки балиқ овининг тарқалишига ўз хунар ва моҳирликларини олиб келган кўчманчилар ҳам сабабчи бўлишди. Ҳар бир кишининг балиқ овлаш бўйича қонуний ҳуқуқлари кўшимча овқат топишга имкон берди.

Саноатнинг ривожланиши натижасида, иш вақти ва балиқ овлаш билан боғлиқ дам олиш чегаралари аниқ белгилаб кўйилди. Урушдан тирик қайтган уруш фахрийлари қишки балиқ овини фаол қизиқишга айлантиришди, спиртли ичимликлар ушбу тадбирнинг мутлақ аломати бўлиб қолди.

Финляндиядаги сув ҳавзаларининг кўпроқ қисми хусусий эгаллик остида ва балиқ овлаш жамиятларининг назорати остидадир. Шунинг учун ҳам рухсатнома олиш анчагина қийин иш эди, айниқса 1950 йилларда. Ўша пайтларда балиқчи, балиқ овидан кўра кўпроқ вақтни рухсатнома олишга сарфлар эди. Балиқчилик ва муз ости балиқ ови ишқибозлари жамиятининг ташкил қилиниши рухсатномалар олиш жараёнини осонлаштирди ва эркин балиқчилар устидан назоратни кенгайтирди.

Фин жамиятида яхши ғояларга уларни йўқ қилиш даражасига қадар қарши чиқиш истаги доимо топилади. 1982 йилда қишки балиқ ови учун рухсатнома бериш бўйича вилоят бўлими кўлларида олабуғанинг йўқ бўлиб кетиши, соҳил бўйидаги причал ва ҳаммомларнинг бузилиб кетиши билан таҳдид солар эди. 1996 йил балиқ овлаш тўғрисидаги қонунга қарши чиққанлар томонидан айтилган ва ушбу қонун мамлакатнинг мулки ва конституциясига таҳдид солиши тўғрисидаги фикри билан эсда қолди. Конституциявий комиссия 1982 йилда акваторияларга эгаллик қилишнинг балиқ овлаш ҳуқуқини келтириб чиқаришини эълон қилишга мажбур бўлди ва ушбу ҳолат мулкчиликнинг анча яхши шаклидир. Ҳар бир кишининг ҳуқуқи бўлган қармоқ билан балиқ овлаш ёки қишки балиқ ови, ёки пуллик ёки бепул балиқ овлашга асосланган вилоят ёки давлат томонидан бериладиган рухсатномалар, сув ҳавзалари ва бошқа мулкчилик объектлари эгалари учун ҳалокат эмас. Жамоатчилик тузилмаси ҳам хусусий кўл ва дарёлардаги балиқ овлаш сабабли парчаланиб ва бузилиб кетгани йўқ. Аксинча, балиқ овлаш учун тадбирлар ва саёхатларни ташкил

килишда қишлоқни ривожлантириш сиёсати учун фойдаланилмаётган улкан имкониятлар яширинган.

Қармоқ ёрдамидаги оддий балиқ ови ва қишки балиқ ови парламент депутатларининг ташаббуси орқали 1997 йилдан бошлаб ҳар бир инсон ҳуқуқига айланди. Албатта, ушбу ҳуқуқ конунчилик томонидан ўзгартирилиши мумкин, лекин мен кўлларнинг ҳаттоки энг ашаддий эгалари ҳам балиқчилик ишқибозларининг 1,5 миллионлик армиясига қарши чиқади ва ҳаваскор балиқчилик келтириб чиқарадиган ўша улкан имкониятларини шубҳа остига қўяди деб ўйламайман.

Ҳозирги замоннинг муз остидан балиқ овлаш ҳаваскори, XIX аср бошларидаги балиқчининг ёнида космонавт бўлиб кўринади. Балиқчилик анжомлари иссиқ комбинезон ёки қутқарув костюми, совуқ ўтмайдиган этиклар, парма, иссиқ ўриндиқли арава, ёрқин ранг-баранг қармоқлар, қуёшга қарши кўзойнак, турли хил чиройли балиқ овлаш воситалари, пластмассадан ясалган турли хилдаги ва ўзидан хид тарқатувчи хўрақлар, кечаси елимбалиқ тутиш учун пешонага тақиладиган чироқ ва яна кўплаб нарсалардан ташкил топган. Космик технология ҳам, мисол учун сунъий тола ва кўплаб нарсаларни ихтиро қилиш орқали балиқчилар учун тенги йўқ ёрдам кўрсатди. Янги брэнд ва интилишлар замонавий балиқчининг дунёсини хилма-хиллаштиради, лекин сен муздаги туйнукка қараб хотиржамлик ва ўзинг билан ҳамжиҳатликда бўлганинда ёки энг яхши дўстларинг билан мутлақ руҳий осойишталикда оламни ўзгартираётганиндаги эркинлик қишки балиқ овининг энг катта завқи бўлиб хизмат қилади.

Қари Райамяки,

2003-2007 йилларда Ички ишлар вазирини, 1983-2015 йилларда парламент депутатини

98. МУЗДАГИ ДАРЧАДА ЧЎМИЛИШ

Мен кичкина бўлганимда, совуқ куз кунларининг бирида уйга ҳўл қўлпайпоқлар билан келганим ҳақида онам сўзлаб берган эдилар. Онам: «Қўлларинг музлаб қолмадими?» - деб сўрадилар. Мен қўлларим музлашни бошлаши билан, уларни эриётган қор

кўлмақларида иситганим ҳақида жавоб қайтардим. Тахминимча, аждодларимиз ҳам худди шу йўл билан, тажрибалар орқали совук сувнинг иситиш таъсирини билиб олганлар.

Бундан бир неча ўн йиллик ўтгач, декабр кечасида мен Крунунхақадаги жамоат саунасида бўлдим ва саунага келган аёл билан моржлаш тўғрисида гаплашиб қолдим. У Хельсинки шахрининг «моржлар» жамиятини жуда мақтади ва ушбу тўғаракка қандай ёзилиш мумкинлигини маълум қилди.

Келаси ёзда мен «моржлар» жамиятига аъзо бўлиш тўғрисида ҳамма нарсани билиб олиш учун Лииса исмли аёлга мурожаат қилдим. Ўша вақтда Лииса 80 ёшдаги тажрибали «морж» эди. Мен уни ўчоқда балиқ шўрвасини аралаштираётган ва қуймоқ пишираётган вақтда кўрдим. Бу таомлар сузувчиларнинг бутун гуруҳи учун рамзий тўлов ҳисобига эди.

Мени илиқлик ва хушқайфият билан кутиб олишди. Мен ўша вақтнинг ўзидаёқ у ерда бўлган ёқимли муҳитга кириб кетдим. Гуруҳ ўша вақтда мени ўз кучоғига қабул қилган қатта бир оила каби эди. Шундай қилиб, мен кутилмаганда «моржлар» тўғараги орқали янги танишларга эга бўлдим ва бу одамларнинг ичида ўзимни доимо ардоқли ҳис қилдим. Янги дўстлар мен билан керак бўлган вақтларда доимо гаплашишга тайёр эди. Лекин, ҳеч ким ортикча саволлар билан безовта қилмас эди, одамни одоб билан тинч қўйишарди.

«Моржлар» жамоасидаги коллективизм аъло даражададир, бу замонавий фин жамиятида жуда ҳам етишмайди. Ўша вақтда ҳаммомни бир маротабалик буғ бериш учун тайёрлашар эди. Бу иш билан гуруҳнинг нафақахўр-аъзолари шуғулланар эди. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатлар эркин ва табиий эди. Ҳар бир киши жамиятнинг ишлаётган аъзоларининг кундузи келиб ҳаммомни тайёрлашга имконияти йўқлигини тушунар эди. Бу ишни нафақахўрлар мамнуният билан бажаришар эди. Ушбу анъана авлоддан авлодга ўтишини ҳамма биларди.

Ҳаммом аслида муз дарчасида сузишнинг мажбурий унсури эмасдир. Ҳаммом мунтазам равишда буғхонада исиниб олган ҳолда, муз дарчасида чўмилишга бир неча маротаба имкон беради холос. Аслида эса буғхонадан сўнг муз дарчасида чўмилиш – бу икки хил машғулотдир. Муз дарчасида чўмилиш енгиллик ва фароғатнинг тез таъсирини беради. Муз дарчасида чўмилишлар орасида ҳаммомга

кириш катта ижтимоий аҳамият касб этади ва ҳам жисмоний, ҳам руҳий жихатдан тўлиқ енгиллашиш нуқтаи назаридан тенги йўқдир.

Тажрибам бўйича «моржлаш» – бу ижтимоий нуқтаи назардан аъло даражадаги машғулотдир. Муздек сувда сузиш, унга шўнгиш ва ўз устидан сув қуйишдан хосил бўладиган енгиллик ва эркинлик туйғуларини бу машғулот билан қизиқмайдиганларга тасвирлаб бериш мушкулдир. Вужуднинг совуқ сувга тушганда совуққа мослашиши ва тананинг тўлиқ роҳатланиши ҳолатига баҳо бериш учун бир маротаба совуқ сувга тушиш етарли эмасдир.

Бизнинг жамиятимиздаги барча «моржлар», ҳамманинг биргаликда сузиши учун имкон берувчи махсус чўмилиш либосларида сузишади. Шундай қилиб кўпчилик оилалар, баъзан эса болалар ҳам муз дарчаларида сузиш билан биргаликда шуғулланишади. Одатда кўприкчаларда янгиликлар билан бўлишилади, куннинг воқеалари ҳақида гаплашилади ва янги латифалар айтилади.

Сўнги вақтларда муз дарчасида чўмилиш жуда ҳам машхур бўлиб кетмоқда. Бу машғулот учун ҳам маълум бир анжомлар зарур. Янги сузувчиларнинг қўлларида қўлпайпоқлар, оёқларида эса бу иш учун махсус тайёрланган оёқ кийимлари кийилган. Машғулот кенг тарқалган бўлиб қолди ва кўпгина машхур кишилар «моржлаш» билан шуғуллана бошлади. Улар муз дарчасида қанчалик тез-тез ва нима учун чўмилаётганликлари тўғрисида бажонидил интервью беришади.

Лекин, энг асосийси ўзгармай қолмоқда – машғулот ҳамон роҳат бағишламоқда.

Паула Кокконен,

2004-2011 йилларда Хельсинки шаҳри ҳокимининг ўринбосари, 1995-2003 йилларда парламент депутати, 2000-2003 йилларда Конституциявий Кўмита раиси

99. ФИН ЛАПТАСИ

Фин лаптасининг тарихи ўз илдизлари билан юзлаб йиллар аввалга туташиб кетади. Финляндияда тўп ўйинлари XVII асрда ҳам мавжуд эди. Ушбу ўйинларнинг бир қисми, ўрта асрдаги скандинав

ва немис ўйинларининг тарихи билан бир хил. Тўплик ўйинлар айниқса XIX асрнинг охирларида машҳур эди. Қувноқ ва кўнгилочар, улар одамларни ҳам шаҳарларда, ҳам кишлоқларда бирлаштирар эди.

Тахко Пихкала замонавий фин лаптасининг асосчиси ҳисобланади. Бу воқеа 1922 йилда, эски тўп ўйинининг қоидалари асос сифатида олиниб, гуруҳ ўйинини мусобақа руҳига қарамай бошчиликка қўйган янги ўйин қоидалари ишлаб чиқилган вақтда рўй берди. Тахко ўзининг янги қоидаларини ҳам киритди: тўпни тутиш пайтидаги шикастланиш хавфи ва бир уйчадан иккинчисига югуриб ўтишга ҳалакит берувчи жуда тор йўлак. Шунингдек, у Америка бейсболидаги қоидаларнинг бир қисмини ҳам олди. Шу туфайли Тахко Пихкала фин лаптасини айнан миллий спорт тури сифатида яратган эди. Бунинг мақсади ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб қилиш, одамларни бирлаштириш ва мамлакатни ҳимоя қилиш учун тайёргарликни оширишдан иборат эди.

Фин лаптаси халқаро мақомга эга бўлолмаган миллий спорт тури бўлганлигига қарамай, у мамлакатда жуда кенг тарқалган. Ўйиннинг ёш ва тайёргарлик даражасидан қатъий назар ҳамма учун мос келиши, ҳамда қимматбаҳо спорт анжомлари ва ўйин майдонларини талаб қилмаслиги, унинг ҳамма ерда кенг тарқалишига кўмак берди. Ўйин мактабларда ҳам сеvimлидир. Халқ бутун мамлакат бўйича бўлаётган мусобақаларни бажонидил кузатади.

Фин лаптасини Финляндия, Швеция, Швейцария, Англия, Норвегия, Австралия, Эстония ва Янги Зеландияда ўйнашади. Чет элда, Эстонияни ҳисобга олмаганда, ўйинни Финляндиядан кўчиб келганлар ўйнашади. Фин лаптаси улар учун ватан билан алоқада бўлиш ва миллий маданиятни сақлаш сифатидадир.

Фин лаптасининг юксалиши урушдан кейинги даврга тўғри келди. Саноатнинг ривожланиши ва мамлакатни урушдан кейин қайта тиклаш айнан ўша вақтда бошланди. Фин лаптаси ўз моҳияти билан мамлакатнинг барча аҳолисини синфларга ажратмаган ҳолда боғлаб турувчи риштага айланди.

Фин лаптаси – бу спортнинг мусобақа туридир ва лаптанинг ривожланиш жараёни, спортнинг ҳар қандай бошқа мусобақа турининг ривожланишини акс эттиради. XX асрнинг охирги ўн

йиллигида ушбу спорт тури жуда ҳам тижоратлашиб кетди. Йирик пул тикишлари ва келишиб олинган ўйинлар сал қолса машхур спортни ҳалок этарди.

Фин лаптасининг ушбу инқирозида, ўйиннинг келажакдаги ривожланиши учун ижобий таъсир ҳам топилди. Ўйин жамиятнинг замонавий эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда ўз асосларига қайтарилди. Одамларнинг жамоат ишларида ўзларини кўрсатишларига имкон берувчи Фин лаптаси жамиятини ташкил қилиш ғояси шундай пайдо бўлди. Фин лаптаси жамияти маданиятни ривожлантириш ва янгилашдаги муҳим бўғин ҳисобланади. У жисмоний тарбия, спорт ва жамоат ривожланишига таъсир кўрсатади. Жисмоний маданият Фин лаптаси жамияти орқали бутун мамлакат аҳолисининг саломатлик ва қобилият даражаларини акс эттиради.

Фин лаптаси – бу кўп қиррали ва ижодкорона спорт ўйинидир, лекин фақат бугина ҳам эмас. Бу аграр жамиятда фин зукколиги ва айникса, болалар ва ёшлар тарбияси ва инсонлар ўртасида мулоқот қилишдаги ижтимоий эҳтиёжлар натижаси сифатида пайдо бўлган ижтимоий инновациядир. Ушбу ҳолат ҳозирги компьютерлашган жамият шароитларида айникса муҳимдир.

2006 йилнинг феврал ойида, маданият вазири Танья Карпелага турли хилдаги жамоат ташкилотларининг фаолияти бўйича тақдим қилинган ҳисоботда, Фин лаптаси жамияти спорт ва жисмоний тарбияни тарғиб қилиш соҳасидаги фаол фаолият намунаси сифатида кўрсатиб ўтилган.

Маркку Пуллинаен,

1974-2006 йилларда Фин лаптаси жамиятининг ижрочи директори

100. СКАНДИНАВЧАСИГА ЮРИШ, ЁКИ ТАЁҚЛАР БИЛАН ЮРИШ

Скандинавчасига юриш ёки таёқлар билан юриш Финляндияда ҳам спорт юришининг машхур ва кенг тарқалган тури бўлиб қолди. Ушбу мақолани ёзиш пайтида тахминан 800 минг киши ҳар ҳафта скандинавчасига юриш билан шуғулланмоқда ва финларнинг 1,5 миллионгадан ортиғи юришнинг ушбу тури билан энг жиддий

максадларда танишган. Таёқлар билан спорт юриши Марказий Европа ва Европанинг бошқа Шимолий Мамлакатларида Финларнинг кўрсатган ўрнаги орқали чинакам шов-шув яратди. Ҳозирги кунда ушбу машғулот дунё бўйича тарқалган.

Юришнинг ушбу турининг бошланғич асосларини аниқлаш ҳозирда мушкулдир. Апостол Павел ўз вақтида йиртқич ҳайвонларни таёқ ёрдамида ҳайдаган эди. Альп тоғларида юриш давомида таёқлардан фойдаланилган. 1950 йиллардаги спорт мусобақаларида спорт таёқлари билан табиат кўйнидаги аэробика бўйича машғулотлар ўтказилган. Таёқлар билан юришнинг оммавий бўлиб кетишининг бошланиши деб, 1980 йилларнинг охирларида «Фин чанги йўли» жамияти томонидан ташкиллаштирилган спорт тадбирини ҳисоблаш мумкин. Унда жамият чанги сафарини фин спортчиси Лаури Тахко Пихкаланинг ҳайкалини зиёрат қилиш орқали амалга оширишга қарор қилди. Ўша йилда қор йўқ эди. Шу сабабли Маунуладаги кулбадан бошлаб йўлни пиёда, чанги таёқлари билан босиб ўтишди. «Фин чанги йўли» жамиятининг бошқарувчиси Туомо Янтунен ушбу фикрнинг муаллифи эди.

Ушбу саёҳатдан сўнг таёқлар билан юриш машғулооти тарқалишни бошлади ва 1990 йилларнинг ўрталарида юриш учун махсус тайёрланган таёқлар савдога чиқди. Ушбу машғулот билан тобора кўпроқ одамлар қизиқишни бошлади. 2001 йилда мен Финляндия Парламенти қошида таёқлар билан спорт юриши тўғрагини ташкил қилдим. Бунга муносабат ижобий бўлди: спортнинг ушбу турида иштирок этиш ниятидагилар сони тобора кўпаймоқда эди.

Биз ҳар йили парламентда таёқлар билан юриш бўйича ғолибни танлаймиз.

Спорт юришининг саломатликка бўлган таъсири ўрганиб чиқилди ва натижалар ҳайратга солади. Умуман олганда, ушбу машғулот ҳаракатланишга ва ўз вужудининг чарчаётганлигининг белгиларини пайқашга қодир бўлганларнинг барчасига тўғри келади. Агарда таёқлар одамнинг бўйига мос равишда танланган ва киши юриш техникасидан хабардор бўлса, у ҳолда унумдорлик оддий юришга нисбатан 40-50 фоиз кўпроқ бўлади. Бундан ташқари, таёқлар билан юриш тиззаларга тушадиган оғирликни 30 фоизга камайтиради. Ушбу машғулот болалардан то кексаларгача бўлган

барча ёшдагилар учун мос келади. Тахминан бир соат давомида юриш тавсия этилади. Айни вақтда тўртта «Р»: Pitää pystyä puhumaan ruuskuttamatta қондасига амал қилиш, яъни гапирган вақтида нафаси қисилиб қолмайдиган ҳолатда юриш зарур. Ҳафтасига икки маротаба амалга ошириладиган, мунтазам равишдаги бир соатлик машғулотлар жисмоний ҳолатни ушлаб туради. Янада тез-тез амалга ошириладиган машғулотлар эса одамни пишиқроқ қилади.

Устига-устак, юриш мижоз ва руҳий ҳолатга таъсир кўрсатади ва вазнини назорат қилишга кўмаклашади. Бадандаги ёғларнинг эриши тахминан бир соатлик юришдан кейин бошланади, шу сабабли вазнининг камайиши ҳам мумкин.

Спорт юриши ҳамма ерда тарқалган. 2000 йилда Финляндия ҳарбий журнали, Гвардия егерлик полки таркибидаги Уусимаа Егерлар батальони учун тажриба машғулотларини ташкиллаштирди. Унда аскарлар тўлиқ қурол-аслаҳалар билан таъминланган ҳолда 7 километрлик тезкор маршни амалга оширишлари керак эди. Таёқлар ёрдамида юрган аскарлар айни вақтда ўзларини анча яхши ҳис қилган ҳолда ушбу масофани таёксиз юрганларга нисбатан 3 дақиқа эртароқ босиб ўтишди. Аскарлар тежаб қолинган 3 дақиқани баландликларга кўтарилишда ютишди. Аскарларнинг фикрига кўра, машғулотлар хизмат ўташ учун ижобий тажриба берди.

Таёқлар билан юриш, бардавом қолиш учун келди. У жуда машхурдир ва унга нисбатан қизиқиш кўпайиб бормоқда. Аҳоли ўртасида 1998 йилда ўтказилган сўровлар ҳеч кимнинг таёқлар билан юришга қизиқмаслигини кўрсатди. Ҳозирги кунда эса, Европа микёсида таёқлар билан юриш машғулотларида фаол қатнашувчи миллионлаб одамлар ҳақида сўзлаш мумкин. «Фин чанги йўли» жамияти, Финляндия спорт ўқув юрти ва эҳтимол, яна кўплаб бошқа ташкилотлар, шунингдек, спорт юриши техникаси бўйича мураббийлар ва спорт инвентари ишлаб чиқарувчилари биргаликда яхши ихтирони амалга оширидилар. Унинг ёрдамида фин ўзининг жисмоний ҳолатини яхши даражада тутишга осонроқ эришмоқда.

Эро Акаан-Пенттиля,

Парламент депутаты, 1999-2011 йилларда парламентдаги скандинавчасига юриш клубининг президенти

101. ИДИШ-ТОВОҚЛАРНИ ҚУРИТИШ ШКАФИ

Иш унумдорлигини ошириш институтининг 1940 йилдаги ихтироси, фин ошхонасини янада рационал қилиб қўйди. Бошланғич ҳолат оддий эмас эди: шаҳар хонадонларидаги ошхона ва уй хизматчисининг хонаси хонадоннинг ҳовли томонидаги қоронғу қисмида жойлашган ва ошхонадан емакхонагача бўлган йўл кўпинча узун ва эгри эди. Қишлоқ ҳудудларида таомни тайёрлаш бир хонада амалга оширилар эди. Ўша хонада ҳам ухлашар, ҳам бошқа уй юмушларини бажаришар эди. Одатда ушбу хона кенг, лекин ундан фойдаланиш унумдор эмас эди. Анжомларни сақлаш учун махсус жой бўлмаганлиги сабабли, улар кулбанинг ҳамма бурчакларида ётар эди. Идиш-товоқ тоғорада ювилар, 1920 йиллардан бошлаб эса рух билан қопланган махсус столда ювилар эди

Рационал қарорлар уй юмушларини бажариш давомида сарфланадиган вақт ва ушбу ишларнинг қийинчилиги бўйича тадқиқотларга асосланган эди. Уй юмушларининг тахминан ярим қисми овқат тайёрлаш билан боғлиқ эди. Тик туриш, бирон нарса олиш учун чўзилиш, эгилиш ва бирон нарсани ташиш – буларнинг барчаси чарчатар ва кўп вақт олар эди. Майю Гебхард аёлнинг умри давомида тахминан 29 минг соат ёки 10 йил мобайнида кунига 8 соатдан дам олиш кунларисиз идиш-товоқ ювишини ҳисоблаб чиқди.

Ошхонани қайта жиҳозлаш ҳисобига ушбу муддатни тахминан 3 соатга камайтиришга муваффақ бўлинди.

Қишлоқ ҳудудларида сув тизимларини ўтказиш ошхонадаги меҳнатни камайтириш учун биринчи шарт эди. Иссиқ сувни ўтказиш ҳам муҳим эди. Идиш ювиш машиналари ҳали Америка янгиликларида эндигина танилаётган вақтларда, Майю Гебхард идиш-товоқ ювишни енгиллаштирадиган учта йўналишни белгилаб қўйди. Биринчиси – идиш-товоқларни тежаш. Шўрва солинадиган чиройли ликопчалардан иккинчи таомларни солиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. иккинчиси – идиш-товоқ ювиш жараёнини энг унумли даражада ташкиллаштириш: ишлатилган идиш-товоқ учун жой, иссиқ сув билан ювиш чаноғи ва чайиш чаноғи ўнг томондан чап томонга қараб жойлашади. Учинчиси – идиш-товоқни қуриштириш босқичидаги тежаш.

Меҳнат унумдорлигини ошириш институтининг тадқиқотларига биноан, қуритиш шкафининг энг мақбул ҳолда жойлашиши бир кунда ярим соатдан икки соатгача бўлган вақтни тежашга имкон берди. Шу билан бирга, идиш-товоқ сочиқлари ҳам тежаб қолинади. Ошхона столи ҳам бошқа мақсадлар учун бўшатишга бўлар эди. Ошхона деворларидан идиш-товоқ қуритишда фойдаланиш фикри шундай пайдо бўлди. Токчалар ювилган идишларга чанг тушмаслиги учун деворлар билан ёпиб қўйилди. Қуритиш шкафи шундай пайдо бўлди.

Илк қуритиш шкафлари ёғочдан ясалган қуритиш жойларига эга эди. Ошхоналарнинг кўпчилигида қуритиш шкафи ягона мебел жихози эди. Меҳнат унумдорлигини ошириш институтининг уй-рўзғор бўлимида, 1940 йилларда уй мебелларини лойиҳалаштириш ишлари билан шуғулланишар эди. Мебел чизмаларини айнан ўша жойдан олиш мумкин эди. Қуритиш шкафлари Меҳнат унумдорлигини ошириш институтининг устахонасида сотиш учун ясалар эди.

Ошхона мебелининг саноат даражасида ишлаб чиқарилиши 1948 йилдан бошланди. «Энсо-Гутцайт Торнатори» заводлари биринчи бўлиб Меҳнат унумдорлигини ошириш институтининг тадқиқот натижалари ва рационал таклифлари асосида тайёрланган «Энсо» мебелларини оммавий равишда чиқаришни бошлашди. Ушбу мебел жихози қошиқ, вилка ва пичоқлар учун ёғоч бўлимлар ва қозон копоқларини илиш учун шкафнинг эшигига ўрнатилган махсус туткичлар каби қулай мосламаларга эга эди.

Одамлар анча вақтлардан бери идиш ювиш машиналаридан фойдаланишаётган бўлса ҳам, қуритиш шкафи ханузгача кенг тарқалгандир. Қуритиш шкафларида кастрюллар, озиқ-овқат маҳсулотларини музлатиш учун пластмасса идишлар, вазалар, ёғочдан ва қумушдан ясалган буюмлар қуритилади. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларининг бошларида, Меҳнат унумдорлигини ошириш институти қуритиш шкафларини янги тадқиқотлар натижалари бўйича ўзгартирди. Идишларни қуритиш панжарасининг катакларини майда буюмлар тушиб кетмаслиги учун кичикроқ қилишди. Идиш ювиш воситаларини алоҳида ажратиш қўйишди, болалар сўргичи ва идишлари каби енгил пластмасса буюмлари учун шкафнинг эшигида махсус жой ажратилди; булардан ташқари,

шишалар учун махсус сават ўрнатилди. Қуришиш шкафининг пастки бўлимларида катта, оғир нарсалар туради, ликопчалар устки токчаларда қурилади.

Пиркко Касанен,

*Меҳнат унумдорлигини ошириш институтининг тадқиқотлар
бўйича собиқ директори*

102. КИР ЮВИШ ҲАВОЗАЛАРИ

«Гидам ва пояндозларни ювишда кўп миқдорда сув керак бўлади. Ювиш жойи шундай ташкил қилиниши керакки, унда гилам ёки пояндознинг бир томони чўтка билан ювиш жараёнида сувда туриши керак. Гилам ёки пояндоз чайилганидан сўнг сиқилмаган ҳолда ўт ёки қоя устида, албатта сояда қуриш учун қолдирилади». Пояндозларни ювиш бўйича бундай тавсиялар 1938 йилда чоп этилган «Рўзғор тутиш асослари» китобида берилган.

Кўп миқдордаги сув ва очиқ ҳавода қуришиш имкониятлари, сув ҳавзаси қирғоғига чиқиши мумкин бўлганлардагина мавжуд эди. Шаҳарликлар учун бундай имкониятлар маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан кир ювиш ҳавозаларини қуриб бериш орқали яратиб берилди. 1890 йилдаёқ Тампередаги Хямеенлин кўпригининг чеккасида ҳам кир кийим-кечак, ҳам пояндозларни ювиш мумкин бўлган ҳавозалар қурилди. Кейинчалик шаҳарларда кир ювиш хоналари қурилган эди. Вақт ўтган сайин кир ювиш машиналари оилалардаги кир ювиш ишларини энгиллаштирди. Лекин, кир ювиш ҳавозалари ҳамон керакли эди, фақат эндиликда уларни гилам ва пояндозлар ювиш ҳавозалари, яна ёзги меҳмонхона деб аташди.

Финляндиядаги оддий пояндоз – бу мато қийқимларидан тикилган пояндоздир. Пояндоз ўзида экологик жиҳатдан тозаллик ва аёлларнинг ишбилармонлигини бирлаштирди. Қуроқли пояндоз тикиш ускунасида эски қийимлардан ҳосил бўлган пояндоз матоси билан ўзаро бир-бирига боғланган латта қийқимларидан тикилади. Қуроқли пояндоз ўз номи ва таркибидан қатъий назар, уй газмолининг муҳим намунаси ва уй бекаси маҳоратининг кўрсаткичидир. Пояндознинг пишиқлиги, чеккаларининг текислиги, чизик ва рангларнинг мослиги – бу ишнинг бош мезонларидир.

Уйда тикилган пояндозларни асрашади ва авайлашади. Пояндозларни сув ҳавозаларида ювиш жуда кенг тарқалган. Шу билан бирга, ювилган пояндозлар уйга тозалик ва хушбўйлик олиб киради.

Авваллари сув ҳавозалари тош устига ташланган бир жуфт тахтадан иборат бўлар, уларнинг устида аёллар пояндозларни чўткалар билан ювишар эди. Вақт ўтган сайин сув ҳавозаларини кенгрок ва бақувватроқ қилиб куришни бошлашди. Кўпчиликнинг фикри бўйича, ҳавозалар устига қўйилган ва кир ювувчилар учун уларнинг ичида белларини букмасдан туриб пояндозларни ювишларига имкон берувчи катта бочкалар яхши қўшимча бўлиб хизмат қилди. Ҳавозаларнинг текис бўлган устки қисми пояндозларни чўтка билан ювиш вақтида уларнинг шаклини бузмаслиги муҳим эди. Ҳавозалар шундайгина сувнинг устида қурилганлиги туфайли сув олиш ва пояндозларни чайқаш осон кечарди.

Гилам ва пояндозларни ювиш ҳавозалари ханузгача ҳам соҳилларда жойлашган, лекин шаҳардаги ҳавозаларда кир ювиш жойлари қирғоққа кўчирилган ва оқава тизимларига уланган. Шу йўл билан сув ҳавозаларининг ифлосланишига чек қўйилган. Экологияга ғамхўрлик қилувчи одам ишлатилган сувнинг тўғридан-тўғри сув ҳавзасига тушишига йўл қўймайди. Табиат учун мутлако хавфсиз бўлган кир ювиш кукуни мавжуд эмас, лекин энг катта ифлосланиш пояндозларни ювишдан ҳосил бўлувчи балчикдан келиб чиқади.

Сув, чўтка, қарағай совуни ва озик-овқат солинган сават – ханузгача ҳам гилам ювишнинг асосий воситаларидир. Яхшилаб ивигилган пояндоз икки томондан ва олти йўналишда чўтка ёрдамида ювилади. Ҳозирги вақтда узун дастали чўткадан фойдаланилади. Атроф-муҳит учун унчалик зарарли бўлмаган қарағай совуни ювиш учун одатий восита бўлиб хизмат қилади. Суяк ҳолатдаги қарағай совуни сувда яхши эриб кетади.

Пояндозларни мўл сув билан яхшилаб чайиш – уларни ювишдаги энг муҳим ҳаракатдир. Тажрибаси йўқ уй бекаси пояндозлар ювилганидан сўнг рангини йўқотади ва чеккаларидан бошлаб сарғайишни бошлайди деб тан олиши мумкин. Пояндознинг ранглари ўчиб кетмаслиги учун у узунасига, чизиклар бўйича

илинади. Агарда пояндоз саргайиб қолса, бу ҳолат унинг етарли даражада чайқалмаганлиги ёки жуда ҳам узок вақт қуриганлигидан далолат беради. Пояндоз тик қўёш нурлари остида куйиб кетиши мумкин, шунинг учун ҳам уни сояда қуришти лозим. Кўплаб сув ҳавозаларида сиқиш пресси ёки ғалтакмола ҳам бор. Уларнинг ёрдамида ортиқча сувни сиқиб чиқариш мумкин.

Табиат қўйнида, сувнинг ёнида гилам ва пояндозларни ювиш ханузгача ҳам финларнинг ёқимли машғулотларидан биридир. Ювиш учун энг яхши вақт – бу ёзнинг бошидаги куюшли кундир. Илиқ шабада пояндозларни тезда қурилади. Толиқтирувчи ювишдан сўнг тамадди қилиш ёқимлидир. Фойдали равишда ва бошқа одамлар билан биргаликда ўтказилган вақт коллективизмнинг бебаҳо тажрибасини беради.

Пиркко Руусканен-Парркоски,

*2015 йилдан бошлаб Финляндия аҳоли пунктлари федерацияси
бўлими бошқарувчиси*

103. ҚУРУҚ ҲОЖАТХОНА

Ҳожатхона – бу худди бошпана, овқат ва тоза сув каби муҳим ишдир. Афсуски, бу ҳаётий эҳтиёж эканлигига қарамай инсон ҳуқуқи эмасдир. Финляндияда деярли бир миллион киши шаҳар сув-оқава тизимларига эга бўлмаган ҳолда яшамокда. Улар сувли оқава тизими бўлмаган, яъни қуруқ ҳожатхоналардан фойдаланишади.

Аҳолининг жойлашиши сийрак бўлган худудларда сув-оқава тизимини қуриш самарадор эмас. Бундан ташқари, ҳожатхоналар табиатга зарар келтирмайди. Оддий одамлар ўртасида ҳожатхоналар ва кўчадаги ҳожатхоналар ахлатларидан фойдаланиш тўғрисидаги суҳбатлар одатдаги ҳолдир. Финляндия сув билан таъминлаш ва оқава сувларни чиқариш бўйича халқаро микёсда талабга эга бўлган юқори билим ва тажрибага эга ва бунга қуруқ санитариядан фойдаланиш тажрибаси ҳам аъло даражада қўшимча бўлиши мумкин.

Инсоннинг ҳаёти давомида келиб чиқадиган чиқиндиларни йўқ қилиш бўйича барқарор ечим ҳалигача ҳам топилгани йўқ. Ер сайёрасида яшовчиларнинг атиги бешдан бир қисми сув-оқава

тизимлари мавжуд бўлган жойларда яшамокда, дунёдаги оқава сув ва чиқиндиларнинг атиги 50 фоизи тозалаш иншоотларига келиб тушмоқда. Сайёрадаги аҳолининг учдан бир қисми ўз ҳаётида бирон мартаба ҳам ҳожатхонага кирмаган.

Ривожланаётган мамлакатларда соғлиқни сақлаш учун ажратиладиган, шусиз ҳам жуда кичик бўлган бюджетнинг ярми диарея ва шахсий гигиена қоидаларини сақламаслик оқибатида келиб чиқувчи бошқа касалликларни даволаш учун сарфланади. Истеъмол қилиш учун ифлос сувдан фойдаланиш одамларни заифлаштиради ва болалар, ОИВ-инфекция билан касалланганлар ва кексаларни нобуд қилади. Бу кунига 5000-6000 болани ўлдирадиган оммавий қотилдир.

«Куруқ ҳожатхона» жамияти ўз фаолияти орқали Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қўйилган барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қўмаклашади. Олтинчи рақамдаги барқарор ривожланишнинг мақсади, ҳамма учун сув манбалари ва санитариянинг мавжудлиги ва рационал фойдаланилишини таъминлашдан иборатдир. Ҳожатхонадан фойдаланмайдиган одамлар сонини икки ҳисса камайтириш зарур. Профессional даражада қайта ишланган куруқ санитария, таркибида юкумли касалликларни келтириб чиқарувчи патоген бактериялар мавжуд бўлган ахлатларнинг тарқалишига йўл қўймайди. Ахлатлардан ерни бойинтиришда фойдаланилади. Агарда табиатда жуда кам миқдорда учрайдиган, ўсиш минерали бўлмиш фосфор модда алмашинувига қайтадиган бўлса, у ҳолда очлик муаммоси қисман ҳал этилади. Қолоқ мамлакат ва худудларнинг хўжалик, ижтимоий ва экологик нуқтаи назардан барқарор ривожланиши касалликлар, очлик ва қашшоқлик енгилган вақтларда амалга ошиши мумкин. Буларнинг барчаси учун тоза сув ва ичимлик сувлари захирасининг ҳимояси зарур. Ҳожатхона ҳам тенг ҳуқуқлилик масаласидир. Ҳар ким ҳожатхонадан хавфсиз фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳожатхоналарни тозалайдиган ишчилар ҳам эътирофга лойиқлар.

2015 йилда жамият Тампере шаҳрида бешинчи марта халқаро конференцияни ўтказди. Дунёнинг турли жойларидан келган мутахассислар учрашишади, билим ва тажрибаларни алмашишади ва янги ғояларни киритишади. Конференция мақолалари китоб ҳолатида чоп этилади ҳамда дискга ёзилади. Конференция ўқув

маркази ҳам ҳисобланади, чунки бундай соҳадаги таълим муассасалари сони кам, ўқув материаллари эса умуман йўқ.

Барча маълумотларни бир ўртага тўплаш керак. Тадқиқот ва тажрибалар ўтказишни давом этиш, янги техника ва ускуналарни яратиш лозим. Конференция доирасида мунтазам равишда ташкил қилинадиган оқава тизимлари жиҳозларининг «Қуруқ ҳожатхона» (Dry Toilet) номли кўрғазмаси ишлаб чиқарувчиларни жалб қилади ва конференциядаги маъруза ва баёнот маълумотлари тўғридан-тўғри уларга ҳам етиб боради.

Аста Райала,

«Қуруқ ҳожатхона» жамиятининг собиқ президенти

104. «ТЕЛБАЛАР ҲАЁТИДАН» ЛАТИФАЛАР

Ўзига паст баҳо бериш руҳий касалликларга чалинган одамларнинг энг асосий муаммоларидан биридир. 1990 йилларда Руҳий касалликлар иттифоқи руҳий касаллар томонидан ўзларига бериладиган баҳони юксалтириш лойиҳасини амалга оширишни бошлади. Лойиҳа йўналишларининг бири руҳий касаллар, психиатр-шифокорлар ва руҳий касалхоналар тўғрисидаги латифа, ҳазил ва воқеаларни тўплашдан иборат эди. Тадқиқот учун маълумотлар Иттифоқ аъзоларининг ўзлари томонидан тақдим қилинар, шунингдек, касалхоналар ходимлари ҳам латифалар тўплашда қатнашар эди.

Маълумот тўплаш кутилганидан ҳам кўпроқ натижалар берди. Айниқса руҳий касалликларларга чалинган одамлар унда фаол иштирок этишди. Маълумот тўплаш жараёнида улар ўзларининг устиларидан қулишни ўрганишди ва бу нарса соғайиб кетишнинг мутлақ шартларидан бири эди. Латифа ва воқеаларнинг 90 фоизи айнан руҳий касалликларга чалинганлар томонидан тўпланган эди. Ёзувчи Калеви Калемаа «Унитазда балиқ овлаш мумкинми?» (1997) номли китоби учун 400 донадан ортиқ латифа ва чўпчакларни танлаб олди. Финляндия учун катта миқдор ҳисобланган, адади 30 минг нусхадан иборат бўлган китоб жуда машҳур бўлиб кетди ва шу заҳотиёқ тарқалиб кетди. Китоб чоп этилганда Иттифоқ бошқарувчиси Юсси Сяркеля ва ёзувчи Калеви Калемаа, кўп сонли

рухий касалхоналар беморларидан иборат тингловчиларни тўплаган кулги ва юмор кечаларини ўтказиб бутун Финляндияни айланиб чиқишди.

Майла унитаз ювиш чўткасини харид қилганидан икки кун кейин дўконга қайтариб берди. Сотувчи: «Сиз бирон-бир камчиликни топдингизми?» - деб савол берди. Майла: «Йўқ, ҳаммаси кўнгилдагидек шекилли. Фақат қоғоздан фойдаланиш ёқимлироқ экан» - деб жавоб берди.

Лойиха доирасидаги фаолият бўйича берилган фикрлар ижобий бўлса ҳам, ушбу компанияга қарши чиққанлар ҳам топилди. Баъзи бир рухий касаллар жиддий мавзуларга юмор билан муносабатда бўла олмадилар ва буни тушунса бўлади. Айниқса, буни касалларнинг яқинлари ва қариндошлари оғир қабул қилдилар. Бу нарса авваламбор касалликнинг ҳам бемор, ҳам унинг яқинлари учун оғир ҳодиса эканлиги билан ифодаланади. Шунингдек, соғликни сақлаш муассасалари ҳам касалларнинг ҳаммасини парвариш ва даволаш билан таъминлай олмайди. Қариндошларнинг зиммасига катта масъулият тушади.

«Телбалар ҳаётидан латифалар» кейинчалик рухий касалларнинг ташаббуси билан давом этди. Шу орқали Иттифоқнинг тамойиллари ҳаётга қуйидагича тадбиқ қилинди: рухий касалликларни даволаш ва олдини олишнинг ривожланиши ва фаолияти, Иттифоқнинг 20 минг нафардан ортиқ одамни бирлаштирувчи 150тадан ортиқ маҳаллий бўлимларида фаоллашди.

Рухий касалларнинг ўзларига берадиган баҳолари юксалди, улар ўз бўлинмаларининг тутган ўрни ҳақида кўпроқ нарсаларни ўрганишди ва ушбу ҳолат эндиликда ўз аъзоларининг эҳтиёжлари ва хоҳишларини кўпроқ эътиборга олувчи Иттифоқнинг стратегияси ва сиёсатида акс этди.

Юсси Сяркеля,
публицист-адиб

105. «АФРИКА ЮЛДУЗИ» ҶИНИ

Илк стол Ҷини бўлган «Африка Юлдузи» Ҷини 1951 йилнинг кузида дунёга келди. Кари Маннерла исмли ёш фин дунёдаги энг йирик олмос бўлмиш «Африка Юлдузи» ҳақида ўқиб қолди ва Африканинг инглиз тилидаги харитасини қўлига олди. У ушбу харитадан ўзига ёққан топографик номларни танлаб олди. У йўл чизиқларини чизиб, кема ва самолётларнинг йўналишларини қўйиб чиқди. Булардан сўнг, у Ҷини давомида фақатгина танланган йўналишда ҳаракат қилмаса ҳам бўлишини ўйлаб топди. Ҳар ким ўз йўлини танлаши мумкин. Ҷинининг энг бош ғояси – бу бир томонида расм чизилган ва Ҷинчилар уларнинг тагида нима яширинганлиги билмасликлари учун Ҷини майдони бўйича расми пастга қараб ётқизилган фишкалар эди. Қароқчи ва такалар Ҷинининг қўшимча унсурлари эди.

Кари Маннерла 14 ёшлигидан бошлаб ўнлаб турфа Ҷиниларни ўйлаб топган: «Тотализатор пойгалари», «Босқинчини ушлаш», «Марсдаги уруш», «Денгиз даҳшати», «Инқлар хазинаси» ва бошқалар. У Ҷиниларни унча катта бўлмаган, бир марталик ҳақ эвазига мактаб анжомлари дўконлари компаниясига сотар эди. Кекса сотувчи одатда: «Мана, Ҷиничи яна келаяпти» - деб айтар эди.

«Африка Юлдузи» Кари Маннерланинг сўнгги Ҷини эди. У уни 19 ёшлигида ўйлаб топган ва унинг катта ютуқ бўлишини тахмин қилган эди. У Ҷинини «Тилгманн» нашриётига таклиф қилди. Нарх устида икки йил тортишилди ва охир-оқибатда Кари ўн мингта нусхани тайёрлаш учун унча катта бўлмаган муаллифлик гонорарига рози бўлди. Бироқ битта шарт қўйди: кейинги тираж бўйича шартнома алоҳида тузилиши шарт. Босмаҳона бошқаруви дарҳол рози бўлди, чунки улар бу Ҷинининг иккинчи тиражи бўлмаслигига амин эдилар. Аммо бунинг акси бўлди. Ҷини келгуси йилнинг ўзидаёқ 10 000 нусхалик тиражда чиқди ва унинг тиражи йиллар сайин ортиб борди. Етти йил ичида 100 мингтадан кўп Ҷини сотилган эди.

«Тилгманн» нашриёти Ҷини ишлаб чиқаришни 1971 йилда тўхтатди. Ундан кейин Ҷинининг ишлаб чиқарилиши билан «Палете» концерни шуғулланди, 1992 йилда эса ишни «Пелико» босмаҳонаси давом этди. «Пелико» босмаҳонасининг асосчиси

бўлган Эско Эронен ўйиннинг маркетинги билан 30 йил давомида, ҳали «Палете»да ишлаган вақтларидан бери шуғулланган.

«Африка Юлдузи» ўйинининг миллионинчи нусхаси 1968 йилда сотилган. Куусамодаги мактаб ўқувчиси бўлган кизча ўйинни харид қилган бўлиб чиқди ва ўйин билан биргаликда совғага ҳам эга бўлди. 2013 йилга келиб мамлакатда ушбу қизиқарли ўйиннинг 4 миллиондан кўпроқ нусхаси сотилган. Бутун дунёда эса жами бўлиб «Африка Юлдузи» ўйинининг 3,5 миллион нусхаси сотилган. Ўйин Швеция, Норвегия ва Данияда ҳам худди Финляндиядагидек машҳурдир. Австрияда ушбу ўйин 20 йилдан бери ўйналмоқда. Россия, Эстония, Венгрия ва Чехия – булар сотиш учун янги бозорлар.

Эҳтимол, унинг асосчиси ўйинни сотувга жуда кеч, 1980 йилларда таклиф қилганлиги сабабли ўйин кенг миқёсдаги бозорга барибир чиқолмади. Стол ўйинларининг дунёдаги энг йирик етказиб берувчиси бўлган Америка Қўшма Штатлари ўйинни тарқатишга кизиқиш билдирмади ва Африканинг 1950 йилларда машҳур эмаслигини, ўйин ҳаракатларини Яқин Шарққа кўчириш кераклигини таъкидлаб ўтди. Кари жавобан унда Тарзанни ҳам ўша жойга кўчириш кераклигини айтди. Немис нашриётларининг фикрига кўра, «Африка Юлдузи» ўйининг бошқа саргузашт ўйинларидан ҳеч қандай фарқи йўқ экан. Ўйинни инглиз тилида чоп этиш унинг бутун дунё бўйича тарқалишига ёрдам берар эди, лекин турли сабабларга кўра бунинг уддасидан чиқишнинг иложи бўлмади. Швейцарияда ўйин немис, француз ва итальян тилларида чиройли безатилган русумда чоп этилди. Бироқ, айрим сабабларга кўра икки йилдан сўнг бозордан чиқариб ташланди.

Кари Маннерла нафақага чиққанида ўйиннинг картадаги талқинини чиқариш фикрига келди. 1966 йилдан бошлаб 50 мингдан кўп «Африка Юлдузи» карта дасталари сотилди. У Veikkaus номли кимор ўйинлари корпорацияси билан «Африка Юлдузи»нинг расми туширилган лаҳзалик лотерея карточкаларини сотиш бўйича 3 йиллик шартнома тузди. Карточкалар 10 миллиондан кўп сотилган. 2006 йилда Кари Маннерла «Инклар хазинаси» ўйинини яратди. Бу ўйин «Африка Юлдузи»нинг ҳаракатлари Жанубий Америкага кўчиб ўтказилган, ўзгарган шакли эди. Ўйин жуда тез машҳур бўлиб кетди.

Ўйиннинг «Амер» компанияси томонидан яратилган компьютердаги тури ҳам бор. Бироқ, у бозорга унча қулай бўлмаган вақтда чиқиб қолди ва муваффақиятга эга бўлолмади.

Кари Маннерла,
«Африка Юлдузи» ўйинининг яратувчиси

ХОТИМА

Ушбу китобнинг яратилиш тарихи қизиқ. Биз Кари Валимяки билан 1989 йилда Москва шаҳрида, жамиятнинг ривожланиши учун бутун мамлакатдан ақл бовар қилмас ғояларни тўплаган Ижтимоий инновациялар жамғармасида танишиб қолдик. Жамғарма бир йил аввалги ижтимоий новаторлар форумини ўтказиш вақтида ташкил қилинган эди. У ҳозирги Slush форумининг прототипи сифатида эди ва ушбу прототип бизга қўшни бўлган мамлакатда пайдо бўлди. Ушбу форумда мамлакатнинг 25та энг йирик оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган эди. Форумнинг раиси Юрий Подшиваловнинг айтишича, ахборотлар базасида 15 мингта ғоя тўпланган эди.

1993 йилда Келлокоскида, мен ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, ижтимоий хизмат ва соғлиқни сақлашнинг амалий ҳамкорлиги масалалари бўйича семинар ташкил қилдим. Сирпа Таскинен (Sirpa Taskinen) менга савол берди: «Илкка, Stakes аслида нима эканлигини айтиб берасанми?». Семинарда 30 нафарга яқин бақувват полициячилар бўлганлиги сабабли, агарда мен оддийгина қилиб Stakes – бу Ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш соҳасини ўрганиш ва ривожлантириш Миллий маркази деб жавоб берганимда, у ҳолда хижолат чекишим мумкин эди.

Шунинг учун бизнинг иккита йўналишимиз мавжудлигини айтдим: техник инновациялар бўйича масъул бўлган Tekes ва ижтимоий инновациялар бўйича масъул бўлган Stakes. Финляндия ҳам инновацияларнинг ушбу икки тури туфайли ривожланмоқда!

Ноябр ҳаракати 1967 йилда, Финляндиянинг мустақиллиги 50 ёшга тўлганида, Финляндияда мавжуд бўлган 50та камчиликдан иборат рўйхатни тузди ва уларни бартараф этишни талаб қилди. 1997 йилда, Финляндия ўз мустақиллигининг 80 йиллигини нишонлаётган вақтда мен Рухий саломатлик бўйича Марказий

иттифоқнинг раиси эдим ва 80та камчиликдан иборат бўлган рўйхатни тузиш таклифини бердим. Доимо ғояларга тўла бўлган ва Марказий иттифоқнинг ўша вақтдаги ижрочи директори лавозимидаги Юсси Сяркеля (Jussi Särkelä) ушбу ғояни рад этди ва Финляндияга алоқадор бўлган 80та ижобий ҳолат бўйича маълумотлар тўплаш ғоясини таклиф қилди. Газеталарга эълон берилди, лекин маълумотларни тўплашнинг иложи бўлмади. Лекин ушбу ғоя менга ушбу китобни яратиш учун туртки бўлди.

Ижтимоий ихтиро ёки инновациянинг нима эканлиги бўйича турли хилдаги фикрлар бўлиши мумкин. Энг яхши ечим Social Problems номли халқаро журналда таклиф қилинган эди: «Ижтимоий муаммо нима дегани? Ижтимоий муаммо деб, биз уни ижтимоий деб топган ва номлаган муаммога айтилади». Ушбу китобдаги инновациялар ҳам шу тарзда танланган. Кўплаб инновациялар ушбу нашрга у ёки бу сабабларга кўра киритилмади, чунки уларнинг азалда Финляндияда ихтиро қилинганлигини кўшимча равишда ўрганиб чиқиш керак. Қуйидаги инновациялар шулар қаторидан жой олган:

- Ойлик маошни банк ҳисоб рақамига ўтказиш ва нақдсиз ҳисоб-китоб;
- Қулликка қарши чиқиш ёки деҳқоннинг мустақиллиги;
- Ер бўйича йирик ислохотлар;
- Нисфификорликнинг тугатилиши ва нисфификорнинг ерни сотиб олиш ҳукуқи;
- Цензурани бекор қилиш тўғрисидаги қонун ва унга алоқадор бўлган сўз эркинлиги;
- Кўчмас мулклар рўйхати;
- Омбудсменлар институти;
- Газета ва журналларни уйғача етказиб бериш;
- Мактабларда уй ҳўжалигини юритиш асосларини ўқитиш ва ўғил болалар учун меҳнат дарслари;
- Урушда қатнашганлар учун ер участкалари ва уй-жой ажратиш;
- Урушда ҳалок бўлганларни ўз кичик ватанларида дафн қилиш;

- Эҳсон йиғиш учун ясалган уруш ногиронларининг ёғоч хайкалчалари;

- Ижтимоий таъминотнинг асосчилари;
- Руда излаш ва минераллар излаш;
- Финляндия маданият жамғармасининг мактаб ўқувчиларининг ёрдамидаги маблағ тўплаш орқали ташкил топиши;

- Ўғил болалар ва қиз болалар учун умумий мактаб;
- Дастгоҳ;
- Педагогик мактаб;
- Slush лойиҳаларининг «старт-ап»лар кўргазмаси;
- «Бувининг меҳмонхонаси» (Mummon Kammar) номли Кексаларга ихтиёрий ёрдам кўрсатиш Маркази.

Рўйхатга ўз рафиқаларини ташиб ўтиш бўйича мусобақалар, этик отиш бўйича беллашмалар, ботқоқ футболли, ўз эрларини аравачада ташиб ўтиш мусобақалари, чумоли индида ўтириш мусобақалари ёки тасаввур қилинган гитарада куй чалиш бўйича мусобақаларни кўшимча қилиш мумкин – ушбу мавзулар 2013 йилдаги почта маркаларида акс эттирилган эди.

Ушбу учинчи нашрга аввалги икки нашрнинг қуйидаги боблари кирмаган:

- Шифокорнинг столдаги китоби;
- Театр ва музейларнинг фаолиятига кўмаклашиш;
- Allianssi номли Ёшлар ташкилотлари иттифоқи;
- «Имкониятлар майдони»;
- «Фоизлик ҳаракат»;
- Фин караокеси;
- Пўстлоқли нон;
- Мямми;
- НК:n sininen сосискаси – аёлларнинг халоскори;
- «Аёллар ўнлиги»;
- Кемидаги қор қалъаси;
- Спиртли ичимлик орқасидан Эстонияга ралли;
- Тузланган қизилмиялик ароқ;
- Қизилмия;

- Ксилитол;
- Stakes номли Ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш соҳасида ўрганиш ва ривожлантириш Миллий маркази.

Бундан ташқари, китобнинг япон тилидаги нашрида Tekes номли Техник инновацияларга кўмаклашиш маркази ва Sitra номли Келажакни ривожлантириш бўйича инвестиция жамғармаси тўғрисидаги боблар бор эди.

* * *

Ўз китобхонларимдан янги ғояларни олишга умид қиламан.
Уларни қуйидаги манзилга юбориш мумкин:

Leo Mechelin säätiö c/o Pikkukoskentie 20 C
00650 Helsinki
FINLAND

Илкка Тайпале, 2017 йилнинг апрел ойи.

ФИНЛЯНДИЯНИНГ 100 ТА ИЖТИМОЙ ИННОВАЦИЯСИ

**ФИНЛЯНДИЯ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФИНЛЯНДИЯ
БЎЛДИ: СИЁСИЙ, ИЖТИМОЙ ВА МАИШИЙ
ИННОВАЦИЯЛАР**

ИЛККА ТАЙПАЛЕ таҳрири остида

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2019

Муҳаррир Аҳрор Аҳмедов
Бадий муҳаррир Баҳром Бобожонов
Саҳифаловчи Мастура Атхамова
Мусахҳих Маъмура Зиямуҳамедова

Нашр лицензияси: АІ № 201, 28.08.2011.

Босишга 06.11.19 йилда рухсат этилди. Бичими 60x901/16. “Times New Roman” гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 15,45. Нашр босма табоғи 13,45. Адади 1000 нусха. 642-сон буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

**“Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
100000. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**